



Акбар  
Мирзо



СҮНГГИ  
НИДО

4







Акбар  
Мирзо



# СҮНГГИ НИДО

Роман  
Иккинчи нашри

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2019

УЎК 821.512.133-31  
КБК 84(5У)6  
М 54

Ватан мустақиллигини сақлаш йўлида жонини фидо қилган  
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти  
Ислом Каримовнинг ёрқин хотирасига ҳамда Миллий хавфсизлик  
хизмати ва Ички ишлар вазирлиги ходимларига бағишланади.

**Масъул муҳаррирлар:**

Ҳабиб Абдиев, Қаҳрамон Маҳхамов

**Тақризчилар:**

Уткир Комилов, истеъфодаги генерал майор;  
Маҳмуд Йўлдошев, истеъфодаги полковник

**Маслаҳатчи:**


Ашл Содиқбеков, истеъфодаги полковник

**Мирзо, Акбар**

М 54 Сўнги нидо/А. Мирзо. — Тошкент: «O'zbekiston»  
НМИУ, 2019. — 384 б.

Мазкур роман «Аёзи чўзилган баҳор», «Ажал билан юзма-юз»  
ва «Суиқасд» китобларининг мантиқий давомидир. Мустақил-  
ликнинг дастлабки ўн йиллигида мамлакатимизда содир этилган  
даҳшатли воқеалар киши аёзининг ҳамон давом этганидан дарак бе-  
ради. Тошкентдаги террор, Сурхондарё ва Андижон воқеалари — бу  
фожиалар киши қалбини ларзага солади. Умрининг охиригача Ўзбе-  
кистон халқининг озодлиги, тинчлиги ва фаровонлиги учун кураш-  
ган Биринчи Президент юрагида сўнги давларда миллатга қарата  
айтмоқчи булган қандай тилаги, даъвати — нидоси булган?

Бу сирни ҳаётини воқеа ва бадиий тўқималар асосида ёзилган  
ушбу асарни ўқиб билиб оласиз.



УЎК 821.512.133-31  
КБК 84(5У)6

ISBN 978-9943-25-499-2

© Акбар Мирзо, 2018, 2019.

© «O'zbekiston» НМИУ, 2018, 2019.

Ю 46945  
391

## НАШРИЁТДАН

Азиз замондош!

Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинким, мана йигирма етти йилдирки, Ватан озодлиги — мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлиб, тинч ва фаровон ҳаётда яшаб келмоқдамиз. Бироқ бу осойишталик, хотиржамлик ўз-ўзидан бунёд этилгани йўқ. Ўтган асримизнинг 80-йиллари охири — 90-йиллар бошидаги мамлакатимизда кечган оғир иқтисодий танглик, сиёсий беқарорликни ёдга олинг. Мустақилликка эришгач, юртимизда пайдо бўлган турли экстремистик гуруҳлар, уларнинг хуружлари ва ҳокимият учун олиб борган гоҳ махфий, гоҳ ошқора курашларини балки эслай оларсиз? Халифалик давлати қуриш учун майдонга чиқмоқчи бўлган бу гуруҳ аъзоларининг 1999 йил февраль ойидаги террорчилик ҳаракатларини унутмаган бўлсангиз керак?

2013 йилда истеъдодли ёзувчи Акбар Мирзонинг мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда рўй берган сиёсий жараёнлар ҳақида бадиий ҳикоя қилувчи «Ажал билан юзма-юз» романи нашрдан чиққан эди. 2016 йилда мазкур романнинг бевосита мантиқий давоми бўлган «Суиқасд» деб номланган янги асар китобхонларга тақдим этилди.

Ушбу асарларда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1991—1999 йилларда мустақил юртимизда олиб борган бунёдкорлик ишлари, мустақилликни асраш, мамлакатда ҳамон давом этаётган турли экстремистик гуруҳларнинг тазйиқларига қарши мардонавор кураши ҳақида ҳикоя қилинган. Эндиликда изланувчан ижодкор мазкур асарларнинг узвий давоми бўлган — «Сунги нидо» деб номланган янги романини ёзиб туталлади ва мамнуният билан Сиз азиз китобхонларга тақдим этмоқда. Асарда Биринчи Президентнинг 2000 йилдан то умрининг охиригача шу азиз Ватанимиз келажаги учун олиб борган эзгу ишлари, тинчлик учун чеккан изтироблари, Сурхондарё ва Андижондаги хуружларга қарши мардонавор кураши ҳақида ҳикоя қилинади.

\* \* \*

Суронли йилларда бўлиб ўтган икки воқеани Президент бот-бот эслаб турарди.

2000 йил бошидаги махфий йўлланган мактубдан:

— Сиз, жоним омонда қолди деб, жудаям севинманг. Бу сафар тасодиф туфайли ўлим сизни четлаб ўтди. Аммо кейинги гал унинг қонли панжасидан осонликча қутула олмайсиз. Ва билиб қўйинг, биз сизнинг тазйиқингиздан қўрқиб, жим бўлиб кетмаймиз! Яқин йилларда биз яна ўзимизни намоён қиламиз! Бу юртда Ислом байроғи ҳилпираб, Ҳалифалик жорий қилинажак!

— Ўзбекистон — мустақил давлат. Мен бир гуруҳ бузғунчи тўданинг эмас, халқнинг хоҳиш-иродасини қадрлайман. Бу юртнинг тинчлиги, озод ва ободлиги мен учун ҳамма нарсадан устун туради!

\* \* \*

2005 йил жазирамасидаги махфий суҳбат:

— Жаноб Президент! Фарғона водийси мамлакат раҳбарларининг доимо назаридан четда бўлган. Балки сиз билан келишиб олармиз. Мамлакатда яна бир республика жорий қилсак. Биз Ҳалифалик тарафдорлари ана шу кичик республикада тинчгина яшаб, ўз фаолиятимизни давом эттирардик. Сизни бошқа безовта қилмасдик. Хуш, бу таклифга нима дейсиз?

— Ҳеч қачон рози бўлмайман!

— Биз бутун бир мамлакатни эмас, чекка бир водийни сўраяпмиз, холос!

— Бу муқаддас Ватаннинг бир қаричи ҳам берилмайди!

— Биз ҳам шу юртнинг вакилларимиз!

— Халқнинг назаридан қолган, нафратига учраган манқурт кимсаларсиз! Мен сизлардан асло қўрқмайман!



## БИРИНЧИ ҚИСМ

---

### І. ХАВОТИР

Зулфияни бундай қаттиқ тушкун ҳолатда биринчи марта кўриши эди. Бир зумда юракдаги хурсандчилик ўрнини ғашлик эгаллади ва эшикни қия очганича туриб қолган аёлининг кўзларига тикилди. Зулфия чуқур бир хўрсиниб қўйди-ю, индамай эшикдан нари кетди. Элёр бу каби манзарани Муҳаббатда ҳам кўп кўрганди, айниқса, Бухоро аэропортида юз берган даҳшатни — Муҳаббатнинг ҳар дақиқада содир этилиши мумкин бўлган портлашни ҳис этган вужудининг титрашини, ваҳимадан кўз қорачиқлари катталашиб, тинимсиз бир сўзни — «Ўғлимизни олиб кетинг!» деган ўтинчни тилдан қўймай такрорлашини асло унутмаган эди. Ҳозирги вазият ҳам ўшандагидан кам эмасди, назарида. Фарқи Зулфия бақирмаяпти. Аммо кўнгли шунчалар тўлиб турибдики, мана ҳозир вулқон янглиғ отилиб кетадигандай. Буни англаган Элёрнинг кўнглига ёмон фикр келди, ўғлига бирор корҳол бўлдимикан? Унинг хаёлидан дастлаб шу фикр ўтди. Лекин қанчалар савол бергиси келмасин, ўзини босди. Зулфиянинг гапиришини кутди, бироқ у ҳадеганда қандай нохуш ҳодиса рўй берганидан сўз очавермади.

Кўллари ни орқасига беркитиб, яшириб турган муъжазгина тортни ҳам, тўртбурчак қутидаги «сюрприз»ни ҳам нима қиларини билмай, ўйланиб қолди. Зулфияни қанчалар севинтирмоқчи эди. Ахир ҳозиргина шахсан Президентнинг кўлларидан...

Уйга шошди. Йўл-йўлакай озиқ-овқат дуконига кириб чиқди, холос. Тақдирланиши ҳақида сал олдинроқ билгани учун Зулфияга бир хилда узук ва сирға олиб қўйганди. Уларни орденнинг тагига жойлаштирди-да, хурсандчиликни уйда — оиласи даврасида давом эттирмоқчи эди. У аввал ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қилмоқчи, энг сўнггида қўлидаги совгаларни бермоқчи эди. Аммо...

— Нима бўлди? Гапирсангиз-чи? — деб сўради Элёр нарсаларни ошхонада қолдириб, меҳмонхонага кираркан. У миқ этмай диванга ўтириб олган Зулфиянинг ёнидан жой олгач, унинг тиззалари устида билинар-билинмас титраётган оппоқ кўлларини ушлади.

— Қийналиб кетдим!

Элёр сал енгил тортди, демак, жигарбандига ҳеч нарса бўлмаган. Зулфия уни кутишдан, хавотир олиб йўлига термулишдан чарчаган, холос. Асаблари дош бера олмаяпти, шекилли. Ҳа, кўз косалари четида лимиллаб турган ёшдан ҳам билиш мумкин, салгина ҳаракат қилса ёки ортиқча гап эшитса, «дув» этиб тўкилиб кетади.

— Балки тушунтириброқ айтарсиз? — деди Элёр гап нимада эканлигини фаҳмлаган бўлса-да, мулойимлик билан. У дарҳол ўғлидан гап очмай тўғри қилганди, бўлмаса, Зулфиянинг баттар хўр-

лиги келиб, «Сиз фақат ўғилчангизни ўйлайсиз, мен билан эса мутлақо ишингиз йўқ!» деб гапириб юбориши мумкин эди. Шунда уни юпатиш анча мушкуллашарди.

— Дилингизни хуфтон қилмоқчи эмасман, аммо бу ширин турмуш эмас, Элёр. Раҳматли Муҳаббатнинг нега озиб-тузиб кетганига ва бедаво дардга йўлиққанига энди-энди тушуняпман. Қўрқув уни адоий тамом қилган. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Ўша даҳшатли воқеани охирги кунлари ҳам қайта-қайта эслаган. Титраб-қақшаб гапириб бергани шундоқ эсимда турибди. Энди эса мен ҳам унинг кўйига тушиб қоляпман. Ахир аёл киши бир умр хавотирда, қўрқинчда эрини кутиб яшаши мумкинми? Эрталаб чиқиб кетишингиз билан миямни биргина ваҳима қамраб олади: «Соғ-саломат кириб келармикан?» Ана шу ўй-ташвиш уйга қадам босгунингизча тузалмас ярадек вужудимга азоб бера бошлайди. Ярим кечаси сизни кўрганимдан кейингина бошимдаги оғриқ тўхтайтиди, аммо тонг саҳарда ишга кетишингиз билан яна ҳаммаси қайтадан бошланади.

— Ваҳимачи бўлиб қолибсиз, — деди Элёр бунчалик хавотирга ўрин йўқ деган маънода.

— Ваҳимачи бўлганим рост. Ахир ўзимни ўзим бошқара олмаяпман. Хўш, яқинда Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган портлашда, Худо кўрсатмасин-у, ўлиб кетганингизда нима бўларди? Ўғлингиз етим, мен эса яна тул қолармидим? — Зулфия юрагидагини тўкиб сола бошлади. Энди унинг овозида на титроқ, кўксидан на қўрқув, нигоҳларида на хавотир бор эди. Ийманиб, тортиниб ўтирмади.

Нимани лозим кўрса, ҳаммасини бир четдан гапира бошлади. — Балки сиз тушунмаётгандирсиз, аммо мен жуда қийналиб кетдим. Биринчи турмушимдан ўзингиз хабардорсиз, ярим умрим мажруҳ одамнинг тузалиб кетишини кутиш билан ўтди. Бироқ оёққа турмади. Умри қисқа экан, бандаликни бажо келтирди. Худо мен бадбахтни кечирсин-у, ўлганида «хайрият» деган сўз беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди. Сиз қиз боланинг на юра, на гапира оладиган эркак билан яшашини тасаввур қила оласизми? У овқат ейиш нари турсин, ҳатто бемалол ёзила олмасди. Барча қийинчиликларга чидадим, бировга тишимнинг оқини кўрсатмадим. Чунки унинг бу кўйга тушиб қолишига ўзимни айбдор деб билдим. Ҳаммасига қўл силтаб кетиб қолсам бўларди, аммо виждонсизлик қилгим келмади. Худонинг олдига борганда савол-сўроқдан қўрқдим. Кейин тақдир тақозоси билан сиз билан ҳаётимни боғладим, насиб этмаган бахтни кўриш орзусида эдим. Лекин минг афсуски, бу дунёда одамлардай тинч-тотув, бежавотир яшаш, она бўлишдек бахт менга насиб этмаган экан. Йўқ, ҳаётимдан нолимаяпман. Мен яна ҳаммасига чидашим мумкин. Фақат сизнинг тақдирингиздан ташвишдаман, холос. Бехавотир яшашни қанчалар орзу қилаётганимни билганингизда эди, мени бунчалар қийнамаган бўлардингиз. Тўғри, сиз ўз бурчингизни бажаряпсиз. Одамлар тинчлиги, эмин-эркин ҳаёт кечиришлари учун курашяпсиз. Шу юртнинг равнақи, келажаги учун бор кучингизни, билимингизни аямаяпсиз. Ана энди ўйлаб қаранг, сиз тинчлигини ўйлаётган одамлар кечала-

ри ҳеч нарсадан хавотир олмай ором оляпти. Аммо мен-чи? Мен на кундузи, на кечаси тинч утирибманми? Хузур-ҳаловат кўряпманми? Нега бошқалар ташвишсиз, мен эса ғам-ғуссага ботган ҳолда яшашим керак? Нега улар менинг ҳисобимга тинч ухлаши керагу, мен кечаси билан юрагимни ҳовучлаб чиқишим керак! Айтинг, бу адолатданми?

Элёр бошини ҳам қилди. Аранг ютиниб, нимадир демоққа чоғланди, аммо...

— Ҳа, ёдимда бор, сиз мени огоҳлантиргансиз, — дея гапини давом эттирди Зулфия. — Муҳаббат тортган азобни бошқа бировга раво кўрмайман. Мен билан бахтли бўлишингиз қийин деб айтгансиз. Аммо бу — инсон ўз оиласини азобга ташлаб бўлса-да, бурчини адо этиши керак дегани эмасдир? Киши, аввало, яқинларининг хотиржамлигини ўйлаши керак эмасми? Ёки сизга фақат иш керакми? Ўзингиз ҳақингизда ҳам ўйлайсизми? Сизни минг бир хавотирда кутиб ўтирувчи оилангиз тўғрисида-чи?.. Энди англаб етдим, сизга хотин бўлиш ғам-ташвиш ва хавотир дарёсига фарқ бўлиш экан. Сиз чўкаётган ожизани қутқариш ҳақида мутлақо ўйламас экансиз.

Балки мени эгоист деб ўйлаётгандирсиз? Балки олий маълумотли педагог деб ким айтади сизни, дея таъна қилишингиз ҳам мумкин. Аммо учинчи марта турмуш қурмоқчи эмасман. Ўғлингизнинг отасиз қолишини асло хоҳламайман. Бу катта шаҳарда сизсиз яшашни сира-сира истамайман. Айтинг, мана шу эзгу тилак учун наҳот бошқа ишга ўтиб ишлашнинг иложи йўқ бўлса?

Элёр Мухаббатни эслади. У ҳам: «Шу ишингизни ташласангиз бўлмайдими? Хавотир дегани ёмон ҳиссиёт экан, одамни аста адоӣи тамом қиларкан», деб бир неча бор айтганди. Аммо қулоқ тутмади. Зиммасига олган масъулиятни устун қўйди. Оқибатда... бир бечора ростдан ҳам «адоӣи тамом» бўлди. Тўғри, бегона одамлар ундан кам ғам чекмаган Мухаббатни билишмайди, балки ҳозир умуман эслашмаса ҳам керак. Албатта, алам қилади, бироқ у хизматини миннат учун бажармаяпти. Шу юртни ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш керак, тамом-вассалом! Эҳ-ҳе, бу йўлда қанча ҳамкасблари жонини қурбон қилишди! Уларнинг ҳам тинч яшагиси, фарзандларини ўстириб, келажакда камолини кўргиси, кексайганда қарилик гаштини сургиси келган, бироқ пешонасига эндигина озодликни қўлга киритган Ватанни ҳимоя қилиш ва бу шарафли курашда жон фидо этиш қисмати ёзилган экан.

Элёр мана шу ҳақда ўйларкан, Зулфияга ҳамкасбларининг фожеали ҳаёти тўғрисида жуда кам гапириб берганига афсус қилди. Уларнинг аянчли ўлим топгани ҳақиқатан ҳам даҳшат эмасмиди? Кўп ҳам ҳикоя қилмагани сабаби аёлининг кўнглини чўктирмай деб ўйлагани эди. Аслида, альбомни очиб, кунора сўзлаб берса бўларкан. Шунда дийдаси қотиб, бунчалар ғам-андухга ботмасмиди? Тўғри-да, ишхонасида бўлиб ўтган бирикки тадбирни айтмаса, эсда қоларли бирор жойга олиб боргани ҳам йўқ. Мабодо Зулфиядан таклиф тушиб қолса, «Жалолиддин билан бориб кела қо-

линглар» деган жавоб ҳар доимгидай тайёр. Шундай пайтларда Элёр Фарғонадан меҳмонлар келишини орзиқиб кутади. Зулфия улар баҳонасида шаҳар айланиши, кино ёки театрға тушиши мумкин. Бироқ кейинги пайтларда унга нимадир бўлди. Агар янглишмаса, тунов куни ҳам бир-икки чоғланди гапиришға. Лекин негадир индамади. Ҳа, эслади, Жалолиддин ёнидан кетмагани учун индамаган.

Бугун эса, косага томчилаётган сув идишдан тулиб-тошгандай Зулфия чидаб туролмагани аниқ. Ишингизни ўзгартиринг деб очиқ айтолмаяпти, лекин бу гапларидан муддаоси айнан ана шу истакни баён қилиш эмасми?

«Сиз чўкаётган ожизани қутқариш ҳақида мутлақо ўйламас экансиз», дея ичида такрорлади Элёр. Наҳот, у оиласини чиндан ҳам эсдан чиқарган бўлса? Лекин бу айни ҳақиқат эди. Элёр ишға киришиб кетганидан сўнг меҳрибонларини унутарди. Чалғиш, кўнгилбўшлик қилиш, эҳтиросға берилиб кетиш, оила ҳақида узоқ ўй суриш мумкин эмас, деб ҳисобларди. Бу нарсаларни ҳеч ким чекламаган, бироқ зиммага юклатилган вазифа шуни тақозо этарди. Адо этиши керак бўлган топшириққа масъулият билан ёндашган ҳар бир миллий хавфсизлик ходими шундай йўл тутиши лозим деб қатъий қарорға келганди. Бу ерда шахсий манфаат устун эмас! Тўғри, оилани унутиб бўлмайди, у ҳам эркакнинг елкасига ўзига яраша вазифа юклайди. Уни ҳам сидқидилдан бажармоқ шарт. Бироқ йиллар давомида англаб етдики, юртнинг тинчлиги йулида

хизматга шайланган ҳақиқий эр киши юрагида биргина мақсад бўларкан: у ҳам бўлса, Ватанни асраш, мустақилликни ҳимоя қилиш! Ахир у кимларнинг авлоди?! Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур... Яна қанча давом эттириш мумкин. Бу жасорат ва мардлик тимсоллари не-не буюк ишларни амалга оширишиб, келажак авлодга ўрнак бўлишган. Қани энди улар рўёбга чиқарган қаҳрамонликларнинг мингдан бирини қилолса...

— Қандай қарорга келдингиз? — деб сўради Элёр хаёлидан кечган фикрлар билан ўртоқлашишдан ўзини тийиб.

— Қишлоққа қайтаман.

— Бутунлайми?

— Билмадим. Лекин яна шу тахлитда яшашга асабларим дош беролмайди. Бунинг устига, бўйимда бўлмаётгани юрагимни баттар сиқяпти.

«Хм, ана гап қаерда, — дея ўйлади Элёр хотинига зимдан назар ташларкан. — Уни қийнаётган нарса аслида шу — ҳомиладор бўлмаётгани. Наҳот, фарзанд кўрмасам, уни бағримга босмасам, деган ўй, ғам-ташвиш эзиб келяпти. Менинг бироз эътиборсизлигим эса... сувга тўлган косани тошириб юборган. Эҳ, Зулфия, Зулфия. Нималарни хаёл қиляпсан? Бу масалада мени айбдорга чиқариб қўймадингми, ишқилиб? Уғлимга қарамай қўяди, шунинг учун бошқа фарзандли бўлишни истамаётгандир, деб ўзингни қийнаётган бўлмагин, тагин? Наҳот, сенга оналик бахти насиб этишини хоҳламасам?!»



— Шифокорларга учрашмадингизми? — сўради Элёр дабдурустдан.

Зулфия аввал эрининг сўзидан ўзини камситилгандай ҳис қилди, негаки у ҳеч тортинмай, андиша қилмай айтилган гапни «балки айб сиздадир» деган маънода тушунган эди. Кемтик қалби зириллаб, юзини бурди, бир зум ўйга толиб, ер остидан яна Элёрга нигоҳ ташлади. Оила бошлиғи саволига жавоб кутарди.

— Бунинг сабабини ўзим ҳам яхши билман, — деди ва ниҳоят Зулфия тилга келиб. — Ҳадеб асабийлашганимдан...

— Сиқилмаслигингиз учун ишимни ўзгартиришдан бошқа илож йўқми? — Элёр бирдан жим бўлиб қолган хотинининг кўзига тикилди.

— Йўқ десам, ўзгартирармидингиз! — деди Зулфия ҳаяжон билан.

— Албатта...

Бу сўзни эшитган заҳоти Зулфиянинг кўзлари порлади. «Муҳаббатнинг гапига қулоқ тутмагани, мени эса илтимосимни рад этмайди, шекилли» деган фикр хаёлидан ўтди ва эри томон қадам ташлади. Аммо кейинги қадам босилмади, сал эртaroқ хулоса чиқарганини сезди, чунки «Йўқ!» деб айтилган охирги сўз уни жойига «михлади». Элёр бу гапи билан унинг устидан бир челак муздек сув қуйиб юборгандай бўлди. Жаҳли чиққани шундоқ билинди-қўйди.

— Сиз Муҳаббатнинг сўзига қулоқ тутмагансиз, менинг гапимни инобатга олармидингиз! — деди алам билан Зулфия.

— Яхши, бирор ой уйингизда яшаб келинг. Биз Жалолиддин билан сизни кутиб ўтирамыз, — деб жанжалнинг олдини олишга ошиқди Элёр.

— Жалолиддинни олиб кетмоқчиман.

— Йўқ, у тайёрловдан қолиши керак эмас. Ахир сентябрдан биринчи синфга боради.

— Сиз уни эплолмайсиз.

— Унда ўзингиз қаранг. Шундай болани ёлғиз қолдириб қишлоққа кетишга на ҳожат?

Зулфия Элёрнинг: «Бўпти кетаверинг, қачон келишни лозим топсангиз, қайтарсиз», деб айтиб юборишидан чўчиб турганди. Хайрият, кетишини истамас экан. Юраги сал таскин топди. Бироқ ўжарлигини охирига етказиб қўйишни лозим топди. Зора, Элёр энгилроқ ишга ўтишга уриниб кўраман, деса.

— Биз эртага қишлоққа кетамиз!

Элёр бошқа индамади. Стол устига қўйган қалин қоғоз қутини қўлига олиб, унга бир зум тикилиб турди-да, ётоқхонага кирди. Қутини трюмо олдида қолдириб, душга кириб кетди.

Жаҳлидан бироз тушган Зулфия боя эрининг қулидан қутини олмаганига уялди. Кейин унинг ичида нима борлигига қизиқиб, ўрнидан турди. Наҳот, унга бирор қимматбаҳо совға олиб келган бўлса? Анчадан бери нима ҳадя қилсам экан деб айтиб юарди. Қизиқ, шу бугун мақсадини амалга ошироқчи бўлдимикан-а? Нима олиб келдйкин? Чиройли туфлими? Балки бўйинга тақадиган қалин тилла занжирдир?

Биринчи бўлиб қизил гувоҳномага кўзи тушди. Қутида у кутган совға йўқлигидан хафсаласи пир

булди. Бир кўнгли қопқоғини ёпиб қўймоқчи булди, лекин гувоҳнома ичига ёзилган сўзлар диққатини тортди.

«Капитан Элёр Одилов Эрназарович фавқулодда вазиятларда кўрсатган мардлиги учун «Жасорат» ордени билан мукофотланади.»

Зулфия мўъжазгина қутичадан орденни олиб, унга тикилиб қолди. Шу тобда унинг кўз ўнгидан Мустақиллик майдонида содир бўлган даҳшатли портлаш ва у ерда эрининг кўрсатган жасорати намоён булди. Орденни кўксига қўйиб, ойнага қаради. Завқланиб кетди. Кейин беихтиёр яна қути ичига назар ташлади. Унда ўртадаги юлдузи катта иккита погон турарди. Демак, Элёр, айна пайтда, майор унвонига ҳам эга бўлибди-да. Пагон тагидаги икки букланган оқ қоғоз бошлиқ буйруғининг нусхаси бўлиб, дарҳақиқат, Элёр Одиловга навбатдаги майор унвони берилгани ҳақида эди. Қоғозни қўяман деб қути ичига беихтиёр назар солганди, қизил духоба қопланган кичкина қутичани кўриб қолди. Қизиқиб очди.

«Вой!»

Ана энди ростмана уялиб кетди. Ахир мўъжазгина қутичада у орзу қилган узук ва сирғалар турарди-да. Кўнгли хижил бўлиб, ўзини айблай бошлади, эри қанчалар хурсанд бўлиб келган экан-а. У булса шошма-шошарлик қилиб... Энди нима дейди? Кўзига қандай қарайди?

Элёр анчадан кейин ювиниш хонасидан чиққанда шундоқ қаршисида турган хотинини кўриб, ҳойнаҳой, яна бошласа керак, деган хаёлга борди.

Бироқ кутилмаган ҳолат рўй берди: Зулфия унинг бўйнидан қучиб, юзларидан ўпди, сўнг кўксига бош қўйиб: «Табриклайман, муборак бўлсин», деди. Кейин кўзларига тикилиб, «Мени кечиринг! Одб-сизлик қилдим», деб чин кўнгилдан узор сўради.

Танасидаги ғуборлардан тозаланиб чиққан Элёрнинг юрагидаги ғашлик ҳам тарқаб, чин маънода енгил тортди ва бағридаги — шу кунгача не кўргуликларни бошидан кечирган, бошқаларга масъулият ва садоқат намунасини кўрсата олган, эндиликда унинг учун туну кун хавотир олиб яшаётган, ундан асло айрилиб қолишни истамаган, умрининг охиригача у билан бахтли ҳаёт кечиритишни ўйлаган, бир этак болаларнинг онажониси бўлишни орзу қилган аёлни қаттиқроқ қучди.

Тонг саҳарда Элёрни қўрқитиб юборган ҳодиса рўй берди. Эндигина уйқудан уйғонган Зулфия бирдан ўқчиб йўталди ва кафти билан оғзини аранг беркитиб қолди. Душга чопди. Ортидан Элёр югурди. Кўнгли айниб қайт қилди. Шу пайтгача бирор касалликдан шикоят эшитмаган Элёрнинг ранги ўчиб кетди. У ваҳимага дучор бўлган Муҳаббатнинг умрининг охириги кунларида бошидан кечирган азоблардан юраги зириллаб қолганди. Ниҳоятда эзилиб чиқарди тонг отгунча. Чўчиб уйғонган, бирдан бақириб юборган Муҳаббатни тинчлантирганча, куни билан ҳеч нима қилмаса-да, силласи қуригандай, ҳолсизланиб қоларди. Мана энди Зулфия ҳам чўчитиб юборди. Нима бўляпти бу аёлларга? Наҳот, хавотир деган кўринмас бало одамнинг ичини кемириб, охир-оқибат тузалмас

дардга гирифтор қилса? Энди нима бўлади? Наҳот Зулфия ҳам бу ташвиш орқасидан бедаво касаллик орттириб олган бўлса?

Элёр хаёлини зулмат янглиф қоплаб келаётган кўрқинчли ўйлар гирдобида қолди. У шу ҳолатда Зулфиядан нима бўлганини сўрамоқчи бўлар, аммо гапирмоққа тили айланмас эди: у рафиқасидан оғир бир дарднинг номини эшитишдан чўчиб турарди. Лекин ранги-қути ўчган Зулфия ҳеч нима демайди. Бундан баттар хавотирга тушган Элёр ўғлини йўл-йўлакай боғчада қолдириб, шифохонага отланди. Зулфия ҳамон жим эди. Айрилиқдан қаттиқ азоб чеккан Элёр Зулфиянинг мадорсиз қўлларини силар, яхши гап билан кўнглини овутмоқчи бўлар, бироқ тайинли сўз тополмай қийналарди. «Ишқилиб, оғир дардга чалинмаган бўлсин. Эй Худо, хотинимни ўзинг асра. У бахтли ҳаёт кечиришни орзу қилган жабрдийда аёл. Уни ортиқ қийнама!»

Беморни синчиклаб кўриқдан ўтказган шифокор аёл ва ниҳоят «Ҳомиладорсиз!» деди жилмайиб. «Сизда ҳеч қандай касаллик аломати йўқ. Бу ҳомиладорликнинг белгиси, холос. Энди ортиқча асабийлашмай, она бўлишга тайёргарлик кўринг». Зулфия бу сўзни эшитиб, қулоқларига ишонмади. Наҳотки! Ростдан ҳам у ҳомиладорми? Қандай яхши! «Э Худойим, наҳот, нолаларим сенга етиб борган бўлса? Раҳм-шафқат қилганинг учун, менга оналик бахтини насиб этганинг учун ўзингга шукроналар бўлсин. Энди фарзандимни бағримга босиб, меҳр-муҳаббат кўрсатишни ҳам насиб қилгин!» Зулфия она бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қувончли

хабарни бутун вужуди билан ҳис қиларкан, Оллоҳга тўхтовсиз ҳамду санолар айтаркан, йўлакда турган Элёр томон ошиқди.

— Энди ўзингизни эҳтиёт қилишингиз керак, — деб тушунтиришни бошлаган дўхтирнинг гапи чала қолди...

## II. ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Элёр кейинги пайтларда ўйга толадиган, рўй берган нохуш ҳодисаларни мулоҳаза қиладиган бўлиб қолди. Мамлакат ичкарисида содир бўлаётган воқеаларга шунчалар муносабат кўп эдики, ақли одам бир зумга хаёлга берилмай иложи йўқ. Бундай гап-сўзларнинг кўпайишига Элёрнинг назарида Мустақиллик майдонида уюштирилган террор жиноий гуруҳининг қўлга тушган биргина аъзоси устидан олиб борилган суриштирув ва тергов ҳаракатларининг ниҳоятда чўзилиб кетгани сабаб бўлаётганди. Хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда содир этилган қотиллик оқибатларини кузатаётган етакчи сиёсатшуносларнинг бир талай мақолалари, мулоҳазаю мунозарага сабаб бўлган шарҳлари босилиб чиқди. Уларда турли қарашлар, тахминлар ва хулосалар мавжуд эди. Айниқса, Интернетда пайдо бўлган хабарлар тўғридан-тўғри давлат раҳбарларининг шаънига қаратилган эди. Турган-битгани турли тахминлар асосида ёритилган бундай мақолаларнинг хулосаси битта: бу «террор»ни ҳокимият тепасида турганларнинг ўзлари уюштирган. Яна бир турдаги хабар ва шарҳларда ўзгача хулоса-

га дуч келасиз: турли давлатларда бўлган шу каби портлашларда, жумладан Ўзбекистон пойтахтида рўй берган хунрезликдан давлат раҳбарларининг мутлақо хабарлари йўқ. Бу «талафотсиз» портлашлардан му-род мамлакатдаги тинчлик ва хавфсизликка жавобгар идораларнинг раҳбарлари шу йўл билан ўз мавқе-ларини мустаҳкамлаб оладилар, кейин эса таркиби янада кенгайган ва кучайган ҳолатда ўз хизмат ва-зифаларини давом эттирадилар. Энг асосий мақсад-ларидан яна бири душманларидан осонгина қутулиб оладилар.

«Ҳа, бу минбар истаган одам хоҳлаган нарса-сини ёза оладиган Интернет. Унинг сайтларида берилаётган бу каби хабарларнинг бирортаси аниқ манбага эга эмас, фақат тахмин, шубҳа ва гумон-ларга таянилган, холос, — дея чуқур уйга толади Элёр. — Бундай хабар тарқатаётган кимсаларнинг мақсади оддий одамларни яна чалғитиш, ҳукумат раҳбарларига нисбатан адоват қўзғатиш, уларни ёмонотлик қилиш. Хорижда туриб зоғ каби сай-раётган сиёсатдонлар, наҳот, содир этилган қупо-рувчилик ҳаракатларини хаспўшлаб, бу ишларда ҳеч бир жиноий гуруҳнинг айби йўқ деб бошқаларни ишонтирмоқчи бўлсалар? Йўқ, бундай сохта гаплар-га ким ҳам алданарди.

Ахир 1998 йили «Ҳизб ут-таҳрир» аъзолари устидан бўлиб ўтган суд жараёни ҳамон ёдимда-ку. Ушанда судланувчи Мавлон Ҳакимовга охириги сўз берилганда, у суд ҳайъатига қарата нима деганди?

— Бизни турмага тиқиб, душманларимиз ус-тидан ғалаба қозондик деб, хомтама бўлманглар!

Ҳали ҳаммаси олдинда. Мана кўрасизлар! Бизнинг орқамизда катта куч турибди. Улар яқинда мана шу ерда ўтирган мусулмон биродарлари учун аёвсиз ўч олишади. Ушанда ҳозирги гапларимни эслайсизлар ва менинг айтганларим қуруқ сафсата, шунчаки кўрқитув эмаслигига амин бўласизлар», — деган эмасмиди кўзларини бақрайтириб? Инсон боласи шунақаям безбет бўладими?! Элёр бу йигитнинг совуқ гаплари ва ўзини тутишидан жуда нафратланиб кетганди.

Мавлон Ҳакимовнинг ғаразли гапларидан ўзича руҳланган гуруҳнинг яна бир аъзоси эса асло тап тортмай:

— Бизлар ватан хоинлари эмасмиз. Аксинча, муқаддас Ислом дини йўлида курашаётган жиҳодчилармиз. Юртда ёвузлик кучайса, диний уламолар хорланса, биз қараб туришимиз керакми? Эсингизда бўлса, бизнинг йўлбошчиларимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бу юрт Ислом давлати бўлади, деб баралла айтган. Ҳатто Президентни Наманганга чақириб, юз-кўзларига қараб туриб ўз фикр ва ниятларини баён қилишган. Нима, бу қуруқ гапмиди? Оддий талабмиди? Балки шунчаки дағдаға деб ўйлагандирсиз? Асло йўқ! Бизнинг ҳақпарвар етакчиларимиз айтгандай, Ўзбекистон ҳеч қачон дунёвий мамлакат бўлмайди. Яна шуни унутмангки, бизнинг сафимиз кундан-кун кўпайяпти. Афғонистон, Покистон, Ироқ ва Мисрда, ҳатто шундоқ қўшни Тожикистонда юзлаб одамларимиз бор. Улар қўлига қуроли олиб, пайт пойлаб туришибди. Биродарим Муҳаммадмавлон айтганидай, бунга



ўзларингиз ҳам шоҳид бўласизлар ва сиз бизларни қандай суд қилган бўлсангиз, умид қиламанки, бизлар сизнинг устингиздан шундай ҳукм қилурмиз. Аммо бизнинг ҳукмимиз ўта адолатли бўлади!

Бу гаплардан ҳеч кимнинг юрагига қўрқув, ваҳм тушгани йўқ, албатта. Фақат, ниҳоятда ҳушёр бўлишлари кераклигини кўнгилларидан яна бир карра ўтказдилар. Чаённинг иши ниш урмоқ! Буни унутиб бўладими?

Аммо орадан беш ой ўтиб-ўтмай, Мустақиллик майдонидаги Вазирлар Маҳкамаси биносида даҳшатли портлаш амалга оширилди. Элёр пастки лабини тишлаганча, яна ғамга ботади: «Кўзимиз қаёқда эди? Хаёлимиз нималар билан банд эди? Ахир бизларни огоҳлантирган эди-ку. Нега уларнинг гапларини инobatга олмадик? Шунчаки қўрқитяпти, пўписа қияпти, деб ўйладикми? Нега бефарқ бўлдик? Мустақилликдан кейинги амалга оширилган барча қўпоровчилик ҳаракатлари, бу муҳим портлашлар оқибатидаги қурбонлар бизнинг, ҳа, айнан бизларнинг зиммамизга юклатилган вазифамизга эътиборсизлигимиз туфайли содир бўлди. Лоқайдликдан қутула олмаяпмиз. Жонимизни фидо қилишни уддалай олмаяпмиз. Рақиблармиз эса бундан фойдаланиб қолишмоқда. Қўлга олинган Моҳирадан шу пайтгача бирор маълумот олинмаганини қандай тушуниш керак? Террорни режалаштирган, амалга ошириш пайтида эса мамлакатни тарк этган шахслар нима учун номаълумлигича қолмоқда? Нега уларни қаердан қидиришни билмаяпмиз? Нима учун изланишларимиз бесамар кетмоқда?

Биламан, хорижий давлатларнинг турли бурчакларидан туриб Интернетда тарқатилаётган материаллар қуруқ сафсата: мақсадлари пучга чиққанидан жазавага тушган экстремистик гуруҳларнинг раҳнамолари бошқа террорчи кучларнинг олдида бебурд бўлганликларини билдирмаслик учун бир-бирларига: «Менинг хабарим йўқ эди», «Нега ўзбошимчалик билан иш тутишади?!», «Бир оғиз маслаҳат қилишса бўлмасмиди?», «Мен қуроли хужумга қарши эдим» қабилдаги таъна тошларини отишмоқда. Маломатга қолмаслик учун ўзларини оқлашнинг топган йўлини қаранг? Сиртига сув юқтирмасликка уринишнинг нафи тегармикан? Туркиядан паноҳ топган қочқинлар орасидан ўзларини муҳолифат ҳисоблаганлар Мисрда яшаётган ўзбек муҳожирларининг етакчиларини, Покистонни макон қилган халифачилар Венгрияда қўним топган ҳамтовоқларини, гоҳ Эронда, гоҳ Америкада кун кечираётган қўлдошчилар эса, ҳаммани айблай бошлагани-чи? Афғонистон ва Тожикистонда яшириниб юрган Бозор Намангонийлар нега жим? Улар Тошкентдаги портлашларга бошчилик қилган Хидирниёзнинг тирик қолгани, Қозоғистон орқали Россия давлатига ўтиб кетганидан хабардор экан-у, аммо ҳозир қаерга яширинганини билмас эмиш. Наҳотки?»

Элёр буларнинг бари найрангдан бошқа нарса эмаслигини англагани учун ҳам асосий режадан чалғимади: Моҳирани саволга тутишдан чарчамади. Сабр косаси тўлса-да, чидади. У судгача кўп нарсани билишни мақсад қилиб қўйганди, аммо аёлни

гапиртира олмади. Аллақачон ўлимни бўйнига олган Моҳира Элёрнинг нафрат тула кўзларига бақрайиб қараб тураверди. Жиноятчининг совуқ нигоҳлари жаҳлини чиқарар, қонини қайнатиб юборар эди. Бироқ... Соқчи аёллар бу вазифани бизларга топширинг, дейишди. Улар жиноятчини қандай «сайрата» олишни яхши билишаркан. Орадан бир ҳафта ўтмай, кўпоровчиликда гумон қилинганлардан йигирма беш киши қўлга олинди ва терговга тортилди. Ниҳоят, тўрт ойлик тергов жараёни тугаб, 1999 йилнинг июнь ойида Олий суд биносида айбдорлар устидан суд бошланди.

Элёр судланувчиларнинг безрайган башараларию ҳиссиз нигоҳларини ҳамон яхши эслайди. Уларнинг деярли барчаси қилган ишидан пушаймон эмаслиги яққол кўриниб турарди. Қилган хунрезликларини яшириб ҳам ўтиришмади. Балки бунинг фойдаси йўқлигини билишгандир? Ҳа, айбни бўйинларига олишдан бошқа чоралари йўқ эди.

— Биз бу ишга узоқ тайёргарлик кўрдик. Аммо қачон ва қаерда амалга ошишини билмасдик. Буни фақат Хидирниёз биларди, холос, — деб кўрсатма берганди Нажмиддин (асл исм-фамилияси Насим Тўраев). — Мен унинг ўнг қўлиман, мендан асло сир яширмайди, деб ўйлардим, аммо янглишган эканман. Унинг менга номаълум бўлган махсус шотирлари ҳам бўлган экан. Хидирниёз ана шу агентлари орқали Ғолиб Қўлдош ва Бозор Намангонийлар билан алоқа қилиб турган. Буни портлашдан сал олдин билганман.

— Кимдан билдингиз?

— Хидирниёзнинг ўзидан. Майдондаги портлашдан бир кун аввал ўтказган йиғилишимизда у Дубайда яшаётган «Амир»дан розилик олингани ҳақида фахрланиб гапириб берганди. Туркиядан паноҳ топган баъзи кимсалар ҳам маслаҳат берган эмиш.

— «Амир» деганда кимни назарда тутганди?

— Голиб Қулдошни.

— Балки Бозор Намангонийга урғу бергандир?

— Бир пайтлар Голиб Қулдош Ўзбекистон Ислом уйғониш партияси тузганлиги ва ўзини шу ташкилотнинг раҳбари ҳамда амир деб эълон қилганини эшитган эдим. Бироқ уни кўрмаганман.

— Туркияни тилга олдингиз? У ерда яшаётган кимларни назарда тутиб гапирдингиз?

— «Оғалар» деган сўзни эшитганман, холос. Кимни инобатга олиб айтганларини билмайман. Хориждаги биродарларнинг ҳақиқий исмлари негадир биздан сир тутиларди.

— Сизнинг вазифангиз нималардан иборат эди?

— Мен, асосан, тарғибот ишлари билан шуғулланганман. Хориждан кириб келган китоб ва варақаларни тарқатишга бошчилик қилганман. Сафимизни кенгайтириш учун ёшларни аввалига намозга даъват қилардим. Кейин уларнинг орасидан иродаси бўш, ҳалол-ҳаромнинг унча фарқига бормайдиган, нимадандир аламзада, муҳтожликдан қийналиб юрган, пул деса виждонини ҳам сотадиган, бировга озор беришга мойил, жаҳлдор йигитларни танлаб олардимда, яхшилаб ўрганиб чиқиб, уларга Исломдан сабоқ бераман, деб яширин ертўлаларда бу ердаги тузум-

га қарши маърузалар ўқирдим, эринмасдан жиҳод ҳақида тушунча берардим. Хуллас, икки-уч ой ичида улардан «Ислом лашкарининг содиқ жангчиси»ни тайёрлардим. Ана энди бундай «жангчи»нинг қўлига қурол бериб олишни ўргатсангиз, бас. Пул ва ҳокимият учун ҳар қандай урушдан қайтмайди.

— Сиз тайёрлаган ўша «жангчи»лар кимга қарши курашади? Ота-онасигами, қариндош-уруғларигами ёки туғилиб ўсган ватанигами?

— Мусулмон бўла туриб, Ислом фарзларини бажармаган ҳаммага қарши. Бу жиҳод! Намоз ўқимаса, рўза тутмаса ва бошқа фарз амалларини бажармаса, ким бўлишининг фарқи йўқ!...

Элёр бу каби жавобларни қўплаб судланувчилардан эшитди. Уларнинг баъзилар қилган қўпоровчилик ишларини жуда совуққонлик билан гапириб бергани уни қаттиқ ташвишга солган ва ўйлантириб қўйганди. Наҳот, шу гапларни айтаётган йигитнинг миллати ўзбек бўлса, улар ҳам мана шу заминда туғилиб ўсган бўлса?

— Сиз ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми? — сўрайди судья бошқа бир судланувчидан.

— Жиҳодда масала бу тарзда қўйилмайди. Аллоҳ дини учун курашаётган одам ўзини айбдор деб ҳисобламайди. Аксинча, гуноҳкор бандаларни тўғри йўлга солувчи халоскорман, деб ўйлайди. Бизга шундай дея таълим беришган ва буни тўғри, яъни ҳақиқат эканига ишонамиз.

— Агар суд сизни кечирса, оилангиз бағрида бўлишингиз учун имкон бериб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлласа, бу йўлингиздан қайтармидингиз?

— Бунинг учун Ўзбекистон Ислон давлати бўлиши ва халифалик жорий қилиниши керак. Қамоқдаги барча жабрдийдалар дарҳол озод этилиши лозим.

— Сизлар содир этган бузгунчилик ва қўпоровчилик оқибатида, масалан, Наманганда, Қибрайда, Янгийўлда ва ниҳоят Тошкентда қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар нобуд бўлди. Уларнинг қотилларини озод этиш адолатданми?

— Ҳамма замонларда ҳам жанг қурбонсиз бўлмаган. Агарда улар биз кўрсатган тўғри йўлдан юрганларида эди, асло ўлмаган бўларди.

— Ислонда бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиш ҳаром ҳисобланмайдими? Айниқса, мусулмон кишиларни жонига қасд қилиш энг кечирилмас гуноҳ саналади-ку! — деб судья судланувчининг ҳисси кўзларига тик боқди.

— Жиҳодда қатнашиб ўлган биродарларимизни «шаҳид» деймиз, намозсиз кимсаларни имонли мусулмон санамаймиз. Иймони йўқ, диний фарзларни бажармайдиганлар эса, кофирлар қавмида кетади. Уларга ачинишнинг кераги йўқ! Аввал ҳам шундай эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Кейинги судланувчининг кўзларида қўрқув ҳукмрон эди. У қаерда ўтирганига ақли етиб турсада, бу ерга қандай келиб қолганлигини ҳазм қилолмаётганга ўхшарди.

— Мени портлаш ишларида қатнашасан, бўлмаса, ўлдириб кетамиз, деб айтишди. Кейин... рози бўлдим, — деди елкалари титраб, қадди букилиб қолган йигит.

— Қотиллик қилишни афзал кўрдингиз? Шундайми? — деб сўради яна бир судья ўзини жаҳдан аранг босиб.

— Ахир... менам... яшашни истайман...

Ўн кундан ортиқ давом этган суд жараёнида шу каби нохуш манзарага гувоҳ бўлган Элёрга янги унвон олгани татимади. «Танлаган йўллари-дан қайтмас эмиш, — дея ўйга бериларкан, тунлари уйқуси ўчиб кетарди. — Бу билан нимани исботламоқчи бўлишди? Исломи дини деган тушунчанинг тулиқ мазмун-моҳиятини билмасдан туриб, чиранигани нимаси? Агарда улар ўз юртининг тузини ичиб, тузлиғига тупурувчи чала муллаларнинг ёки ўзидан «аллома» ясаб олган бузғунчиларнинг қулида эмас, ҳақиқий диний уламоларнинг назорати остида таҳсил олганларида эди, бунчалар ёвузлашиб кетмасдилар. Аслида-чи, демак, булар Исломи динидан таълим олиш ўрнига халифалиқдан, уни ўрнатиш, жорий этиш, бунинг учун жиҳод қилишдан сабоқ олмоқдалар. Алалоқибат, манқуртга айланиб қолганларини ўзлари ҳам сезмай қолишяпти. Бўлмаса, қилган ишларини сал бўлса-да, ўйлаб кўришмасмиди, суд иштирокчиларига ҳали бутунлай виждонини йўқотмаганини, содир этган жиноятдан қаттиқ пушаймонлигини исботлашга уринишмасмиди? Даҳшат! Ҳа, бу каби кимсалар билан жиддий шуғулланишга тўғри келади».

Охир-оқибат шундай қарорга келарди-ю, аммо тинчи бузилиб, кўнгли ғашланар эди. Ташвиш устига ташвиш, хавотир устига хавотирми? Йўқ, унинг юрагини яхшигина илитган янгилик бор эди, ше-

килли. Фикрлар гирдобида дарров эсига тушмаганини қаранг. Қандай гап-сўз эди? Ўзи жиддий хушхабармиди? Э, бўлди, ёдига тушди, жиддий бўлганда қандоқ! Ахир Зулфиянинг хавотири аригани, энди қишлоққа қайтиш фикридан воз кечгани, тақдирини боғлаган инсон билан охиригача бирга бўлишга яна бир бор аҳд қилгани чинакам хушхабар-ку. Ўзлигидан аён берган ҳомила нишонаси бўлажак онанинг изтиробларига чек қўйган эди. Умид ҳаётга бўлган иштиёқни оширди, суюкли инсонларни асраш, авайлаш кераклигини ёдга солди. Оила масъулият эканлигини яхши билган Зулфия сабр-тоқат либосини эгнидан ечишга шошилмаганидан хурсанд бўлди. Садоқат деб аталмиш бу либос унга жуда ярашиб турарди.

### III. ПРЕЗИДЕНТ «ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУИДА

Юнусободдаги телеминоранинг шундоқ қаршида — Бузсув каналининг икки ёнида, бир пайтлар ташландиқ, одам юрса эти жунжикадиган чакалакзор ҳудуди ўрнида шундай ажойиб, дилтортар хиёбон барпо этилган эдики, пойтахт аҳли учун энди бу масканга келиб, Қуръон тиловат қилиб кетиш ҳам қарз, ҳам фарзга айланди. Ёдга олишнинг ўзи қўрқинчли, йигирманчи асрнинг бошларида бу жой Тошкент шаҳрининг энг чеккаси эди. Ваҳимали, бехосият ер дея таърифланадиган ҳудудни шаҳарликлар иложи борича айланиб ўтишарди. Турли миш-мишлар, ривоятлар,



дарҳақиқат, одамларни ҳадиксиратиб қўйганди. Тарихнинг аччиқ ҳақиқати шуки, ўтган асрнинг қирқинчи йилларида бу хилватгоҳда учта қатл майдони бўлиб, уларда ўзбек миллатининг энг зиёли, мард ва жасур фарзандлари ҳаётига нуқта қўйилган. Юрт озодлиги, халқнинг зулм исканжасидан чиқишида етакчи бўлган ватанпарвар инсонларнинг руҳи кезиб юрган бу маскан орадан олтмиш йиллар ўтиб Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан «Шаҳидлар хиёбони»га айлантирилди. Бугун унинг очилиш куни. Атрофда минглаб одамлар. Уларнинг кўзларида ёш, аммо дилларда шукроналик. Кимнингдир отаси, кимнингдир бобоси шафқатсизларча қатл қилинган. Ҳатто уларга жаноза ҳам ўқилмаган. Минг афсуски, шундай. Қандай даҳшатки, Худонинг каломи тугул, Яратганнинг номини ҳам тилга олиб бўлмасди. Юрак ютиб, мардларча ўртага чиққанларни Шўро ҳукумати аёвсиз қирган. Бу қатлиомда, асосан, миллат гултожилари бошидан жудо бўлган. Бугунги кунда бу хунрезликка тирик гувоҳлар жуда кам қолган, аммо тарихни ўчириб бўлмайди. Унинг саҳифаларида унутиб бўлмайдиган қотилликлар шаҳидларнинг қони билан битилган.

Замонлар келди, ўзбек миллати шарафини ҳимоя қилган ўғлонларнинг руҳи покларини хотирлаб, ҳурматини жойига қўйиш учун.

Замонлар келди, шаҳид кетганларнинг охирати учун Қуръон тиловат қилиш учун.

Замонлар келди, у азиз инсонларни ҳар куни эслаш, хотирлаш учун.

Бундай шарафли ишни, фарэни бажармоққа Президент фармойиш берди. Мана бугун «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи халқнинг ихтиёрига топширилмоқда.

Эрта тонгда туплана бошлаган шаҳарликлар Президент бошчилигидаги ҳукумат раҳбарларини илиқ кутиб олди. Марҳумларнинг ҳақиға Каломуллоҳдан оятлар уқилди. Шундан сунг Президент нутқ сўзлади.

Кейин олиму фузалолар, ёзувчи-шоир ва актёрлар билан суҳбат бўлиб ўтди.

— Фарзандларимизни турли диний экстремистик оқимлар тузоғига тушиб қолишининг олдини олиш учун ҳар қачонгидан ҳам жиддий курашмоғимиз керак. Бу борада масжид имом-хатибларининг зиммасига ҳам ўта масъулиятли вазифа юклатилди, — деди Ўзбекистон Президенти мамлакатнинг диний уламоларига нигоҳ ташлаб. — Ёшларимизга дин тўғрисида гапирганда Қуръони каримдан ва ҳадислардан аниқ мисоллар келтириб, уларнинг дунёга келишига сабабчи бўлган ота-оналарининг ҳурматини жойига қўйишга, туғилган юртини ёвуз кучлардан асраб-авайлашга мунтазам ўргатиб боришимиз лозим. Тарбия, одоб-ахлоқ, катталарга илиқ муносабат, аввало, уйдан бошланар экан, маърузаларда болаларга меҳр-муҳаббатли бўлиш, улар тақдирига бефарқ қарамаслик, ўз ҳолига ташлаб қўймаслик, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳаётий воқеалар орқали кенгроқ тушунтиришимиз зарур. Яна шуни таъкидлашни истардимки, хорижий давлатларда, масалан, Миср ва Туркия каби давлатларда диний таълим олаёт-

ган ёшларнинг эгаллаган билимларининг савияси ва моҳиятини назардан четда қолдирмаслик керак. Улар чет элдан нималарни ўрганиб келишмоқда? Сўнг қарларда ишлаяпти ёки дарс беришяпти? Тошкент ва Бухородаги диний муассасалардами ёки яширин хужраларда? Мана шу каби долзарб масалаларга қанчалик эътибор қилишимиз ўзи? Марҳумларни ёд этиш, орқаларидан дуода бўлиш, ётган қабристонларини обод қилишимиз, халқимизнинг олий фазилати, албатта. Лекин шу билан бирга ёнимизда юрган одамларнинг тақдирига лоқайдлик қилмаслигимиз ҳам керак. Бунга ҳақимиз йўқ, деб ўйлайман. Бу бизга жуда қимматга тушиши мумкин.

Йиғилганлар ҳозиргина эзгу ишларнинг гувоҳи бўлганликларини, халқ учун жонини фидо қилган миллат вакилларининг номлари беиз йўқолиб кетмаслигини, энди бу маскандан одамларнинг қадамлари узилмаслигини, йиллар давомида адо этилмаган бурч ва шаҳидларнинг руҳига тиловат доимий давом этишини таъкидлаб турган эдилар. Ўзбекистон Президентининг дилидаги гаплар кўплар қатори диний уламоларни ҳам жиддий ўйлантириб қўйди. Негаки, мамлакат раҳбари мусулмонларга раҳбарлик қилиш, диний байрамларга фатво бериш, фақат жума кунидагина масжидларда имомликка ўтиш — маъруза қилиш, бирор тадбирни ўтказишдангина иборат эмаслигини таъкидлаб, улар эътибор қилиши лозим бўлган вазифаларни яна бир эслатиб ҳам қўйган эди. Дарҳақиқат, кўпчилик имомларнинг нигоҳлари ерга қараб қолди. Балки уларнинг кўнглидан ҳозир тилга олинган ишларга

аҳамият қилмаганларини тан олувчи афсус-надомат ўтгандир. Қаердандир келтирилган китобларни ўқиб, ваҳдобийлик ақидаларини ўрганаётган, «Ҳизб ут-таҳрир»га мойиллик кўрсатаётган, жиҳод нималигига қизиқиб, Интернет орқали маслакдош қидираётганларни менинг маҳалламдан эмас, умуман бегона-ку, деб адашиш оstonасида турганлар тақдирига ростдан ҳам парво қилинмади-да. Буни ҳис қилиш, тушуниш, озгина қийналишнинг ўзи ҳам ҳали ҳаммасидан мосуво бўлинмаганлигини англатарди. Демак, ишга киришиш пайти келди.

Сухбат сўнггида юртда қилинаётган бу каби савобли ишларга бош қўшганларнинг ҳақларига ҳам дуо қилинди. Кейин хиёбонда қад ростлайдиган музейни ҳам яқин орада ишга тушириш режалаштириляётгани ҳақида хушхабар тарқалди.

#### IV. СУРХОН ОСМОНИДА ҚОРА БУЛУТ

Куни кеча Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида Марказий Осиёнинг тўрт давлати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида муҳим учрашувдан қайтган Ўзбекистон Президенти бугун мамлакатнинг жанубига — Сурхондарё вилоятига боришга отланди. Негаки, халқаро террорчиларнинг катта бир гуруҳи Тожикистон орқали Сароисиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларига суқилиб кирганди. Ўзини «Ўзбекистон ислом ҳаракати» (УИХ)нинг етакчиси ва амири деб овоза қилган Ғолиб Қулдош «Озодлик» радиосига берган интервьюсида олдида қўйган режасини яшириб

Ўтирмади: «Бизнинг бу жангдан муддаомиз, Ўзбекистонда ҳукм сураётган тузумни ағдариб ташлаш, қамоқхоналарда сақланаётган минглаб биродарларимизни озод қилиш ва, энг асосийси, одамларни эмин-эркин ибодат қилишлари учун янги тузум — Ислом давлатини барпо қилиш!»

Бу 1999 йили Тошкентдаги февраль воқеаларидан қониқмаган, ўша йилнинг августига келиб, Қирғизистон орқали Ўзбекистонга киришга уринган, аммо қирғиз ва ўзбек армиясининг ҳужумидан орқага чекинишга мажбур бўлган кимсанинг 2000 йилнинг июлида бирдан жазавага тушган пайтдаги иддаоси эди. Оламга жар солиб айтган гап-сўзига қараганда, у бу гал ҳам қўлига қурол олиб, юртига бостириб киришга, қирғинбарот қилишга қаттиқ киришганга ўхшайди.

Қирғизистондаги учрашувда қўшни Афғонистон мамлакатидаги нотинчлик, Тожикистонга кириб келган террорчиларнинг бир қисми ҳамон у давлатни тарк этмагани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг қатъий талаби бажарилмаётгани ҳақида сўз юритилди. Кейин ўзаро келишувлар асосида баъзи бир ҳужжатлар имзоланди. Бироқ Ўзбекистон Президентининг бу йиғилишдан кўнгли тўлмай қайтди. Вазият оғирлашмай туриб кескин чора кўриш пайти келганини сездим. Тинчи бузилди, юраги сиқилди, сафар чарчоғини унутиб, Ватан ҳимояси учун жанг олиб бораётган аскарлар ёнига боришни ихтиёр қилди: «Қўлига қурол олиб, юртни ёвуз кимсалардан ҳимоя қилаётган аскарлар ҳолидан хабар олиш менинг бурчимдир. Уларга мадад бўлишим керак».

Самолётда бироз хаёлга берилди. Ахир кўш-ни Тожикистонда аҳвол қандайлигидан яхши хабардор-да, уйланмай бўладими? Афғонистондаги қалтис вазиятдан, чегара яқинидаги хавфдан доимо ташвишда эди, энди бунга Тожикистон ҳукуматининг тутган йўли, тушунарсиз сиёсати кўшилди. Тожиқлар мамлакатини мустақил деб эълон қилишди, бироқ ҳамон ички низолар тинчимаяпти. Айниқса, Турсунзода (аввалги Регар) шаҳрида қуролли туқнашувлар, фуқаролар уруши ҳамон давом этаётгани нафақат мамлакат аҳолисини, балки кўшни давлатлар халқларини ҳам жиддий ташвишга солмоқда эди.

Ўзбекистон Президенти «Кўшнинг тинч, сен тинч» деган мақолга амал қилиб, жуда кўп марта инсонпарварлик ёрдами жўнатганини, чегараларнинг дахлсизлигини кўзлаб, ҳарбий жиҳатдан ҳам кўмак берганини эслади: аммо Тожикистон ҳукумати икки томонлама ҳамкорлик қилишга негадир шошилмади, Ўзбекистон ўз манфаатини уйлаб ёрдам қўлини чўзяпти, деган ўйда бундай самимий, беғараз саъй-ҳаракатларга эътиборсиз қаради.

Бу пайтга келиб фуқаролар урушида жонбозлик кўрсатган тожикистонлик полковник Муҳаммаддиёр Оллоҳбердиевнинг жанговар ролига етарлича баҳо берилмагани у етакчилигида мамлакатда яна бир муҳолиф куч пайдо бўлишига олиб келди. Полковник Муҳаммаддиёр Оллоҳбердиев ўзи қўмондонлик қилаётган полкнинг тарқатилишига йўл қўймаслик мақсадида Турсунзоданинг автоном ҳудуд бўли-

шини истади ва ҳукуматдан шуни талаб қила бошлаганди. Бунинг сабабини бошқа ердан ахтарган Тожикистон раҳбарияти полковник Муҳаммаддиёр Оллоҳбердиевнинг ҳаракатларини Ўзбекистон қўллаб-қувватламоқда деган хулоса чиқарди. 1998 йили Тожикистон шимолидаги Сўғдиёна вилоятининг маркази бўлган Хужанд шаҳрини эгаллаб, ҳукумат учун жиддий кучга айланган полковникнинг талаби безътибор қолиши мамлакатдаги аҳволни баттар оғирлаштириши мумкин эди. Шунинг учун бўлса керак, Тожикистон Президенти муҳолифат билан ярашиш йўлини танлади, бироқ ҳукумат кучлари уч-тўрт кунлик тинч вазиятдан фойдаланиб, полковник Муҳаммаддиёр Оллоҳбердиевнинг ҳарбий полкнинг асосий қисмини тор-мор қилишга эришди. Полковник тирик қолган аскарлари билан қочишга мажбур бўлди. Лекин қаерга?

Тожикистон ҳукумати яна гумонга бориб, Ўзбекистонга юзланди. Полковник Муҳаммаддиёр Оллоҳбердиев ва унинг ҳарбийларини қайтаришни сўрай бошлади. Ўзбекистон ҳукумати бу талабга жавобан полковникнинг тарафдорлари уларнинг ҳудудида эмаслигини айтди. Аммо бу гапга ишонмаган Тожикистон ҳукумати худди мана шу нуқтада сиёсий жиҳатдан қалтис ишга қўл урди. «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг қуроли аъзоларини мамлакати ҳудудига киришига ва Ўзбекистон чегараси яқинида жойлашишига имкон яратди. Бу сирли, айни пайтда, хавфли тактикадан хабар топган Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДҲ) раҳбарлари Тожикистон Президентидан экстрем-

мистик кучларни мамлакатдан чиқариб юборишни талаб қилди. Тожикистоннинг бу талабни бажармаслиги келгусида жиддий муаммолар туғдириши мумкин эди. Шунинг учун УИХ раҳбарлари билан музокара олиб бориб, уларни Афғонистонга ўтиб олишга кўндирди ва кўмаклашди, яъни масалани тезроқ ҳал этиш учун жангариларни техника билан таъминлашни режалаштирди. Тез кунда МДХ раҳбарларига уларнинг талаби бажарилгани ҳақида маълумот берилди. Бироқ сал кейинроқ Тожикистоннинг баъзи ғараз ниятли мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган хато туфайли икки юзга яқин яхши қуролланган жангарилар отряди аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда яна қайтиб Ўзбекистон чегараси яқинидаги манзилга яширинишди. УИХнинг катта маблағи эвазига олинган ҳарбий техника жангариларни Душанбе ва Турсунзода орқали бемалол олиб ўтиб, белгиланган нуқтага етказиб қўйди. Бу тахминми ёки факт? Ўзбекистон Президенти бу масалани жиддий ўрганишга қарор берганлиги ҳамон ёдида. У кунларнинг ҳар бир ҳодиса ва воқеасини унутиб бўлармиди? Ватанга ёвуз кучлар ҳамла қилиб турганда тобора тарихга айланиб бораётган ўтмишни қандай эсламаслик мумкин?

Генерал-лейтенант Бўронов Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг тўплаган маълумотларини Президентга тақдим этаркан, қисқача тushунтириш берди: 1991 йилиёқ Ўзбекистонни тарк этиб, хорижда УИХнинг фаол аъзоси ва етакчиларидан бўлган Ғолиб Қулдош ва Бозор Намангонийлар 2000 йилнинг 24 июлида Тожикистонга



йўналтирилган жангарилар отрядига Шодмон (Элчи Мадёров)ни дала командири қилиб тайинлаган. Ўзбекистонга ўтиб, террорчилик ҳаракатларини олиб борадиган отрядга эса 1999 йил чечен урушида ва Боткент воқеаларида иштирок этиб, етарлича тажриба тўплаган Абдуҳолиқ ал-Хоразмийни бошлиқ қилишган.

Шундай қилиб, «Ҳарбий кенгаш»нинг қарори билан Абдуҳолиқ ал-Хоразмий 2000 йилнинг 29 июлида ўттиз бешта жангариси билан Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманидаги давлат чегарасини бузиб ўтди. Бу ҳақда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Афғонистон ҳудудида махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтган, яхшигина қурол-аслаҳага эга бўлган бандитлар гуруҳини Тожикистон орқали Сурхондарёнинг Сарийосиё ва Узун туманларига бостириб киргани ҳақида дарҳол баёнот берди. Бироқ давлат чегарасини қўриқлаш Тожикистон қўмитаси полковниги Саидқобил Мажидов: «Бундай дейишга сизларда на факт, на исбот бор!» деб хабарни рад этди. Россиянинг Тожикистондаги чегарачилар гуруҳи командири ҳам буни тасдиқлади. Айни пайтда, улар жангариларни Афғонистон орқали ўтган бўлиши мумкин деб тахмин билдиришди. Подполковникнинг эҳтимоли тўғри деган генерал-майор Роман Иванов (Тожикистондаги Россия чегара қўшинларининг бошлиғи) матбуот ходимларига берган интервьюсида «Бизнинг постларимизда қаттиқ назорат ўрнатилган, чегара ҳудудига яқинлашган ёки ундан ўтмоқчи бўлган ўнлаб кишиларни кўрмай қолишимиз

мумкин эмас», деди. Ўзбекистон МХХ ходимларида шубҳа пайдо бўлди: нахот, Афғонистон орқали ўтишди?

Маълумот аниқлаштиришни талаб қиларди, қайта текширувга эса вақт керак. Бироқ бу пайтда УИХнинг ашаддий жангарилари аллақачон Ўзбекистон ҳудудига ўтиб, тоғдаги айрим қишлоқларни эгаллай бошлаганди.

\* \* \*

...Террорчиларнинг разведка бўлинмаси Сариосиёнинг паст-баланд тоғларини яхшилаб кузатган, синчиклаб ўргангандан сўнг куннинг қайси пайтида бу ҳудудга билдирмасдан кириб, мамлакат ичкари-сига ўтиб олишни пухта режалаштирган эди. Икки отрядга бўлинган ёлланма қотилларнинг биринчи гуруҳи Сариосиёда тонг-саҳарда йўлга тушди. Босқинчилар жуда эҳтиётлик билан, бир-бирларидан унча узоқ бўлмаган масофада, теварак-атрофга аланг-жаланг кўз ташлаганча қадам босаркан, иложи борича қуёш чиқмасдан кўзлаган мақсадларига эришмоқчи эди.

Иккинчи гуруҳ Узун тумани яқинига жойлашиб, ишора кутадиган бўлди. Аслида, бир пайтда юришни маъқул деб топишганди, сўнгги паллада бошлиқ тактикани ўзгартирди. Бироқ икки соат ичида ҳеч қандай сигнал ёки хабар бўлмаса, биринчи гуруҳнинг уриниши қандай натижа билан тугашидан қатъи назар, иккинчи гуруҳ юришни бошлайди. Иккала гуруҳга ҳам бир хил топшириқ берилган: талафот кўришса-да, чегарадан ўтиш ва тоғдаги

қишлоқларни эгаллаш ёхуд одамлар орасига яшириниб олиш. Дастлабки уриниш амалга ошса, отряднинг бошқа гуруҳлари ҳам маълум муддатдан кейин аввалдан белгиланган жойга боришлари зарур. Келганларнинг махсус парол билан қилинган салом-алиги жойида бўлса, шахсий топшириқ олиб ишга киришади. Агарда биринчи савол-жавобда шубҳа туғилса, алвидо ҳаёт! Кодни эсдан чиқариш, янглишиш, бошқача йўл билан синаб кўриш кечирилмайди. Айниқса, хиёнат! Тириклайин қўлга тушиш йўқ. Мабодо кутилмаган вазиятда асирга олинса, биринчи йўл — қочиш; бунга имкон топилмаса — ўлим!

Гуруҳ етакчиси қўл остидагиларга гаплашишни тақиқлаган. Фақат имо-ишора. Буйруқ берилмагунча ўқ отиш мумкин эмас.

Узоқдан қараганда оддий кўз билан аста ўрмалаётган бандани илғаш мушкул. Уст-бошига тош рангидаги махсус кийим кийган жангарилар агарда қимирламай бир жойда туриб қолса, дарҳақиқат, дурбинда ҳам пайқаш қийин. Олдиндаги икки киши тўхтамай теварак-атрофни кузатади, кейин қўли билан юришга ишора беради. Ўн-ўн беш метрлар масофа босиб ўтилгач, яна дарахт ёки харсангларни пана қилиб яширинишади. Атрофда шубҳа сезилмагач, яна олдинга юришга ишора берилади.

Бироқ қўшни давлат чегарасидан ўтиб, анча тепаликка кўтарилиб қўйган етакчининг хавотири ортиб бормоқда. «Бу жимжитлик негадир менга ёқмаяпти, — деб хаёлан ўзи билан ўзи гаплаша бошлади соч-соқоли ўсган, оқ-сарикдан келган юзига қора

бўёқ суртиб қўрқинчли тус берган, кенг гавдали, баланд бўйли етакчи. — Ўзбекистон чегараси жуда мустаҳкам, ундан осонлик билан ўтиб бўлмайди, жанг қилишга туғри келиши мумкин, дейишгандику. Наҳот, сездирмай пастга тушиб олсак? Балки чегарачилар асосий диққат, эътиборни Узун тумани худудига қаратишгандир? Агар шундай бўлса, менинг гуруҳим пистирмага дуч келмай, биринчи қишлоққа етиб олади. У ерда эса анча олдин келиб маҳаллий одамларга қўшилиб кетган, эндиликда эса бизларни сабрсизлик билан кутиб турган одамларимиз бор. Улар билан бирлашиб олсак, марра бизники. Лекин... лекин бу осойишталик мени ростдан ҳам ташвишга соляпти. Қўрқув, раҳм-шафқат менга ёт нарса. Бир неча давлатлардаги қўпоровчилик ҳаракатларида иштирок этдим, қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғини қуритдим. Аммо менга ҳеч нарса қилмади. Жоним ҳамиша омонда бўлди. Энди ҳам тирик қолсам керак. Ёки мени бу ерларга ажал бошлаб келдимикан? Тавба, бу гал негадир мана шундан сал хавотирдаман».

Тоғ бағридаги сукунатни ғира-ширада ов қилишга шошилган қушларнинг гоҳ патирлаб, гоҳ унсиз қанот қоқишлари бўлди. Сал ўтмай инига қайтишга ошиққан, аммо ногоҳ тепасида пайдо бўлган калхатга ўлжа тушган каламушнинг чийилдоқ овози эшитилди. Суфитўрғай безовталаниб, Ҳисор тоғи этаклари томон парвоз қилди. Қаердадир бўрининг увиллаши-ю, қўнғир айиқнинг ҳуркитувчи товуши ҳам қулоққа чалинди. Бунга Боботоғ ва Бойсунтоғ тизмаларининг энг баланд жойи — Заркоса

тоғи орасидаги паст-баланд адирларда жойлашган Хуфор, Хондиза, Источ ва Зоҳона қишлоқларида субҳи козибга алданган жуҷахӯрозларнинг бирин-кетин қичқирган хирилдоқ, ингичка овозлари кўшилди. Тупалангдарё қирғоғидан отилиб чиққан ўқилон адир томон шошилди. Ўрта Осиё кобраси (кузойнакли илон) унинг йўлига ғов бўлишга улгурмади.

Қалин буталар орасидан ириллаган товуш келди. Силовсин қандайдир шарпаларни сезди чоғи, икки боласини эргаштириб, ортга чекинди.

Ярим кечаси шумхабар олинган пайтдаёқ белгиланган маррага етиб келиб, позицияни мустаҳкам эгаллаган снайперчилар икки соатдан кўпроқ вақт ичида кўкрагини захга бериб душманни кутишар, сассиз, бунинг устига қимирламай ётишдан бўғилиб кетса-да, ғанимга ўзларини сездириб қўймаслик учун сабр ва матонат кўрсатишар эди. Ва ниҳоят, субҳи содиқда одам шаклидаги шарпалар анча олисдан дурбин орқали кўзга чалинди.

«Эй, осий банда! Бировнинг тинч юртига қурол ўқталиб кириб келасан-у, сени бу жойга ажал етаклаб келмай, яна ким олиб келсин, — дея ўйлаб кетди Шимолий Ҳисор тоғ тизмаларида жойлашган чегара қўшинининг энг моҳир мергани Шарифжон босқинчининг жовдирашидан фикрларини уққандай. — Ҳадигинг бекорга эмас, юрагинг сезиб турибди нишонда эканингни. Фақат янада яқинроқ келишингни пойлаяпмиз, холос. Токи ҳужумга ўтганимизда, орқага қочишга имконинг бўлмасин. Ортдаги чегара беш-ўн метр масофа эмаски, кўз очиб

юмгунча ғойиб бўлсанг. Ҳозирча олдинга қўйган қадамингга хурсанд бўлаётгандирсан? Аммо босиб ўтилган ҳар бир қарич ер сичқоннинг уйи минг танга бўлганда сенинг оёғингга шундай ёпишадики, унинг домидан қутула олмай, бу азиз ва муқаддас тупроққа ифлос қадамингни босганингга минг пушаймон бўласан! Менимча, вақт бўлди. Бу тоза ва мусаффо ҳаводан нафас олишингга ортиқ тоқат қилолмайман!»

— Бургут! Бургут! Мен «Лочин-1»ман, мени эшитяпсизми? — деди паст овозда олдинги маррадаги Убайдулло мерган бир уюм ўтлар орасидан. У тунда атрофни кўришга мослаштирилган асбобни кўзларига тутганича жойида қимирламай ётарди.

— «Лочин-1», мен Бургутман! Сизни эшитяпман, — жавоб келди командирдан.

— Номаълум кимсалар белгиланган ҳудудга кира бошлади. Уларнинг биринчиси нишонимда. Ўқотишга рухсат беришингизни сўрайман.

— Объект назорат остида. Яна бироз кутамиз. Пастки қияликка тушиши керак. Шунда орқага чекиниши қийин бўлади. Буйруқни кутинг!

— Бургут, мен «Лочин-2»ман. Босқинчилар тудаси йигирма олти кишидан иборат. Менимча, улар тахмин қилинган катта бир отряднинг разведка гуруҳига ўхшаяпти. Шундай бўлса-да, охиргиси менинг нишонимда. Пешонасидан дарча очиб қўйишга рухсат сўрайман.

— «Лочин-2», сизни тушундим. Аммо бироз сабр қилинг! Эшитяпсизми, командамиз отилмасин! Алоқага чиққан барча «Лочин»лар диққатига!

Энди буйруғимга қулоқ солинглар. Гуруҳнинг бемалол, тап тортмасдан келишига қараганда, уларга маҳаллий аҳолидан кимдир йўл кўрсатиб келяпти. Биринчи навбатда, ана шу «йўлбошчи»ни гумдон қилишимиз зарур. Ундан кейин эса гранатамёт кўтарган газандалар нишонга олинсин. Улар тўданинг ўртасида, саккиз киши. Ҳар бирининг олдида биттадан ҳимоячи бор. Демак, иккита снайперчига бир нишон. «Лочин-1», команда бўлиши билан олдиндаги тўсиқ родини ўтаётган кишини ер типлатасан, «Лочин-2» шу заҳоти гранатамётчига ўқ узасан. У отишга улгурмаслиги керак. Қолган «Лочин»лар ҳам шу тарзда бирин-кетинликда ҳаракат қилади. Буйруқ ҳаммага тушунарлими?

Командир отишга буйруқ беришга шай турган бир маҳалда унга Сариосиёнинг жануби-шарқ томонидан қўшни бўлган Узун туманига ҳам босқинчиларнинг қадам босгани ҳақида хабар қилишди. «Демак, террорчилар Ўзбекистон ичкарасига кириш учун шу икки тумanning тоғли қисмларини танлашган. Аҳолиси кам сонли, бунинг устига бир-биридан узоқ масофада жойлашган қишлоқларни босиб олиш, агарда қўлга тушгудек бўлса, одамларни гаровда ушлашни режалаштиришган бўлса керак. Қизиқ, наҳот улар Тожикистон орқали бемалол ўтишяпти? Ахир тожик ҳукуматининг ўзи-ку бизни бу хавф-хатардан огоҳ этган? Нима, улар ҳам жангариларга, ҳам бизларга бирдай яхши кўринмоқчими? Ота-боболаримиз минг йиллардан буён дўст-биродар бўлиб яшаган, бизлар ҳам бу анъанага содиқ эдик. Нима бўлди, қўшничилик ва оқибатимиз-

га дарз кетдими? Йўқ, бу тожик халқининг иши эмас, баъзи кимсаларнинг ўйини бўлса керак».

Командир қалбини эзган, маҳзун қилган ўйларга барҳам берди-да, душманни аёвсиз кутиб олишга буйруқ берди.

Гранатамёт кўтарган шеригини ўзича пана қилиб келаётган жангари ногоҳ бошидан ўқ еганини ўзи ҳам билмай қолди. Нима содир бўлди, олди мияси бош чаноғидан отилиб чиқиб кетдими? Лаҳзалик зарба уни ерга қулатди. Кетма-кет учиб келган иккинчи ўқ, елкасига гранатамёт осган яна бир босқинчининг ҳаётига нуқта қўйди. У шундоқ олдида бораётган шеригининг ўққа учраганини, шу заҳотиёқ тил тортмай ўлганини англади. Ҳатто беихтиёр қуролига қўл югуртирди. Лекин бошқасига улгурмади.

Дала командири Абдухолиқ «Пистирма» деб ишора бериб, одамларини беркинишга чорлагунча, яна иккита жангчисидан айрилди. Бир зумда тўртта аъзосидан жудо бўлган душман саросимага тушиб, апил-тапил ён-атрофида нимаики бўлса: ўт-ўлан, бута, арча дарахти, харсанг тошлар ортига беркиниб, чегарачиларнинг жойини аниқлашга киришди. Абдухолиқ олдинда бораётган разведкачиларни ичида буралаб сўқди. Кўзи қаёқда уларнинг? Наҳот, пистирмани сезишмаган бўлса? Ёки олдиндагиларнинг иккаласи ҳам алақачон асфаласофилинга равона бўлганмикин? Ниҳоят, ўлган шерикларининг йиқилган ҳолатига қараб, пистирмада турган чегарачиларнинг жойи тахмин қилинди. Энди қарши ҳужумга ўтиш мумкин. Бироқ Абдухолиқ гуруҳни



тахминга кура жангга етаклай олмас эди. Аниқ билиши керак. Бойўғлининг сайраши кулоққа чалинди. Дала командирининг тунд башараси сал ёришди. Бу махсус сигнал бўлиб, олдиндаги разведкачиларнинг тирик эканлигини англатарди. Ташвишли товуш бир неча бор такрорланди. Абдухолиқ пистирмадаги аскарларни тўғрида эмас, тахминан ун градус чапда жойлашиб олганини уқди. У сал қолса, яна бир жангчисини олдинга боришга буйруқ бериб, вазиятни аниқламоқчи эди. Энди ҳаммаси равшан, чегарачилар сони қанчалигидан қатъи назар, ҳужумга ўтиш мумкин.

Укки уч марта сайради. Ана шундан кейин дарани ўқ овозлари тутди...

Тиш-тирноғигача қуролланган жиноий гуруҳ тушгача уч-тўрт марта ҳимоя чизигини кесиб ўтишга уринди. Улар қанчалар қасд қилишмасин, ҳар гал жиддий тўсиққа дуч келиб, ортга чекинишга мажбур бўлишди. Бироқ бу қайтиш чалғитувчи юриш эканлиги ярим соатлардан кейин маълум бўлди: қарандир етиб келган кичик гуруҳ ёрдамида қайта ҳужумга ўтилди. Етти кишилиқ гуруҳ пастдан чиқиб келган эди. Посбонлар уларни бу босқинчилик ҳаракатидан анча илгари, сўқмоқ йўллар орқали чегарадан ўтиб, қишлоққа жойлашиб олган, маҳаллий аҳолига қўшилиб кетган кишилар эканлигини ана энди росмана пайқаб қолишди. Жанг ашаддий тус олди. Тоғли ҳудудларда жанг қилишнинг ҳадисини олган террорчилар бир муддат ҳужумга ўтиб, кейин дарҳол ғорларга яшириниб, снайперчиларни ишга солишди. Улар очиқ ҳужумга ўтиш мағлубият эка-

нини англаган кўринади. Пешиндан кейин ҳам жангарилар яширинган жойларидан чиқишмади, афтидан улар яна мадад кутишаётган эди.

Ўқ овозлари тингач, тоғларга яна сукунат чўкди. Чегарачилардан беш аскар жон берган, етти киши эса қаттиқ яраланган эди. Командир марҳумларни ва ярадорларни зудлик билан постга, у ердан шаҳар касалхонасига жўнатиш тарадуддини кўришга киришди...

Узун туманида ҳам аҳвол шунга ухшаш эди. Биргина фарқли томони жангари тўда чегарани тонг анча ёришиб қолганда бузиб ўтишга урингани. Улар очик жангга киришди. Бироқ қанчалик чиранишмасин, қақшатқич зарбага дучор булишди. Уларни ҳайрон қолдирган нарса, ўта махфий саналган ҳужумдан ўзбек чегарачиларининг қандай қилиб хабардор бўлгани эди.

Сариосиёга киритилган гуруҳ дастлабки кунлари талафот кўрганига қарамай, энг чекка қишлоқларнинг бир нечтасига кириб олишга эришган эди. Энди бошқа қишлоқларга ҳужум уюштириши мумкин эди.

Ўзбекистон ҳукумати дарҳол аҳолини хавфсиз жойга кўчиришга тарадуд кўра бошлади. Тахминларга кўра, жангариларнинг сони юздан ортиқ эди. Дастлабки кунлардаги муваффақиятсизликдан кейин уларнинг барчаси ҳужумга ўтган ва қаршилиқни даярли енгилган эди.

...Президент шунинг учун ҳам Сурхондарёга етиб келганди.

Чегара қушинларининг Сурхондарё округи бошлиғи, полковник Миролмос Тожиназаров Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари Бош қумондонини Бирлашган Қуроли кучларнинг Сариосиё аэропортидаги штабида кутиб олди. Полковник бу ердаги вазият ҳақида ҳисобот бераркан, аҳвол ҳамон кескинлигини, қуроли босқин уюштирган кимсаларни, дарҳақиқат, халқаро террорчилар деб эътироф этди. Ўзбекистон чегарасига ҳужум қилганлар қандайдир кеча пайдо бўлган экстремистик гуруҳ аъзолари эмас, балки махсус тайёргарликдан ўтган, алоҳида саралаб олинган ашаддий ёлланма қотиллар — террорчилардан иборат катта бир отряд эканлиги тасдиқланди. Бутунлай куйиб кетмаган айрим жасадларнинг афти-ангори, ёнларидан топилган баъзи буюм ва қоғозлар бунга далолат эди. Ўлганлар орасида турли миллат вакиллари бор эди.

Шундан сўнг Бош қумондон душман ҳужумини тўхтатишда иштирок этаётган аскарлар билан учрашиб, уларнинг жанговар ҳолатини кўздан кечирди. Бош кийимнинг орқаси яна ўн сантиметрлар туширилиши керак, негаки каска бўйин қисмини ҳам биров тўсса, мақсадга мувофиқ бўлади. Кийимларнинг тирсак ва тизза қисмига эса, қалин материалдан қўшимча ишлов бериш зарур. Ахир аскар ерда судралиб юрганда энг кўп ишқаланадиган жойлар пишиқ, қалин, намга чидамли бўлиши керак эмасми? Командирларга танбеҳ берилди. Юрт учун жонини фидо қилаётган оддий аскарларнинг кийими, емиши, ётоғи аъло даражада бўлиши лозимлиги ўқтирилди.

— Бундай жиддий жангда биринчи бор қатнашаётган бўлсанг керак, — деб сўради Бош кўмондон катта сержант унвонидаги бўз йигитнинг қаршисида тўхтаб.

— Худди шундай, — дея жавоб қилди катта сержант қаддини ғоз тутиб.

— Душман сен томонга ўқ отаётганда ўзингни қандай ҳис қиляпсан? — деб сўради Бош кўмондон аскарнинг кўзларига тикилиб.

— Асло қўрқаётганим йўқ, — дея мардонавор жавоб берди катта сержант. — Мен ватанимнинг ҳимояси учун душман ўқиға кўксимни тутишга тайёрман!

— Бу жасоратинг таҳсинга лойиқ, — деди Бош кўмондон аскарнинг елкаларидан тутиб. — Аммо сенинг биринчи галдаги вазифанг мардларча ҳалок бўлиш эмас. Ҳушёрликни йўқотмай, моҳирлик билан жанг қилиш ва юртимизга кирмоқчи бўлган, халқимизнинг тинчлигини бузишга, фаровон ҳаётига зиён-заҳмат етказишни мақсад қилган каззобларни шу ернинг ўзида тўхтатиб қолишдан иборат. Сенинг жонинг омон экан, уларга қарши кураша оласан. Ёнингдаги шеригинг тирик экан, ёлғизланиб қолмайсан. У ёқда ота-онанг, опа-синглинг, ака-укаларинг, қариндош-уруғ, қўйгинки, бутун халқимиз турибди. Сен қаҳрамонлик кўрсатишинг мумкин, бироқ душманнинг навбатдаги ўқи ҳозир мен санаган азиз инсонларнинг бирортасига етиб бормаслиги учун, сен ўзингни ноўрин қурбон қилмаслигинг керак. Бунинг учун жанг тактикасини пухта ўрганиб бориш керак бўлади. Мақсад жангни тезроқ туга-

тиш эмас, балки талафотсиз олиб бориш ва охи-  
оқибатда ғалабага эришиш.

— Ҳаммасини тушундим, мухтарам Бош қў-  
мондон!

— Унда, сендан кўнглим тўқ, — дея аскарнинг  
елкасига қоқиб қўйди Бош қўмондон.

— Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!

Бош қўмондон бу гапдан кейин катта сержантни  
аввал бағрига босди, сўнгра даст кўтариб қўйди...

Элёр Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҳаракатларини кузатар, гап-сўзларини тинглар  
экан, Сариосиёда қолиб, чегарачилар билан бир саф-  
да жанг қилмоқчи бўлди. У чегарани тап тортмасдан  
бузиб ўтган босқинчиларни ўз кўзи билан кўрмоқ-  
чи, ким эканлигини билмоқчи эди. Округ бошлиғи,  
полковник Миролмос Тожиначаров айтганидай, хо-  
риждан ёлланган қотилларми ёки бир пайтлар юрти-  
дан чиқиб кетиб чет элларда сарсон-саргардон юрган  
ватангадо миллатдошларими? Агар шундай бўлса,  
уларнинг бирортасини тирик қўлга тушириб сўрамоқ-  
чи эди: «Кимнинг ноғорасига ўйнаб, шундай қабих  
ишга қўл уряпсан? Сенларнинг ақлинг жойидами ёки  
аллақачон манқуртга айланиб бўлганмисан? Ўзингга  
Абдуҳолиқ ал-Ҳоразмий деб жарангдор ном берга-  
нингга қараганда, кўҳна Ҳоразмдансан. Гуруҳингдаги  
уқанг, жиҳод нималигини англаб-англамаган отанг  
ҳам шу юртнинг одами, бироқ энди сенлар «оға» де-  
ган шарафли номга нолейиқ кимсаларсан! Бир оила-  
дан уч кишилашиб, ўз туғилган юртингга бераҳм ва  
шафқатсизларча қурол ўқталиб кирибсанларки, энди  
омонлик кутманглар. Мен ҳам қўлимга қурол олиб,

сенинг қонга тўлган нигоҳларингга тик боқаман-да, «Хоинга ўлим!» дейман, йўлингга қалқон бўламан, бир қадам олдинга юришингга имкон бермайман».

Элёр ана шуларни хаёлидан кечираркан, ўзи-ча қатъий қарорга келган эди. Тўғри, ҳарбий эмас, очик майдонларда, айниқса, бу ердаги каби тоғли ҳудудларда жанг олиб боришга махсус тайёргарлиги ҳам йўқ. Лекин у бокс билан шуғулланган кундан бошлабоқ ўзини жанговар ҳолатда деб билади. Миллий хавфсизлик хизматига ишга киргандан кейин-ку, янаям чиниқди, қуролдан ўқ отиш сирларини пухта эгаллади. Демак, аскарлар сафида қолса, эплайди. Ахир шундай пайтда юрт корига асқатмаса, уни ёвуз кимсалардан ҳимоя қилишга чоғланмаса, нима деган гап? Қайси виждони билан индамай ортига қайтиб кетади. Ахир кейинги пайтларда хавфли ҳудудларга бориш, жанговар вазиятларда қатнашиш ҳақида бот-бот хаёлга бораётган эмасмиди? Мана, имконият туғилди. Бўлди, ҳозироқ шу ерда қолишга рухсат сўрайди. Бироқ полковник Жалил Очилов Элёрга Тошкентга қайтиши кераклигини, унга борган заҳоти қандайдир муҳим вазифа топширилажагини айтди. Эҳ, аттанг, Элёр жангариларга қарши жанг қилишни жуда истаганди-я. Нияти амалга ошмаган йигит бирдан ўта фавқулодда вазиятларда жангга ташланадиган махсус «Альфа» гуруҳига ўтишни кўнглидан ўтказди. Имкон топиб бошлиқлар билан, албатта, гаплашиб кўради. Аммо раҳбарият қўл остидаги жанговар кадрларни қаерга юборишни, зиммасига қандай вазифа юклашни улардан кўра яхшироқ билади. Элёр

бу гал эътироз билдиришга ўрин йўқлигини англади ва кейинги курсатмани кута бошлади.

Орадан сал ўтмай матбуот саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Танлаган йўлидан қайтмаган, юртдаги тинчликка, халқнинг фаровонлигига раҳна солишни давом эттирган босқинчиларга Сурхондарёнинг тоғли ҳудудларида қақшатқич зарба берилди. Уларнинг аранг омон қолганлари яна қўшни давлатлардан паноҳ топишди.

## V. 2001 ЙИЛНИНГ БАҲОРИ, ЁЗИ ВА КУЗИ

Президент ёзаётган мактубини тугатиб, ручкани аста стол устига қўяркан, биров хаёлга чўмди...

Ўтган йилдаги ташвишли воқеалар қалбига озор берган бўлса, озодлик нашидасини сураётган жафокаш халқнинг барча соҳаларда зиммаларига олган топшириқларни ортиғи билан адо этганликлари юрагига таскин ва умид бағишлади. Сентябрьнинг ўрталаридаёқ мамлакатда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарган Асака ва Олтинқул туманлари пахтакорларига табрик йўлагани, орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай бутун вилоятнинг барча миришкор деҳқонларини бу борада пешқадам бўлганликлари билан қутлаганини эслаб юзларига табассум югурди. Яна бир хурсанд қил-

ган ҳодиса ёдига тушди. Ахир Сидней олимпиада-сида Ўзбекистон бокс вакили Муҳаммадқодир Абдуллаев ўзбек боксчилари орасида биринчи бўлиб «Олимпия чемпиони» деган юксак номга мушарраф бўлди. Президент ғолибга зарбоф тўн кийдиргани, қимматбаҳо эсдалик совғалар топширганини эслаб, бундай чемпионлар кўпайишига умид билдирди.

Ўтган йили бўлиб ўтган барча тадбирларни, юз берган ҳодисаларни эслашнинг ўзи қийин. Бироқ ёдга олса, қайд этиб қўйса арзигулик воқеалар анчагина. Етакчи давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифи ёки ўзининг расмий сафарлари чоғида икки томонлама манфаатли битимлар имзоланди, давлат чегараларини қуриқлаш, тинч аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича келишувлар бўлиб ўтди. Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити»да иштирок этгани ва нутқ сўзлагани, АҚШ Президенти Билл Клинтон, Туркия раҳбари Аҳмет Неждет Сезар, Исроил Бош вазири Эҳут Барак, Япония Бош вазири Иосиро Мори, Америка Олий ислом кенгаши раиси Шайх Муҳаммад Хишом Қаббоний ҳамда яна бир қанча давлатлар бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашиб, ҳар томонлама фойдали суҳбат ва музокара-лар олиб борди.

Мамлакат мустақиллигининг ўн йиллиги нишон-ланадиган 2001 йил янада файзли келди. Энди бу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш ва тантана қилиш керак. Янги йил ана шу муборак тўйни ўтказиш тўғрисидаги қарорга имзо чекиш билан бош-



ланди. Бунга Навруз байрами шодиёнаси улаиб кетди. Қутлуғ баҳор айёмининг эртаси куни Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов олтимиш ёшни қаршилайди. Таббарук Қашқадарё заминида улғайган буюк ижодкор, ўзбек шеърятининг забардаст шоирини Оқсаройга таклиф қилиш, муборак ёши билан табриклаш режалаштирилган. Бу тадбирларнинг барчасида қатнашиш, нутқ сўзлаш, бутун халқни баҳорий байрамлар билан қутлаш қандай бахт, қандай саодат! Булар хурсандчилик, албатта.

Ҳозир эса Ўзбекистон Президенти Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган болалар асарларининг халқаро танлови ғолиби, лицей ўқувчиси Дилфуза Матбобоевани табриклаб, унинг онаси Тожибархон ая Матбобоевага ёзиб тугатган мактубини яна қўлга олди.

Қандай ажойиб натижа!

Президент бутунжаҳон миқёсидаги халқаро мусобақа ва танловларда қатнашган ўғил-қизлар, айниқса, ёшлар эришган ҳар қандай ютуқлардан беҳад қувониб, жамики ташвиш ва ғамларини бир лаҳзага бўлса-да унутар эди. Бундай тадбирларда юрт байроғининг баланд кўтарилишидан эса кўзлари беихтиёр порлаб, бутун вужуди яйраб кетарди. Шундай нутилмас дақиқаларда қалби ғурур, ифтихор ва янги истакларга тўларди. Мамлакат довуғини оламга таратаётган, унга шараф ва шон ҳадя қилаётган болажонларни бағрига босиб, пешонасидан ўпиб, янада улкан зафарлар сари чорлашни истарди. Ватанга қувонч олиб келган ёшларни хо-

риждан қайтиб келиши билан уларга пешвоз чиқиб шахсан кутиб олишни жуда-жуда хоҳларди.

Мактуб: «Шундай иқтидорли фарзандни тарбиялаб, камолга етказганингиз учун шахсан сизга ва сиз орқали барча оила аъзоларингизга беҳад миннатдорчилигимни изҳор қиламан», деган самимий сўзлар билан тугаган эди. Президент охириги сатрларни яна бир бор кўздан кечиргач, мактубни имзолаб, дарҳол кўрсатилган манзилга жўнатишни тайинлади. Эзгу тилак ва янгидан-янги зафарлар битилган нома шу бугуннинг ўзидаёқ Тожибар аянинг қўлига топширилди.

Латофатли қизчасининг қўлга киритган ғалаба-сидан, айниқса, бу ютуққа Юртбошининг қилган эътиборидан ғоятда мамнун бўлган Тожибар ая севинчдан анчагача кўз ёшларини тия олмади. Қўлидаги мактубни қўни-қўшниларга, қариндош-уруғларга кўрсатар экан, хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Шу куни қишлоқ аҳли аянинг чексиз қувончига шерик бўлди.

\* \* \*

Ёзнинг сўнги ойи бошланган кун. Президент яна мактуб ёзишга утирди. Афсуски, бу сафар хурсандчилик хати эмас. Эрталабки қайғули хабарда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг бевақт вафот этгани баён этилганди.

Шу куни Ўзбекистон Президентининг халқчил ижодкор, машхур қўшиқчи-шоирнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг волидаи муҳтарамаси — Энахон ая Сотиболдиевага чуқур ҳамдардлик билдириб йўллаган мактуби матбуотда эълон қилинди.

Навоий шаҳрида шеърят султони мир Алишер Навоийга ўрнатилган ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантана Ўзбекистон Президентининг кўнглига хурсандчилик олиб келди. Тадбирда тўлқинланиб нутқ сўзлар экан, ҳазрати Навоийнинг туркий адабиётга қўшган улкан ҳиссаси, қолдирган бой мероси ва бу беқиёс хазинани асраб-авайлаш, ўқиб-ўрганиш, келажак авлодларга етказиш ҳақида қайта-қайта такрорлади.

Кейинги кунлари эса Тошкент метрополитенининг янги тармоғи — Юнусобод йўналишининг ишга туширишга тайёр бекатларини кўздан кечирди. Янги йўналишнинг энг мухташам ер ости қасри — «Мингўрик» бекати орқали метрога тушди. Бу ерда заҳматкаш метросозларнинг меҳнати самараси яққол кўзга ташланиб турарди. Киши ҳавасини келтирадиган бекат йўловчилар кўнглида илиқ таассурот қолдириши табиий эди. Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент метроси ҳудуди тобора кенгайиб, одамни ҳайрат ва завққа солишда давом этаётгани қувончли эди, албатта. Метронинг «Ҳабиб Абдуллаев»<sup>1</sup> бекатигача борган Президент шу ерда журналистларга интервью берди.

Элнинг хурсандчилик кунларига, қайғули дамларига шерик бўлишга вақт ва имкон топа олаётган Президентнинг илдам ҳаракатларига Элёрнинг ҳаваси келар, баъзида ортидан етиб ололмаётганига ўқинар ҳам эди.

<sup>1</sup> Ҳозирги «Шаҳристон» метро бекати

Куз даҳшатли бурон билан бошланди. Ун биринчи сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида амалга оширилган террорчилик ҳаракати ва унинг оқибатида руй берган фожиа бутун дунё аҳолисини ларзага солди. Кукка буй чўзган қуш бино биринкетин урилган самолётларнинг портлашлари натижасида орадан сал ўтмай ер билан битта бўлди. Ана вайронаю мана вайрона! Дунёга машҳур савдо маркази одамларнинг кўз ўнгида ёниб кулга айланди. Даҳшатли портлашдан бевақт кўз юмганлар бу хунрезликни ким амалга оширганини билолмадилар. Нафақат тирик қолганлар, балки Американинг бутун оддий халқи ҳам, аслида, бу жинойтнинг кимлар ва нима учун содир этилганини англамаган эди. Бутун жаҳонга баралла жар солинди: ана, ислом эстремистик кучлари Америкага қарши уруш эълон қилди. Тинч аҳолининг ўлимига сабаб бўлди. Пентагонни йўқ қилишга киришди. Балки эртага сизнинг мамлакатингизга ҳам хавф солиши мумкин. Бу ярамас қонхўрлар дунёдаги энг қудратли давлатгаки тап тортмай ҳужум қилган экан, бошқа юртларни аяб ўтиришарми? Хуш, нима қилишимиз керак? Қўрқувда даф-даф титраб, ертўлаларга беркиниб олиб, террорчиларнинг навбатдаги ҳужумини кутамизми ёки уларга қарши мардонавор, аёвсиз курашга биргаликда отланамизми?

Мудҳиш қупорувчилик, аслида, кимнинг махфий режаси ва топшириғи билан амалга оширилганидан беҳабар жаҳон афғор оммаси бу тапшвишли ва оташин чақириқни олқишлади. Европа ва Осиё давлатлари

раҳбарларининг кўпчилиги негадир жуда шошилишч тузилган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлади ва бу ҳаракатларини террордан ҳимояланишнинг муҳим омилларидан бири деб санадилар. Албатта, ёвуз кучларнинг эндигина ривожланиш йўлини тутган мамлакатлар аҳолиси тинчлигига раҳна солиши, фаровон ҳаётини харобага айлантириши жуда хавфли. Демак, бирлашиш керак. Халқаро терроризмга қарши курашнинг чораси топилгандай эди, гуё.

Ун тўққизинчи сентябрь куни Ўзбекистон Президенти АҚШ раҳбари билан телефон орқали гап-лашиб, ҳамдардлик билдирди. Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик ва халқаро террорчиларга биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ва ниҳоят Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш БМТнинг 48-сессиясида биринчи марта иштирок этаётганига қарамай, жуда муҳим масалани ўртага ташлаган, яъни барча мамлакат ва ҳукумат раҳбарларининг диққатини халқаро терроризм, унинг кундан-кунга кучайиб бораётган тазйиқига қаратган Ўзбекистон Президентини эслаб, уша пайтда унинг жонсараклигига эътибор қилинмаганини тан олди. Энди дунёвий муаммага айланган террорчиликка қарши курашиш ҳамда унинг илдизлари ва молиявий манбаларини йўқотишда халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Бу борада Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Шундан сўнг Америка Қўшма Штатлари ҳукумати раҳбарларининг Ўзбекистонга тўхтовсиз

расмий, норасмий ташрифлари бошланди. Октябрнинг бошларида АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Учрашувда халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи, минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, Афғонистонда юзага келган вазият муҳокама қилинди. Томонлар музокаралар якунида журналистларнинг қизиқтирган саволларига батафсил жавоб бердилар. АҚШ мудофаа вазири суҳбат самимий руҳда ўтгани ва ғоят сермазмун бўлганини айтди. У Оқ уй раҳбариятининг кечаётган воқеаларга тезкор муносабат билдирган ва ҳозиржавоблик кўрсатгани боис Ўзбекистон раҳбаридан жуда миннатдор эканини алоҳида таъкидлади.

\* \* \*

2001 йил 8 октябрь.

Ўзбекистон Президенти эрталабдан дунё харитасига тикилиб, уй суриб турган чоғида хона эшиги тақиллаб, котиб йигит киришга изн сўради. «Нима гап?» дегандай Президент котибга кўз қирини ташлади.

— Украина Президенти Леонид Кучма телефон орқали сиз билан суҳбатлашмоқчи.

— Яхши, улай қол, — деб Президент иш жойига келиб ўтирди.

— Ассалому алайкум, жаноб Президент! — дея сўз бошлади Украина давлати раҳбари.

— Ваалайкум ассалом, Леонид Данилович!

— Аввало, соғлиқ-саломатлигингиз хусусида сўрашга рухсат бергайсиз. Оилангиз ва ўзбек халқи тинчми, жаноб Президент?

— Раҳмат. Ҳаммалари яхши, — деб сал уйчан жавоб қилди Ўзбекистон Президенти.

— Агарда каминага бироз вақт ажратсангиз, Америка ва Буюк Британия томонидан Афғонистон ҳудудидаги террорчилик базалари ва лагерларини йўқ қилиш операцияси бошлангани муносабати билан минтақада юзага келган вазият ҳақида сиз билан суҳбатлашмоқчи эдим.

— Эътиборингиз учун раҳмат. Қулоғим сизда.

— Операция чоғида кескин чоралар кўрилар экан, Ўзбекистонга қўшни булган қадимий Афғон юртида воқеалар жадал ва хавфли тус олиши аниқ. Исломни рўкач қилиб, аслида, бузғунчилик билан шуғулланаётган эстремистик кучлар қарши зарбаларга дош беролмай атрофдаги мамлакатларга чиқиб кетишга ҳаракат қилишларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Дунёда энг хавфли террорчи деб аталаётган Бен Ладеннинг келиб чиқишини, сиёсий майдонда пайдо бўлиши тарихини, кейинчалик тутган йўлини ўзингиз яхши биласиз. Бироқ ҳозир у нишонда. Тўғри, Америкага хавф туғдираётган бу кимсанинг келажаги йўқ. Аммо жон талвасасида у қўшни муслмон давлатларга, жумладан Ўзбекистонга ўтишни истаб қолиши хавфи ҳам йўқ эмас. Балки менинг хавотирим ўринсиздир. Аммо шу каби уринишлардан Афғонистонда яширин фаолият олиб бораётган «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг қуроли гуруҳлари яна фойдаланиб қолиши мумкин. Ахир улар Боткент ва Сурхондарёдаги мағлубиятларидан аламзада эмасми? Демак, диний эстремистик кучлар қайта ҳужумга ўтиши учун қулай пайт пойлаб гу-

риши шуҳбасиз. Шу боис сизга ва ўзбек халқига бўлган чексиз ҳурматим туфайли зарурият туғилса, Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга ва қўлаб-қувватлашга тайёр эканлигимни айтиб ўтмоқчиман.

— Бундай самимий фикр ва таклифларингиз учун сиздан беҳад миннатдорман.

— Сизнинг бир гапингизни доим ёдда сақлайман: Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат. Бундай фикрни халқини эртанги ёруғ ва фаровон кунларга ишонтирган ҳамда ўзи ҳам ишонган раҳбаргина айта олади. Ўзбек миллатининг тарихини яхши билганим ҳолда, сиз юртда тинчлик ҳукмрон бўлиши учун толмас курашчига айлангансиз. Тинчлик ва бунёдкорлик буюк Амир Темурнинг шиори эди. Сиз ана шу анъананинг давомчисисиз ва тарихда шундай эзгу ном қолдиришингизга ишонаман...

\* \* \*

2001 йил 10 октябрь.

Бу гал телефонда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин. Унинг овози бироз хавотирли эди. Ўзбекистон Президенти салом-алиқдан сўнг бунинг боисини сўради.

— Америка ва Англиянинг ҳарбий кучларининг ҳаво зарбалари туфайли вазият кескин тус олмақда. Антитеррор операцияси келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш учун зарур чоралар кўришимиз даркор. Чеғараларда назоратни кучайтирганмиз, аммо бу жиддий масалага ўзаро келишилган ҳолда ёндашмасак,



саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирмасак, нафақат Афғонистон аҳолиси, балки бизнинг халқларимиз ҳам жабр кўриши мумкин, — деди Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ошкора сўзлаб.

— Албатта, мен бу фикрингизни қўллаб-қувватлайман. Биринчи навбатда, Афғонистон билан туташ ҳудудлар хавфсизлигини таъминлашимиз керак. Шу билан бирга мамлакатнинг шимолий вилоятларида яшовчи аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, ҳарбий ҳаракатлар зонасига тушиб қолган афғонларнинг мушкулини енгиллаштириш чорасини кўриш лозим. Биз бу борада муҳим қарорлар қабул қилганмиз, — дея босиқлик билан гапирди Ўзбекистон Президенти.

— Сизнинг олийжаноб инсон эканингизга яна бир бор амин бўлдим, — деб суҳбатни давом эттирди Россия Президенти. — Бугун дунё тинчлигига хавф солаётган халқаро террорчиларга қарши курашибгина қолмай, уларнинг хуружидан азият чекаётган мамлакатларнинг аҳолисига ёрдам қўлини чўзаяпсиз. Жафокаш афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақидаги таклифингизга мен ҳам бажонидил қўшиламан. Бугун Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида сизнинг ЎЗА мухбири билан қилган суҳбатингиз «Тинчлик учун курашмоқ керак» деган сарлавҳа остида босилиб чиқибди. Мен суҳбатнинг рус тилидаги таржимасини тулиқ ўқиб чиқдим. Афғонистон ҳудудини макон қилиб олган халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилишда четда турмай, амалий ҳаракат бошлаганингизни қадрлайман. Сиз МДХга кирган мамлакат раҳбарлари ора-

сида ўз сўзига, қатъий позициясига эга бўлган доно сиёсатчи сифатида алоҳида нуфузга эгасиз. Ўзбек халқининг сиз билан фахрланиши кўпчилик давлат бошлиқларининг ҳавасини келтиради, албатта.

— Самимий ва очиқ фикрингиз учун миннатдорман. Ўзингизга маълум, кейинги пайтларда Афғонистонда ва унинг атрофида ҳарбий сиёсий вазият кескинлашди. «Толибон» ҳаракат вакиллари ташқи кучларнинг фаол ҳарбий, сиёсий ва молиявий ёрдамига таяниб, қисқа муддатларда Афғонистон шимолидаги муҳим шаҳар ва қишлоқларни босиб олди. Биродаркушлик уруши бутун мамлакатга ёйилиб, беғуноҳ қон тўкилмоқда. Афғонистон бугун амалда халқаро терроризм, диний экстремизм майдонига, жаҳон нарқобизнеси марказига айланиб қолмоқда.

— Бу фикрингизга қўшиламан, — деди Россия Федерацияси Президенти қатъийлик билан.

— Вазият шундай таранглашдики, эртага нима бўлишини олдиндан айтиш қийин. Зиддият назорат қилиб бўлмайдиган даражага етиб, қўшни давлатларга ҳам ўтиши мумкин. Уруш оловининг тафтини Ватанимиз чегараларида шундоқ сезиб турибмиз.

— Афғонистонда жиддий хавф-хатарга айланган «Толибон» ҳаракати ҳақида ўзингиздан эшитмоқчи эдим.

— Мақсадлари, вазифалари ва дастурий йўналиши бўйича «Толибон» ҳаракати жангари, ўта радикал диний ташкилотдир. «Толиб»лар Афғонистонда ҳокимиятни қўлга киритиш билан чекланмасдан, ўз мафқураларини қўшни мамлакатларга,

энг аввало, Марказий Осиё минтақасига ёйиш учун барча чора-тадбирларни кўришлари эҳтимолдан холи эмас.

— Албатта.

— Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг тинчлик ва амалий ташаббуслари кўллаб-қувватланиб, биз таклиф этган механизмлар ишга солинганида эди, бугун жаҳон ҳамжамияти, Марказий Осиё минтақаси, жумладан бизнинг мамлакатимиз Афғонистондаги уруш келтириб чиқарган хавфсизликка бўлган ҳақиқий таҳдидга рўбарў келмаган бўларди.

— Гапингиз ўринли. Ўн биринчи сентябрь воқеасидан кейин Афғонистондаги хатар нафақат Марказий Осиё, балки Европага ҳам хавф солди. АҚШ ҳукуматининг Афғонистонга қўшни давлатларга тўхтовсиз келишининг боиси ҳам шунда. Сиз билан бу мавзуда яқин кунларда батафсил суҳбатлашиш умидидаман.

— Мен минтақада тинчлик ҳукм суриши учун фойдаси тегадиган ҳар қандай учрашувга, амалий тадбирларга тайёрман.

\* \* \*

2001 йил 22 октябрь.

Шу куни Россия Федерацияси Президенти Ўзбекистон раҳбарига телефон қилиб, Шанхайда бўлиб ўтган Осиё ва Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти иштирокчиларининг самми-тида, икки томонлама музокараларда терроризмга қарши кураш муаммолари муҳокамаси яқунлари ҳақида ахборот берди. Суҳбат давомида Россия

давлати Президенти, шунингдек, Душанбеда ўтказилган уч томонлама — Россия — Тожикистон — Афғонистон учрашувлари тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтди.

— Тожикистон масаласида бизнинг позициямиз аниқ ва равшан, — деди Ўзбекистон Президенти. — Бу мамлакатда бошланган тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаймиз. Мен қатъият билан таъкидлайман: жафокаш Тожикистон заминида масаланинг сиёсий ечимини топишга музокаралар орқалигина эришиш мумкин. Бошқа йўл йўқ. Фақат Тожикистон халқигина ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ўз муаммоларини, ўз тақдирини ҳал этиши, мамлакатнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаши мумкин. Минг йиллар давомида тожиклар билан энг яқин қўшни бўлиб яшаб келамиз. Қардошлик қон-қонимизга сингиб кетган. Асрий муносабатларимизни юксак қадрлаймиз. Қатъий айтаманки, ана шу муносабатларимиз янада барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун зарур деб билган ҳамма ишни қиламиз.

— Албатта. Лекин кейинги пайтларда АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

— Биз — тинчлик тарафдоримиз, — дея қатъий фикр билдирди Ўзбекистон Президенти. — Бироқ ўз сарҳадларимизни мустаҳкамламасдан, жанговар қобилияти юқори, замонавий қуроолар билан жиҳозланган, ҳар қандай босқинчининг ақлини киритиб қўйишга қодир қуроолли кучларсиз тинчлик, осойишталик ва юртимиз хавфсизлигини сақлаб ту-

риш мумкин эмас. Бу масалага тегишли барча зарурий чора-тадбирлар кўрмоқдамиз.

— Россия Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёр.

— Биз буни қадрлаймиз.

\* \* \*

Ўзбекистон раҳбари Россия Федерацияси Президентининг хавотирини англади, албатта. Ўзбекистон ҳудудида АҚШнинг ҳарбий базаси бўлишига қаршилигини очиқ айтмаса-да, берилган саволдан мақсадни билиш мумкин эди. Бунинг устига октябрь ойнинг охирида АҚШ Қуроли Кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнкс, ноябрь ойининг бошларида Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Оқсаройга ташриф буюрди. Бу учрашувларда асосан Афғонистондаги мураккаб ҳолат, халқаро терроризмга қарши курашнинг бориши муҳокама қилинди.

— Динни ниқоб қилиб, тинч мамлакатлар келажигига раҳна солаётган террорчиларга қаршимиз, албатта, — деди Ўзбекистон Президенти муҳокама чоғида. — Бироқ қўшни афғон юртида оддий инсонлар — меҳнаткаш халқ ҳам яшашини назардан қочирмаслигимиз керак. Юртни вайронага айланиб кетишининг олдини олиш чора-тадбирларини куриш, урушдан жафо чекаётган оддий аҳолига инсонпарварлик ёрдамини тўхтатмаслик бизнинг қўшничилик бурчимиздир.

— Албатта. Ўзбекистонликларни фақат меҳмондўст сифатида эмас, балки қўшничилик анъаналари-

га содиқ халқ эканлиги бутун дунёга маълум. Бу борада сизни қўллаб-қувватлайман, жаноб Президент, — деди Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфельд. — Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавқеи анча юқори. Шиоритинчлик ва фаровонлик бўлган юртнинг келажаги порлоқ, албатта.

Суҳбат сўнгида Ўзбекистон — Америка Қўшма Штатлари ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат нафақат Россияни, балки бутун Марказий Осиёдаги давлат раҳбарларини ҳам қизиқтириб қўйган эдики, улар мамлакат миқёсида содир бўлаётган ҳар бир воқеани жиддий кузатиб туришарди. Негаки Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос йўли, сиёсий позицияси атрофдагиларни бефарқ қолдирмас, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб келаётган, дунёдаги гегемон давлатлардан қарз олмай, ўз мустақиллигини ҳимоя қилибгина қолмай, халқнинг тинчлигини, мамлакат фаровонлигини таъминлаётган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати доимий эътиборларида эди. Децабрь ойининг бошида АҚШ давлат котиби Колин Пауэллни яна Тошкентга келиши назарларидан четда қолмади, албатта. Шу куни жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон Президенти котибдан Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушнинг мактубини қабул қилиб олгани ва Вашингтонга расмий таклиф қилинганидан ҳам хабар топдилар.

Декабрнинг сўнги кунлари пойтахтдаги Ўзбек Миллий академик драма театрининг янги биносида анъанавий «Президент арчаси» байрами бўлиб ўтди. Элёр биринчи марта ўғли Жалолиддинни етаклаб байрамда қатнашди. Зулфия қишининг изғиринидан қўрқиб, қизалоғи Нигорани кўчага олиб чиқмади. «Сизларга ширин овқатлар тайёрлаб кутиб ўтирамиз», деб уйда қолди. Элёр совуқда юрмаймиз, машинада борамиз, деса ҳам кўнмади, шу қиш ўтиб олсин, ана ундан кейин қаерга десангиз бораверамиз, деб туриб олди. У тушунди: йўлларига нигорон кўз тикиб, Худодан тилаб олган бир ойлик чақалоғини аёздан асраяпти. Оёққа туриб олишини хоҳлаяпти. Начора, Элёр Зулфияни кўндира олмади.

Мамлакат мустақиллигининг ўн йиллик тантанаси нишонланган йилда ўтказилган бу тадбир меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда кўплаб мактаб ўқувчиларига бир олам қувонч ҳадя этди.

Эртаси куни Президент Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

## VI. АНДИЖОНДА НИМА ГАПЛАР?

2002 йилнинг январь ойи. Андижон.

Собир Избосканга бормаган бўлмаса-да, Яккатут қишлоғида яшовчи Маҳкамнинг уйини деярли қийналмай топди. «Тегирмончи Маҳкам» лақабини

олган бу йигитни шу яқин атрофдагилар яхши та-  
ниркан. Бегона одам тегирмончини сўраб келибди-  
ми, мақсади аён: иш ўрганмоқчи!

— Келинг, меҳмон, — дея меҳмонга пешвоз  
чиқди Маҳкамнинг ўзи. — Қани, ичкарига марҳамат!

Собир атай келгани учун тортинмай, мезбон ор-  
тидан юрди, улар шундоқ дарвозадан ўтгандан сўнг  
чап томондаги ихчамгина хонага киришди. Тегир-  
моннинг шовқини ёқимли кўйдайд бўлиб кетган чоғи,  
Маҳкам хотиржам дуога кўл очди: меҳмон келди,  
бало келмасин.

Собир қисқа дуо ичида мезбоннинг афти-анго-  
рига разм солиб улгурди: ёши йигирма беш атро-  
фида, ранги буғдойранг, сийрак, бунинг устига ҳали  
ўсмаган соқоли ўзига унчалик ярашмаса-да, бироз  
салобат бериб турибди, бошига ўралган дуррага те-  
гирмондан чиқаётган оқиш чанг ўтирган, оғиз-бу-  
рунга тутишга мўлжалланган, айни пайтда, меҳмон  
ҳурмати учун бўйнига туширилган дока ҳам на-  
миқиб кетган, бу эса йигитнинг эрта тонгдан ти-  
нимсиз ишлаётганидан далолат берарди. Юзини  
йўл-йўлакай енгига артгани шундоқ билиниб туриб-  
ди, ишчи кийимига янчилаётган буғдойнинг ҳали  
оқариб улгурмаган буғдой уни ўтирган, бу ғубор  
ҳатто ҳавода ҳам учиб юрарди.

Мезбон ҳам, ўз навбатида, нотаниш йигитнинг  
кенг елкасига, чайир билакларига, ўткир нигоҳи  
борлигига диққат қилган, бироқ нима касб қилиши  
борасида бир тўхтамаган эди.

— Айбга буюрмайсиз, — деди меҳмондаги  
синчковликни кузатиб турган Маҳкам уст-бошидан



сал хижолат тортгандай. — Анжандаги босмахонада ишлайдиган акамга қоғознинг чанги юкса, менга буғдой билан гуручнинг чанги утиради.

— Олдингизга илтимос билан келгандим, — мақсадга ўта қолди Собир. — Асли фарғоналикман. Избосканнинг Султонтепа қишлоғида қариндошларимиз туради. Яқинда бир иш билан келганимда тоғам ёнларига чақириб: «Боксни ташла, жиян, рақибингга озор беришни бас қил, ундан кўра бирор фойдали иш билан шуғуллан. Сенинг ота-боболаринг нонвой ўтган, шунинг учун шу касбни давом эттирсанг, барака топасан, албатта», деб қолдилар. Бундай ўйлаб қарасам, тўғри маслаҳат экан. Уйимиз Фарғона шаҳрига унча узоқ эмас, бунинг устига нон ёпишни сал-пал биламан. Ёшлигимда катталарга қарашганман-да. Лекин тегирмон юргизишдан умуман хабарим йўқ. Агар хўп десангиз, сиздан шу ишни ўрганиб олардим. Кейин нонвойхонанинг олдига тегирмон қуриб, унни ўзимиз тайёрласак ҳам бўлади. Бизда буғдойлар нисбатан арзон.

— Яхши ўйлабсиз. Аммо Фарғонада ҳам буғдой нархи биздаги билан деярли бир хил.

Собир буғдойнинг нарх-навосини, навларини яхши билмай туриб гап очганидан панд еди, мезбонда ёмон гумон туғдирмаслик учун вазиятдан чиқиб кетиши керак эди.

— Мен бозорни назарда тутмадим. Биринчи қўлдан олишнинг эпини қилмоқчиман.

— Омбордагилар билан гаплашса бўлади. Ёки даланинг ўзида сотиб олсангиз яхши.

— Худога шукр, таниш-билишларим кўп. Асдойдил киришсам, қўймайман, — деди Собир бу сафар қатъийлик билан. — Агар шогирдликка олсангиз, бирор ойда ўрганиб олишга ҳаракат қилардим. Ёки... анча вақт керакми?

— Қунт қилсангиз ун беш кун ҳам етади, — дея ошхона томонга кўз қирини ташлаб қўйди Маҳкам.

— Буғдойдан сифатли ун, шолидан кўнгилдагидай гуруч чиқариш сир-асрорларини пухта ўрганишни истайман. Ноннинг мазали бўлиши уннинг нави ва сифатига боғлиқлигини яхши биламан. Аммо тегирмоннинг ишлаш принципини билмаганим учун бу техникани ипидан-игнасигача ўрганмоқчиман. Нима дейсиз, ёрдамингизга умид қилсам бўладими? Тоғамнинг олдида уялиб қолмайманми? — деди Собир қарори қатъийлигини уқтиришга ҳаракат қилиб.

Мезбон йигитнинг иштиёқи баланд эканини сезса-да, жавоб қилишга шошилмади. Аввал тегирмонда ишлаётган икки шогирдига нигоҳ ташлаб қўйди, сўнг нотаниш йигитнинг кўзларига тикилди. Бу сирли нигоҳни ниманидир илинжида қараш деб ўзича тушунган Собир иш ўргатгани учун рози қилишини айтди. Маҳкам мийиғида кулди.

— Бу дунёда беминнат хизмат қилувчилар ҳам бор, — деб дастурхон устига ташланган қалин бўзни олди мезбон. — Мен сиз ўйлаган ниятда тикилмадим, аксинча, тилдаги мақсади кўзларида ҳам бормикан, деб қарагандим.

— Тоғамнинг одамлар корига яраш жуда савобли иш деган ақидаси мени боксни ташлашимга сабаб бўлди, — дея мақсадини очиқроқ тушунтиришга ўтди Собир. — Бунинг устига раҳматли дадам: «Халол меҳнат қилишга, пешона тери билан топилган пулга бола-чақа боқишга нима етсин?!» дердилар. Аям эса «Бокс тушиб рақибларининг ота-онасидан, боламни урмай қўлинг синсин, деган сўкишини эшитгандан кўра, нон ёпган қўлларинг дард кўрмасин, ўғлим, деган ширин сўзни олсанг қандай яхши!» деб кўп такрорлардилар. Буни анча кеч англаб етганимдан афсусдаман. Аммо хайрли ишнинг кечи йўқ, деганларидай, бобом қилган ишни давом эттиришга қарор қилдим.

— Жуда тўғри хулосага келибсиз. Бу гапингиз учун оёғингиз тагига қўй сўйсам ҳам кам, — дея шодланиб кетди Маҳкам ва ўнг қўлини кўкрагига босиб, ҳурмат бажо келтирди. — Қани, дастурхонга марҳамат!

— Ҳеч нарсага овора бўлманг, мен яқинда овқатланганман. Сизнинг вақтингизни олмаслигим учун қачондан шогирд тушишим, вақтинча яшашимга шу яқин атрофдан жой топиш мумкинлигини айтсангиз, уйдагиларнинг кўнглини биратўла хотиржам қилиб келардим, — деди Собир ўрнидан бир қўзғалиб қўяркан. У мезбонда биринчи кўришишдаёқ илиқ таассурот қолдираётганидан ичида хурсанд эди. Гапга чечанлиги, бегоналар билан тезда муомалага киришиб кетиши иш бераётган эди.

— Ҳозир иш бошласангиз ҳам розиман. Бироқ шу ерда ётиб ишлашни хоҳлар экансиз, ростданам

яқинларингиз билан хайрлашиб келганингиз маъқул. Жойдан эса тавшиш чекманг. Диёнатли инсонлар учун уйимизнинг тўрини бушатиб берамиз.

— Раҳмат, Маҳкам ака. Кўнглим тоғдай кўтарилди. «Уэр, ишимиз бошимиздан ошиб ётибди. Шогирдларим ҳам етарли, бошқа жойга бора қолинг», дея қайтариб юборса, нима қиламан, деган хавотирда эдим. Бу гапингизни эшитиб кўнглим тоғдай кўтарилди. Тоғам тўғри айтган эканлар «анжанликлар мард ва танти бўлади» деб.

Маҳкам яна мийиғида кулиб қўйди. Собир уй эгасини ишдан қолдирмаслик учун ўрнидан турди, мезбон ноилож «бошлайдиган ишларингиз хайрли бўлсин» деб, юзига қўл тортди ва катталарга хос хислат билан яқинда ўстира бошлаган соқолини силаб қўйди.

\* \* \*

Қишнинг охири кунлари бўлса-да, кун анчайин совуқ эди. Лекин Собир бунга эътибор бермай, тегирмонни юритиш ишларини кунт билан ўргана бошлади. Биринчи-иккинчи кунлари ортиқча савол бермади, «устоз» айтган юмушларини бажариш билан чекланди. Икки ўспирин йигит билан ҳам деярли гаплашмади. Дастлабки кунлари у одамларнинг олиб келган қопларини қабул қилиш, тайёр бўлганларини эгаларига қайтариш билан шуғулланди, иш вақти тугагач, супур-сидир ишларини ҳам оғринмай бажарди. Йигитнинг астойдил ҳаракатларини зимдан кузатиб турган Маҳкам энди унга ишонса бўлишини англаб, учинчи куни тегирмонга яқинлаштирди. Ҳаммасини бир чеккадан шошмай ўргата бошлади.

Ётоқ учун дарвозахонанинг тепасидаги болохона ажратилган бўлиб, у ерда мириқиб дам олиш мумкин эди. Қимматбаҳо телефони алмаштириб келгани яхши бўлган экан, ҳар хил беҳаё суратлар ҳам бор эди. Маҳкам қаергадир қўнгироқ қилиб олиш баҳонасида ичига қўз югуртирганини сезиб қолди. «Шогирдликка ҳам синаб, текшириб, кейин қабул қилади, шекилли» хаёлидан ўтказди Собир.

Кечки овқатдан кейин Маҳкам тегирмончи икки шогирди билан шу яқин атрофдаги масжидга боришга тараддуд кўра бошлади.

— Сўраганинг айби йўқ дейдилар, нима, сиз намоз ўқимайсизми? — деб сўраб қолди Маҳкам таҳорат олиб келганидан сўнг.

— Ҳали яхши ўрганиб олмаганим учун..., — дея тутилиб қолди Собир. У мезбондан бундай саволни кутмаган эди.

— Биз ҳам шетка кеп ўргандик, — деди шогирд йигитлардан бири. Кейин чуқур «уф» тортиб қўшиб қўйди: — Кошқийди, аввалги бенамоз юрганларимизнинг гуноҳи кечирилса?

— Ҳидоят йўлига кирганинг аввалги гуноҳлари кечирилади, — деди Маҳкам шогирдининг елкасига қўлини ташлаб, сўнг ҳамон дастурхон атрофида ўтирган Собирга юзланиб, гапини давом эттирди. — Иккиланманг, ичингиздаги шайтонни енгиб, сафимизга қўшилинг. Намоз ўқишнинг ҳеч ёмон ери йўқ. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам «қўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин» деганлар. Қани, юринг, биз сабаб намозни бошлаб юборсангиз, савобидан баҳраманд бўлардик.

— Олдин яхшилаб ўрганиб, кейин бошлаганим маъқул эмасми? — Собир мулзам тортиб, на ўтиришни, на туришни билмай қолди.

— Қуръондан қисқароқ бўлса-да, бир-иккита сурани биларсиз? — деди Маҳкам ажабланганини яширмай.

— Биладан.

— Таҳорат олишни-чи?

— Эплайман, — дея бироз иккиланиброқ гапирди Собир.

— Унда жа оми эмас экансиз. Намозда туришу сажда қилишларни жамоадан ўрганиб олаверасиз! Қани, дастурхонга омин қилайлик. Эй, раббим, бизларни едириб, ичириб ва мусулмонлардан қилиб яратганинг учун ўзингга беҳисоб ҳамду санолар бўлсин. Бошлаган ишларимизга хайр-барака бер. Дилимизни пок дининг-да мустаҳкам қил. Ўзимиз, аҳли аёлларимиз ва зурриёдларимизни Қуръон ҳидоятига бошлагин. Азиз меҳмонимизни ҳам ўзингни танийдиган солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин. Бошламоқ арафасида турган савобли ишларига ўзинг мададкор бўлгин. Васаллоллоҳу ала хойри халқиҳи Муҳаммадин ва ала аълиҳи ва асҳабиҳи ажмаъийн, бир раҳматика йа арҳамар-роҳимийн. Аллоҳу акбар!

Бу дуодан сўнг Собир ўрнидан қўзғалди.

— Ҳа, туринг, тураверинг, сиз бугун кўпчилик қатори муҳим бир янгиликнинг гувоҳи бўласиз, — деди Маҳкам Собирнинг қўлтиғидан ушлаб туришга ёрдамлашаркан. У мамнуният билан гапиргани боис

Собир савол назари билан мезбонга қаради. — хуфтондан кейин жамоага исмимни расмий ўзгартирганимни аён қиламан. Энди мен Маҳкам эмас, Абдуллоҳман!

— Жуда чиройли исм танлабсиз, устоз, — деди бу сафар биринчи бўлган Кенжаали.

— Муборак бўлсин. Чин юракдан табриклайман сизни, — деб устозига қўл узатди шеригидан ёши сал каттароқ Маннобжон. — Охири мақсадингизга етибсиз-да.

— Раҳмат, раҳмат, — дея шогирдларининг қўлларини бирин-кетин қисди Абдуллоҳ қутловдан миннатдор бўлиб. — Энди сен ҳам ўзгартир. Бироз югур-югурини демасанг, эплейсан. Жа, вақтингни қизгансанг, қўлига уч-тўрт қистир.

— Абдуманнобга дейсиз-да? — сўради Маннобжон таъкид билан.

— Бўмасам-чи! Абдуманноб! Қара, қандай гўзал исм. Оллоҳ қиёмат куни бандаларини исмларини айтиб чақираркан. Шундай экан, фурсатни қўлдан бермай, ўзгартириб олиш керак.

Шу гапдан кейин Абдуллоҳ исмига эга бўлган уста гапининг тасдиғи учун шимининг орқа чўнтагидан янги паспорт чиқарди ва ёнидагиларга кўрсатди.

— Энди Маҳкам деган исмни унутинглар! — деди Абдуллоҳ мағрурланган кўйи кўчага йўл бошларкан.

Айни пайтда, унинг кайфияти аъло эди, танасига сиғмаётгани гап-сузларидан, илдам ҳаракатларидан билиниб турарди. Нигоҳлари порлаб турган уста кўчанинг қоронғулигига эътибор бериб ўтирмади.

Эртаси куни айни иш қизиган пайтда Собир мезбондан шунга ухшаш тегирмонни қаердан ва қанча пулга олиш мумкинлигини сўради. Абдуллоҳ бу саволга жавоб беришдан аввал Андижонда камбағал оилаларга, етим-есирларга, боқувчисини йўқотган ёки кам таъминланган хонадонларга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган ҳаракат ва унинг бошида турган саховатли раҳбарлари ҳақида сўзлаб берди. Агарда бундай ҳаракатга қўшилса, тадбир-корларнинг олган даромадларидан йигирма фоиз улуш ажратишлари ҳисобига ўртада йиғилаётган пулдан қарз олиши ва бемалол иш бошлаши мумкинлигини тушунтириб берди. Ўзи ҳам шундай йўл тутганини, олган қарзини алақачон тўлаб бўлгани, ҳозир ҳеч оғринмай умумий «мурувват дастурхони-га» пул ташлаётганини фахрланиб сўзлади. Собир ишлаб топган пулнинг шунча қисмини бегоналарга бериб юборишнинг нимаси яхши, деди. Олган қарзини қайтарса етарли-ку.

— Ахир бу пуллар ёрдамга муҳтож одамлар учун сарфланар экан, нега хурсанд бўлмай. Турган-битгани савоб-ку, укам. Халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, одамлар иш билан таъминланса, бунинг нимаси ёмон? Саховат кўрсатиш инсоннинг энг олий фазилатларидан бири. Бу нарса сиз билан бизни жаннатга етаклайди.

— Туғри. Лекин ана шу саховатпешаликни ўз яқинларимга қилсам-чи? — деди Собир суҳбатга жуда чуқур киришиб кетишдан ўзини бироз тийиб.



— Бу ишингиз ҳам яхши. Бироқ бизнинг мақсадимиз тор доирада ҳаракат қилиш эмас-да. Ҳамма узини ва қариндош-уруғларини уйласа, бошқаларни, яъни етим-есирларни, қул учуда кун кўрадиган оддий одамлар ҳақида ким қайғуради? — деб энди диний уламолардай маъруза қилишга ўтди Абдуллоҳ. — Давлат дейсизми? Қул билан беранга қуш тўярмиди? Билсангиз керак, бошқа жойларга қараганда Андижонда аҳоли кўп, бир қарич томорқасида етиштирган нарсаси ҳеч нима бўлмаяпти. Шунинг учун биз аъзо бўлган уюшма сал бўлса-да, элнинг дардига дармон бўлиш учун тузилган. Ассий мақсад шу.

— Одамлар миннатдор бўлиб гапираётгани бекорга эмас экан-да, — деди Собир муносабат билдириш пайти келганини англаб. — Фарғона томонларда ҳам аъзоларингиз борми?

Абдуллоҳ бу сўровдан сергакланди. Собир саволни бу тарзда қўймаслиги кераклигини кейин пайқаб қолди ва гапни бошқа тарафга буришга ҳаракат қилди. Негаки, бирдан хушёр тортган Абдуллоҳнинг кўнглида туғилган гумонини дарҳол бартараф қилиш лозим эди.

— Агарда иш бошласам, ҳар гал улушни Андижонга олиб келиб беришим керакми? Балки биз тарафларда филиалми, бўлимми йўқмикин? Келиб-кетиш... анча вақтни олади, дейман-да.

Йўл қўйилган хатони тузатишга уриниши иш бердимикин? Собир мезбоннинг ҳадиксираган кўзларидан ногоҳ пайдо бўлган қора булутнинг тарқалиб кетганини билишга уринди. Нигоҳлар

тўқнашди. Икки-уч кун ичида сал ўсган соқол Абдуллоҳнинг юзи ва қарашларини янада жиддийлаштирган эди. Юзларининг тўлишгани гўё қирқ ёшлардаги тақводор, масжиднинг имоми бўлмаса-да, ноибидай таассурот қолдирарди. Танимаган одам бу йигитнинг Қуръондан икки-уч оят ўқишини ва ундан кейин қилинган дуосини эшитса, албатта, илми, художўй эканига ишонади-қўяди. Собир унинг оғзидан бемаъни гап эшитмади, ноҳўя қилиғи умуман йўқ ҳисоби, шоғирдларини жеркимайди ҳам, ўзини катта олиб манманлик қилганини эса эслолмайди. Шубҳали кимсалар билан гаплашгани, учрашгани йўқ, қадамлари бежо эмас. Оддий, ҳамма қатори меҳнат қилиб кун кечирувчи одам. Худо олдидаги бурчини ҳам, оиласи олдидаги масъулиятини ҳам бирдай, тўла-тўқис бажаряпти. Бунинг устига топган даромадидан улуш беряпти. Бу улушнинг етим-есирларга, муҳтож оилаларга сарфланаётганига ишонади. Савоб иш қилаётганидан кўнгли тоғ. Унинг катта амакиси диний илми эгаллаган бўлиб, бу ҳудудда ҳурмат-эътиборли кишилардан эди. Абдуллоҳ ундан анча-мунча нарса ўргангани билиниб турибди.

Собирнинг дастлабки таассуротлари ана шундай эди.

— Тегирмон юритишни мукамал билиб олганингиздан кейин шаҳарда кимга учрашиш кераклигини айтаман. Истасангиз, бирга бориб таништириб қўяман. Улар сизга ҳаммасини тушунтириб беришади. Агарда Фарғонада аъзоларимиз йўқ бўл-

са, сиз биринчилардан экансиз-да, Собиржон укам. Бундай хайрли ишга ўзингиз бош-қош бўлсангиз, қандай яхши.

— Билмадим, қўлимдан келармикан?

— Келади. Қатъиятли инсон эканингиз шундоқ кўриниб турибди, — дея катталарга хос вазминлик билан Собирнинг елкасига қўл ташлади Абдуллоҳ.

— Элниг корига яраш деб, балки, шуни айтсалар керак-да, — деди Собир устозининг бу сийловини, марҳаматини тўғри тушуниб.

— Бўлмасам-чи!

Абдуллоҳ қўлларини ёйиб жилмайди.

\* \* \*

Собир тегирмонда ишлаш сирларини бир ҳафтага қолмай ўзлаштириб олди. Ун кун деганда ўзи мустақил ишлай бошлади. Вазифани мукамал эгаллагани учун Абдуллоҳнинг мақтовига муяссар бўлди. Фарғонада доврўф қозонсангиз, бизни ҳам эслаб дуо қилиб туринг, деди. Кейин яна қўшимча қилди: сиз бу ерга келиб, икки шарафга эга бўлдингиз: бири ҳалол меҳнат қилиб ризқ топиш учун ҳунарга; иккинчиси, Яратганнинг фарз амалларини бажариш учун намоз ўқишга. Буларнинг эзгулиги, савоблиги шундаки, иккиси ҳам ибодатдур. Энди бу бахтни маҳкам ушланг.

Собир кетиш олдидан Андижонга боришларини, тегирмон масаласида бошлиқларга учрашмоқчи эканликларини эслатди. «Устоз» мақомига эришган Абдуллоҳ айтган ваъдаси эсдан чиқмаганини, уни шу бугуноқ шаҳарга олиб боришини айтди.

— Фарғонада иш бошлаганимдан кейин бу ердаги каби баъзи бир идораларнинг кузатувига тушмайманми? — деб сўради Собир йўлда ва ниҳоят асосий масаладан сўз очиб.

— Қанақа идораларнинг? — хайрон бўлди Абдуллоҳ.

— Андижонда ҳар хил гаплар юрибди-ку, — мужмал жавоб қилди Собир.

— Сиз бунақа миш-мишларга қулоқ солманг. Танишганимизда эслатганимдай, қўлингиз меҳнатда, дилингиз эса Оллоҳда бўлсин.

— Нималардан эҳтиёт бўлай, деган маънода гапиргандим, — деди Собир маъюс тортиб.

— Бизникида шунча турдингиз, қани, айтингчи, ким сизни безовта қилди? — деб Абдуллоҳ Собирнинг кўзларига тикилди.

— Ҳеч ким.

— Ана кўрдингизми? Тўғри юрсангиз, ҳалол меҳнат қилсангиз, нимадан хавфсирайсиз?

— Бу ҳаракатни бошлаган Баҳромни қамоқда деб эшитдим, — дея сал очилди Собир.

— У тўқсонинчи йилларнинг бошларида «Ҳизб ут-таҳрир»нинг фаол аъзоси бўлган экан. Ана ўша ишлари учун қамалган. Менинг эса сиёсатга умуман даҳлим йўқ.

— Раҳмат сизга, кўнглим тинчиди, — деди Собир бехосдан Абдуллоҳнинг елкасига қўл ташлаб.

Абдуллоҳ «погирди»нинг кутилмаган қилиғидан биров ранжиганини унга кўз қирини ташлаш билан намоён қилди. Бироқ бу хайрлашув онлари экани боис, индамади: мийиғида кулиб қўйди, холос.

Шаҳар четидаги кушхонада Абдуллоҳни илиқ кутиб олишди. Айниқса, янги исмини эшитишиб, муборакбод этишди. Бу ерда ўнга яқин бақувват йигитлар олдиларига қалин жигарранг матодан фартук тутган ҳолда қўли қўлига тегмай ишлар, бири сўйилган мол ёки қўйнинг терисини этидан ажратса, бошқаси гўшти катта-катта бўлақларга бўларди, учинчи йигит калла-поча билан машғул, тўртинчи ўспирин эса суякларни саранжомларди. Йигитлар деярли бир-бирлари билан сўзлашмас, оёқ-қўллари чаққонлигига қараганда улар бу ерда анчадан бери ишлаётгандай таассурот қолдирарди. Хуллас, кушхонада меҳнат авжида эди.

Иш бошқарувчи меҳмонларни алоҳида хонага бошлади. Ажабо, бу ерда муздек ҳаво ва сокинлик ҳукмрон эди. Тозалиги-чи. Шундоқ ташқарида сўйилган ҳайвонларнинг териси терига, гўшти гўштга, суяги суякка ажратилиб, бозорлардаги қассобхоналарга тарқатилаётганига ишонгинг келмайди. Одатда, бундай мўъжаз хоналар бетартиб ётган қоғозлар, қон сачраган фартуги билан кирган ходимлардан анқиган ҳид, ўртага ташланган гиламда таъбни хира қилувчи оёқ излари, ким бўлса гаплашаверганидан чанг аралаш ёғ босган телефон ва унинг силлиқлигидан қўлда аранг турувчи гўшаги билан ёдда қолади ва бундай ҳолатга ажабланиб қаралмайди. Собир қачондир хотирасида қолган манзарани ёдига олди, аммо бафуржа эслашни ис-тамади, кейин одамга ўхшаб ишласа ҳам бўларканку, деб қўйди ичида.

Абдуллоҳ меҳмонни таништиргач, икки ҳафта қулида ишлаб, тегирмон юритишни пухта ўрганиб олганини, энди ўз қишлоғида иш бошламоқчи эканлигини шошмай, босиқлик билан баён қилди.

— Биздан қандай ёрдам керак? — деди меҳмонга чой қуйиб узатаётган иш бошқарувчи йўғон овозда.

— Тегирмон масаласида гаплашгани келгандим, — Собир тортиниб ўтирмай, мақсадга кўчди.

Абдуллоҳ шу ўринда тушунтириш беришни лозим топди, шекилли, суҳбатга қўшилди:

— Айни пайтда, бутунлай сотиб олишга маблағи етарли эмас экан. Қарашиб юборишса, тез кунда ҳисоб-китоб қилиб кетардим, деган умиддалар.

— Жуда яхши. Биз янги иш бошловчиларни ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз. Ҳозир мен Аббосга тайинлайман, у сизнинг ишларингизни ҳал қилиб беради. Фақат... шартимизга рози бўлсангиз, кифоя.

— У томонларини тушунтирдим, — дея Собирнинг ўрнига жавоб қилди Абдуллоҳ. — Олинган даромаддан йигирма фоиз тўлашга розилар.

Абдуллоҳ айни пайтда, хурсанд эди. Ахир даромад манбаини яна бир тадбиркор эвазига оширяптида. Кўкрагини баланд тутиб ўтиришининг яна бир сабаби ўтган ойда ҳам туманидан икки йигитга иш ташкил қилишига ёрдам берган ва бошқаларга ўрناк қилиб кўрсатилган эди. Мана, сал ўтмай, сафларига фарғоналиклар ҳам қўшиляпти.

— Ҳа, одамларнинг оғирини енгил қилишдек ажойиб ишга ҳисса қўшишдан мамнунман. Фақат, ҳар гал Андижонга келиб ўтирмаслик учун биз то-

монларда ишончли вакилингиз бўлса... оворагарчилик камроқ бўлармиди?

— Бундан ташвиш чекманг, ҳар ойнинг ўнинчи куни олдингизга ҳисобчимиз кириб ўтади. Фақат ҳалол ишлаб, ҳисоб-китобни ўз вақтида ва тўғри олиб борсангиз, кифоя, — деди иш бошқарувчи «кифоя» деган сўзга алоҳида урғу бераркан, Собирнинг кўзларига тикилиб.

— Пул масаласида кўнглингиз тўқ бўлсин. Қанча фойда кўрилса, ундан, албатта, улуш ажратилди, — дея ишонч билан гапирди меҳмон.

— Бошқа вилоятдан келганингиз ҳурмати иш бошлагач, икки ойгача фоиз тўловидан озодсиз. Бу вақт ичида бизнесни росмана йўлга қўйиб олишингиз керак. Кейин сизга имтиёз берилмайди.

— Розиман.

— Унда келишдик!

Собир андижонликларга миннатдорчилик билдириб, ўрнидан кўзгалди. Бироқ мезбонлар «бир ошам паловхонтўрадан емасдан кетиш йўқ» деб, Собирни чойхонага етаклашди.

## VII. ҲАМИД ҚАРЗАЙ ТАШРИФИ

2002 йил 4 март. Тошкент.

Афғон юртида террорчи гуруҳларга қарши кураш кетаётган бир паллада Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзай Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбек халқининг бутун дунё ҳавас қилса арзийдиган фазилатларидан бири — меҳмондўстлик. Айниқса, қўшниси қадам ранжида

қилса, боши осмонга етади. Ён қўшнининг яхши-ёмон кунларида у билан елкама-елка туриш, хурсандчилигига шерик бўлиш ёки бошига ташвиш тушса, дардига малҳам қўйиш, оғирини енгил қилиш, биз тилга олган фазилату хислатнинг нақадар баланд эканини билдиради. Ҳамдардлик қачон қадрланади? Қўшничилик ришталари қачон мустаҳкам боғланади? Улар бир-бирларининг уйларига самимий қадам ранжида қилганларида, тақдир тақозоси билан юзага келган муаммоларни донишмандларча тинч йўл билан ҳал қилганларида, чора излаб чиққан меҳмонга беғараз ёрдам қўлини чўзганда.

Оқсаройда Ўзбекистон Президенти Ҳамид Карзайни илиқ кутиб олди. Суҳбат чоғида афғон халқига ҳурмат-эҳтиромини изҳор қилди.

— Афғон халқи деганда, асрлар давомида биз билан ёнма-ён яшаб, ҳар томонлама алоқада бўлиб келган инсонларни тушунамиз, — деди Президент юракда ҳис қилган туйғуларини баён этар экан. — Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, жуда кўп синовларни, кўплаб мусибатларни бошдан кечирган афғон халқининг иродаси букилгани йўқ. Узоқ йиллик ғам-ташвишлар унинг озод ва фаровон келажакка ишончини сўндира олмайди.

— Дарҳақиқат, айни дамларда биз афғонистонликлар жуда оғир синовларни бошдан кечиряпмиз. Юртимизда ин қуриб олган диний экстремистик кучларнинг ёвузликлари туфайли халқимиз озор чекмоқда, ўз уйларини ташлаб, сарсон-саргардон яшашга мажбур бўлмоқда. Ҳақиқатни сиздан яшир-



моқнинг асло ҳожати йўқ, мухтарам Президент жаноблари, бошидан ўқ ёғилиб турган оддий аҳоли террорчиларнинг хунрезликларидан беқиёс даражада азият чекмоқда. Айни пайтда, уларга қарши коалиция ҳужуми юртимизни вайрона қиляпти, холос. Бу курашдан жабр тортаётган ҳам яна халқ бўляпти. Бунинг устига гиёҳванд моддалар етиштириш балосидан асло қутула олмаяпмиз. Мамлакатимизнинг айрим вилоятларида бу бало тўхтовсиз ўстирилмоқда ва сотилмоқда. Биз курашни бир зум тўхтатганимиз йўқ, аммо бора-бора менга яққолроқ аён бўлмоқдаки, биздаги таъминотчиларнинг ортида четдан туриб уларни қўллаб-қувватловчилар мавжуд. Улар бу ишдан манфаатдор бўлганликлари учун ҳам гиёҳванд ўсимликлар билан шуғулланувчиларни қурол-яроғ ва маблағ билан таъминлаб, бизнинг ишимизга қаттиқ қаршилиқ қилишмоқда. Шу тариқа халқнинг бир қисмини балога гирифтор қилиб, назорат остида ушлаб туришга эришяптилар. Бироқ боя таъкидлаганимдай, жафокаш афғон халқи бу иллатларга қарши курашини асло тўхтатмайди ва ҳаминша олға интилаверади.

— Тинчлик йўлидаги олиб бораётган сиёсатингизни қўллаб-қувватлаймиз, — деди Ўзбекистон Президенти фикрини баён қилиб.

— Фурсатдан фойдаланиб, шахсан сизга ва ўзбек халқига шундай оғир дамларда бизнинг ташвишимизни енгил қилишда мададкор бўлаётганликлари учун алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман. Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг ҳарбий босқичи ниҳоясига етгач, дарҳақиқат,

мамлакатимизда ўта оғир шароит юзага келди. Бироқ Ўзбекистоннинг халқимизга ёрдам сифатида юборган озиқ-овқат, кийим-кечак, доридармон ва бошқа зарур маҳсулотлари бизга катта далда бўлаётир. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукуматининг умумий қиймати уч юз элик минг АҚШ долларига тенг келадиган йигирмага яқин транспорт воситасини Афғонистонга тортиқ қилишини юксак қадрлаймиз. Юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суриши учун Ўзбекистон ҳамшиша ташаббус кўрсатган ва буни амалда ҳам исботлаб келадиган энг азиз мамлакатдир.

— Галдаги асосий вазифа мамлакатни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилиши керак деб ўйлайман, — деди Ўзбекистон Президенти.

— Албатта. Шунинг учун суҳбатимиз давомида юртимизнинг иқтисодиётини, маданиятини, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасидаги режаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

— Бажонидил.

Ҳамид Карзай жафокаш Афғонистон халқи олдида турган муаммолар ва зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳақида сўз бошлади...

## VIII. ПРЕЗИДЕНТНИНГ АҚШГА САФАРИ

2002 йил 11 март.

Ўзбекистон Президенти ўтирган самолёт Америка Қўшма Штатларига йўл олди. Парвоздан бироз вақт ўтгач, Президент шахмат ўйнаш истагини

билдирди. Бироқ тахтачага доначаларни тераркан, ўйга берилди. Болалик хотираларини эслаб, жиддий тортди.

Самарқанддаги оддий хонадон. Унда эндигина мактабга қатнай бошлаган озғин, юпун кийинган, аммо кўзлари тийрак йигитча елкасига осиб юрадиган халтага қоғозга ўралган бир бурда нон солмоқда. Хонадан чиқаркан оёқлари похол устидан ташланган шолчага ботганига парво ҳам қилмайди. Ўрганиб кетган. Орқасига бир қараб қўяди, қалам билан қоғоз эски стол устида кўринмаяпти, демак, халтага солган. У кўчага чиққанда синфдош ўртоғи анча яқинлашиб қолган эди. Улар бир-бирлари билан қўл бериб саломлашганидан кейин унча катта бўлмаган, икки қаватли, оддий русумдаги мактаб томон чопиб кетадилар. Мактабга яқинлашганларида югуришдан тўхташади, улар аввал кўчанинг нариги томонидаги нақшинкор мармар билан безатилган мухташам Бибихоним жоме масжиди олди-дан аста ва одоб билан ўтадилар, кейин шу юрганларича мактабга қадам босадилар...

Тўққизинчи синфда у бирга келадиган ўртоғи билан авиамодель ва шахмат тўғарақларига қатнай бошлади. Самолётга қизиққани боис турли моделлар ясар, уларни учуриб кўриш учун ақл ва заковатини ишга солишга ҳаракат қиларди. Мактабдан ташқарида бунинг иложи йўқлиги учун ўзи ёғочдан бир амаллаб ясаган шахмат доначалари билан қалин картон қоғозга чизиб олишган «тахта»чада болалар билан шахмат мусобақаси уюштиришарди. Ҳозир кўз ўнгидан ўтган ўша оддий, бироз бесўнақай

доначалар айни дамдаги қимматбаҳо шахмат фигураларига умуман ўхшамаса-да, у пайтларда жуда қадрли ва севимли эди...

Президент қўлидаги «шоҳ»ни тахтадаги ўз катагига қўяркан, унга бир зум тикилиб қолди. Нима учун у бошқаларга қараганда энг баланд қилиб ясалган? Шоҳ бўлгани, атрофдаги сипоҳлардан ажралиб туриши учунми? Балки шахмат доначалари ўйлаб топилган юртда халқларнинг қонли тўқнашувлари давом этаётган бир пайтга тўғри келгандир? Аскар жангга кирар экан, беихтиёр ўз подшоҳига нигоҳ ташлаб қўяди. Қўмондоннинг «Олға!» деган биргина буйруғидан руҳланиб, жонини жабборга бериб, қирғин майдонига отланади. Урушнинг исталган бир пайтида ҳам, имкон топиб, шоҳ томонга назар ташлаб туради. Давлат бошлиғи ўз отида мағрур ўтирибди, лашкарларини ҳамон ғалаба сари ундамоқда! Аскар кўнгли хотиржам бўлиб, рақиб томон яна зафарли юриш бошлайди. Танасининг бирор жойидан яраланганига қараб ҳам ўтирмайди. Демак, шоҳ жанг майдонининг исталган жойидан ўз аскарларига кўриниб туриши керак. Уларнинг руҳини тушириб юбормаслик, бошлиғимиз ҳалок бўлибди деб ўйламасликлари, жангни ташлаб кетмасликлари учун доимо лашкар кўз ўнгида бўлиши зарур. Агар шундай мулоҳазалар остида ўйлаб ясалган бўлса, мантиқан тўғри. Бироқ нима учун фақат бир катак юради, холос? Рост, исталган томонига юриши мумкин. Аммо бир қадам! Бу ерда ҳам донишмандларча иш тутилгани аниқ. Шоҳ ҳар бир юришни шундай пухта ўй-

лаб амалга ошириши керакки, қарор қилиш чоғи-  
да шошма-шошарликка йўл қўйишга ҳаққи йўқ!  
Янглиш биргина йўл уни ва борлиқ аскарларини  
мағлуб бўлишга олиб келади. Балки шунга ишора-  
микин? Ҳа, шундай эҳтимол йўқ эмас. Оғирлик,  
босиқлик, донолик, етти ўлчаб бир кесишлик шоҳга  
хос; унинг ҳар бир гапи, овоза қилган фармони эл-  
юрти учун манфаатли бўлиши керак, зафар сари  
чорлаши лозим.

Президентнинг нигоҳи руҳга кўчди. У май-  
дондаги энг кучли фигура. Исталган тарафга юра  
олади. Агарда ҳужумга отланса, рақиб ҳудудида,  
албатта, танг вазият юзага келади. Ундаги куч-қуд-  
рат, ҳужумкорлик, вазиятни олдиндан кўра билиш,  
рақибни саросимага солиб қўйиш, ёки ўз майдони-  
даги оғир ҳолатни бартараф этиш ва қарши зар-  
бага ўтиш, ҳамма-ҳаммаси унда мужассам. У ўз  
ҳукмдори ва лашкарларнинг ҳимояси учун жонини  
беришга тайёр. Лекин у айёр ва хиёнаткор бўл-  
са, керак пайтда ўз сўзини айтмаса, юрт тақдири-  
га томошабин сифатида туриб олса — бу ҳалокат!  
Тўғри, у мустақил эмас, шоҳга бўйсунди, унинг  
амрига мунтазир. «Бироқ у ташаббускор бўли-  
ши керак! Янги-янги ғояларни ўртага ташлаши ло-  
зим. Сипоҳнинг шаъни, обрў-эътибори учун фикр  
айтишдан чўчимаслиги керак. Унинг қадамидан ўт  
чақнаши, зиммасига юклатилган вазифани ортиғи  
билан адо этиши керак. Ҳа, вазири аъзам ана шун-  
дай фазилатларга эга бўлиши зарур деб ўйлайман.  
Сафардан қайтгач, бу масала ҳақида жиддий ўй-  
лаб кўришим керак. Ислоҳотларни чуқурлаштириш,

халқнинг тинчлигини сақлаган ҳолда турмушини янада яхшилаш, мамлакат фаровонлигини оширишга эътиборни кучайтиришим лозим».

\* \* \*

Вашингтон. Ўзбекистон раҳбарини кутиб олишга чиққан расмий кишилар мартабали меҳмонни АҚШ Президентининг фахрий меҳмонлар уйи — «BLEYR HAUS» қароргоҳига кузатиб қўйдилар.

— Сиз билан танишиш шарафига муяссар бўлганимдан жуда бахтиёрман, — деди давлат котибининг уринбосари Элизабет Жоунс хайрлашиш олдидан. Ўзбекистон Президентининг ўтқир, аммо сирли нигоҳларидан, салобатли қадам ташлаши, камгаплиги ва вазминлиги унда ўзгача бир таассурот қолдирганди. — 1999 йилнинг апрелида НАТОнинг эллик йиллигига бағишланган тантанادا қатнашиш учун келганингизда сиз билан суҳбатлашишни жуда истаган эдим, афсуски, бундай имконият nasib бўлмади. Аммо саммитнинг ялпи мажлисида сўзлаган нутқингиз ҳамон ёдимда. Жуда таъсирли чиққанди.

Ўзбекистон Президенти ўзини яқин олиб, суҳбатга жазм қилган довюрак Элизабет Жоунснинг қўлини миннатдор сиқиб қўйди. Давлат котибининг уринбосари гапни қисқа қилди ва меҳмонга яхши дам олишини тилаб, хайрлашиб чиқиб кетди.

\* \* \*

— Welcome, Welcome! Таклифимга рози бўлиб, мамлакатимизга ташриф буюрганнгиздан жуда

хурсандман! — дея меҳмонни Оқ уйда очиқ чехра билан кутиб олди АҚШ давлати бошлиғи Жорж Буш. — Ва ниҳоят, Ўзбекистоннинг қатъиятли Президентини кўриб турибман.

Бу гаплар таржимасиз ҳам тушунарли эди, албатта. Аммо рус тилида бийрон сўзлайдиган таржимон ўз ишини аъло даражада удалади.

— Ўз навбатида, мен ҳам таклифингиз ва самимий кутиб олганингиз учун миннатдорман. Ўйланманки, бизнинг учрашувимиз икки томонлама манфаатли бўлади, ҳамкорлигимиз янада янги босқичларга кўтарилади.

— Албатта, албатта! — дея мулоқот жойига бошлади Оқ уй раҳбари. — Асосий мақсад ҳам шу, жаноб Президент. Қани, марҳамат!

Ўнлаб фотомухбирлар, телеведение ходимлари икки мамлакат раҳбарларини тинимсиз суратга туширар, қўлларини олдинга узатиб, иложи бори-ча яқинроқдан олишга ҳаракат қилишарди, уларнинг ҳар бири бошқа такрорланмайдиган оний лаҳзаларни — чиройли ва ҳайратланарли кўринишларнинг пайида бўлишар, бошқа ҳамкасбларига ҳурмат ва одоб билан муомала қилишса-да, энг тўлақонли суратни ўзи олишга тиришарди.

— Сиз билан учрашувга борган ҳукуратимиз вакилларини самимий қабул қилганингиз ва мамлакатларимиз ўртасида стратегик ҳамкорликни кенгайтириш, аксилтеррор операцияси доирасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш борасидаги икки томонлама манфаатли қарорлар қабул қилиш борасидаги изчил ҳаракатларингизни юқори

баҳолайман. Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи мамлакат ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишига ишонаман!

— Бундай таъриф ва эътирофни ўзбек халқининг нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда тинчлик бўлиши учун олиб бораётган ҳаракатига берилган муносиб баҳо сифатида қабул қиламан.

— Бўлмасам-чи! — дея қўлларини кенг ёзди АҚШ Президенти меҳмоннинг топқирлиги ва ҳозиржавоблигини ичида тан олиб. У аввалига салгина табассум қилди, бироқ тезда жиддий қиёфага кириб, сўзини давом эттирди. — Сизнинг 1993 йилнинг 15 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Ғолийга минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш, Тожикистон ва Афғонистон чегара ҳудудидаги танг вазиятга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида ёзган мактубингизни яхши эслайман. Очигини айтсам, уни шу кунларда яна бир бор кўздан кечириб, сизнинг ташвишингизни, нимадан кўпроқ хавотирда эканингизни чуқурроқ англадим. Уша йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сиз томондан айтилган тўғри ва аччиқ ҳақиқатларга унчалик эътибор берилмагани рост, ammo кейинроқ сиз чалган бонг жаҳон мамлакатлари раҳбарларининг кўзини мошдек очиб қўйди. Тан олиб айтаманки, минтақадаги вазиятни сизчалик теран англаган одам бўлмаган экан ушанда. Сессиядан сўнг АҚШ Президенти Билл Клинтон, сиз мактуб ёзган БМТ



Бош котиби Бутрос Голій ва унинг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Гоулдинг билан учрашиб, зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган ўтқир муаммоларни яна бир бор эслатиб ўтдингиз. Сизнинг халқаро сиёсий масалаларни ҳеч иккиланмай ўртага ташлашдан тап тортмайдиган, қатъиятли давлат бошлиғи эканингизга ўша пайтлардаёқ аҳамият берганман.

— Раҳмат, Жаноб Президент.

— Ана энди, рухсатингиз билан, суҳбатимиз мавзусини асосий масалаларга қаратмоқчиман...

\* \* \*

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл, қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хоним, молия вазири О'Нил ва бошқа расмий кишилар билан учрашди. Ўзбекистон раҳбари АҚШ давлат котиби билан кўп марта суҳбатлашган, бу давлатнинг молия тизимидан яхши хабардорлиги учун кўп вақтини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш масалаларига қаратди. Бу соҳада ишчи кучини камайтириш, мавжуд техника ва технологиядан унумли фойдаланиш, янгиларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, олинган ҳосилнинг сифат даражасини узоқ вақтгача сақлаб туриш борасида қизғин суҳбат бўлиб ўтди. Энн Венеман хоним давлат раҳбарининг шахсан ўзи бу масалаларга катта қизиқиш билан қараганини эътироф этаркан, таклиф ва мулоҳазаларини очиқ баён қилди.

— Сифат масаласида Европа мамлакатларида етиштирилган меваларнинг рейтингги баланд бўлса-да, аммо таъми, мазаси ва фойдали элементларга бойлиги билан Ўзбекистонники алоҳида ажралиб туради. Айниқса, узум, анжир ва яна полиз маҳсулотларига бўлган талаб ва истаклар бизни илмий-техникавий соҳада, тажриба алмашиш борасида ҳамкорлик қилишга ундамоқда. Мени кўпроқ шу масалалар қизиқтиради.

— Биз республикада мавжуд пахта майдонларини камайтириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришга эътибор қаратмоқдамиз, — деди Ўзбекистон Президенти ошкора мулоқотдан руҳланиб. — Бизнинг шароитимизда етиштирилаётган мева ва полиз маҳсулотларига Россияда эҳтиёж жуда катта. Аммо Америка Қўшма Штатлари билан ҳам икки томонлама фойдали битимлар тузишга тайёрмиз.

— Мен ҳам шу ҳақда гапирмоқчи бўлиб тургандим, — дея суҳбатни давом эттирди Энн Венеман хоним. Юртингизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уни сақлаш ва экспорт қилиш масалаларини ўрганиб қайтган мутахассисларимизнинг фикрига кўра, йиғиб-териб олинган ҳосилни қуритиш ва сифатли қадоқлаш борасида янги технологияларни жалб қилиш ишларига эҳтиёж бор. Агар шундай бўлса, у ҳолда бизнинг компания ва фирмаларимиз бу соҳани ривожлантиришга инвестиция киритишга тайёр. Бироқ яна шундан хабарим борки, сизга яқин мамлакат сифатида Хитой мамлақати ишбилармонлари анча арзон технология етказиб бериш

хусусида иш олиб боришаётир. Уйлайманки, ўзбекистонлик фермерлар узоқ йиллар самарали ишлайдиган ва охир-оқибат катта фойда келтирадиган техникаларга эътибор билан қарашади, америкаликлар билан ишлашдан манфаат кўришади. Бизнинг таклифимиз бир томонлама эмас, яъни биз нафақат янги техника ва технология етказиб берамиз, айти пайтда, тайёр маҳсулотларингизни сотиб оламиз.

— Таклифларингиз ўйлаб кўришга арзийди, албатта, Энн Венеман хоним.

— АҚШнинг «Кейс» корпорацияси раҳбари Жан Пьер Россо мамлакатингизда қишлоқ хўжалик техникасини замонавийлаштириш, қишлоқ хўжалигини жаҳон андозаларига жавоб берадиган техника билан таъминлаш борасида анча йиллардан буён ҳамкорликда иш олиб бораётганидан мамнун. Биз бу йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва Ўзбекистонга кўпроқ сармоя киритишни давом эттириш керак, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатларимиз тинчлик ҳимояси учун ҳарбий техникавий соҳада ўзаро манфаатли битимлар тузиши қувонарли ҳол, албатта. Бироқ халқимизни боқиш ва келажак фаровонлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни реализация қилиш борасида ҳам икки томонлама фойдали келишувларни кечиктирмаслигимиз зарур деб ўйлайман.

— Бу гапингизга қўшиламан.

— Унда шартнома шартлари билан таништиришга рухсат бергайсиз.

— Марҳамат, Энн Венеман хоним...

\* \* \*

Кечга яқин америкалик ишбилармонлар билан бўлиб ўтган учрашув анча вақтга чўзилди. Ўзбекистон Президенти мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар жараёни, шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар, бугунги музокара-лар якунида икки томонлама имзоланган стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, илмий-техникавий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги битимлар хусусида атрофлича маълумот берди. «Учрашувлар самараси яна шундан иборат бўлдики, — дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти, — икки мамлакат ўртасида ядро тарқалишига йўл қўймаслик борасида ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилди».

Америкалик ишбилармонлар хорижий сармоядорлар учун Ўзбекистонда яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан савол бериб, барчасига атрофлича жавоб олдилар.

\* \* \*

2002 йил 13 март.

Ўзбекистон Президенти «BLEYR HAUS» қароргоҳида АҚШнинг нуфузли газета ва журналлари муҳаррирлари ҳамда таниқли журналистлар билан учрашди. Қалам аҳлини кўпроқ Марказий Осиёдаги сиёсий вазият, Ўзбекистонда олиб

борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёни қизиқтирди. Саволлар ҳам, асосан, ана шу мавзу атрофида бўлди.

— Ўзбекистон ҳукуматининг қўшни Тожикистонда фуқаролик урушини тугатиш борасида тутган позицияси, Афғонистонда эса террорчи гуруҳларга қарши курашда жонбозлик қилгани, афғон халқига кўрсатган инсонпарварлик ёрдами ҳақида қўш марта ёзилган. Бироқ, айтилган-чи, 2000 йилнинг ёзида диний экстремистик кучларнинг Тожикистон орқали Сурхондарёнинг Сарийосиё ва Узун туманларига ўтишини ёки халқаро террорчиларнинг афғон чегараларини кесиб юртингизга кириб келишини қандай баҳолайсиз? — дея савол берди журналистлардан бири. У биринчи бўлиб мурожаат қилган эди.

Ўзбекистон Президенти саволни нима мақсадда берилганини англади, мийиғида жилмайиб қўйди.

— Қўшни давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистонга нисбатан қандай сиёсат олиб боришидан қатъи назар, биз, аввало, тинчлик тарафдоримиз ва ана шу эзгу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қиламиз. Яъники, биз «Қўшнинг тинч, сен тинч» деган доно мақолга биноан иш тутамиз ва динимиз ўргатганидай кечиримли бўлишни олий фазилат деб биламиз. Ўзбек халқининг ўзига чегарадош бўлган бешта давлатнинг бирортасига ғараз нияти бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Бағрикенглик миллатимизга хос хусусият десам, асло муболаға бўлмайди.

— «Ўзбекистон ислом ҳаракати» бугунги кунда Ўзбекистон учун хавф туғдирадиган даражада хатарлими?

— Йўқ.

— Бу саволга кенгроқ тухталиб ўтсангиз, жаноб Президент.

— Вақтимни исроф қилмоқчи эмасман.

— Ўзларини мухолиф кучлар деб санаётган, айна пайтда турли давлатлардан бошпана топган ўзбекларни ватанга қайтишига нима тўсқинлик қил-япти, деб ўйлайсиз?

— Биз ҳеч кимни ватандан чиқиб кетишга маж-бур қилмаганмиз. Сиз айтган, ўша ўзларини мухо-лифат деб атаб олган қочқинлар амалдаги ҳукуматга қарши ҳеч қандай сиёсий мавқега эга бўлмаган. Улар нима учун хорижда юрганликларини ўзлари ҳам билишмаса керак...

\* \* \*

Шу кунини Ўзбекистон Президенти Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вулфенсон билан учрашди. Маълумки, Ўзбекистонга хориж сармоясини жалб этишда ушбу банкнинг нуфузи катта. Мулоқот да-вомида Жаҳон банкининг иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди ва бир қатор битимлар имзоланди. Шундан сўнг мартаба-ли меҳмон АҚШ Конгрессига ташриф буюрди. Ав-вал Вакиллар палатаси, сўнгра Сенат вакиллари би-лан учрашув ўтказди. Қизгин кечган суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ҳар томон-лама ривожлантириш ва парламентлараро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Респуб-ликаси давлат раҳбари Сенат аъзоларида катта та-ассурот қолдирганини айтиб ўтдилар.

Кун режасидаги яна бир учрашув Пентагонда бўлиб ўтди. Кейинги пайтларда Ўзбекистонга бир неча марта келган АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Президентни Америкага ташрифи билан кутлар экан, ўзбек халқидай меҳмондуст ва хушмуомала бўлиш қандай олий саодат эканлигини таъкидлади. Пентагон ўта жиддий ва, айни пайтда, сирли маскан. Аммо вазирнинг хушфезлиги Ўзбекистон Президентининг дилини хушнуд этди. Очиқ чеҳра, самимий суҳбат, ёқимли муомала. Наҳот, қадимий ва ҳамиша навқирон Шарқ маданиятининг мангу зиёси Тинч ва Атлантика океанлари қирғоқларида мавжланаётган бўлса? Юксак даражадаги одоб ва ахлоқ нақадар олий фазилатки, у дилларни яшнатади, юртларни обод қилади, келажакка замин тайёрлайди. Очқузлик ва жаҳолат нақадар пасткашликки, кўнгилларни қақшатади, мамлакатларни вайрон қилади, келажакни барбод айлайди.

## IX. «ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЛИДЕР»

Энг эсда қоларли тадбир кечга яқин Нью-Йорк шаҳрида уюштирилди. Американинг энг машҳур сиёсатчилари, маданият арбоблари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этган ушбу тадбирда Ўзбекистон Президентига «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофоти топширилди. Бундай юксак мукофотни АҚШнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби Генри Киссинжер зўр мамнуният билан Ўзбекистон

Президентига тақдим этди. Залга йиғилганларнинг қарсағи анча вақт давом этди.

— Бу мукофот мен учун кутилмаган воқеа бўлди, — деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон Президенти тадбир иштирокчиларига юзланиб. — Хурсандман. Эътиборингиз учун ташаккур билдирган ҳолда шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бу мукофот ўзбек халқининг халқаро террорчиликка қарши курашга, умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка эришишдек хайрли ишга қўшган ҳиссаси учун берилган муносиб баҳодир. Ўзбекистон доим тинчлик тарафдори бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу эзгу тилак учун курашмоқ кераклигини жуда яхши биламиз. Шу сабабли ҳам жаҳонда тинчлик ҳукм суриши учун ҳар қандай олий мақсадга бирлашишга ва ҳамкорликда кураш олиб боришга тайёرمиз.

Тадбир сўнггида Генри Киссинжер Ўзбекистон Президентини яна бир бор табриклар экан, ўзбек халқига тинчлик-омонлик, мамлакатга фаровонлик тилади. Ўзбекистон Республикаси Президентига «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофоти топшириш шарафига эга бўлганидан мамнун эканини алоҳида таъкидлади:

— Мен сизни яна бир бор қутлайман!

\* \* \*

Эртаси куни Ўзбекистон Президенти Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумберг билан учраш-



ди. Қизгин ва икки томонлама манфаатли суҳбатдан сўнг давлат раҳбари Жаҳон савдо маркази харобаларини бориб кўрди. 2001 йил 11 сентябрда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатининг қурбонлари хотирасига гулчамбар қўяр экан, кўз ўнгидан 1999 йилнинг 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган кўпорувчилик оқибатида бевақт ҳаётдан кўз юмган ҳамюртлари ўтди. Нақадар жирканч ишлар. Халқ бундай хунрезликни асло кечирмайди. Одамларни ўлдириш, шаҳарларни вайрон қилиш билан халқнинг меҳрини қозониб бўладими? Бу ғирт нодонлик эмасми? Тарих саҳифаларига қора ҳарфлар билан ёзилган бу ёвузликлар қандай мақсадда амалга оширилганини ўша мудҳиш воқеаларни бошдан кечирганлар сира-сира унутмайди.

— Жаноб Президент, — деди шаҳар мэри хотира майдонидан чиқаётганларида. — Сизга Америка Қўшма Штатларини, у билан иттифоқликда террорга қарши тузилган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаганингиз учун алоҳида миннатдорлик билдираман. Сиз томонингиздан кўрсатилган бундай қатъиятни, бутун америкаликлар, айниқса, нью-йоркликлар юксак қадрлайдилар.

— Раҳмат, жаноб Блумберг. Биз тинчлик ишига бепарво бўлмаслигимиз керак. Умуман олганда, қаердадир одамлар қурбон бўлаётган экан, бу ҳамма ва ҳар бир кишига дахлдордир. Агар биз одам бўлиб қолишни истасак, бошқаларнинг қайғусига шерик бўлишимиз шарт. Мен бу гапни қайта-қайта айтишдан чарчамайман.

— Албатта.

Мэр олий мартабали меҳмонни шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиришга таклиф қилди ва ҳамроҳ бўлди.

— Нью-Йорк, дарҳақиқат, катта иқтисодий салоҳиятга эга шаҳар, — дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти сафар давомида.

— Ҳа, Нью-Йорк америкаликларнинг фахри, ғурури! Энг кўзга кўринган, машҳур ва беқиёс бойликка эга бўлган ишбилармонларнинг эътиборини кўпроқ жалб этиш орқали шаҳримиз Ўзбекистон—АҚШ иқтисодий ҳамкорлик ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда, — деди, уз навбатида, шаҳар мэри мамнуният билан. — Мен Тошкент ҳақида ҳам илиқ гаплар эшитганман. Нон шаҳри, дўстлик шаҳри...

— Энг яхши таърифни айтайми сизга?

— Албатта, айтинг-да, жаноб Президент.

— Нафақат пойтахтимиз Тошкент, балки бутун Ўзбекистон жаннатмакон юртдир. Аллоҳнинг назари тушган бу диёрга сотқинлик қилиш асло кечирилмас гуноҳдир.

— Ҳа, эсладим, Тошкентнинг нонини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади, деган ибора ҳам бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта.

— Бўлмасам-чи!

\* \* \*

АҚШ Олий ислом кенгаши раиси Муҳаммад Ҳишом Қаббоний билан кечган учрашув ўзининг аҳамияти жиҳатдан бошқа тадбирлардан кам бўлмади. Диний экстремизм ва террорчиликка қарши ку-

раш муаммолари ҳар икки томонни бирдай ташвишга солгани боис, долзарб масалаларнинг ечимини топиш осон кечди.

— Бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш Аллоҳнинг каломи — Қуръони каримда қаттиқ қораланган. Расули ақрам баён қилганларидай ёмон ишни кўрганда қўлимиз билан тўхтатиб қолишимиз зарур. Мабодо қўлимиз билан тўхтатишга кучимиз етмаса, сўзимиз билан қайтаришимиз керак бўлади. Учинчиси, имоннинг заифлигидан далолат бўлгани учун айтмай қўя қолар. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Бироқ биз пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак кўрсатмаларидаги биринчи шартни бажармоққа қодирмиз. Шундай экан, ўйлайманки, қилаётган ишларимиз, Аллоҳнинг наздида мақбул амаллардандир. Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Азизиддин Насафий, Маҳмуд аз-Замахшарий каби буюк зотлар туғилган юртга Аллоҳнинг назари тушгани рост ва бу муборак диёр ҳамиша тинчлик тарафдори бўлиб, зиё таратаверади.

Ўзбекистон Президенти бу самимий тилаклардан кўнгли ёришди. Сафар чоғида илиқ учрашув ва суҳбатлар, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар жуда ёқимли, албатта. Айни пайтда, 1992 йилнинг ёзида Саудия Арабистонига қилган расмий сафари Президентнинг ёдига тушди. Мамлакат подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз ал-Сауд муқаддас совға — Каъба устига тўшаладиган ёпинчиқ (кисва)нинг бир парчасини шахсий ҳадя сифатида тортиқ қиларкан, худди шунга ўхшаш фикрларни билдирган эди.

— Имом ал-Бухорий жамики араб халқларининг, қолаверса, бутун Ислом оламининг энг азиз ва муътабар зотларидан бири ҳисобланади. Бухорий таваллуд топган азиз тупроқ эса, Ўзбекистон ҳудудида. Шунинг учун ҳам ўзбек халқини Бухорийдек эъзозлаймиз ва қадрлаймиз. Юртингизга бежиз жаннатмакон диёр деб таъриф берилмаган. Жаннат борлиқ мавжудотларнинг Раббиси бўлмиш Аллоҳ таолонинг ҳифзу ҳимоясидадир. Менинча, Ўзбекистон мамлакати ҳам Яратганнинг азизу мукаррам бандалари шарофатидан тинчлик макони, фаровонлик маскани бўлиб қолади, иншоаллоҳ. Юртингизни ёмон кўзлардан меҳрибон ва раҳмли буюк Зотнинг Ўзи асра-син. Ҳурлик насиб этган заминда доимо тинчлик, тотувлик, тараққиёт бўлсин, Ислом зиёси қалбларимизни ҳамиша мунаввар этаверсин.

— Ҳақ гапни сўзладингиз. Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида санокли. Биз чексиз шукроналик билан айтамызки, она Ватанимиз Аллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир!

— Албатта, — дея таъкидлади Муҳаммад Хишом Қаббоний

— Биз мусулмон дунёсининг узвий қисми-миз, — деб ўз сўзини давом эттирди Ўзбекистон Президенти. — Тарихимизнинг энг фожиали, энг оғир дамларида ҳам, мустабид тузум чангалида бўлган пайтимизда ҳам, бизни динимиздан айиришга, унга хиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан

қайтмаган. Бошимизга қилич келганида ҳам ота-боларининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содиқ қолган. Биз шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

— Ғоят мамнуният билан эътироф этаманки, бизлар ҳам сизнинг бу йўлдаги ғайрат ва шижоатингизни қўллаб-қувватлаймиз.

## Х. БАЙРАМ АРАФАСИДА

Инглиз тилида анча бемалол гаплаша бошлаган Элёрни Интерполга ишга ўтказиш масаласи кун тартибидан олиб ташланмаган эди. Бироқ қачон амалга ошади, ҳали ҳеч ким билмасди.

Мустақиллик байрами арафасида полковник Жалил Очилов Элёрни ҳузурига чақиртирди. Топшириқ қисқа ва тушунарли бўлди: одатий тусга киргандай мамлакат раҳбари шодиёна буладиган кундан олдин фойдаланишга топшириладиган янги иншоотларни шахсан бориб кўради. Президент хавфсизлигини таъминлаш учун рўйхатдаги объектлар жиддий назоратдан ўтказилиши керак.

Элёр икки ҳамкасби ҳамроҳлигида Жанубий вокзал рўпарасида бунёд этилган улкан кўприкни кўздан кечириб чиқди, сўнг Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуасида қад ростлаган Қатағон қурбонлари хотираси музейини бориб кўрди. Улар аввали-

га оддий нигоҳ билан, кейин эса махсус аппаратлар ёрдамида текширув ўтказдилар. Пойтахтдаги янги қурилган мухташам бинолар, йўллар, кўприклар, дарҳақиқат, ҳавас қилса арзигулик. Улар Тошкентнинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда.

— Яна беш-ўн йилда шаҳримизни таниб бўлмаса керак, — деди атрофга назар ташлаб қалби қувончга тўлаётган МХХ ходими.

— Қишлоқдан келган қариндош-уруғларим ҳозирданоқ ҳайрон қолишяпти, — дея ўз муносабатини билдирди МХХнинг яна бир аъзоси.

Элёр йигитларнинг қувончига шерик бўлди. Сўнг уларни сергакликка чақириб, «Қалқон» бригадасининг янги ҳарбий шаҳарчасига йўл олишди. Жуда шинам ва барча шароитларга эга бўлган уйлар сифатли қуриб битказилган эди. Шу кунларда ватан ҳимоячиларининг катта бир гуруҳига ўз оила аъзолари билан шундай замонавий кошоналарда яшаш бахти насиб этади.

— Мазкур ҳарбий шаҳарча келажакда бошқа ҳудудларимизда қуриладиган худди шундай мажмуалар учун намуна вазифасини ўтамоғи керак, — деди эртаси куни бу ерга ташриф буюрган Ўзбекистон Президенти. — Ўзини ҳимоя қила оладиган халқ келажакка ишонч билан қарайди. Халқимизнинг мард ва садоқатли ҳимоячилари эса ҳеч кимдан кам бўлмайдиган шароитларга муносибдир.

Байрам тантанасига яқин хизматда алоҳида ўрнатилган кўрсатган ватан посбонларига янги уйларнинг калитлари топширилди. Шу куни ҳарбий шаҳарчада «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!» дея

янграган оташин сўзлар барчанинг қалбини тўқин-  
лантириб юборди.

Бўлмасам-чи, бу азиз юрт учун не-не мард  
ва довюрак зотлар ўз жонини фидо қилган. Айни  
тахликали замонда ҳам ватан тинчлиги учун кўкси-  
ни душман ўқига тутган ва қалқон қилаётган мар-  
ди майдонлар бор.

Президент тадбир сўнггида жажжи фарзандла-  
рини кўтариб, оила аъзолари даврасида замонавий  
уйларга қадам босаётган ўғлонларга боқаркан, юраги  
алланечук безовталаниб, киприкларига ёш илинди.  
Лекин буни ҳеч кимга сездирмади. Қизиқ ва тааж-  
жубланарли ҳолат. Нима бўлди давлат раҳбарига?  
Кўзларидаги севинч ёшими ёки...?

Вазиятдан келиб чиқиб шундай деса ҳам бўла-  
ди. Уйли-жойли бўлган ҳарбийларнинг қувончини  
кўриб, юраги тўлиб кетди-да. Аслида-чи? Аслида,  
бундан икки йилча олдин Сурхондарёнинг Сари-  
осиё ва Узун туманларига ноқонуний бостириб  
кирган қуроли тўдаларга қарши курашда жон  
берган йигитларни эслаб, бирдан ғамгин торт-  
ган ва қаттиқ изтиробга тушган қалбнинг тубидан  
аста сизиб чиққан ёш эди. «Шаҳид, шаҳид!» деб  
ҳайқиради динни ниқоб қилиб олган ёлланма қо-  
тилар. Мана, ҳақиқий шаҳид бўлганлар кимлар.  
Ватанни ҳимоя қила туриб, душман ўқидан ҳалок  
бўлганларга нисбатдир бу таъриф. Уша жанг-  
да террорчиларнинг йўлига ғов бўлган, уларни  
юрт ичкарисига ўтишига тўсқинлик қилган оддий  
аскар Зокиржон энди қуролдош дўстлари ораси-  
да йўқ. У ҳам яшашга ҳақли эди, у ҳам мана бу

ҳарбийлардек янги уйга эга бўлиши, оиласи қуршовида яйраб-яшнаши мумкин эди. У онасининг оқ сугини, ўзбек деган азиз ва муўтабар номни оқлади. Шафқат нима эканлигини билмайдиган, халқларнинг тинчлик ва фаровонлигини кўра олмайдиган, ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун бундай неъматларни оёғости қилувчи манфур кимсалар Зокиржондай мард ўғлонлар борлиги учун ҳам ниятларига ета олишмади — ўзлари ошиб ўтган тоғларда аянчли ўлим топишди. Жанг қурбонсиз бўлмади, деб кўнглимизга таскин берамиз. Бу аёвсиз жангда Зокиржон каби ўнлаб ватан ҳимоячилари ҳам ҳалок бўлишди. Фарзандининг ўлимини эшитиб қайғуга ботган жангчининг онаси Ўзбекистон Президентига мактуб ёзишга ўзида куч топа олди. Мард ва жасур ўғлидан рози эканлигини баён этган номани Президент Олий Мажлис сессиясида ўқиб бераётганда ҳам худди ҳозиргидай қийналган ва кўзларига ёш олган эди.

\* \* \*

Ўн бир йил. Ўз эркини қўлга киритган мамлакат учун тарихан жуда қисқа давр, албатта. Бироқ аввалига чор Россиясининг мустамлакачилик режими, ундан кейин эса совет ҳокимиятининг ҳукмронлиги остида яшаган мазлум халқ учун бир кун озод ҳаёт кечиришнинг қадри қанчалар баланд. Буни англаган ва чуқур ҳис этган миллат мусаффо осмон остида кечган ҳар бир дами беҳуда ўтказмайди. Юрт тинчлиги ва равнақи учун бахшида этади азиз умрини.



Ўзбекистон Президенти бутун ўзбек халқини улуғ шодиёна билан муборакбод этаркан, қалбидан кечаётган дил сўзларини баралла изҳор қилди:

— Шундай қутлуғ кунларга эсон-омон етиб келгунча оғир дамларни бошдан кечирдик, бироқ танлаган йўлимиздан чекинмадик. Сир эмас, халқимиз зулм исканжасидан қутулганида икки кунга етарли бугдойи бор эди, холос. Ҳа, иқтисодий аҳволимиз аянчли ҳолатда эди. Аслида, нафақат иқтисодда, балки барча соҳаларда танг вазият юзага келганди. Ўша пайтдаги биринчи ва асосий мақсадимиз руҳан тушкун ва ўзига бўлган ишончини йўқотган миллатнинг умидини қайтариш бўлган. Ўйлайманки, биз бу вазифани сизлар билан биргаликда удаладик ва, мана, озодликнинг қийин, машаққатли, аммо шарафли ва улуғвор ўн йиллик йўлини босиб ўтдик. Эришган ютуқларимиз, қўлга киритаётган ижобий натижаларимиз эътирофга лойиқ. Бироқ ҳали олдимизда жуда улкан вазифалар турибди. Белгилаб олинган ана шу юксак режаларни амалга оширишимиз учун қаттиқ тер тукиб ишлашимиз, курашмоғимиз керак.

## ХІ. БУЮК ЗОТЛАР РУҲИ ШОД БЎЛГАН ДИЁР

Элёр яна Бухорога келаман деб ўйламаган эди. Октябрь ойининг ўрталарида бошлиқ ҳузурига чақириб, сафарга отланишини айтди.

— Эртага Юртбошимиз жойларда ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик

ишлари билан танишиш мақсадида Бухоро, Қашқарё ва Самарқанд вилоятларига боради. Махсус гуруҳ яна бир соатдан кейин йўлга чиқади. Уларга ҳамроҳлик қиласан. Генерал-лейтенант Буроновнинг топшириғи бу. Тушунарлими?

— Ҳаммаси тушунарли, ўртоқ полковник.

— Объектларни кўздан кечираётганда нималарга аҳамият беришни ўзинг яхши тушунасан. Буни таъкидламоқчи ҳам эмасман. Генерал-лейтенантда ўта синчков ва ҳушёр ходим сифатида таассурот қолдиргансан. Шунинг учун гуруҳга сени ҳам қўшиб юборишимни тайинлади. Бундай ишонч ҳар кимга ҳам берилмайди.

— Президентимизнинг бир гапи жуда ёқди менга.

— Эсладим: жоним фидо бўлсин бу юртга!

— Худди шундай. 1999 йилдаги махфий таъйиққа қарши айтилган мардонавор жавоб.

— Сенга омад, майор Одилов!

Элёр полковник Жалил Очиловнинг бир одадини яхши кўради. Хизмат вазифаси топширилган ходимининг қўлларини қаттиқ сиқиб, сўнг елкасига бир уриб хайрлашади. Барча ҳаракатлари самимий бўлгани учунми Элёрнинг кайфияти кўтарилади. Зиммасига олган топшириқни астойдил бажаришга отланади.

Бир соат. Ҳар доимгидай уйга бориб, оиласи билан хайрлашишга ва гуруҳ тўпланадиган жойга етиб боргунча берилган муддат. Бундан кам вақт берилиши мумкин, аммо кўп эмас. Ҳамма нарсага тайёр туришга ўрганган МХХ ходими учун етар-

ли. Унинг рафиқаси ҳам бундай кутилмаган сафарларга кўникиб кетган. Эшикдан кириб келгандаёқ кўзларига қараб илғаб олади. Бемалол, батафсил сўралмайди, сўралган тақдирда ҳам фақат қаергалиги айтилади, холос. Аммо хайрлашув оғир кечади. Зулфия эрининг кўкрагига бир зум бош қўйгиси, эркалангиси, ширин сўзлар айтиб кузатгиси келади. Аммо Жалолиддиннинг олдида истиҳола қилади.

«Яхши бориб келинг».

Бир оғиз гап. Аммо бу жумлада борлиқ соғинч ҳислари, айтолмаган тилак-орзулар, бир-икки кунлик қоронғи кечадан сўнг келадиган ёруғ ва бахтиёр дамларнинг тиниқ, покиза туйғулари мужассам. Хайрлашув чоғида аёлнинг айтган сўзлари қанча қисқа бўлса, эркакники ҳам ундан ортиқ эмас:

«Яхши қолинглар».

Бир оғиз жумла. Бироқ бу лутфда айрилиқ ва хавотирга тула оила масъулияти, зиммага олинган топшириқнинг залворли юки, яна яқинлари бағрига тезроқ қайтиш иштиёқи пинҳон.

Хайрлашув шундай кечади: қисқа сўз ва ўтли нигоҳлар. Ҳар икки юракнинг нидоси бир: Аллоҳ, бизларни бир-биримиздан жудо қилма! Элёрнинг остона ҳатлаб кўчага чиқиши хатар: соғ-омон қайтиб келишини ёлғиз Яратганнинг ўзи билади, холос; Зулфиянинг уйда қолиши ҳам хатар: келгунча нима гап, нима сўз, ягона Холиққагина маълум. Лекин инсонда умид бор, ният бор, қолаверса, уни бу ёруғ оламга келтирган Зотга таваккал қилиш бор. Ана шу олий тафаккур одамзодни олға босишга ундайди, ундайверади.

Элёр йўлда ана шулар ҳақида уйларкан, полковник Жалил Очиловнинг сўзларини ҳам эслади: «Генерал-лейтенантда ўта синчков ва ҳушёр ходим сифатида таассурот қолдиргансан. Шунинг учун гуруҳга сени ҳам қўшиб юборишимни тайинлади. Бундай ишонч ҳар кимга ҳам берилмайди».

Демак, масъулият ва яна масъулият. «Ишончни оқлаш керак!» У бундай тифиз пайтда бухоролик журналист Розик Чориевдан хабар олишга вақти бўлармикин? Лекин атай келганда кўриб кетса яхши бўларди. Ахир Бухорода ном-нишонсиз йўқолган болалар ҳақида, уларни излаш самара бермаётгани хусусида жонкуярлик билан газетага мақола ёзган йигит шу Розик Чориев эди-да. Ўша ташвишли хабардан кейин вилоят Ички ишлар бошқармасининг бошлиқлари уни ёмон кўриб қолишган, ҳатто анча вақтгача ишсиз қолдиришган эди. Элёр «йўқолган» болаларни «ўлди»га чиқариб, уларнинг тана аъзоларини хорижга пуллаётган махфий жиний гуруҳнинг қўлга олиниши муносабати билан Бухорода бўлганда журналист билан бир мартагина кўришган, уни вилоят газетасига — ўз иш ўрнига қайтишига кўмаклашган эди. Жойлардаги ноҳўя ишлар, қаллобликлар, талон-торожлар ҳақида бонг уриб турувчи журналистнинг кичкинагина мақоласи туртки бўлиб, қидирув ишлари жонланган ва охир-оқибат жиноятчи жарроҳларнинг сири фош бўлган эди. Қизиқ, Розик Чориев ҳозир нима иш билан шуғулланыпти экан? Кунларни беҳаловат ўтказяптими ёки тақдир синовларига дош беролмай «хушxabар»ларга муаллифлик қиляптимикин?

Элёр иш орасида вилоят газетасига кўнғироқ қилди. Котиба аёл Розик Чориевни бир йилча аввал Шофиркон тумани газетасига муҳаррир бўлиб ишга ўтиб кетганини айтди.

— Ҳозир ишляптими ўша туманда?

— Ҳа, албатта. Кеча йиғилишга келганда кўрдим уларни.

Элёр нима гаплигини тушунди, бу масалага бошқа диққатини бўлмади.

Утган сафар келганда Бухоронинг тарихий обидаларини, қадамжоларини кура олмаган эди. Машинасини «такси»га айлантириб, йўловчиларнинг узоғини яқин қилиб юрган собиқ уқитувчи Нусрат ака тайинлагандай қайтишда Самарқандга тушиб Имом ал-Бухорий мажмуасини ҳам зиёрат қилолмай афсус чекканди. Аммо энди вазиятнинг ўзи тақозо этиб турибди. Астойдил истасанг, Аллоҳнинг ўзи етказди муродингга деганлари шу бўлса керак. Бу гал имкониятдан тўлиқ фойдаланади: ҳар бир тарихий обида билан яқиндан танишади...

Ўзбекистон Президенти ўз сафарини Бухородан бошлашга қарор қилди.

Бухоро. Бу замин минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган, шарифлик номига муяссар бўлган муқаддас жойлардан бири. Бухоро «қуббатул ислом», яъни «ислом динининг гумбази» ва буюк уламоларнинг таъбири билан айтганда, «қуввати дини ислом» деб тан олинган маскан. Унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир

тарихий ва маданий обидаси қадимий ўзбек элининг буюк иқтидори ва бунёд этиш салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлида олиб борилган тинимсиз меҳнати, мислсиз курашларидан дарак беради.

Тарихдан сўзлайди кўҳна Бухоро. Босиб ўтилган икки ярим минг йилдан зиёдроқ давр мобайнида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қорахонийлар, ануштегинийлар, темирлийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар сулоалари мамлакат тарихида, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар.

Бугун замин узра савлат кўтариб турган меъморий обидалар, зиё таратаётган масжиду мадрасалар, қадамжоларга айланган хонақоҳлар, ҳовузлар, майдонлар Бухоро бошидан кечирган буюк тарихнинг залворли гувоҳларидир.

Сўнги мустамлака замонида инқилоб баҳонасида бу шарофатли шаҳар кўрки бўлган обидалари яна бир бор яқсон этилди, унинг асл — мард ва зиёли фарзандлари қатағон қилинди. Оддий халқни зуғум, кўрқув ва даҳшат ичра ушлаб туриш учун не кунларни бошига солишмади.

Бироқ халқ барҳаётдир. У ўзининг буюк аждодларининг мўътабар номларини асло унутмади. Истиқлол эса кўҳна Бухоро ҳаётига янги нафас олиб келди. Дарҳақиқат, ҳар бир халқ ўз юртига ҳақиқий эга бўлгандагина унинг тарихи ва салоҳияти бўй-бастини дунё кўз ўнгида тўла-тўқис

намоён эта олади. Эндиликда шундай давр келдики, Бухорои шариф нафақат Шарқ минтақасида, балки бутун оламда зиё маскани сифатида доврў тарата бошлади.

«Давр келди, элим деб, юртим деб, келажигини ўйлаб заҳмат чеккан, Ватан озодлиги йўлида курашган, миллат равнақи учун умрини бағишлаган, ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гузал ва маҳобатли ёдгорликлар қолдирган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу ишларини давом эттириш учун, — ўйлади Президент самолётдан тушиб Бухоро заминига қадам босар экан. — Бугунги авлодга ҳам фарз, ҳам қарз бўлган савобли ишларини амалга оширишга имкон туғилган экан, бундай бахтдан нега бебаҳра қолишимиз керак? Биз ҳаммамиз, шахсан мен ўзим бу эзгу ҳаракатларнинг бошида туриб, ёш авлодга ўрнак бўлишим лозим. Бу азиз фарзандларимизни бой тарихий меросимизни қадрлашга, уни кўз қорачиғидай авайлаб-асрашга, юрак-юракдан ифтихор қилишга ўргатади. Мард ва танги, ғурури баланд, илмпарвар ва меҳнатсевар ёшлар бундан кейин буюк аждодларининг руҳлари таҳқирланишига асло йўл қўймайди».

Ўзбекистон Президенти хаёл билан Баҳоуддин Нақшбанднинг маҳобатли меъморий ёдгорлиги олдида келганини сезмай ҳам қолди. Тарихий манбалардан яхши хабардор давлат раҳбари бу буюк зотнинг кечирган ҳаёт йўлини бот-бот эслар экан ҳайратга тушади: умри бўйи деҳқончилик билан кун ўтказган, ўз қишлоғи — Қасри

Ҳиндуёнда унчалик катта бўлмаган ерига буғдой ва мош экар экан; у уйида ҳеч қандай мол-дунё, бойлик сақламаган, қиш пайтлари қамишлар устида, жазирама ёз ойлари эса бўйрада ётиб кун кечирган; унинг уйида ҳеч қачон хизматкор бўлмаган, бу табаррук зотга хизмат қилишни қанчадан-қанча одамлар узларига шараф деб билсалар-да, Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ўз қул кучи билан ҳаёт кечирини афзал кўрган; топган-тутганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган. Ҳазрати Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган, зеро, бу тариқатнинг асл ақидаси — «Дил ба ёру, даст ба кор» — яъни «доимо кўнглинг Аллоҳда, қўлинг эса ишда» бўлсин деган гояни илгари суради. Марказий Осиё халқлари юксак қадрлайдиган бу инсонни «Баҳоуддин — балогардон» деб жуда эъзозлаши-чи.

Қандай камтарона ҳаёт.

Қандай буюклик.

Қандай шараф.

Бу қутлуғ маскан бугун эъзозу икромда. Зиёратчилар мақбара пойида Қуръондан муборак калом ўқиб, унинг савобини ҳазратга бағишлар экан, ўтган азиз авлиёларнинг ётган қабрларини обод қилишга бел боғлаганлар ҳақиқа ҳам дуои хайрларда бўлишарди.

Кўнгли тоғдай кўтарилган Президент шундан сўнг Хожа Абдухолиқ Фиждувоний ёдгорлиги томон йўл олди.



Хожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлган бу зотнинг яна бир йилдан сўнг тўққиз юз йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланади.

— Бу қутлуғ тадбирга жиддий тайёргарлик кўроғимиз лозим, — дея сўз бошлади Ўзбекистон Президенти ҳазрат ҳақиға дуо қилганидан сўнг. — Бунинг учун Гиждувон шаҳрида улкан ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалға ошириш, аввало Хожаи Калон шарафига сазовор бўлган Абдуҳолиқ Гиждувоний ёдгорлик мажмуасини обод қилиш, ул зотнинг қабри ёнида Мирзо Улуғбек томонидан 1433 йилда барпо этилган масжид-мадрасани таъмирлаш ва зиёратчилар учун қулай шароит яратиш зарур. Бундай эзгу ишни ҳазратнинг онаси осойиш топган жой (икки қабр ёнма-ён) атрофини обод қилишдан бошласак, уйлайманки, тўғри йўл тутган бўламиз. Демакки, ҳар икки зиёратгоҳни кўркам ҳолға келтириш учун махсус комиссия тузамиз ва унинг таркибига уламолар, олимлар ва мутахассисларни киритамиз. Улар ўз фикр ва таклифлари билан бошланган хайрли ишларни давом эттирадилар.

Шундан сўнг мамлакат раҳбари энг қадрдон маскани — авлиёю пирлар макони бўлган табаррук Қашқадарё тупроғига қадам босди. Президент мардлар ўлкаси, паҳлавонлар юртиға борди.

Ўзбекистон Президенти қадимда ўтган буюк зотларнинг табаррук маконларини обод қилиш билан машғул бўлар экан, қалби яйраб кетарди, юраги фаҳрга, куч-қувватға тўларди. Айниқса, жаҳонда тенгсиз бўлган Амир Темури номи билан аталувчи майдонға борганида ўзини жуда бошқача сезарди.

Қадим Кеш — Шаҳрисабз вужудига қайноқ ши-  
жоат бахшида этарди. Худди соҳибқироннинг нафа-  
сини сезгандай энтикиб кетарди. Дарҳақиқат, Амир  
Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзанди  
эканини, томирида соҳибқирон ғайрати, жасо-  
рати жўш ураётганини англаркан, қалбини чинакам  
ифтихор туйғуси қамраб олади. Бу илоҳий мўъ-  
жиза ҳақида кимгадир сўзлагиси келарди-ю, аммо  
истиҳола қиларди. Бироқ ўқувчилик йилларида бў-  
либ ўтган бир воқеа, барибир, кўнглидан ўтди. Уқи-  
тувчисидан у доим илтимос қиларди: «Мени Амир  
Темур қабрига олиб боринг!» Муаллим йигитчадан  
у ерга нима сабабдан боргиси келаётганини сўрай-  
ди. «Бобомга айтар гапим бор». Бир гапни маҳкам  
тутадиган ўқувчисининг қистовидан ноилож қолган  
муаллим ўқувчисининг боришига аранг рози бўлади.

Қабр ёнига келган ўсмир баъзи тарихий ҳа-  
қиқатлардан хабардор бўлгани учун: «Менам шу  
юртнинг каттаси бўламан ва сизнинг номингизни  
оқлайман. Дарсликлардаги ёлғон маълумотларни  
фош этаман», деб пичирлайди.

Аммо бу гапни сал нарида турган муаллим эши-  
тади ва қўрқиб кетиб, ўқувчисига зимдан нигоҳ  
ташлайди. Кейин сирни ичига ютади, йигитнинг  
қулидан етаклаб, тезгина олиб кетади. Йўлда: «Бу  
ерга келганинг ҳақида бировга чурқ этмагин», деб  
тайинлайди...

— Ҳаммамиз яхши биламизки, умрининг маз-  
мунини «Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан  
иборат» деб билган Амир Темур халқимизнинг ар-  
доқли ва улуғ фарзанди, — деди майдондаги му-

лоқот чоғида Ўзбекистон Президенти. — Амир Темур халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир. Ҳамиша эл ғамини, юрт ташвишини ўйлаб яшаган соҳибқирон бобомиз ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. У муборак зотнинг «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим» деган сўзлари ҳазрати Амир Темур чин маънодаги бунёдкор шахс бўлганидан далолатдир. Келинлар, азиз дўстлар, барчамиз якдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга бўлган чексиз муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг: «Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» деган доно ўғитлари доим шиоримизга айлансин.

Ўтмиш боболарнинг улуғворлигини ҳис этиш, фарзанду зурриёдлари қаддини тик қилади. Негаки, уларнинг буюк аждодлари илму маърифат билан, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишган. Юртда тинчлик, фаровонлик ҳукм суриши учун ғайрат қилишган, мислсиз мардлик ва жасорат кўрсатишган.

Ўзбекистон Президенти мулоқотдан сўнг дилбар ва мангу яшил шаҳар — Шаҳрисабздаги Дорутгиловат ёдгорлик мажмуида Шайх Шамсиддин Кулол, Доруссаодат ёдгорлик мажмуасида Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбараларини зиёрат қилди.

Давлат раҳбари Қашқадарёнинг қадим тамаддунларига оналик қилган мард, оқилу донишманд-

лар, хирадмандлар бешигини тебратган кўхна Насаф — Қарши шаҳрида ва Касби туманида бўлиб, ҳалол, заҳматкаш халқнинг кундалик турмуши, яшаш шароити ва муаммолари билан қизиқади. Вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларига тегишли кўрсатмалар бериб, Самарқандга йўл олди.

Шаҳри азимга кириб келаркан, Самарқандда Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сузлаган нутқи ёдига тушди.

«Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довуғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий маскандир.

Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб, қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди. Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди».

Сафар ниҳоясига етди. МХХ вакиллари, қўриқчилар кетишга тайёргарлик кўра бошладилар. Бироқ Элёр яна бироз қолишни истарди. У бу тарихий шаҳарларни аввалроқ келиб кўрмаганига, яқиндан танишмаганига афсусланди. Юртидан шундай улуғ алломалар, буюк зотлар, саркардалар ўтганини эшитган эди, албатта, лекин улар қурдирган обидаларни, масжиду мадрасаларни ўз кўзи билан кўрмаган эди. Ўтган сафар келди, аммо шаҳарни айланишга деярли вақти бўл-

мади. Бу сафар-чи? Кўрди, билди, таърифини эшитди, лекин, назарида, булар жуда кам эди. У Бухоронинг ҳар бир кўчаларига кириб чиқишни, Самарқанднинг Регистонида, Имом ал-Бухорий мажмуасида соатлаб қолишни истарди. Хива-чи? Нега шу пайтгача бу мўъжизакор шаҳарга борманган экан? Имкони бўлмаганми? Адашмаса, институтни тамомлаш арафасида курсдошлари билан боришга аҳд қилишганди. Аммо нимадир бўлиб, у қолиб кетди. Ушанда уч кун айланиб келишганди битирувчилар. Кўплари ажойиб суратлар чизиб, институт кутубхонасига тортиқ қилишганди. Энди-чи, энди? Бемалол айланса, томоша қилса бўладими? Ёки яна иш тифизми?

Хива. Элёр азалдан бутун оламга машҳур гўзал шаҳарга боришни орзу қиларди. Муҳаббатни олиб бормоқчи бўлди, насиб қилмади. Зулфия билан келишни ўйлай бошлади, бироқ биринчи муҳаббатининг руҳига озор бериб қўймасмикинман, деб хижолат тортди. Лекин ҳозир айна пайти эдида. Нега олиб келмади экан? Агар бошлиқ ярим кунга қолишга рухсат берганида эди, Ўзбекистоннинг гавҳари деб таъриф берилган шаҳарни биргаликда кўриб олган бўлишарди.

У Хивани жонли тарих, халқ санъати ва бунёдкорлигининг тимсоли, маданий ва маънавий анъаналарининг абадийлигини ўзида мужассам этган шаҳар деб билар эди. Лекин бу боқий шаҳарга келмаган ва бундан доим армонда эди.

Бўлмасам-чи, Хива — бу заминга келиб кетган қанча-қанча салтанатлар шону шавкатидан, юрт-

нинг, халқнинг, миллатнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболарнинг буюк даҳоси, иқтидори ва қудратидан сўзлайди. Демакки, миллий давлатчилик тарихи Эрон, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради.

Қандай буюклик.

Қандай ифтихор.

Булмасам-чи, Нажмиддин Кубро ва Жалолиддин Мангубердиннинг жасоратларини эслашнинг ўзи кифоя. Ахир Элёр фарзандига нима учун Жалолиддин деб исм қўйди. Миллий қаҳрамоннинг мардлиги, жасурлиги учун эмасми? Ўз юртини душмандан ҳимоя қилиш учун кўрсатган мислсиз жасоратига қойил қолганидан шу исмни танлади-ку. Шундай экан, Хивани кўрмай кетиш қандоқ бўларкин?

Ахир Атлантика уммони ортида Америка қитъаси мавжудлигини сайёҳ Христофор Колумбдан беш юз аввал башорат қилиб, ҳаттоки унинг харитасини чизиб берган Абу Райҳон Беруний шу муқаддас заминда туғилган-ку.

Буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий-чи? Ахир бу улуғ зотга кимлар тан бермаган. Маккаи мукаррама амири Ибн Ваққос ун иккинчи асрда яшаб ўтган Замахшарийни — араб тилининг мукамал грамматикасини ёзиб қолдирган инсонни улуғлаб: «Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк Маҳмуд аз-Замахшарийдек алломани дунёга келтиради», деб тасаннолар

айтгани тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Бу эъзоз, бу эътибор, бу тавсифу таъриф миллат учун қанчалар шараф.

Қалби фаҳрга тўлган Элёр бошлиқдан рухсат сўрашга журъат қилди.

— Кечкурун олтида Тошкентда кўришамиз!

— Келишдик.

Элёр сир-синоатию маҳобатини тасаввурига сифдиролмаё юрган қадимий шаҳарнинг мўъжизалари бўлмиш Ичанқалъа ва Дишанқалъани кўришга ошиқди. Ҳамон салобат билан кўкка бўй чўзиб турган тарихий ёдгорликлар, нодир обидалар ва осори атиқалар сари шошилди.

\* \* \*

2002 йил 30 декабрь.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси шу куни «Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари таркибига ўзгартириш киритиш туғрисида»ги қарорни имзолади.

## ХII. ЯНГИ БОШ ВАЗИР

Бу қарорга келиш анча қийин бўлди. Бироқ масалани узил-кесил ҳал қилиш шарт. Тўғри, Ўзбекистон тараққиёт сари одимляпти, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Лекин олдинда амалга оширилиши лозим бўлган улкан мақсад ва вазифалар турибди. Эл тинчлиги, юрт фаровонлиги йўлида юрагида ғайрати, шижоати бор янги кучлар-

ни юзага чиқариш, уларни олдинги марралар сари илҳомлантириш, ўтмиши буюк, келажаги унданда юксак бўлажак Ватан истиқболи учун сафарбар этиши керак. Энди билагида кучи, бошлаган хайрли ишларни сидқидилдан бажарувчи, нафақат адо этувчи, балки ташаббускор, юзага келадиган муаммоларни дадиллик билан бартараф этишга қодир, ўтюррак, билимли, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўймайдиган, имонли-эътиқодли юртпарвар кадрлар ҳар доимгидан ҳам зарур.

Ҳукумат идорасининг янги раҳбари хусусида жиддий ўйлаб юрган Ўзбекистон Президенти 2003 йилнинг сўнги ойи — декабрнинг бошларида қатъий қарорга келди. Бугунги сессияда шу масала юзасидан чиқарган хулосасини баён қилади.

— Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазири Дилшод Аҳмадбеков бошқа ишга ўтганлиги сабабли, мен бу масъулиятли лавозимга бугунги кунда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Музаффар Мирҳаётович Мироқилов номзодини таклиф қиламан. Маълумки, Музаффар Мироқилов узоқ йиллардан бери давлат идораларининг юқори лавозимларида ишлаб, ўзининг ташаббускорлиги, ишчанлиги ва керак бўлганда қатъий қарорлар қабул қила олиш салоҳияти билан ишончимизни оқлаб келаётган кадрлардан бири. Эндликда ҳукумат идорасининг раҳбарлик вазифасини мана шундай шижоатли инсонга топширсак, ўйлайманки, тўғри иш қилган бўламиз. Халқимизда «қадами қутлуғ келсин» деган нақл бор. Аслида, бу ибора тилак маъносида қўлланилади. Негаки халқ



қадами қутлуғ келган раҳбарни олқишлайди, юксак мартабаларга кўтаради. Одамларнинг эъзозига, эътиборига эришмоқ учун эса шу юртнинг, шу халқнинг, шу миллатнинг дарди билан яшаш керак, унинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш лозим. Уйлайманки, бундай олийжаноб истак ва талаблар, қўйиладиган юксак вазифалар Музаффар Мирқоқиловнинг кучига куч, ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшсин. Қадамингиз қутлуғ бўлсин.

Янги Бош вазир ҳақида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов қисқа, аммо бамаъни фикрлар билдирди.

### ХIII. 2004 ЙИЛНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Ҳар қандай ота ўғил-қизларини соғлом бўлиб вояга етишини истайди. Юртбоши эса бутун мамлакат болажонларининг бақувват, кўркем, қаддиқомати келишган бўлишини хоҳлайди. Ўзбекистон Президенти шу ҳақда уйлар экан, фарзандлари соғлом юртнинг довуғи осмон бўлади, одамларининг ғурури баланд, кўзлари чарақлаб туради, деган ибораларни такрорлашни ёқтирарди. Рост-да, зурриёдларингдан Ибн Синолар, Ал-Хоразмийлар, Ал-Бухорийлар, Мангубердилар, Амир Темурлар, Алишер Навоийлар, Бобур Мирзолар, Паҳлавон Маҳмудлар чиқса, қувонмай бўладими? Юриш-туришининг, гап-сўзларининг ҳам шунга яраша бўлади-да. Ота ўғлонининг эришган ютуғидан маҳаллада, шаҳарда, борингки, ана, ватанида қандай кўксини

ғоз туриб юради. Энди тасаввур қилинг, шу юрт фарзанди бирор соҳада оламшумул ғалабага эришса, Президентнинг қувончини, шодлигини. Ўзбекистон байроғи энг юксакка кўтарилса, юрт мадҳияси янграса қандай яхши! Шу жонажон Ватан шону шарафи, эртанги порлоқ истиқболи учун тиним билмай меҳнат қилаётганинга, тер тўкаётганинга рози бўласан.

Буни фақат ҳис қилиш керак. Юракдан туйиш учун эса қалб тоза бўлиши зарур. Болалар бизнинг келажагимиз, биздан уларга обод ва озод Ватан қолиши керак, дея фахр ва ифтихор билан баралла гапириб юрадиган Ўзбекистон Президенти 2004 йилнинг бошидаёқ Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказди.

Мамлакат раҳбари ўтган йили бу борада амалга оширилган ишларнинг ютуқ ва камчиликларига батафсил тўхталиб, 2004 йилдаги режаларга, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотларини барпо этиш дастурининг бажарилишига эътибор қаратди.

— Спорт — миллатнинг, бутун халқнинг сиёсати, — деди Ўзбекистон Президенти йиғилганларга юзланиб. — Барча соҳаларда бўлгани каби, спортни ривожлантиришда ҳам муайян қийинчиликлар мавжуд эди. Болалар спортини юксалтиришга эътибор қаратиш билан соҳадаги кўплаб муаммоларга ечим топдик, деб ўйлайман. Бу борада бошлаган ишларимиз ўзини оқлади. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш мақсадида бу ишга қўл ур-

ганмиз. Ўтган қисқа даврда олдимизда турган вази-  
фалар ва уларни амалга ошириш йўлларини аниқлаб  
олдик. Бу ташаббусимиз, хайрли ишларимиз ўз ме-  
васини беради, албатта. Мен фарзандларимизнинг  
дунё миқёсидаги ғалабаларини кўрсам, ҳаётдан ар-  
моним қолмайди.

\* \* \*

Бироқ кейинги ҳафтада, яъни январнинг ўртала-  
рида тусатдан юз берган фожиа Ўзбекистон Прези-  
денти юрагини қайғуга ботирди. Термиз — Тошкент  
йўналиши бўйича НҲ-1154 рейсини амалга оши-  
раётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиа-  
компаниясига қарашли ЯК-40 самолёти Тошкент  
шаҳри аэропорти ҳудудида бирдан авиаҳалокатга  
учраган эди.

— Одамлар ҳалок бўлдими? — деб сўради қал-  
би эзилган Президент.

— Ҳа.

— Қанча?

— Муҳтарам Президент...

— Қанча дедим? — Президентнинг қошлари  
туташди.

— Ҳозиргина олинган маълумотларга қараган-  
да...

— Қисқа ва лўнда жавоб беришга қачон ўрга-  
насизлар?

— Ўттиз етти йўловчи... жумладан беш нафар  
экипаж аъзоси.

— Ҳалокат сабаби нима?

— Урганишяпти...

— Урганишяпти! Бу ҳақда тезроқ оммавий ахборот воситаларига маълумот етказинг! Марҳумларнинг оила аъзоларига хабар беринг. Мен ҳозир етиб бораман.

\* \* \*

Наврӯз байрами арафасида бирдан тарқалган миш-миш Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг ҳам қулоғига етиб борди. Улар бундай гап-сузларни ғараз ниятда юрган кимсалар тарқатган, лекин қўлларидан ҳеч нарса келмайди, одамларни шунчаки қўрқитиб, юрагига ваҳима солиш йўлига ўтган холос, деб ўйлашди. Бироқ пойтахт аҳолиси романа хавотирга тушиб қолганидан сўнг оёғини қўлларига олдилар. Тезкорлик билан тузилган махсус гуруҳлар «Наврӯз байрами куни пойтахтнинг бир неча жойида портлаш булармиш» деган овозанинг тагига етиш учун ишга киришди. Гуруҳга яқинда бўлим бошлиғи ўринбосарлигига ишга тайинланган Элёр Одилов раҳбарлик қилаётган эди.

— Бу ярамасларнинг тухуми шунчалар кўпми-а? — деди ярим кечаси ишхонага қайтиб келган Элёр ғазабини яшира олмай. У ниҳоятда асабийлашса ёки чарчаса, янги ишга келганида кўрсатилган кабинетга кириб келарди. Бу ерда ҳамон ўша Мақсуд ўтирарди.

— У ер-бу ерда қолиб кетганлари бўлса, ўрма-лаб чиқишгандир-да, — деб компьютердан бошини кўтарди Мақсуд. Кузлари тиниб кетди, шекилли, бармоқлари билан аста силади.

— Полковник Жалил Очилов йил бошидан буён хорижга кетган Ўзбекистон фуқароларининг рўйхатини сўрагани, бердингми?

— Ҳа.

— Демак, махсус гуруҳга янги топшириқ бўлиши мумкин, — деди Элёр вазифа қандай бўлишини олдиндан англагандай.

— Лекин жазога тортилганларнинг ака-укалари орасида гумондорлар деярли йўқ, — дея яна экранга кўз тикди Мақсуд. — Бир соатдан бери маълумотларни титкилаб ўтирибман. Уч-тўрт йилдан бери бирортасининг уйидан шубҳали шахслар рўйхатга олинмаган, чет элга ҳам чиқишмаган. Энг муҳими, терговга ёки судга тортилмаган.

— Балки эҳтиёткорлик билан иш олиб боришаётгандир? Ахир чет элда туриб йўл-йўриқ кўрса-тадиганларга қамоқдагиларнинг оға-иниларини авраб ишга солиш осон-ку. Полковник мана шу томонларини ўйлаб режа тузаётган бўлса керак. Лекин биздан ҳам таклиф чиқса, яхши бўларди, Мақсуд.

— Албатта. Лекин ишдан ортмаяпман. Топшириқлар шунчалик кўпки, баъзида улгуриб бўлмаяпти. Хориждаги воқеаларни кузатиб, материалларини ажратиб чиққунимча бошим ғовлаб кетяпти. Террорчиларнинг ёвузликлари кундан-кунга кучайиб борапти. Қатъий чора кўрилмаса, бутун дунёга хавф солишдан тўхташмайди.

— Гапинг тўғри, уларнинг дастидан ўзимизда қанча одамлар бевақт ҳаётдан кўз юмишди. Наманган ва Тошкент вилоятида, пойтахтнинг ўзида, Сарисийёда, Узунда... Ҳа, жиддий кураш олиб борил-

маса, яна қурбонлар бўлиши мумкин. Сенга айтсам, ўз ватанига қарши қурол ўқталиб келган ярамастар ҳақида эсласам, бирдан қоним қайнаб, ўзимдан чиқиб кетаман. Шунақа ҳам нонқўрлик бўлади-ми? — Элёр шундай деб хона бўйлаб юра бошлади. Афсуски, бу ерда ичига қипиқ тўлдирилган чарм қоп йўқ, бўлмаса хуморидан чиққунча мушт туширмоқчи эди.

Мақсуд шаҳарда тарқатилган ваҳимали гап-сўзлар ўша ваҳший террорчиларнинг тузоғига илинган кимсаларнинг иши эканлигини таъкидлади. Ҳамкасбининг таклиф дегани ёдига тушиб, одамлар гавжум бўладиган жойларда агентларни кўпайтириш керак, бири бўлмаса, бирининг қулоғига чалинар, деди. Элёр бошқачароқ фикр билдирди:

— Милиция ходимлари махсус формада эмас, оддий кийимда юришлари лозим. Шунда улар кўзга камроқ ташланади. Менимча, маҳалладаги посбонларнинг ролини ва улар устидан назоратни кучайтириш керакка ўхшайди. Маҳалла раиси, активлари, уй ва кўчабошлари... ахир булар анчагина-ку.

— Тўғри, аммо уларнинг жуда кўпчилиги, минг афсуски, жуда эътиборсиз. Ёки бошини ғалвага қўйишни исташмайди. Билса ҳам билмаганга олишади, — деди Мақсуд Элёрни ўтиришга таклиф қилиб. У ҳамкасбини анчайин тушуниб қолганди: юрса, асабийлашаверади, ўтирса, сал ўзини қўлга олади.

— Маҳалла посбонлари хонасидан чиқишлари керак. Ҳар бир хонадонни беш қўлдай билишмас

экан, ишимизда ижобий натижа бўлиши қийин. Иш услубимизни ўзгартиришимиз шартга ухшаб қолди.

— Буни уларнинг ўзлари билмайди, деб ўйлайсизми?

— Билишади, Мақсуд. Жуда яхши билишади. Аммо деярли кўпчилиги хонасига кирволиб, компьютерда ё кино кўраётган ёки ўйин ўйнаб ўтирган бўлади. Ўзим неча марта гувоҳи бўлганман бундай ҳолатларга.

— Тўғри, — деди Мақсуд компьютердан сал нари сурилиб. — Лекин одамларимизнинг ҳуқуқий онгини оширмасак, шу яшаб турган юрт учун, оиласи тинчлиги учун қайғуриши кераклигини англамасак, югурганларимиз бекорми, деб ўйлаб қоламан. Бутун халқ ҳушёр бўлса, гумондор шахслар ҳақида дарров хабар берса, қандай яхши. Наҳот, бунга эришиш шунчалар мушкул бўлса?

— Менимча, бу ишда журналистлардан яхшигина фойдаланиш мумкин. Фақат уларнинг мавқеини ошириш ва ёзганларини газеталарда чиқариб туриш керак. Мен мухбирларнинг саксон фоизини ватанпарвар деб ўйлайман. Шу фазилат борлиги учун ҳам улар журналист бўлишни орзу қилишган. Бироқ газета ва телевидениеда танқидий материаллар камайиб кетгани учун, улар ташаббус кўрсатмай қўйишган. Вилоятлардаги айрим мухбирлар жасоратидан пойтахтдаги ҳамкасblлари ўрнат олса, яхши бўларди.

— Бу нарсани биз ҳал қила олмаймиз-да.

— Афсуски, шундай.

Шу пайт эшик очилиб, остонада яқинда ишга қабул қилинган Ҳлмас Байрамов кўринди. Сухбат мавзуси тўхтаб қолди. Ҳлмас бемаврид келдим деб хижолат тортди. Элёр лейтенантдан нима гаплигини сўради. Ҳлмас кеча хотини аёллар кўйлаги ва хижоблар сотиладиган бозорда бир шубҳали жувоннинг сотувчи хотин билан сухбатини ногоҳ эшитиб қолгани ва кечқурун бу ҳақда гапирганини айтди.

— Бошлиққа айтишдан олдин сизлар билан бир оғиз маслаҳатлашсам дегандим. Балки бу ҳақда маълумот беришнинг кераги йўқдир.

Элёр лейтенантни ичкарига таклиф қилди. Бозордаги майда-чуйда гап-сўзларга қулоқ солиб ўтирадиган пайт эмасди, албатта, бироқ ёш кадрнинг хавфсаласини пир қилишни истамади. Йигитнинг хотини шубҳали нимадир эшитганки, бу ҳақда эрига айтишни лозим топган.

— Қулоғимиз сенда, — деди Элёр Мақсудга нигоҳ ташлаб қўйгач. — Фақат гапнинг лўндасини гапир.

Ҳлмаснинг хотини кўрган бегона аёл қора хижоб олмоқчилигини, агар топилмаса, тиктириб бера оласизми, деб сўраганини эшитган. Бугунги ваҳима гаплардан хабари бўлган Ҳлмаснинг умр йўлдоши бу аёлга қора хижоб нега керак бўлдийкин деб гумонга боради, бозорчи хотиннинг индинга хабар олинг-чи, деган гапидан сўнг нари кетади. Кечқурун эрига оғиз очади.

— Аввалига мен ҳам нима бўпти, деб ҳайрон бўлдим. Аммо Сурайё бундан икки-уч йил олдин ТТЗда бўлган портлашни ёдимга солди. Ҳшан-



да қора ҳижобли икки аёл ҳақиқатан ҳам милиция ходимлари олдига келиб ўзларини портлатиб юборган эди. Ўша воқеа хотинимнинг эсига тушгани учун нотаниш аёлнинг қора ҳижоб ҳақидаги сўрови шубҳали туюлган экан. Нима деб ўйлайсизлар, буни полковникка айтиш шартми?

— Ўзинг нима қарорга келдинг?

— Сиз ҳақингизда жуда илиқ гапларни эшитдим. Шунинг учун аввал сизга маслаҳат солишни лозим топдим. Олдинига ўзим кузатиб, бирор хулосага келсаммикин, деган хаёлга ҳам бордим. Лекин вақт сарфлашга арзийдими-йўқми, деб олдингизга киргандим.

— Аёл кишидан кузатувчи қўйиш керак, — деди Мақсуд нимадир ўйлаб.

— Хотинимни бу ишга жалб қила олмайман. Элёр аканинг оиласи билан бўлган воқеани эшитганман.

Элёр шу пайт Элмира ҳақида ўйлаб қолди. Лекин дарров фикридан қайтди, ахир ўтган йили унинг турмушга чиққани ва яқинда фарзандли бўлгани ҳақида кимдандир эшитган эди. Демак, тўғри келмайди. Элёр қора ҳижоб қидирган аёлни, балки одамларни хавотирга солган жиноятчиларга умуман алоқаси йўқдир деб ўйлади, бироқ хаёлидан бутунлай чиқариб ташлай олмади.

Қизиқ, Улмасга нима маслаҳат берса экан? У яна ғалати аҳволга тушиб қолди. Полковник Жалил Очиловга ўринбосар бўлиб тайинлангандан бери шунақа, маслаҳат деса, дабдурустдан бирор қарорга кела олмай қийналади. Наҳот, шунча йил ишлаб

ҳам тажриба орттирмаган бўлса? Демак, бошлиқ бўлиш қийин экан. У ходимларга вазифа топшириш, йўл-йўриқ кўрсатиш, қийин ҳолатларда маслаҳат бериш унчалар мушкул эмас деб ўйларди. Йўқ, бу масъулият экан. Бу жавобгарликни зиммага олиш экан. Айниқса, ишлаётган соҳасида! Топшириқни бажариш бошқаю уни тўғри ва ўз вақтида бериш тамомила бошқа экан. Айни чоғда, оддий бир ходимга нима деб жавоб қайтаришни билмай турибди, агарда жиддий масалалар кўтарилиб қолса, қандай иш тутаркин? Ҳадеб полковникнинг олдига кира-вермайди-ку.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Бошлиқ яна беш дақиқадан сўнг хонасига киришларини тайинлади. Элёр ҳижоб масаласида мажлисдан кейин гаплашамиз, деди. Синчков, аммо ўзини камтару камгап қилиб кўрсатаётган Улмас кадрлар бўлимининг бошлиғига ширин муомалада бўлиб, ойнинг баъзи кунлари совға-саломлар улашиб, Элёрнинг «ўсадиган кадр» эканлигини билиб олган ва ўзини яқин тутаётгани шундан эди. Бундан беҳабар Элёр Улмаснинг бу муносабатини дўстона қабул қилган, янги ҳамкасбига нисбатан кўнглида илиқлик пайдо бўлганди.

\* \* \*

— Биз қандай ўйлашимиздан қатъи назар, ташвишли сигнал бу. Ниятлари одамларни атай яна қўрқувга солишми ёки ҳақиқатан ҳам шум мақсадларини амалга оширадиларми, буни билишимиз ва аниқлашимиз шарт! — деди полковник Жалил

Очилов баъзи бир ходимларининг фикрини тингла-  
гач. — Негаки олдимизда Навруз шодиёнаси ту-  
рибди. Миллий боғдаги байрамолди йиғилишда эса  
Президент нутқ сўзлаши керак. Ҳаммангиз яхши  
биласиз, бу қутловга хорижлик меҳмонлар ҳам так-  
лиф қилинган. Одамларимиз ваҳимага тушиб тад-  
бирга келишмаса... У ёғини тасаввур қилиш қийин  
эмас. Овоза тарқатганларнинг мақсадини энди ту-  
шунгандирсиз. Мамлакат раҳбарини шарманда қи-  
лиш, одамлар Президентга ишонмайди, юртда сиё-  
сий барқарорлик йўқ, оддий халқ эмин-эркин яшай  
олмайди, деган хулоса чиқаришлари учун замин  
тайёрлашяпти, ярамаслар.

Бунинг устига, Андижондан ҳам ташвишли ха-  
барлар келиб турибди. Шаҳар Давлат солиқ инс-  
пекциясининг маълумотларига кўра, андижонлик  
тадбиркорларнинг айримлари иқтисодий жиноят-  
лар содир этиб, иши прокуратурага оширилаётган  
экан. Ҳозир бу ишга вилоятдаги ходимларимиз ҳам  
жалб этилган. Байрамдан кейин Андижондаги бош-  
қармани кучайтириш чоралари ҳақида ўйлаб кўра-  
миз. Айни пайтдаги биринчи вазифамиз, пойтахтда  
тинчликни сақлаш ишига ёрдам бериш, чегара пост-  
ларида назоратни кучайтириш, террорчиликда айб-  
ланиб қамалганларнинг оила аъзолари ва қариндош-  
уруғлари орасида ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб  
қолганлар бўлса аниқлаш, уларнинг ҳар қадамидан  
хабардор бўлиб туриш.

— Милициянинг ишини ҳам зиммамизга олиб  
қўймаймизми, уртоқ полковник, — деди майор  
Элёр Одиров йиғилиш сўнггида.

— Бу нафақат милициянинг, балки бизнинг ҳам асосий вазифамиздир. Улар бўлмаса, биз анча қийналиб қоламиз, — дея сўз бошлаган полковник Жалил Очиллов тизимнинг йўналиши, мақсад ва вазифалари, ходимларнинг ҳаракати ҳақида тушунча берди. Шу тобда ҳамкасблари билан анчадан бери тарбиявий соат ўтолмагани ёдига тушиб, масалага атрофлича тўхтади. Йигитлар бошлиқнинг маърифий суҳбатини соғиниб қолишган экан, берилиб кулоқ солишди.

#### XIV. ЯНА БИР ХУНРЕЗЛИК

Наврўз тантаналари тинч ўтди.

— Ана, айтмадимми? — деди Элёр чоғ кайфиятда. — Аламзадалар пўписа қилишдан нарига ўта олишмайди. Одамларга ҳам ҳайронсан, ким нима деса ишонишаверади.

— Шундай даҳшатли воқеаларнинг гувоҳи ҳам бўлишган-да, — деди полковник Жалил Очиллов уйга қайтиш олдидан.

— Нима бўлган тақдирда ҳам ваҳимага тушмаслик керак. Милиция ҳар доимгидан ҳам сергак. Аввалги лоқайдлик йўқолган, менимча. Юришини қаранг буларни.

— Ишимизни сидқидилдан бажариш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимлар шундай фаолият кўрсатиши керак. Ана шундагина барча кўнгилсизликларнинг олди олинган бўлади.

Полковник шундай деб, Элёрнинг кетишига рухсат берди. Милиция ҳақида биринчи мар-

та илиқ фикр билдирган Элёр суҳбат тугаганини англади.

\* \* \*

Орадан бир хафта утиб, «Чорсу» бозорининг машиналар тураргоҳи яқинида ва Жанубий вокзал атрофида портлаш рўй берди. Элёр уша кунги гапи учун тилини тишлаб қолди. Миш-миш шунчаки пўписа эмаслигини англаган сари узидан аччиқлана бошлади. Назоратни бушаштириб юборганлари учун ҳамон пана-панада ниманингдир илинжида юрган номаълум шахслар ёки хориждаги раҳнамоларининг ёлгон ваъдаларига, «мамлакатга янги руҳ бағишлайсизлар» деган даъватларига учган ва бунга ишонган ўсмирларнинг бемаъни хатти-ҳаракати бошланган кўринади. Элёр куни кеча Интернетда қайсидир араб мамлакатада пайдо бўлган янги кучлар ҳақидаги хабарга кўзи тушгандай бўлувди. Демак, «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг бошлиқлари бу ердаги барча муваффақиятсиз уринишларининг алаmidан бошларини қаерга уришни билолмай, янгидан-янги ҳаракатлар ўйлаб топиб, бу ишга иймони суст, ишқмас, текин бойлик орттиришга ружу қўйган, ота-онасининг, туғилган юртининг қадрини билмайдиган ёшларни тузоғига илинтириб олиб, аста ёвузликка жалб этмоқда. Бу умумий тушунча азалдан бор. Аммо четда турганлар ўз гоё ва мақсадларини кимлар орқали олиб кирмоқда ва ёймоқда? Ўргимчак тўрига тушаётган ўсмирларни қардан излаб топишяпти? Кўр кўрни қоронғида топади, деганлари шумикин?

Қора хижоб сўраган аёл қайтиб бозорга келмади. Нега? Ортидан одам тушганини сезиб қолдимикин? Тўхта, балки кеча бозор яқинида ўзини портлатиб юборган номаълум жувон ўшадир? Мурдани Ўлмаснинг хотинига кўрсатиш нечун хаёлига келмади экан? Бироқ... Бироқ таниганда нима ўзгарарди? Жиноятнинг олдини олишолмади. Эрталаб ишга отланган уч нафар милиция ходими қотиллик қурбонига айланишди, икки йўловчи қаттиқ яраланди. Жанубий вокзал олдида эса портлаган машина атрофида, яхшики, ҳеч ким бўлмаган. Воқеага гувоҳ бўлган киоскачининг айтишига қараганда, агарда бир гуруҳ сайёҳларнинг бир-иккитаси темир йўл харитасини сўраб киоска олдида тўхтамаганларида эди, улар портлаш вақтида худди ўша эски «Запорожец» машинаси олдидан ўтишаётган бўларди. Тасодифми ёки атай олдиндан режалаштирилган ҳужумми? Кейинги версия тўғри бўлса керак. Одамлар ҳаётига суиқасд қилишни мақсад қилган қотиллар шунчаки таваккал иш тутишмайди. Уларга ваҳима керак, қурбонлар бўлиши зарур.

Элёр тишларини фижирлата бошлади, у кейинги пайтларда шунақа одат чиқарганди. Асабийлашса, бўлди, ўзи сезибми, сезмайми, тишини тишига босар, кейин ишқар эди. Бун пайқаган Зулфия болаларни олиб, нариги хонага кириб кетарди. Эрига халақит беришни истамасди, негаки, айни шундай пайтларда аччиқланаётган Элёр ниманидир ўйлаётган, қандайдир муҳим бир режа тузиш ҳақида бош қотираётган бўлади. Бун Элёрнинг ўзи айтган. Демак, уни ёлғиз қолдиргани маъқул.

«Нимага эришмоқчи бу ҳаракатлари билан? Наҳот, ҳалиям Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан воз кечади, сиёсий тузумни ўзгартиришга рози бўлади, деб хомхаёл қилса? Қирғизистон орқали кирмоқчи бўлишди, аммо чегарадан ўта олишмади. Сурхондарёнинг тоғларидан ўтиб мамлакат ичкари-сига қадам босишди, бироқ кўпи ғор ва сўқмоқларда чиябуридай ўлим топди. Қочгани қайтиб бу ерларга қадам босмасликка қасам ичган бўлиши керак эди. Демак, қасамини бузган, кўрнамаклар. Кейин пойтахтни портлатишди. Лекин мақсадларига ета олишмади. Қўлга тушгани қамалди, қочиб қолгани бу юртга қайтиб келишга журъат қилармикин? Қилолмайди. Шунинг учун ҳам ичимиздан ҳамтовоқ қидиряпти. «Ҳизб ут-таҳрир» ва ваҳҳобийлик оқимларини яна кучайтириб, манқуртлар гуруҳини тузишмоқчи. Ҳа, улар энди бу муқаддас юртга қурол ўқталиб кириш ўлим билан баробар эканлигини англаб етишди. Мамлакатнинг ҳарбий кучларига ҳеч қачон бас кела олмаслигини тушунишди. Шунинг учунми, энди улар босқинчиликдан ғаламислик йўлига ўтишди: ичимиздан ўзларига маслакдош топиб, ота-онасига, қариндош-уруғларига, қолаверса, бутун халққа қарши қўймоқчи. Йўқ, улар ҳар қанча чиранмасин, барибир ниятларига ета олмайди».

Эртаси куни Элёр мамлакат раҳбарининг телевидение орқали махсус интервьюсини тинглади. Президентнинг бу террорга билдирган муносабати газета саҳифаларида «Ёвуз кучлар халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди» деб номланган сарлавҳа остида босилиб чиқди.

— Муҳтарам Президент, сизни НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер сўраяпти, — деди ташқи алоқалар бўйича қабулхона махсус ходими.

— Эшитаман, Бош котиб жаноблари.

— Куни кеча юртингизда амалга оширилган навбатдаги хунрезликни эшитиб, террорчиларга бўлган нафратим беқиёс даражада ошди. Афғонистонда уларнинг катта бир гуруҳини биргаликда йуқ қилишга эришсак-да, ҳали-ҳамон қочқинда юрганлари ўзларининг гараз ниятларидан қайтмаган кўринади. Аммо аминманки, уларнинг умри жуда оз қолди. Фурсатдан фойдаланиб, террорчилик ҳаракатларининг оқибатида ҳалок бўлган ва жабр чекканларнинг оила аъзоларига, бутун ўзбек халқига ҳамдардлик билдираман. Мазкур нуфузли ташкилотимизга аъзо бўлган давлатлар номидан шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз ҳамиша тинчлик-севар Ўзбекистоннинг юрт осойишталиги ва равнақи йўлида олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз.

— Эътиборингиз ва мустақил Ўзбекистон билан ҳамжиҳат эканингиздан бағоят миннатдорман. Тўғри таъкидладингиз, жуда заифлашиб қолган илон каби турли кавакларга ўрмалаб кириб олган қотиллар охириги заҳрини сочиб қолишга уринаётганга ўхшайди. Аммо бизнинг ватан ишқида ёниб яшаётган халқимиз қонхўр илонларни энди бош кўтаришига асло йўл қўймайди.

— Ўзбек халқига сабр-тоқат тилайман, келгуси ишларида улкан зафарлар, ҳаётларида тинчлик ва фаровонлик ҳамроҳ бўлсин.



Эртаси куни яна Америкадан кўнғироқ бўлди.

— Муҳтарам Президент, бу сафар Америка Қўшма Штатлари давлати раҳбари Жорж Буш суҳбатга чорляпти.

Мусулмоннинг илк каломи: ассалому алайкум! Қандайин илиқ ва ёқимли сўз: сизга тинчлик ва омонлик бўлсин. Қандайин олийжаноб тилак. Холислик ва бағрикенглик. Меҳр ва эзгулик. Барчаси мужассам.

— Good morning, mister Prezident! — деди АҚШ Президенти ҳис-ҳаяжон билан.

Мўмин-мусулмоннинг саломга алик олиши ҳам жуда чиройли ва хайрли: сиз ҳам тинч ва соғ бўлинг! Булар қандайдир оддий сўзлар эмас, илоҳий қудрат бу. Айни шундай мурожаатдан сўнг ҳар қандай жаҳлдор инсон ҳам бир қадар ғазабидан тушади. Истайдими-йўқми, ваалайкум деган сўз беихтиёр тилига кўчади. Шунда янаям ҳовуридан тушганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ростдан ҳам қандайин қудратли ва сеҳоли сўз. Бу фақат тонгнинг ёки куннинг ёхуд кечанинг хайрли бўлишини тилаш эмас, балки доимо тинч ва соғ-омон юришини иташ, хоҳиш билдиришдир.

АҚШ Президенти Ўзбекистондаги портлашларни халқаро террорчилик жиноятларининг узвий қисми, яъни бир кўриниши эканини алоҳида таъкилади:

— Шунинг учун тинч аҳолига раҳна солувчи террорнинг ҳар қандай кўринишига қарши аёвсиз кураш олиб бориш лозим. Бу борада сиз Марка-

зий Осиё давлатлари бошлиқлари ўртасида қатъият кўрсатяпсиз. «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофоти бежиз берилмаганининг исботи бу. Бироқ мамлакатингиздаги тинчликни кўролмаган кучлар ҳамон разил мақсадларидан воз кечмаган кўринадди. Лекин Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан оғишмай олға боришига ишонаман. Мен шахсан ўзим ва бутун америкаликлар номидан Тошкентда содир этилган террор оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдираман, — дея сўзини тугатди Оқ уй раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Америка Қўшма Штатлари давлати раҳбари Жорж Бушга самимий ва ошқора муносабати учун ўз миннатдорчилигини билдирди.

## ХV. ҚАЙҒУГА БОТГАН ОСЕТИЯ

2004 йил 1 сентябрь.

Эрталабдан содир бўлган террор нафақат Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳри аҳолисини, балки бутун дунё халқларини ларзага солди.

Ўзбекистон Президенти ҳузурига генерал-лейтенант Акмал Бектемировни чорлади. Воқеани махсус канал орқали бутун тафсилоти билан кўрган генерал-лейтенант ахборот берди. Унинг ҳикояси жонли ва ҳис-ҳаяжонга тула эди:

— Уч қаватли катта мактаб биноси ҳовлисида минглаб одамлар тўпланган. Уларнинг асосий қисми ўқувчи ёшлар. Йиғилганларнинг бир гуруҳи мактаб ўқитувчилари бўлса, қолганлари биринчи синфга қа-

дам босадиган кичкинтой ўғил-қизлар ва уларнинг ота-оналари. Кўпчилигининг қўлида гулдаста, айримлари эса чақалоғини бағрига босган. Ҳамманинг юзида қувонч, шодлик. Яна бир неча вақтдан сўнг биринчи қўнғироқ чалинади ва қизғин мактаб ҳаёти бошланади. Ичкарига ошиқиб турган болалар, бир ўқитувчисига қараса, бир мактаб эшиги томон назар ташлайди. Қани энди, тезроқ қўнғироқ чалинса-ю, улар синф хоналарига кириб, ўз уринларини эгаллашса. Қандай қувончли дамлар, қандай бахтиёр онлар.

Бироқ бу шодон дақиқалар бир зумда мусибатга айланди. Ложувард осмонни ногоҳ қора булут қоплагандай, мактаб атрофини ёвуз кучлар ўраб олди: қаердандир пайдо бўлган усти ёпиқ юк машинасидан пешаналарига шаҳидлик боғичини тақиб олган, бошдан-оёқ қуроолланган ўттиздан ортиқ номаълум кишилар (уларнинг иккитаси аёл эди) отилиб тушдилар ва атрофга қутқу солиб, тепага қарата автоматлардан ўқ узиб, ҳамманинг ўтакасини ёрди, эсидан айирди, карахт қилиб қўйди. Тадбирда қатнашаётган милиция ходимларигина ўзларини йўқотиб қўймай, қуроолланган бандага қарши курашга киришди, бироқ босқинчилар уларни аяб ўтирмади: юрагига ўқ қадаб тинчитишди. Шундан сўнг ўзига келиб-келмай гарангсиз турган барчани мактаб ичкарисига — спорт залига киришга мажбурлашди. Тўс-тўполон, ваҳима бошланди, қочиш имкониятидан фойдаланиб қолганлар ҳам бўлди, бироқ улар жуда озчилик эди.

Нохуш хабар бир зумда Беслан шахрига, кейин бутун дунёга тарқалди. Воқеа жойига етиб келган махсус гуруҳ мактаб атрофини ўраб олди. Бошлиқ террорчилар билан алоқа ўрнатиш илинжида бинони айлана бошлади. Бироқ икки соатлардан сўнггина ёш қизалоқ орқасига қарай-қарай, қандайдир қоғоз олиб ичкаридан чиқиб келди. Унинг жажжи қўлчасида босқинчиларнинг талаблари ёзилган нома бор эди. Гуруҳ раҳбари қоғозга кўз югуртирди. Шифокорлар болани нарига олиб кетишди.

«Талабларимиз:

1. Биз фақат Ингушетия Президенти Мурат Зязиков, Шимолий Осетия Президенти Александр Дзасохов ва тиббиёт илмий текшириш институти-нинг директори, шифокор Леонид Рошаль билангина мулоқот олиб борамиз.

2. Федерал кучлар дарҳол Чечен Республикаси худудидан олиб чиқиб кетилсин.

3. Қамоқхонадаги шерикларимиз дарҳол озод этилсин. Уларнинг исм-фамилиялари талабноманинг орқасида келтирилган.

Агарда: а) электр токини узсангиз;

б) сув келишини тўхтатиб қўйсангиз;

в) шерикларимиздан бирортасини ўлдирсангиз, асир олинганларни отиб ташлаймиз;

г) мактабга бостириб кирмоқчи бўлсангиз бутун бинони портлатиб юборамиз.

Мактабнинг кириш йўлаги, спорт зали ва бошқа асосий хоналар миналаштирилган.

4. Талабларимиз бажарилгач, бизга ўнта автобус берасизлар. Керакли манзилга етиб олгач, асирларни қўйиб юборамиз.

Алоқа учун телефон рақами: 666-66-999».

Гуруҳ бошлиғи гаплашиш учун рақамни терди. Бироқ қанча уринмасин, «Сиз мавжуд бўлмаган рақам тердингиз» деган бир хил автожавобни эшитди. Шундан сўнг маълум бўлдики, жиноятчилар телефон орқали гаплашишни ишташмаган.

Шу пайт ичкарида ўқ овози эшитилади ва орадан сал ўтмай, биринчи қаватдаги қайсидир хонанинг деразаси очилиб, ташқарига кимнингдир жасади улоқтирилади. Одамлар бирдан жим бўлиб қолишди. Катта-кичик юришдан тўхтади, нигоҳлар мурдага тикилганича қотди.

Бу нимаси? Террорчилар ўз талабларининг ўта жиддий эканлигини билдириб қўймоқчими? Орадан ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ-ку. Махсус гуруҳнинг бир нечта аъзоси узала ётган эркакнинг жасадини нари олиб кетишди, ваҳима кутарилмаслиги учун «Тез ёрдам» машинасига олишаётганди, узини қўлга олишга улгурган одамлар ўша томонга интилишди? Улар жасаднинг кимлиги билан қизиқишди.

— Ким экан?

— Мурдани қаерга олиб кетяпсизлар?

— Рост, кимлигини эълон қилсанглар бўлмай-дими?

— Уни ўғлимнинг синф раҳбарига ўхшатдим.

— Йўғ-э?

Бошлиқ саросимага тушмади, жавоб учун сўз топа олди:

— Ким бўлишидан қатъи назар, зудлик билан касалхонага олиб бориш керак! Балки ҳали ўлма-

гандир? Ҳар бир дақиқа ғанимат. Бу ерда турса, нима, сизлар унинг ҳаётини сақлаб қоласизларми? Бунинг жавобгарлигини ким зиммасига олади? Нега индамайсизлар? Ҳуш, шундай мард борми, ораларингда? Йўқ бўлса, ишимизга халақит бермай, нари туринглар!

Шундан кейингина машина атрофини ўраб олган одамлар сал ортга чекинишди. «Тез ёрдам» шу заҳоти йўлга тушди. Биринчи мурдани кўрган одамларни ваҳима босганди. Улар мактаб томон ўқрайиб қарашар экан, кўрқувлари кучайиб борарди, гўё яна салдан кейин яна бир кишининг ўлиги ташланади. Агар бу тахминлари тўғри бўлса, навбатдаги мурда кимники бўлиши мумкин? Бировнинг ўғлими ёки қизи? Амакисими ё аммасими? Балки, отаси ёхуд онаси бўлиши мумкин. Наҳот, индамай қараб туришаверади? Тўпланганлар ортиқ жим тура олишмади: махсус гуруҳнинг ҳаракатсизлигидан нолий бошлашди. Ахир бу ерда анча-мунча аҳоли тўпланган эди-да: шумхабарни эшитган дамдаёқ, мактаб ўқувчиларининг ота-оналари, қариндош-уруғлари, танишбилишлари йўлга отланганди. Қандай қилиб уларни кетказиб бўлади. Нима воқеа содир бўлганлигини, мудҳиш қотиллик рўй бераётганини ўз кўзлари билан кўриб туришибди.

— Тинчланинглар! Режа тузишимизга халақит беряпсизлар! — бақирди бошлиқ. — Яхшиси, мактаб ҳудудини бўшатиб қўйинглар! Майор, ҳудудни бўшатиш!

Ҳеч ким жойидан қимирламади. Гуруҳ раҳбари ноилож йигитларини одамларнинг олдидан нарига олиб кетди. Улар ростдан ҳам нимадир қилишлари керак эди. Негаки, сабр косаси тўлган ота-оналар мактаб томон қадам босишга тайёр эдилар. Уларга хезланиб туришарди.

\* \* \*

Ана энди ичкаридаги даҳшатли манзарани кўз олдингизга келтиринг. Спорт майдончасининг ўртасида мактабга эндигина қадам босмоқчи бўлиб турган ёш ўғил-қизлар, уларнинг ота-оналари; ақлини таниса-да, бундай босқинчиликни кўрмаган ўсмирлар; ҳамкасбининг ўлимидан титроққа тушган ўқитувчилар; атрофда қурол кўтарганча «Ўлдирамиз, ҳаммангни отиб ташлаймиз!» деб бақир-чақир орқали юракларга баттар қўрқув солаётган босқинчилар. Жажжи қизалоқларнинг баъзи бирлари ваҳимадан ҳамон ўзига келолмай, аллақачон тагини ҳўл қилиб қўйган, айримлари эса онаси ёки дадасининг пинжигга тикилган, бирови хўнграб йиғласа, бошқаси қўрққанидан ҳикиллаб йиғлайди. Ўзини аранг қўлга олган ўқитувчиларгина болаларни тинчитишга уринади.

Орадан тўрт соатлар вақт ўтганидан сўнг нимжон ўқувчилар очиққанидан ҳолдан тойиб, йиқила бошлади. Шунда ҳам террорчиларнинг раҳми келмади. Қутқарув гуруҳининг болаларга деб олиб келган дори-дармон, сув ва бошқа озиқ-овқатларини олмай, қўйилган шартларни тезроқ бажаришларини талаб қилишди. Муддат ўтган

сари асабийлаша бошлаганидан қотиллар иккинчи одамнинг ҳаётига қасд қилиб, унинг жасадини ҳам кўчага ташлашди.

Одамлар ваҳима кўтаришди. Кимдир у деди, кимдир бу деди. Аммо ҳамманинг гап-сузларида норозилик яққол акс этиб турарди. Катталарнинг юз-кўзлари тундлашган, оғизларидан шоди кириб, боди чиқар, кичиклар эса қўрққанларидан ота-оналарининг пинжига тиқилишган эди.

Штурм қилиш хавfli эди. Россия Федерал хавфсизлик хизмати «Альфа» ва «Вимпел» махсус гуруҳлари мактаб миналаштирилганига иқроор бўлишди. Орқа деразалардан кириш ҳам хатарли. Буни сезиб қолган жиноятчилар жазавага тушиб, болаларга қарата ўқ узишлари мумкин. Снайперлар қўшни уйларнинг тоmidан туриб айрим ваҳшийларнинг юрагини мўлжалга олиб туришса-да, отишга кўрсатма берилгани йўқ. Негаки террорчилар: «Ичимиздан бир киши ўлса, йигирматагача ўқувчининг ўлигини оласизлар, мактабга киришга уриниш бўлса, элликта боланинг жасади ташқарига улоқтирилади. Бу ерда эса саккиз юзтадан кўп бола бор! Шунинг учун бизларни ўт очишга мажбур қилманг!» деб дағдаға қилишаётган эди.

Қутқарув гуруҳининг бошлиғи бу ҳайқирикни шунчаки пўписа эмаслигини яхши билади. Бандитлар мактабники қўлга олишган экан, демак, улар болаларни ўлдиришдан тойишмайди. «Аблаҳлар, ярамаслар!» — сўкинади полковник. Босқинчиларга катта пул таклиф қилиб кўрди, олишмади. Тириклайин қўйиб юборишни ваъда берди, фойдаси бўл-



мади. Шундан сўнг уларнинг бу босқинга қаттиқ тайёргарлик кўришгани ойдинлашди. Қасддан одам ўлдирилаётгани бунинг далил исботи эди.

Соат тўртларда жиноятчилардан бирининг енгидеги мослама ногоҳ портлаб кетади ва шу заҳоти мурдага айланади. Ваҳима, қий-чув бошланади. Кўпчилик асирлар золимлар қўлида ажал топгунча қочишни маъқул кўришади: ё устидан, ё остидан. Улим ҳақ экан, хорланиб, шафқатсизларча тепки ёки автоматнинг қўндоғидан азобланиб жон таслим қилгандан кўра, дайди ўқдан бир зумда ҳалок бўлган афзал эмасми? Ана шу ўйга борган ва ташқарига ўзини урган йигирма бир кишига спортзални тарк этиш насиб этмади. Улар бандитларнинг ўқидан ажал топишди. Ваҳшийлар қуролсиз одамларнинг ортидан номардларча ўқ узишди.

— Нима учун портлаш рўй берди? Нега ўқ узилди? — овоз кучайтиргичдан савол берди полковник.

— Биз билан алоқага чиқмаганинг учун! Талабларимизни бажаришни орқага сураётганинг учун! — жавоб қилди жиноятчилар етакчиси.

— Қурбонлар борми?

— Ваъда қилганимдай!

— Жасадларни олиб чиқишимиз керак.

— Овора бўласан!

— Иссиқда сасиб, касаллик тарқалиши мумкин.

— Унда ҳаракатингни қил!

— Сизлар билан Россия Президентининг давлат маслаҳатчиси Асламбек Аслаханов гаплашмоқчи.

— Тошини терсин!

Дераза «қарс» этиб ёпилди. Аранг турган ойна ўртасидан иккига бўлиниб, пастга тушди. Хайриятки, у ерда ҳеч ким йўқ эди.

Кун кеч бўлди. Мактаб атрофи ўқувчиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, шаҳар аҳолисига тўлиб кетди. Улар золим босқинчиларни лаънатлашар, қўлларидан ҳеч нима келмаётганига жиғибийрон бўлишар, қутқарув гуруҳлари аъзоларига ўқрайиб-ўқрайиб қараб қўйишарди. Негаки, улар ҳамон жим туришар, афтидан, каттароқ мансабдор шахсининг келишини кутишаётганга ўхшарди. Ва ниҳоят кечки саккизларда шифокор Леонид Рошаль етиб келди. У ичкарига кириб, террорчилар билан музокара бошлади. Болаларга сув ва дори-дармон бериш кераклигини таъкидлади. Бироқ унинг гаплари ерда қолди. Асирларга раҳм-шафқат қилинмади. Жиноий гуруҳ шу тариқа талаблари ўта жиддий ва қатъий эканлигини исботлаётган эди. Ярим тунгача чўзилган суҳбатдан бирор натижа чиқмади. Ҳолдан тойган асирларга ҳожатхонага чиқишга ҳам рухсат берилмади. Кичкиналар чидаб туролмади: ҳавода ҳар хил сассиқ, кўнгилни айнитувчи ҳидлар анқий бошлади. Болалар ҳолдан тойиб, шундоқ полга чўзилишди, катталарнинг кўзига уйқу келмади.

Ташқаридагилар ҳам уйларига тарқалишмади. Хотин-халаж тўп-тўп бўлиб йиғилиб ўтиришар, эркаклар у ёқдан-бу ёққа юришар, бирдан баҳслашиб қолишар, қони қайнаб кўзига ҳеч нарса кўринмай қолганлар бирдан мактаб томон отилиб қоларди. Аскарлар уларни аранг тўхтатиб, орқага қайтарарди.

— Нимани кутяпсанлар? Хужум қилиб болаларимизни қутқарасанларми-йўқми? — ғазаб билан силтаниб бақира бошлашди олдинга интилган эркаклар.

— Мактаб миналаштирилган! У ерга кирмоқчи бўлсак, ҳаммани портлатиб юборишлари мумкин.

— Ёлғон! Улар бундай қила олишмайди. Ҳаммани ўлдира олишмайди!

— Сабр қилинглар! Яна бироз кутамиз.

Орқага қайтиш вақтинчалик бўлди. Вақт алламаҳал бўлганда жони ҳалқумига келган биринчи синф ўқувчиларининг оталари: «Болаларни қўйиб юбориб, ўрнига бизларни асир олинглар!» — деб бақира бошлашди, бунга бошқалар ҳам қўшилди. Бу талабга жавобан ичкаридан ўқ овозлари эшитилди. Йиғи-сиғи авжига чиқди. Катталар яна мактаб томон отилишди. Бироқ ҳарбийлар уларнинг йўлини тўсишди.

— Жиноятчилар сизни жунбишга келтириш учун атай ўқ отишяпти. Тоқатингиз тугаса, жанжал кўтарсангиз, уларга яхши. Талабимизни бажаришадди деб умид қилиб туришибди. Сизлар хавотир олманглар, биз асирларни, албатта, қутқарамиз! Илтимос қиламан, уларнинг найрангига учманглар!

— Қачон қутқарасан?! — деди кўзларида нафрат чақнаган ота.

— Эрталабдан бери ҳеч иш қилганинглар йўқку, — деб полковникнинг ёқасига ёпишди бошқа бир эркак.

— Нима қилмоқчисизлар ўзи?

— Тезроқ чорасини топмайсизларми?

— Қачонгача кутмоқчисизлар?

— Қўлларингдан бирор иш келадими ўзи?

— Бошингга тушмаган-да, бемалол ўтириб-санлар!

— Нега музокара олиб бормаяпсизлар!

Одамлар бошлиқларни ўраб олишди. Аскарлар уларни ажратиб олгунча қора терга ботишди. Тун бақир-чақир билан ўтди.

\* \* \*

2 сентябрь.

Эрталабдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик Кенгаши Бесландаги мактабда бўлган босқинчилик ҳаракати ҳақидаги маълумотлар асосида мажлис ўтказди. Унда террорчилар томонидан 354 та одам асир олингани ҳақида хабар тарқатилади. Буни сал кейинроқ эшитган Беслан аҳолиси дарҳол норозилик намойиши ўтказишди: кўчаларга катта-кичик плакатлар кўтариб чиқишди. Плакатларда «Саккиз юздан ортиқ одамлар асир олинган», «Ёлғон маълумот беришни бас қилинг!», «Болаларимизни қутқаринг!» деган ёзувлар бор эди. Эркаклар эса: «Қўлимизга қурол беринг, фарзандларимизни ўзимиз қутқарамиз!», «Террорчиларга ўлим!» деб ғазаб билан бақирарди.

Ва ниҳоят, кечки соат бешларда Ингушетиянинг собиқ Президенти Руслан Аушев мактаб биносига дадил кириб боради ва музокара бошлайди. У кўпни кўрган, раҳбарлик вазифасида ишлаган пайтда ўзига яраша обрў-эътибор қозонган, гапга

чечан ва жасур киши эди. У ўзларини «озодлик жангчилари» деб атаган жангари гуруҳ етакчиси билан эркакчасига гаплашар экан, йигирма олтига асирни: асосан, эмизикли гўдаги бор аёлларни озод қилишга эришади.

Куннинг асосий воқеаси шу эди. Ичкари ва ташқарида томонларнинг жанговар ҳолати асло сусаймаган эди. Қўққисдан бўладиган ҳужумга ҳар икки тараф ҳам шай турарди.

\* \* \*

3 сентябрь.

Мактаб атрофи шаҳар аҳолисига тулиб борарди. Наҳот асирларни бугун ҳам қутқаришмаса? Уч кундан бери давом этаётган очликдан болаларнинг тинкаси қуриб бўлгандир? Нега ҳукумат раҳбарлари жангарилар билан музокара олиб боришмаяпти? Наҳот ичкаридаги ўликларни олиб чиқиб, кўмишга ҳам кўндирилмаса? Оммавий ахборот воситаларининг ходимлари воқеа жойидан хабар беришар, уларнинг бераётган саволлари, шубҳа ва гумонлари кўпайгандан кўпайиб борарди.

Маҳаллий аҳоли жунбишга келди. Буни кузатиб турган жиноятчилар тушга яқин биринчи куни ҳалок бўлган асирларнинг жасадларини олиб чиқиб кетишга рози бўлишди. Фавқулудда вазиятлар ва-зирлигининг тўрт кишидан иборат ходимлари усти очик юк машинасини мактаб биноси олдига киритишади. Машинанинг тагида махсус хизмат ходимлари беркиниб олган ва улар ичкарига киришга ҳаракат қилишади деб тахмин қилган террорчилар хавотир-

га тушиб қолишади. Кимдир спортзалга ўрнатилган бомбани ишга туширади. Икки марта қаттиқ портлаш рўй берганидан сўнг, махсус отряд ҳужумга ўтди. Ташқаридаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари аҳолини хавфсиз жойга кўчира бошлади. Ичкарида қий-чув, шовқин-сурон бошланди. Портлаш натижасида спортзал деворининг бир қисми қулаб тушганди. Каттагина жой очилиб қолганини кўрган асирлар тартибсиз ҳаракатлари билан ўзларини ташқарига ота бошлайди. Ўттизга яқин бола ва аёллар ҳовлига чиқишга улгурган пайтда учинчи портлаш содир бўлди ва спортзалнинг томи қулаб тушади. Мана шуниси даҳшат эди: қочишга улгурмаган асирларнинг кўпчилиги темир-бетонлар остида қолиб, жон таслим қилади. Осмонда тўртта ҳарбий вертолёт пайдо бўлади. Бироқ улар асирларга ўқ тегиши мумкинлиги учун ҳужумга ўтолмайди.

Махсус отряд аъзолари аёвсиз жангга киришди. Вазият таҳликали эди. Мақсадига эришишга кўзи етмаган бандитлар энди қочиш пайига тушди. Кимдир кийимини ўзгартириб, асирлар орасига ўзини уради. Бошқаси деразадан сакраб, дуч келган томонга қоча бошлайди. Ўлимни афзал билганлар эса отишмани давом эттирди. Ҳужум кечга яқин ертўлага яширинган жангариларнинг ўлими билан якун топади. Биргина тирик қолган босқинчи — Нурпаши Қулаев қўлга олиниб, махсус хизмат ходимларига топширилади. Одамлар асирлар орасига яширинган «жабрдийда»ни таниб қолишади ва ўша ернинг ўзида суд қилишиб — ер тишлатишади.

Расмий маълумотларга кўра, жангарилар 1100 дан ортиқ кишини асир олишади. Бу даҳшатли хунрезликда 335 киши ҳаётдан кўз юмади. Бевақт қурбон бўлганларнинг 186 таси болалар эди. 800 га яқин асирлар эса, турли даражада тан жароҳати олади. Икки ҳафтадан сўнг бу террорни чечен сепаратистларининг етакчиси Шамиль Басаев ўз зиммасига олади.

\* \* \*

Бу каби шафқатсизликларни бошдан кечирган, бошқа бирор мамлакатда содир бўлса ҳам қалби азобланидиган Ўзбекистон Президенти Россия давлатининг мамлакатдаги элчихонасига ташриф буюрди. Бу ердаги таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини битаркан, Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан босқинчилик ҳаракати оқибатида қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига, уларнинг қариндош-уруғларига, Россия халқи ва давлат бошлиқларига чуқур ҳамдардлик билдирди. Бировларнинг қайғусига шерик бўлиш, кўнглини кўтариш, ёрдамга қўл чўзиш ўзбек миллатига хос фазилатлардандир.

## XVI. ПРЕЗИДЕНТНИ ТАШВИШГА СОЛГАН ВОҚЕА

Ўзга юртдаги фожиа тафсилоти билан тўлиқ танишган Президентнинг кўзига шу кўни алламаҳалгача уйқу келмади. «Террор балоси мамлакат, миллат, ёш танламайди деганлари шумикин? Икки юзга яқин ёш болалар нобуд бўлса-я?

Уларнинг қанчаси илк бора не-не умидлар билан мактаб ҳовлисига қадам қўйганди. Минг афсуски, синф хонасига қадам қўйиш, партада ўтириш насиб қилмади. Сумкага солинган на китоби, на дафтари очилди. Ўша пайтгача мактаб тўғрисида завқ-шавққа тулиб гапиришгандир, энтикиб-энтикиб тонг саҳардаёқ етиб келишгандир? Она, мактаб, ватан, тинчлик каби сўзларни чиройли қилиб ёзишга, ёзувларини муаллималарига кўрсатиб, аъло баҳо олишга иштиёқманд бўлишгандир? Биринчи соатларда шуларни орзу қилишган, албатта. Бироқ... уларнинг очик қолган кўзларида мактаб билим маскани эмас, ногоҳ жанг майдонига айланган қалъа сифатида муҳоланган бўлса керак. «Даҳшат. Жудаям даҳшатли босқинчилик. Террорчилар асл башараларини намоён қилишди. Уларга разил мақсадларини амалга ошириш учун ёшми-қарими фарқи йўқ экан. Бир юз саксон олти ўқувчи-я! Болаларни асир олишга, ортидан ўқ узишга қандай виждони йўл қўйдийкин? Э, уларда виждон борми? Заррача иймони бўлса, шундай ишга қўл урармиди. Ишқилиб, ҳеч бир юртда қайтиб бундай фожиа содир бўлмасин. Миллатнинг келажаги бўлган болалар завол топмасин. Шундай дейман-у, лекин бу таҳликали дунёда нималар рўй бермаяпти. Худо кўрсатмасин, бизда ҳам шунақа ваҳшийлик амалга оширилса, нима бўлади? Бирор мактаб ёки лицей террорчилар томонидан эгаллаб олинса, қандай чора қўрамиз. Умуман, бу тўғрида тушунчамиз борми? Ҳаракатларимиз нималардан иборат бўлади? Халқаро террорчилар билан ҳеч қанақа музока-



ра олиб борилмайди, деган позициям тўғримикин? Шароит бунга йўл қўймаса, вазият мен ўйлагандан кўра минг чандон оғир бўлса, мушкул аҳволда қолсам, қароримни ўзгартираманми-йўқми?.. Демак, бундай вазиятга тушмаслик учун, аввало, мамлакат ичкарасида назоратни кучайтириш лозим. Барча билим даргоҳларида турли экстремистик оқимлар, уларнинг мақсад ва ғоялари ҳақида, халқлар бошига солаётган кулфат ва қайғулари тўғрисида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб боришни изчил давом эттириш керак. Ҳисобот учун эмас, масъулиятни ҳис этиб, чин юракдан тарғибот юритишимиз даркор. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин. Менимча, жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир. Ҳа, ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ҳал қилолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: ривожланиш ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди! Абдулла Авлоний ҳазратлари тарбияни бежиз: «Биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокатдир», демаган. Қанчалар ҳақ гап. Бу доно нақлнинг аҳамияти бугунги кунда ошса ошдики, асло камайгани йўқ. Айни ҳозир ҳам баралла айтиш ва такрорлаш мумкин».

Ногоҳ эшик очилиб, остонада Президентнинг рафиқаси кўринди.

— Вақт жуда кеч бўлди, дам олсангиз бўларди, — деди ичкарига қадам босмай.

— Яхши.

— Ёки иссиқ чой келтирайми? — эрининг кайфияти яхши эмаслигини сезган аёл оҳиста сўради.

— Йўқ, раҳмат, — жавоб қисқа бўлди.

— Ўзингизни жуда қийнаб қўйяпсиз, — кетишга шошилмади меҳрибон умр йўлдоши. — Ингушетиядаги фожиани унутолмаяпсизми?

— Ҳа, шундай. Лекин сен хавотир олма. Мен яхшиман, — деди Президент бироз жилмайиб. — Кўринишим ҳоригандай бўлса керак-да.

— Олдингизда бироз ўтирсам, дегандим.

— Ҳа, майли, ўтирақол. Лекин оилага вақт ажратолмаяпсиз, деб нолима. Биламан, сизлар учун деярли бўш вақтим бўлмаяпти. Бу менинг камчилигим, балки хатоимдир. Аммо нима қилай, вақт етишмаётган бўлса?

— Мен фақат соғлиғингиздан хавотирдаман, холос.

— Баъзи Европа давлатларининг бошлиқларига ҳавасим келади, ҳафтада дам олиш кунлари, йилда эса бир марта таътил оyi бор. Бизда ҳам шундай бўлармикин? Нега елкангни қисасан? Вақтлар келиб бўлиши мумкин. Агар унгача ўлмасак, сени яна ўша бетакрор Ҳиндистонга таклиф қиламан.

— Наҳот, Ҳиндистонга борганимиз, муҳаббат қасрида суратга тушганларимиз ёдингизда бўлса? — дея бирдан энтикиб кетди Президентнинг рафиқаси.

— Нега энди эсимдан чиқаркан? Ҳиндистон Президенти Рамасвами Венкатарман жаноб-

ларининг: «Кимки бу қасрда севимли аёли билан қўл ушлашиб расмга тушса, бахтли бўлади», деган гапидан кейин, ҳеч тортинмай, сени суратга тушишга таклиф қилганман. Тўғрими?»

— Ҳа.

— Бироз ийманиб турганинг ҳам ёдимда. Ҳа, айтгандай, уша расмларимиз қаерда? — бирдан сўраб қолди Президент қошларини туташтириб.

— Мен уларга деярли ҳар куни нигоҳ ташлайман.

— Йўғ-э, наҳот, сизлардан шунчалар узоқлашиб кетган бўлсам.

— Тарихдан маълумки, буюк инсонлар олдиларига қўйган мақсадларига етиши учун ўзига қадрли ва азиз бўлган яқин кишиларининг кўнглини олишга вақт тополмаган ёки шунга мажбур бўлишган. Бу гапимни юрагингизга яқин олманг. Мен сиздан асло гина қилмайман. Хонавайрон этилган, охириги дамгача талон-торож қилинган юртни оёққа турғаздингиз. Эртаси кунига ишончи йўқолган, умидсизликка тушган халқни бирлаштириш ва унга йўлбошчилик қилиш қанчалар оғир, машаққат бўлганини яхши биламан.

— Шунини тушунганинг учун ҳам сендан жуда миннатдорман, — деди Президент рафиқасининг қўлини кафтига олиб.

— Биламан, киндик қонингиз тўкилган Ватанингиз учун ўзингизни фидо қилишга тайёрсиз. Лекин сизнинг ёнингизда оила аъзоларингиз ҳам бор. Шундай экан, сиз бизлар учун кераксиз. Илтимос, ўзингизни эҳтиёт қилинг.

— Ҳа, яхши. Лекин мендан хавотир олма. Ҳозир руҳан эзилсам-да, соғлиғимдан нолимайман. Бироқ қизлар билан ҳам обдан гаплаша олмаяпман. Сендан илтимос, уларни назоратсиз қолдирма. Но-жӯя иш қилиб, юзимни ерга қаратишмасин. Юрагим ҳар қандай юкни, дардни кўтариши мумкин, би-роқ... бунга асло чидай олмайман.

— Албатта. Лекин сиз юрагингизни эҳтиёт қи-линг. Бироз муддатга даволанишга...

— Мана, анчагина гаплашиб ҳам олдик.

— Ҳа, бу мавзу доимгидай охирига етиб бор-майди. Агар бирор нарса керак бўлмаса...

— Майли, боравер, мен яна бироз ўтирмақ-чиман.

Энди бошқа гап ортиқча эди. Эрининг табиати-ни, характери яхши билган аёл жимгина хонани тарк этди. Йўқ, дарҳол чиқиб кетмади: эшик ол-дида бир зум тўхтаб, яна бирдан ўйга чўмган, ғам-га ботган турмуш ўртоғига зимдан тикилиб турди. Хаёлидан нималар кечди, ёлғиз Худога ва ўзига аён. Аммо юртни, халқни деб тунларни бедор ўт-казаётган инсонга юраги ачишаётганини, бир-ик-ки соатгина бўлса ҳам ором олишини истаётганини унинг мунгли нигоҳларидан англаш қийин эмас. Би-роқ фақат шумикин?... Йўқ, афтидан бу муштипар онанинг айтадиган гаплари, ўзига яраша ўй-ташвиш-лари, муаммолари кўпга ўхшарди. Лекин уларни маъюс қарашлари, сирли табассуми ортига яшириб, эрини безовта қилишни, хаёлини бўлишни истамас-ди. Мамлакат миқёсидаги муаммолар олдида унинг оиласи учун оналарча чекаётган ташвишлари, дарду

ҳасратлари арзимагандай туюлар ва индамай тўғри қиляпман, деб уйларди. Ва яна шу таскин билан ана энди эшикни оҳиста ёпди.

Ўзбекистон Президенти ўйини давом эттирди. Шунда бундан анча йиллар олдин «Тафаккур» журнали муҳаррирининг эсда қолган бир саволи хаёлига келди: «Сиз шуғулланадиган ғоят қўламдор ва серқирра масалалар, адо этиладиган вазифалар бир-биридан муҳим ва зарур. Уларнинг барчаси мамлакат ва жамият, ҳар қайси фуқаронинг ҳаёти, келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо Сизнинг фаолиятингиздаги энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?»

Агар янглишмаса, бундай деганди: «Агар бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб қайтариш лозим бўлса, мен «Халқимнинг омонлиги», деган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бутунги кунимиздан розилик, эртанги кунга ишонч, оналаримиз ва фарзандлариимиз юзидаги табассум, бу — мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзалдир».

Президент совиб қолган чойдан бир ҳўплади. Қизиқарли саволга ҳамма учун тушунарли қилиб жавоб берганидан мамнун эди, албатта. Аммо бу тинчликни сақлаш учун нафақат кунларни, балки тунларни ҳам бедор ўтказмоқ керак эди. Сал хушёрликни қўлдан берса, ғанимлар дарҳол бош кўтармоққа шай. «Улар уялмай-нетмай ўзларини

мухолифат дейдилар. Лекин жамият тараққиёти, халқ турмушини бундан-да яхшилаш учун бирор бир маънили таклиф билан чиқишганини эслолмайман, халифачилик, мусулмонлар эмин-эркин ибодат қилсин, қамоқдаги биродарларимиз озод бўлсин... Топган гаплари шу. Агар Халифалик давлати қуриш керак бўлса, шу пайтгача араб мамлакатлари бу тизимга ўтишмасмиди? Қайси мусулмон одамнинг масжидга боришига тўсқинлик қилинмоқда? Нима, улар масжидларга яшириниб, кўнглида ҳадик билан боришяптими? Қуруқ сафсата. Ҳалол кун кечираётган одам борки, бемалол ибодат қилиб юрибди. Улар мени ҳеч нарсани билмайди, мусулмонларнинг тақдиридан хабардор эмас, деб ўйладилар чоғи. Аммо ўша бақироқларнинг ўзлари мени баъзи вақтларда кечалари шаҳар айланиб юришимни билишмаса керак. Ёки тасаввурларига сиғдира олишмайди. Тўғри, муаммолар, камчиликлар кўп, уларнинг ҳаммасини ҳам менга етказишмайди. Лекин мен билишга ҳаракат қиламан.

Қамоқдагилар кимлар ўзи? Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, «Ҳизб ут-таҳрир» аъзолари, Ваҳхобийлик оқимини тарғиб-ташқивот қилаётган, соф ислом учун жиҳод деб ёшларни ўзининг тўрига илнтиришга интилаётган кимсалар, аслида, улар. Ўзини ҳақиқий мусулмон санаган киши бошқа бир мўминга қарши қўлига қурол оладими? Бегуноҳ одамларнинг қонини тўқадими? Мамлакатда бузғунчилик қиладими? Ёки чет элда туриб, ўзи туғилиб ўсган, вояга етказган юртини вайрон қилиб, ҳокимиятга интиладими? Йўқ, мен ҳар қан-

дай босқинчиликни, халқнинг тинч турмушини издан чиқаришга уринишни, фаровонликка тўсқинлик қилувчи террорни қоралайман. Уларга қарши курашаман. Ҳа, мен улардан чўчимайман! Мабо-до ватан тақдирига, одамлар ҳаётига рахна солгудек бўлса, улар билан гап сотиб ўтирмайман. Буни дунё аҳли қандай қабул қилса, уларнинг иши. Уша гап — гап: халқим омонлиги, юрт ободлиги мен учун ҳамма нарсадан устун!»

## XVII. «ҚЎШНИНГ ТИНЧ – СЕН ТИНЧ»

2005 йилнинг баҳори мамлакат ғарбидан эсаётган совуқ шамол билан бошланди. Аёз вужудларни жунжуктирди, дилларни ҳушёр торттирди. Гоҳ довулдан, гоҳ шиддатли ёмғирдан дарак бериб, аёз чегара оша қўшни давлатлар каби Ўзбекистон халқининг ҳам оромини бузди. Кўнгилхиралик, безовталиқ, қариндош-уруғлар тақдиридан хавотир. Изғирин, айниқса, Ўзбекистон Президентининг кўнглини беҳаловат қилиб, ташвишга солди. Ахир шундоқ ёнгинасида чакмоқ чақиб, момогулдурак бўлмоқда эди-да. Бу чакмоқ кўкдан тушса, балки зарари кам бўлар, аммо аввал одамлар нигоҳида акс этган, сўнгра юрагидан отилиб чиққан сўз бўлса, энди унинг қудрати еру осмонни бирдай ларзага солади. Унинг зарбидан, тебраниш кучидан азамат тоғлар қулаб тушиши, ён-атрофдаги қирлар эса, бирдан баланд чўққига айланиши мумкин. Демакки, табиат ҳодисаси инсон фожиаси олдида унчалар қўрқинчли эмас. Шундайми?

Қўшининг уйда жанжал бўлса, бақир-чақир кейинроқ ур-йиқитга айланса, хона жиҳозлари, хўжалик буюмлари синдирилса, талон-торож қилинса, қандай ташвишга тушмай бўлади. Хузур-халоватдан айрилиб, улар ҳақида уйлайсан-да, тезроқ тинчиши учун нима қилсам экан деб бош қотирасан-да.

— Ҳаммаси нимадан бошланди ўзи?

Президентнинг ушбу саволига бу сафар генерал полковник Бўронов жавоб берди:

— 2004 йилнинг сентябрида Қирғизистон парламентидаги мухолифат амалдаги давлат бошлиғи Асқар Ақаевни 2005 йилда бўладиган Президент сайловида, яъни тўртинчи муддатга номзодини қўймаслик масаласида мамлакат Конституцион судига сўров йўллайди. 22 сентябрь куни Конституция суди бу сўровни кўришни рад қилади. Шундан кейин Қирғизистон Президенти мухолифатни хорижнинг молиявий кўмагида сиёсий ўйин бошлаганликда айблайди. 2005 йил январь ойининг бошида Марказий сайлов комиссияси «Ата-Журт» мухолифат ҳаракатининг етакчиси, собиқ ташқи ишлар вазири Роза Отунбаеванинг номзодини яқинда бўладиган парламент сайловларида рўйхатдан ўтказишни ман қилди. Негаки, бу округдан Президентнинг қизи Бермат Ақаева номзоди рўйхатга олинган эди. Эртаси куни, яъни саккизинчи январда парламент биноси олдида Роза Отунбаевани қўллаб-қувватлаган одамлар намойиш ўтказди.

Ана шундан кейин сокин эсаётган шамол аста-секин кучайиб, даҳшатли бўронга айланиб борди.



Эҳтимоли мумкин бўлган хатарни сезган, воқеалар ривожидан хулоса чиқараётган Ўзбекистон Президенти шу тобда тарих ва сиёсий фанлар доктори, узок йиллар АҚШ ва Канада университетларида ишлаган, Ўрта Осиёнинг сиёсий муаммолари бўйича Фарбдаги энг атоқли мутахассислардан бири бўлган марҳум Дональд Карлайл билан 1994 йилнинг ёзида бўлган учрашувида унинг берган бир саволини эслади:

«Жаноб Президент! Фарб газеталарида, Каримов коммунистик Президент, партноменклатуранинг ёрқин вакили, Ақаев эса — келиб чиқишига кўра демократ, деб ёзишмоқда. Сиз буни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?»

Жавоби аниқ ёдида: «Ақаев партиявий раҳбарлик ишига менадан олдин келган. Адашмасам, у 1985 йилнинг охирида Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг фан ва олий ўқув юртлари бўйича бўлим мудирлигига тайинланган эди. Гапнинг индалосини айтадиган бўлсам, менинг мамлакатингиздаги танқидчиларим саксонинчи йилларда Совет Иттифоқидаги партаппаратнинг сифат таркиби ҳақида тасаввурга эга эмасга ўхшайди. Коммунистик режим ўша пайтда бундан буёғига иқтисодиёт, молия иши, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида махсус билимларга эга бўлган, ишнинг кўзини биладиган кишиларсиз, яъни технократларсиз яшай олмаслигига кўзи етиб қолганди. Айнан шуларнинг орасида юқори расмий лавозимларни эгаллаб туриб ҳам ҳукмрон мафкура догмаларига қарши чиққан, партия ва мамлакатда сифат ўзгаришларини амалга ошириш учун

курашган кишилар бор эди. Мен ўзимни ана ўшалар сафига қўшаман. Нокамтарликка йўймангу, Ўзбекистон молия вазири бўлган кезларим собиқ Иттифоқнинг молия вазири, молия оламида ҳамма ҳурмат қиладиган Василий Фёдорович Гарбузов мени профессионал, ишнинг кўзини биладиган, ўз ишида сиёсий конъюнкратга эмас, молиявий устуворликларга аҳамият берадиган киши сифатида бошқаларга намуна қилиб кўрсатар эди».

Вақт — олий ҳакам. Ана энди ўша сиёсатдонлар Ақаевнинг демократияси ўзини оқламади, у мамлакатни қаттиққўллик ва одиллик билан бошқара олмади деб ҳисобламоқда эди. Бунга сабаб 2005 йилнинг 27 февралда Қирғизистон парламентида бўлган биринчи турнинг яқунлари эди.

— Давом этинг!

— Эртаси кун Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ва Европарламент бўлиб ўтган сайловни халқаро мезонларга мувофиқ эмас деб ҳисоблади, — дея ҳикоясини давом эттирди генерал-полковник Бўронов. — Бешта мухалиф ҳаракатнинг етакчилари: Роза Отунбоева, Топчубек Турғуналиев, Муратбек Иманалиев ва Ишенгул Болжуроваларнинг сайлов пайтидаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар рўй бергани ҳақидаги аризалари тўғри деб тан олинди.

Ун учинчи мартда бўлиб ўтган иккинчи турда Президент тарафдорлари кўпчилик овоз олди. Мана шу сайлов натижалари мамлакатда бошланган шамол қуюнга айланишига туртки бўлди. Орадан икки кун ўтиб, сайлов яқунларидан яна норо-

зи бўлган мухолиф кучлар Жалолобод вилоятида қурултой (умумхалқ мажлиси) ўтказишади. Вилоят маъмурий биноси олдига мингларча одамлар тупланди. Баъзи қатнашчиларнинг қўлидаги плакатларда мамлакат Президентини постдан кетишига ундовчи ёзувлар бор эди. Бу воқеаларга милиция ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари аралашмади. Парламент сайловларида кам овоз олган ёки мағлуб бўлган мухолиф кучларнинг етакчилари: собиқ бош вазир Қурманбек Бакиев, собиқ ташқи ишлар вазири Роза Отунбаева, собиқ таълим вазири Ишенгул Болжурова Қурултой президиумидан жой олишади. Йиғинда Қурманбек Бакиев ва Роза Отунбоевалар амалдаги Президентнинг истеъфога чиқишини очиқдан-очиқ талаб қилишади. Бу жараён Талас ва Ўш вилоятларига кўчади. Таласда воқеалар, айниқса, кескин тус олади, намойишчилар вилоят маъмурий биносига бостириб кирадилар ва губернатор Искендер Айдаралиевни гаровга олишади. Негаки, йиғилганларнинг номзоди — Равшан Жээнбеков иккинчи турда етарлича овоз олмай, парламентга сайланмай қолганди. Ўзганда ҳам худди шундай ҳолат такрорланади. Мухолиф томоннинг номзоди Адахон Мадумаров Марказий сайлов комиссиясининг тезкор кўчма йиғилишида овозларни қайта санашга қарор қабул қилади: натижада Мадумаров парламент депутати деб топилади.

Бишкекда «Ар-Намыс» партияси (етакчиси Феликс Қулов)нинг тарафдорлари томонидан митинглар бошланди. Сузак тумани аҳолисининг намойишлари кескин тус олиб, шаҳар маркази томон

юриш қилиб, вилоят маъмурий биносини эгаллашади, сўнг Ички ишлар вазирлигининг вилоят бошқармаси биносига бостириб киришиб, унга ўт қўйишади, милициянинг машиналарини пачоқлаб, тўнтариб ташлашади, бутун бинони остин-устун қилишади. Тез орада олов каттагина комплексни ўз домига тортади...»

Юртга Наврўз кириб келди. Бироқ бу баҳор айёми ҳеч кимга татимади. Президент Ақаев биринчи марта Бишкекда бўладиган тантанада қатнашмади. Телевидение орқали халқни табриклай олмади. Бу вақтга келиб Ўш аэропорти мухолифат қўлига ўтган, яхлит бир мамлакат эса иккига ажралиб бўлганди: мухолиф кучлар жанубни, ҳокимият эса шимолни назорат қилаётган эди. Шу куни Президент ўз оила аъзолари билан мамлакатни тарк этган, деган овоза тарқалди. Бу миш-миш ҳақиқатми, ёки давлат тепасига келмоқчи бўлган партияларнинг ўйлаб топган шов-шувими?

«Лекин нима бўлганда ҳам яхши гап эмас, — дея ниҳоятда таажжуб ва ташвишга тушди воқеалар ривожини таҳлил қилиб бораётган Ўзбекистон Президенти. — «Қушнинг тинч — сен тинч» деб бекорга айтилмаган. Ишқилиб, бу довулнинг вайрон қилувчи кучи бизнинг ўлкага таъсир қилмасин-да. Чегарани ёпиш билан муаммони ҳал қилиб бўлармиди? Бу ички низо, албатта, аммо қанча ўзбек миллати яшайди у ерда. Тўқсонинчи йилги воқеалар такрорланмайди, деб умид қиламан. Ақаев тезроқ қатъий қарорга келиб, халқни тинчлантириши керак, бўлмаса...»

— Бироқ бу пайтда мухолиф кучлар томонидан яна «Ақаев ўз оила аъзолари билан мамлакатни пинҳона тарк этди», деган овоза тарқатилди. Бу миш-миш аниқ маълумотларга таяниб эълон қилинди, ёки ҳукумат аъзоларининг юрагига ваҳима солиш учун атай айтилди, ҳозирча мавҳум эди.

«Йўқ, ишонмайман, Ақаев қалтис вазиятда ўз жонини ўйлаб қочиб қоладиганлардан эмас. У давлатни бошқаришга қодир. Бироқ, бир пайтлар айтганимдай, одамларнинг ҳис-туйғулари муваққат. Бугун яхши кўриши, эртага ғазабланиши мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам юртни ташлаб кетиб бўлмайди. Айниқса, давлат бошлиғи!» дея хаёлидан ўтказди Ўзбекистон Президенти.

— Тез-тез тилга олинаётган гап-сузларни миш-мишга йўйиб, ишонишмади, албатта. Лекин ҳукуматга қарши кучларнинг етакчиларидан бири Роза Отунбоева: «Агарда мухолифат ҳокимият тепасига келса, Россия билан муносабатларини бузмайди, барча соҳалардаги алоқаларни давом эттиради, Россиянинг Қантдаги ҳарбий базасини олиб чиқиб кетишини талаб қилмайди», деб баёнот бермоқда, Қирғизистон Халқ ҳаракатининг етакчиси Қурманбек Бакиев эса, яқин кунларда Бишкекда мамлакатнинг барча вилоятлардаги активлари иштирокида Қурултой ўтказилишини таъкидламоқда эди.

22 март куни Бишкекда янги парламентнинг сессиясида Асқар Ақаевнинг чиқиши Ўзбекистон Президентининг кўнглини анча хотиржам қилди. Айниқса, унинг истеъфо бермаслигини дадил баён этиши, Марказий сайлов комиссиясининг чиқарган

натижаларини мухолиф кучлар рад этишни сўра-  
гандек эмас, аксинча, тасдиқлаши давлат бошлиғи  
ҳақидаги фикрларининг тасдиғи деб қабул қилди.  
Депутатлар олдида сўзга чиққан Президент мам-  
лакатда фавқулодда вазият юзага келди деб рас-  
мий хабар тарқатмаслигини айтди. Кечки дастур-  
да у яна махсус чиқиш қилди ва «бирорта сиёсий  
кучга мени истеъфога чиқариш ҳуқуқи берилма-  
ган, мен бу мавзуда музокара олиб бормоқчи ҳам  
эмасман» деб қатъий баёнот берди. Бунга қарши  
Роза Отунбоева «Президент мамлакатнинг ярми-  
ни назорат қила олмаяпти» дея халқни огоҳлантира  
бошлади.

Ташқи сиёсат арбоблари, Қирғизистонда сиёсий  
воқеалар кескин тус олди, томонлар ўзаро бир мақ-  
садга кела олмаяптилар, деб хулоса чиқардилар ва  
ўз ёрдамларини таклиф қилдилар. Бунга сабаб қи-  
либ улар мухолиф Қурманбек Бакиевнинг мамлакат  
жанубида янги мустақил давлат барпо этамиз, деган  
баёнотини рўқач қилиб кўрсатдилар. Биринчи бўлиб  
Россия, сўнгра Грузия ҳамкорлик қилишга тайёр  
эканлигини билдирди.

«Бу табиий, — фикр юрита бошлади Ўзбекис-  
тон Президенти. — Кимдир очиққўнгилик билан  
дўстона, кимдир вазиятдан фойдаланиб қолиш мақ-  
садида бўлади. Президент, аввало, юртни мушкул  
аҳволга солмаслиги керак, бироқ мухолиф кучлар-  
нинг бу каби намоёнликлари, ҳокимият учун ку-  
рашлари бошланиб қолса, учинчи томоннинг худди  
мана шу ниятини англаб етиши ва бир қарорга ке-  
лиши жуда муҳим. Демак, қўшнининг уйида бўлаёт-

ган нотинчлик атрофдагиларга ўрнак бўлиши лозим. Бироқ бу каби беқарорликдан ҳар ким ўзича хулоса чиқаради ва талқин қилади. Мамлакат Президентсиз қолгани йўқ, бунинг устига, қон тўкилгани ҳақида расмий маълумотлар эълон қилинмаган бўлса, оғзаки гап-сўз ва дағдағаларга ишониб, қирғизларнинг ички низосига аралашиш ўринлимикин? Зарур бўлса, давлат бошлиғининг ўзи ёрдам сўраб, истаган бир мамлакат раҳбарига мурожаат қилиши мумкин. Оқилона қарор юртда тинчлик ва оёйишталикни таъминлайди. Тезроқ тартиб-интизом ўрнатиши керак. Бўлмаса...»

— Бўлмаса, давлатнинг мавқеи тушиб кетади, халқ Президентга ишончсизлик билдира бошлайди. Бундан фойдаланган мухолиф кучлар ҳукуматни ағдариб, ўзларини янги Президент сайлови ўтгунча вақтинча ҳокимият эгалари деб эълон қилади. Мамлакат халқи шуни хоҳласа-ку, майли, аммо бир гуруҳ мухолифатнинг куч билан амалдаги ҳокимиятни эгаллаб олиши бошқа нарса.

Йигирма тўртинчи мартдаги воқеаларни тасаввурга сиғдириш қийин. Бутун дунёнинг диққат маркази Қирғизистонга қаратилди. Негаки, Асқар Ақаевнинг истеъфосини талаб қилаётган кучлар пойтахтнинг асосий майдони Ала-Тоога тўпланишди. Ўттиз мингга яқин оломон икки юзтага яқин «оқ қалпоқ»ли кишиларнинг қаршилигини, сўнгра Ҳукумат уйи — «Оқ уй»ни ҳимоя қилаётган милиция ходимларининг тўсиқларини енгиб ўтиб, Президент саройига бостириб кира бошлаган эди. Ақаев оиласи ва яқинлари билан ҳужум бошланишидан

олдин бинони тарк этишга мажбур бўлди. Кечга яқин машҳур мухолифат етакчиси Феликс Қулов қамоқдан озод қилинди ва у дарҳол телевидение орқали миллатга мурожаат қилиб, эришилган галаба билан табриклади. Шундан сўнг мухолифатнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши тузилгани ва унинг раиси этиб Қурманбек Бакиев сайлангани эълон қилинди. Раис бошқа мухолиф кучларнинг етакчилари — Роза Отунбаева, Мамбетжунус Абилов ва Феликс Қулов билан коалиция ҳукумати тузиш бўйича музокарага киришди. Бундай ташкилот тузиш ғоясини Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти маъқуллади. Ҳукумат бошлиғи Николай Танаев лавозимидан кетиш ҳақида ариза ёзганидан кейин, унинг аъзолари истеъфога чиқди.

Кечаси шаҳарда тўс-тўполон, талон-торож авжига чиқди. «Silk Way» ва «Го Ин» савдо марказлари нафақат таланди, балки ёндириб юборилди. Президент ўғлига тегишли бўлган ёқилғи қўйиш шохобчалари яксон қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими олдин генерал-майор унвонида бўлган Феликс Қуловга юклатилди. Бироқ оломонни энди осонлик билан тартиб-интизомга чақириб бўлмасди. Назорат қўлдан бой берилган эди.

Бу фожиали воқеаларни қандай қилиб жим қўзатиш мумкин? Шимолий Ингушетиянинг Беслан шаҳридаги мактабга қилинган босқинчилик ҳаракатига ҳали унча кўп вақт бўлмади. Қанча бегуноҳ одамлар, айниқса, болалар террорнинг қурбонига айланди. Бу жароҳатнинг ўрни ҳали-вери



битмайди. Бугун Қирғизистон. Худо билади, эртага яна қаерда одамларнинг тинчи бузилади?»

«Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кетади, дейишади. Ҳақ гап, — кўнгли гаш тортган Ўзбекистон Президенти яна мулоҳазага берилади. — Катта-катта дуконлар таланса, биноларга, машиналарга ўт қўйилса, аэропорт ишламаса, жамоат транспортлари тўхтаб қолса, ёқилғи қўйиш шохобчалари вайрон қилинса, албатта, барака кетади-да. Ахир бу нарсаларни қайта тиклагунча, тўлиқ ишга туширгунча озмунча маблағ керакми? Қизиқ, нега Россия бу ишларга кузатувчи бўлиб қараб турибди? Ақаев Москвадан паноҳ топган бўлса, Бакиевнинг ғалабаси аниқ экан-да. Демак, Бакиев билан Отунбаеванинг шу йил январини охирида Москвага бориб келишида анча мунча нарса ҳал бўлган кўринади. Ахир уларни олий даражада кутиб олинишининг ўзига яраша сабаблари бўлса керак?»

— Йигирма бешинчи март куни Қирғизистон парламенти Бакиевни Президент вазифасини вақтинча бажарувчи ва Бош вазир этиб тайинлади. Шундан кейин давлат раҳбари лавозимини эгаллаган Бакиев ташқи ишлар вазири вазифасини Роза Отунбаевага, барча ҳуқуқ тизимини мувофиқлаштириш масъулиятини «Ар-Намыс» партиясининг етакчиси Феликс Қуловга, бош прокурор вазифасини вақтинча бажариб туришни Азимбек Бекназаровга юклади. Президент сайлови 26 куни муддатидан олдин ўтадиган бўлди. 5 апрель куни Асқар Ақаевнинг Москвада-

ги Қирғизистон элчихонасида парламент спикери Омурбек Текебаев иштирокида президентлик лавозимидан воз кечиш ҳақидаги аризасини имзолаши билан мамлакатда бир неча кун ҳукм сурган нотинчлик барҳам топди. У аризани жимгина делегация раҳбарига узатди. Бу жимлик — мағлубиятни тан олишми, одамларнинг қурбон бўлишига йўл қўймасликми, ёки янги ҳокимиятга таслим бўлишми, англаш мушкул эди.

## XVIII. «АНДИЖОНДА ФОЖИА ЮЗ БЕРДИ»

Одамлар орасида қўйидагича гап юради: эмиш-ки, Ўзбекистон Президенти эрталаб «Водий тинчми?» деб сўраркан. Бўлиши мумкин. Бироқ 13 май куни тонг саҳардаги қўнғироқдан сунг Ўзбекистон Президенти беихтиёр: «Нима гап ўзи, водий тинчми?» деб юборгани аниқ. Ички ишлар вазирининг безовталиқ билан: «Андижонда фожиа юз берди», деб айтган хабари Президентни жиддий ташвишга солиб қўйди. «Нималар бўляпти? Кечагина қўшнинг уйида ёнғин чиққанди, наҳот унинг учқунлари бизга ҳам ўтган бўлса?»

— Самолётни тайёрланг!

\* \* \*

Парвоз тахминан ярим соатларча давом этади. Бироқ бу вақтни қандай қилиб жимгина хаёл суриб ўтказиш мумкин? Ахир яқинда Қирғизистонда бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилавериб, чар-

чаб кетмаганмиди? Мана энди худди шунга ўхшаш сиёсий вазият ўз юртида ҳам бошланибди. Бу қанақанги юқумли микробки, Андижондаги кўплаб одамларнинг онгини заҳарлашга улгурган бўлса? Демак, ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўрилмаса, бутун водийни қамраб олиш хавфи бор! Улар нима ни хоҳлашапти? Ҳокимиятними? Балки юртда ҳукм сураётган тинчликни, фаровонликни кўролмаётган учинчи бир томоннинг ишидир бу? Агар шундай бўлса, уларнинг мақсадлари аниқ. Лекин вазиятни ҳозироқ батафсил билмаса бўлмайди. Бундай пайтда ўттиз дақиқанинг ўтиши жуда қийин кечади.

— Менга бўлиб ўтган ишлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг! — деб ички ишлар вазиридан сўради Ўзбекистон Президенти. — Андижонга етиб боргунимча ҳаммаси ҳақида билишим керак. Қани, қўлингизда қандай фактлар мавжуд?

Ички ишлар вазири телефонни қулоғига яқинроқ тутаркан, кечқурун амалга оширилган босқинчилик ҳаракати тўғрисида ҳисобот бера бошлади: «Кеча, яъни ўн иккинчи май куни суди бўлаётган йигирма уч кишига судья ҳукм ўқиши керак эди. Суд биноси олдида судланувчиларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва бошқа таниш-билишлари тўпланишади. Одам жуда кўп йиғилгани боис, жанжал-тўполондан хавфсираган милиция ходимлари уларнинг тарқалишини сўрайди. Бироқ ҳеч ким жойидан силжимади. Аксинча, бир хил қора костюм-шим кийган ўттизга яқин йигит дарвоза олдига келиб, судланувчиларни озод қилишни талаб қила бошлайди. Кейин маълум бўлишича, судья ўша йи-

гитлар томонидан бир неча кун олдин «Агар ҳукм ўқисанг, уйингга ўт қўйиб, хотин ва бола-чақангни ўлдириб кетамиз!» деб қўрқитилган экан. Номаълум йигитларни ҳайдаш фойда бермагач, уларнинг кимлигини аниқлаш мақсадида бу ерга етиб келган наряд талабгорларнинг айримларини милиция идорасига олиб кетишади. Бу ҳаракатни нотўғри тушунган ва талқин қилган судланувчиларнинг тарафдорлари куч ишлатишга ўтишади. Улар кечқурун ўн бир яримларда икки катта гуруҳга бўлиниб, босқинчилик ҳаракатини бошлаб юборишади. Қирқтача одамдан иборат биринчи гуруҳ Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг йўл-патруль постини қасддан вайрон қилишади. Худди шу пайтда етмиш-саксон киши атрофидаги иккинчи гуруҳ Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмга ҳужум уюштиришади. Натижада муҳим стратегик аҳамиятга эга объектни қуриқлаётган беш киши ўлдирилиб, юзга яқин Калашников автомати, бир қанча граната ва «ЗИЛ-130» автомашинаси ўғирлаб олиб чиқиб кетилади.

Шундан кейин жанговар гуруҳга айланган эркаклар ярим тунда судланувчилар сақланаётган қамоқхонага тўсатдан ҳужум қилишади. Ҳарбий қисмдан эгаллаб олинган автомашинада қамоқхона дарвозасини бузиб кириб, уч қоровулни отиб ташлашади. Қамоқхонада етти юздан ортиқ маҳкум бор эди. Уларнинг беш юзтачаси жангарилар томонидан озодликка чиқарилади ва сафига қўшилишга қақрилади. Озод бўлган маҳкумларнинг бир қисми босқинчилар тарафига ўтади, қолганлари уйига қочиб кетади. Олинган тезкор маълумотларга қараган-

да, ижро муддатини ўтаётганларнинг жуда кўпчилиги уйига ҳам бормай, ўзларини милиция ходимлари қўлига топшира бошлашибди. Негаки, улар мажбуран ва ноқонуний тарзда озодликка чиқарилганини тушуниб етишган экан. Ҳозирча мана шулар маълум, мухтарам Президент.

— Куролланган шахслар ҳозир қаерда?

— Улар одамларни шахар ҳокимлиги биноси олдида тупланишга чақиришяпти. Афтидан, митинг ўтказишни мўлжаллаётган бўлсалар керак.

— Судланаётганлар кимлар?

— Улар анча йиллардан бери тадбиркорлик билан шуғулланиб келган турли касб эгалари.

— Тадбиркорлар дейсизми? Нима учун судланишяпти?

— Кўплари молиявий жиноятлар билан, қолганлари ваҳхобийлик оқимига алоқадорликда.

— Аниқми?

— Бу ишни махсус хизмат ходимлари олиб боришган. Улардан эшитган маълумотларга асосланиб гапиряпман.

— Демак, сизнинг хабарингиз йўқ, шундайми?

— Умуман олганда... Суд бўлаётганидан хабарим бор. Бироқ...

— Нега бу ҳақда мен билмайман?! Вазият шу даражага етганда, кескин тус олиб, одамлар нобуд бўла бошлаганда хабар топаманми?

— ...

— Нега индамайсиз?

— Оддий суд жараёнини бу даражада... газак олиб кетишини...

— Билмагансиз, ўйламагансиз! Лекин бу нарса сиз билан мени жавобгарликдан озод қилмайди. Ичкаридаги ҳар қандай тартибсизлик, босқинчилик жиноятлари учун, аввало, шахсан сиз, қолаверса, давлат раҳбари сифатида мен жавобгарман! Одамларнинг кайфиятини, нима ишлар билан шуғулланиб юришларини ходимларингиз билишлари керак эди. Бу фожиа, ҳа, оғир фожиа! Бир гуруҳ одамлар милиция постига, кейин ҳарбий қисмга бостириб кириб, қурол ўғирлашгача боради-ю, бундан менинг хабарим бўлмаса! Оддий суд жараёни бўлса, қуролланиш нимага керак уларга? Бизнинг одамлар ноҳақликка қарши бақариб-чиқириши мумкин, аммо қўлига қурол кўтармайди. Мен миллатимизнинг характерини яхши билган ҳолда айтяпман бу гапни. Бундай даҳшатли босқинчилик оддий тадбиркорларнинг ишига ўхшамаяпти. Ишончим комилки, ойлар давомида пухта тайёргарликдан сўнг амалга оширилган жиноят бу! Қамоқдаги қоровулар ўлдирилган экан, бу қотиллик, ҳа, қотиллик жиноятидир. Дарҳол штаб тузинг, унга вилоятдаги таниқли, эл-юртнинг обрў-эътиборини қозонган кишиларни жалб қилинг. Мен ҳозир етиб бораман.

Президентни ғам босди. Бир ҳамлада юздан ортиқ қурол қандайдир гуруҳнинг қўлига ўтиб кетса-я? Энди бу қуроллар кимларга қарши ишлатилади? Наҳот, Ингушетия фожиаси такрорланса? Қуролланган кимсалар бирор бинодаги одамларни гаровга олиб, судланаётган шахсларни озод қилишни сўрайди. Фақат шуми истақлари? Хўш, кейинчи? Бошқа нарса талаб қилишмайдимиз? Қўллари-

даги қуролларни топшириб, индамай уй-уйларига тарқалишадими? Наҳот, шу талабнинг бажарилиши билан бу тўполонга чек қўйилса?

Ўзбекистон Президенти негадир ишонгиси келмади. Негаки, қуролланган одамлар оддий аҳоли эмас, аксарияти ёшлар, бунинг устига, бир хил кийинган кишилар экан. «Балки, Қирғизистонда амалга оширилган, ҳозир матбуотда «Лола революцияси» деб таърифланаётган кўзғолон бўйича ёзилган сценарий асосида бошланган бўлса-чи? Лекин Қирғизистонда кўчага чиққан мухолиф кучларнинг тарафдорлари на ҳукумат аъзоларига, на рақиб томондаги одамларга қарши қуролланишмади. Тўғри, дўконлар таланди, машиналар ёқиб юборилди, айрим ҳокимият биноларига ўт қўйилди, бироқ ўқ отилмади. Қурбонлар бўлмади. Бизда-чи? Намойишчилар дарҳол қуролланишга ўтишган. Ҳарбий қисмни қўриқлаётган соқчиларни аяб ўтирмай отиб ташлашган. Йўқ, бу ерда бошқа бир гап бор. Бу Қирғизистондаги воқеалардан ҳам каттароқ фожиа содир бўлиши учун атай қилинган ҳаракатга ўхшайпти. Андижондаги жиноятчилар ҳам Ингушетиядаги, ҳам Қирғизистондаги воқеалардан яхшигина хабардор ва қатъий хулоса асосида пухта тайёрланишган. Менимча, шундай. Улар ҳар иккисини ҳам яхшилаб ўрганиб чиқишганга ўхшайди. Ёки уларнинг хориждаги етакчилари бу ердаги шерикларига қандай йўл тутиш кераклигини обдан тушунтириб қўйишган. Лекин бунинг тагига, барибир, етаман!»

Самолёт жуда секин учаётганга ўхшарди. Бунга сари турли ўй-фикрлар хаёлни банд этар,

улардан эса айни чоғда халос бўлишнинг имкони йўқ эди.

Ўзбекистон Президентини гўссага ботирган шумхабар, аслида, қандай бўлганди?

## XIХ. ФОЖИАДАН АНЧА ЙИЛ ОЛДИН

1992 йилнинг ўрталарида Андижонда хушхабар тарқалди. Диёнатли, иймон-эътиқодли йигитларнинг бир нечтаси ўртага пул ташлаб, турли корхона ва фирмалар ташкил этишиб, ишсиз юрган ёшларни жалб қилиб, турли касб-хунарга ўргата бошлайди. Иш билан таъминланган одамлар ҳалол меҳнатлари сабабидан рўзғорини бемалол тебратиб, энди қўни-қўшни, маҳалла-қўйдаги одамларга ҳам ёрдамга утишади. Улар юритаётган фирмаларда ишлаб чиқилган товарлар: нон, булочка, пиширик ва ширинликлар — оқ қанд, новвот, печак қанд ва конфетлар, макароннинг ҳар турлиси, оддий, аммо пишиқ матодан тикилган хилма-хил бежирим кийим-кечаклар кам таъминланган оилаларга арзон нархларда сотилади. Ростдан ҳам қандай яхши!

Бу гап тез орада бутун республикага тарқалди. Халқ саховатпеша тадбиркорлар қўпайсин деб, дуо қилди. Ахир эндигина мустақилликни қўлга киритган давлатда одамларнинг турмуш тарзи оғир бир аҳволда эди-да. Собиқ шўро ҳукумати халқни эмас, ўз манфаатини ўйлаб, республикани хонавайрон этган, бутун бойликларини талон-торож қилиб, мамлакатни жар ёқасига келтириб қўйганди. Миллатнинг руҳи тушиб, эртанги кунига ишончи пучга чиққан-



ди. Ўзбекистон Президентининг танглик давридаги сиёсий етакчи сифатида қилган энг катта иши руҳан тушкун ва ўзига бўлган ишончини йўқотган миллатга умидини қайтариб бергани бўлди. Бундан руҳланган, энди ўзини озод бўлган миллатнинг бир бўлаги деб билган ташаббускор, илмга, касбхунарга чаққон ёшлар қўл қовуштириб ўтиришдан амалий ишга ўтдилар: халққа мадад бўлиши, уларнинг оғирини енгил қилиш учун яхши бир ҳаракатга — кенг кўламли юмушга қўл урдилар. Тегирмон юргизмоқчи бўлганларга тегирмон, устахона очмоққа бел боғлаганларга асбоб-ускуна, новвойхона ташкил қилганларга ун, пишириқ цехи очиш иштиёқида юрганларга амалий ёрдам бериб, қўллаб-қувватлай бошлашди. Баъзилар ҳайрон: наҳот шундай халқпарвар инсонлар бегоналарга текиндан-текинга мадад кўрсатишса? Бу ташаббусга, хайрихоҳликка шубҳа ва гумонда бўлганлар кўнглида пайдо бўлган саволларига жавоб олишнинг пайига тушишди. Улар ўзаро келишиб, гапга сал чечанроқ Жавлонни элчи қилиб юборишди. «Иш билгунча гап бил» дейдиганлар тоифасига кирувчи Жавлон шериклари уни танлаганига бироз кўрсайганича, Хўжаободдан йўлга чиқди.

— Мен қассобхона очмоқчиман, қандай ёрдам берасизлар? — деди бекорчиларнинг бири, замоннинг зайли қайси томонга ўзгараркин деб ҳамон бир ишнинг бошини тутмаган, туман марказидаги чойхонада ўтган-кетганга луқма ташлаб, ўзича доно маслаҳатини аямайдиган Жавлон тадбиркорлар гуруҳининг етакчиси олдига келиб.

— Шаҳардаги қассобхоналаримизда бир ҳафта ишлаб малака оширсангиз, тартиб-қоидаларни ўргансангиз яхши бўларди. Шундан кейин сизга мустақил ишлаш анча осон кечарди.

— Уларнинг ишини кузатдим, қандай ишлаётганини билиб ҳам олдим. Бунинг устига, тоғам раҳматли бир умр қассобчилик билан шуғулланган. Ёшлигимда у-бу юмушларига қарашиб турганим учун қассобчиликка анча-мунча ақлим етади. Тоғам ўлими олдидан дадамга шу жияним касбимни эгалласа яхши бўларди, деб тайинлаган экан. Билмадим, дуо кетганми, ҳеч ишим юришмади. Ахийри, васиятни бажаришга азм қилдим.

— Жуда тўғри қарорга келибсиз. Шаҳар айланиб, бизга қарашли гўшт дўконларининг ишини кўрган бўлсангиз, ҳўш, маъқулми, сизга?

— Демак, сиз берган пул қарз, уни маълум бир муддатда, яъни келишган вақтда қайтараман. Қарздан қутулгач, ҳар ой топган фойдамдан йигирма фоиз улуш тўлаб тураман. Шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Тушунмадим, солиқ идораси каби сизларга ҳам ҳисобот топшириб тураманми? — пешанасини тириштирди Жавлон.

— Йўқ.

— Унда мен берган пул қилган фойдамнинг йигирма фоизи эканлигини қаердан биласизлар? — деб сўради бўлғуси тадбиркор масаланинг тагига етиш учун.

— Ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

— Сездирмасдан кузатиб юрасизларми? — деди шартта гумондорлар вакили.

— Йўқ.

— Бегона одамларни юбориб, савдо-сотигимдан хабардор бўлиб турасизлар. Топдимми?

— Йўқ?

— Солиқ идорасидагилар сизнинг агентингиз бўлади. Улар ҳисоботимдан сизларни огоҳ қилиб туради. Ана энди топгандирман! — деб хурсандлигини яшира олмади Жавлон.

— Йўқ.

— Ҳа, бўлди-бўлди. Банкдагилар билан доимий алоқада бўласизлар. Улар қанча пул топшираётганимни айтиб беради. Қарабсизки, ҳамма нарса равшан. Хўш, мўлжалга аниқ урдимми? — дея гердайтиди бу гал жавоб топганига ишонган «тадбиркор» сирли иршайиб. — Ҳм, жим бўлиб қолдингиз? Топқирлигимни тан олгингиз келмаяптими?

— Йўқ.

— Нима, йўқ?

— Бу сафар ҳам тополмадингиз, — дея хотиржам жавоб қилди мезбон.

— Э-э, бас қилсангиз-чи, рад қилишни? Булиши мумкин эмас, — бирдан хуноби ошиб кетди Жавлоннинг. — Ёш бола памлаяпсизми мени? Кўринишим шунақа, аммо йигирма саккизни уриб қўйганман. Ҳамшаҳарларингизга ўнлаб ишхоналар очиб берганингизни эшитдим. Бироқ шунча одамларнинг фаолиятини назоратсиз қолдириб бўларканми? Мени алдолмайсиз. Албатта, кимдир текшириб турса керак. Балки, бу сирдир? Лекин мен ўзаро

ишончга каттагина пулни таваккал қилиб бериб юборишларингга ишонмайман. Тоғам раҳматли одам қанча пул топса, ақли ҳам шунга яраша бўлади, дерди.

— Тўғри таъриф берибди тоғангиз. Энди сизни қийнамай, гапнинг очигини айтиб қўя қолай. Эътирозингиз ўринли, бизнинг ишонган кузатувчимиз бор.

— Ана айтмадимми, барибир, зимдан иш олиб борасизлар деб? Лекин анча пайтгача «йўқ, йўқ» деб роса тинкамни қуритдингиз. Ҳозир бировга биров ишонадиган замонми? Хуш, қани айтинг энди, ким у кузатувчингиз?

Ҳаракат ташкилотчиларидан бири, узини Баҳром Ҳотамов деб таништирган шахс кўрсаткич бармоғини юқорига қаратди. «Иш бошловчи» аввалига нима гаплигини тушунмай, шифтга қаради. Тепада бирор нарса кўзга ташланмади. Кузатув камералари деган гапларни эшитганди. Шунақа мослама қўясизларми, деган саволга ҳам рад жавобини олгач, Жавлон елка қисиб, бақрайган нигоҳларини қўли очиқ, халқпарвар деб овоза қилинаётган тадбиркорга тикди. Баҳром бармоғини янаям тепага кўтарди. Жавлонга энди етиб борди ва «Худоми?» деганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Албатта! — деб тасдиқлади Баҳром.

— Э, қойил сизга, — дея мийиғида кулиб қўйди Жавлон. — Энг зўр кузатувчингиз бор экан. Бироқ одамлар Худодан қўрқмаса, сизни бемалол чув тушириб кетса бўларкан-да.

— Булади.

— Яхши. Унда уйдагилар билан маслаҳатлашиб жавобини айтаман. Раҳмат сизга, танишганимдан хурсандман.

Жавлон шундай деб, хайрлашиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Кейинги кунларда бу каби суҳбатларнинг кўп-лигидан Баҳром деярли аҳамият бериб ўтирмади. Аммо ҳар замонда ногоҳ эсига тушиб қолса, нега келмадийкин, алдаб кетиш нияти бўлган-у, бироқ виждони уйғониб, фикридан қайтдимикин, деб ажабланиб қўярди. Кейин адашган бир бандани тўғри йўлга солишда, балки сабабчи бўлгандирман, деган хаёлга бориб, ўзича қувонди: «Муҳими натижа-ку.»

Олдинга қўйилган мақсадлар бирин-кетин амалга оша бошлади. Ёрдам олганлар сони кундан-кунга ошар, улар чин виждон билан ишлаганлари боис ўртада тупланаётган маблағ ҳам кўпайиб борарди. Игитлар энди болалар боғчаси очишди, мактабга боришга қийналаётган баъзи ўқувчиларни оталиққа олишди. Секин-аста айрим қийналган талабалар учун қўшимча стипендия ҳам беришни йўлга қўйишди. Бу ишлар, албатта, мақтовга лойиқ эди. Вилоят ҳокимлиги мутасаддилари бу ибратли тадбирларни бошқа жойларга ҳам ёйиш кераклиги хусусида ўйлаб, тадбиркорларни республика миқёсидаги семинарга юборишди. Андижонлик ишбилармонларни телевидение орқали кўрсатишганда, ҳамманинг ҳаваси келди.

Шундан кейин ҳаракатга қўшилиш истагини билдирган ёшлар кўпайди, водийнинг барча вилоятларидан, ҳатто пойтахтнинг ўзидан ҳам одамлар келиб, тажриба ўрганиб кета бошладилар. Анча машҳур бўлган тадбиркорлар шаҳардан каттагина бинони ишхона сифатида ижарага олдилар. Ана энди улар ўзларини ҳақиқий ишбилармонлардай тутиб, келувчиларни чиройли хоналарда, бир пиёла чой ёки қаҳва билан кутиб оладиган бўлишди. Ўзининг ҳисоб-китоб бўлимига, ҳуқуқшуноси ва маслаҳатхонасига эга ташкилотнинг аҳоли ўртасида обрўси ошиб борар, ижобий фикрлар қўшни қирғизистонлик йигитларни ҳам қизиқтириб қўйган эди. Улар катта кучга айланиб бораётган ҳаракат аъзолари билан аста-секин ҳамкорлик қилишга киришдилар, бизнес соҳасидаги алоқаларнинг йўлга қўйилиши Хитойдан келтириладиган асбоб-ускуналарнинг Қирғизистон орқали ўтишини тезлаштирди. Ҳаракатга аъзо тадбиркорларнинг Қорасув бозорида эмин-эркин савдо қилиши таъминланди.

Кунларнинг бирида олтишини қоралаган барваस्ता киши Баҳромнинг офисига кириб келди. Унинг кўриниши ва юриш-туришига қараб илгари каттагина мансабларда ишлагани, димоғдор бўлгани, ҳозир эса нафақада эканлигини билиш унчалар қийин эмасди. Нотаниш кишига қисқароқ таъриф берилса, отдан тушса ҳам эгардан тушмаган одам сингари таассурот қолдирарди.

— Мен Қудратилла Хонтўраевич бўламан! — деди хонага бир-икки қадам босган меҳмон жарангдор овозда.

Урта ёшлардаги Баҳром кўпни кўрган, бошидан анча-мунча «кўргилик»ларни ўтказган, вазиятга қараб муомала қиладиган, умуман олганда, катта-кичикнинг кўнглига йўл топишнинг ҳадисини олган киши эди. Бироқ меҳмонни жини суймадими, ё бирор бошқа сабабми, ўрнидан туриб ўтирмади, ўзини муҳим бир маълумотни ёзаётганга солиб, қўли билан ўтиришга жой кўрсатди. Орадан бироз ўтгач, котибани чақириб, қўлидаги қоғозларни унга берганидан сўнггина меҳмонга юзланди. Куттириб қўйгани учун узр ҳам сўрамади.

Қудратилла Хонтўраевич буларнинг барини сезиб, қалбидан ўтказиб тураркан, ишдан бўшаб кетганига афсус қилди. Олтмишга кирса нима қилибди, ҳали белида қуввати, билагида бир йигитнинг кучи бор эди. Кетаман деса, ҳокимнинг дарров розилик бергани-чи? Одатда, номига бўлса-да, «Ишлаб турсангиз бўларди, сизнинг тажрибангиз ёшларга асқадади» дейиларди. Худди оғзини пойлаб тургандек, шартта аризасига қўл қўйиб берса-я. Ариза ёзма са бўларкан, ана ўшанда мана бунга ўхшаган, бугун чўнтагига бир-икки сўм пул тушиб гердайишни бошлаган жўжаҳўрозларга қабулига келган одамларни қандай кутиб олишни яхшилаб тушунтириб қўярди. Лекин, нафсиламрини айтганда, ўша катта лавозимларда ишлаб турганда ўзи ҳам хонасига келувчи нотаниш кишиларни худди шу йўсинда қабул қилган-ку, нима, ёдидан чиқдими? Қайтар дунё деб шунга айтсалар керак-да? Аммо у ўзидан юқори вазифаларда ишлаганларни икки букилиб таъзим қилганча кутиб олган. Обру-эътиборини, ҳурматини

жойига қўйган. Иззат-икром билан кузатиб ҳам қўйган. Лекин мана бу кўзини ёғ босган йигит ўзидан каттани назар-писанд қилмаяпти. Нима, бир марта телевизорда намуна қилиб кўрсатишганига шунча мағрурланияптими? Нима қилса экан бу зумрашани, а?

Қудратилла Хонтўраевич жуда аччиқланди. Алами гезарган юзига тепчиб чиқди. Яхшиям ўғлини қабулхонада қолдириб киргани, бўлмаса, ноқулай аҳволга тушганини сездириб қўярди. Кейин жаҳл устида қаттиқ гапириб юборарди ёки шарт ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетарди. Кўпни кўргани, турли вазиятларни бошдан кечиргани қўл келди, бўлмаса, фарзандини олдига солиб бошлаб кирганда... Хайрият, хаёлида кечган кўнгилсизликларнинг олди олинди.

Аслида, ҳозирги вазият зарда қиладиган, тукилган обрўсини тиклаш учун тортишадиган, аввал ким бўлганини эслатадиган пайт ҳам эмасди. Қудратилла Хонтўраевич ҳаммасини бир амаллаб ичига ютди-да, «Хўш, нима юмуш билан ташриф буюрдилар?» дея кўзларига тикилиб турган Баҳромга юзланиб, мақсадидан сўз очди. Бироқ бўғзининг бир четида қолган баъзи сўзлар, барибир, тилига илиниб, ташқарига отилди.

— Пешонангизни тириштирмасангиз ҳам бўлади, мен айримларга ўхшаб қарз сўраб келганим йўқ, — дея гап бошлади Қудратилла Хонтўраевич иложи борича мулойимроқ гапиришга тиришиб. — Ниятим кенжа ўғлимга новвойхона, сомсахона ва кичикроқ ошхона очиб бериш. Буларнинг ҳаммаси



учун пулим-ку, етарли, аммо иш ўрганиши учун сизларга қўшилса, дегандим. Ўқишга киришни истамаяпти. Билмадим, ким маслаҳат берган, ишлайман, менам тадбиркор бўламан, ошхона очиб беринг, уни ўзим юргизаман, деб қўймаяпти. Боланинг шаштини қайтаргим келмаяпти.

— Жуда соз! — деди етакчи мамнуният билан. Аммо шу заҳоти афти яна тундлашди. — Лекин болангиз бизнинг ишончимизни оқлармикан?

— Ўзи шуни истагандан кейин, ўйлайманки, сизларни уялтириб қўймайди.

— Сўраганинг айби йўқ, ўғлингизга нима ҳалолу нима ҳаром эканлигини ўргатганмисиз? — Баҳром меҳрибон отага яна нигоҳларини қадади.

— Бу нима деганингиз? — дея Қудратилла Хонтўраевич ўрнидан сал қўзғалиб қўйди. Бирпас кутди саволига жавоб бўлишини, аммо етакчидан садо чиқмагач, гапини давом эттиришга мажбур бўлди. — Қайси ота фарзандига тарбия бермайди. Тўғри юр, биров билан уришма... шунақа деб гапирганмиз ахир.

Баҳром мужмал жавобдан оилада тарбия қанақа бўлганини фаҳмлаб бўлди. Бироқ Қудратилла Хонтўраевичга кўнглидан ўтган баъзи саволларни беришдан ўзини тия олмади.

— Қудратилла ака, сиз шаҳримизда ўзига яраша обрў-эътиборга эга инсонсиз.

«Ҳаҳ, зумраша, охир тан олдинг-а, кимлигимни!»! дея ўйлай бошлаган Қудратилла Хонтўраевич сал қаддини тутиб ўтирди.

— Узингизга тўқсиз, бировга асло муҳтожлигингиз йўқ.

«Ҳа, шундай, еганим олдимда, емаганим ортимда», дея қўлларини кўкрагига чалиштирди Қудратилла Хонтўраевич.

— Менга қарз бериб тура оласизми? Масалан, бир ойга, маълум бир фоиз билан қайтариш шарти билан, албатта.

Қудратилла Хонтўраевич қўлларини стол устига туширди. Мақтов жуда тобида бўлганиданми, паст кетишни истамади.

— Қанча?

— Беш минг, кўкида.

— Устидагиси-чи?

— Беш фоиз.

— Кам. Ўн фоиз бўлса, уйлаб кўраман.

— Унда мен ҳам ҳисоб-китоб қилай-чи, тўғри келармикан?

Баҳром ҳалол-ҳаром масаласида етарлича тушунчага эга бўлди ва суҳбатни яқунлашни лозим топди.

— Бўпти, бу масалада алоҳида хабарлашамиз. Ҳа, сал бўлмаса ёдимдан кўтарилай дебди, мен атай ўғлимни бошлаб келганман, бир суҳбатлашиб кўрсангиз бўлармиди, — деди ўрнидан тура бошлаган Қудратилла Хонтўраевич.

— Исми нима ўғилчанинг?

— Низом.

— Низомиддин бўлса керак?

— Ҳа, шунақа. Лекин паспортига Низом деб ёздирганмиз. Ёки... Низомалимиди?

— Бўлди, у ёғидан ташвиш қилманг, Низомиддинни ўзимиз тарбиялаб оламиз. Фақат икки ойга шогирдликка берасиз. Уни зўр иш бошқарувчиси қилиб, ўзингизга қайтарамиз. Келишдикми?

— Бўпти, келишдик.

Баҳром ана энди ўрnidан туриб, Қудратилла Хонтўраевични қўлтигидан олди ва қабулхонагача кузатиб қўйди. Бояги гина-кудуратни унутган Қудратилла Хонтўраевич ўглининг олдига ғоз юришини қилиб борди.

## XX. «НИМАДАН ТАШВИШДАСИЗ?»

Андижон шаҳар ҳокимининг ҳузурига Ички ишлар вазирлигининг Андижон шаҳар бошқармаси бошлиғи полковник Эсонали Эралиев кириб келди. У ҳоким жанобларига бир неча йиллардан бери фаолият юритиб келаётган Тадбиркорлар ҳаракатининг кенгайиб, аста кучайиб бораётганидан ташвишда эканлигини айтди.

— Бунинг нимасидан хавотир оляпсиз?

— Орган ходимларини менсимаслик ҳолатлари рўй бермоқда, — деди полковник Эралиев ҳокимнинг саволидан кейин мақсадини очикроқ баён қилишга ўтиб. — Тартибга чақирилса...

— Ноқонуний аралашув бўлаётгандир-да, — полковникнинг гапини бўлди ҳоким. Унинг зимдан ташлаган нигоҳидан бу масаладан хабари бор эканда, деган маънони уқиш мумкин эди.

— Бир бизни эмас, солиқ ходимларини ҳам жеркиб гапираётганмиш, — полковник ҳокимнинг

сирли қарашидан сергак тортиб, вазиятни кенгроқ тушунтира бошлади. — Бунақада улар... талтайиб кетишлари мумкин.

— Талтайиб дейсизми? Ҳокимият бизми ёки уларми? Қани айтинг-чи, нимадан хавотирсиз ўзи? Очироқ гапираверинг. Мен сизга ишонганим учун ўрнингизга одам қидираётганим йўқ, — деди ота-боболари раис ўтган, одамнинг ичидаги гапни билиш учун турли усуллар қўллашни яхши ўзлаштириб олган ҳоким. Унинг назарида отилган ўқ мулжалга аниқ текканди.

— Ҳали бирор жиддий салбий ҳолат юз бергани йўқ, одамлар уларни қўлаб-қувватлаб, шаънига яхши гапларни айтишяпти. Аммо замон нотинч. Динни ниқоб қилиб олган газандалар ҳамма жойларда изғиб юришибди.

— Тўғриси айтинг, доля беришмаяптими?

— Тушунмадим, бу нима деганингиз? — полковник дабдурустдан берилган саволдан ўнғайсизланиб, беихтиёр сийрак сочли бошини силаб қўйди.

— Очирчасига гаплашайлик дедим-ку, — ҳоким унинг бир тиришган пешанасига, бир қисила бошлаган кўзларига тикилди.

— Мен бунақа ишлар билан шуғулланмайман.

— Балки солиқнинг бошлиғи ранжиб юргандир? Тилингиз бир эмасми, мабодо?

— Йўқ.

— Балки прокуратурадагилар илтимос қилгандир, бу масалани кўтаришни?

— Йўқ. Аммо улар ҳам комплекс назорат ўтказишга қарши эмас. Ҳушёрлик юзасидан бўлса, ёрдам берамиз дейишяпти.

— Демак, бошқарма бошлиқлари масалани ўзаро муҳокама қилиб бўлгансизлар. Энди бу нарсадан ҳокимиятни огоҳ қилиб қўйсанглар, бўлди. Шундайми? — дея ҳоким полковникнинг кўзларига тикилди.

— Андижоннинг тинчлиги учун ҳаммамиз масъулмиз, ахир, — аниқ жавобдан моҳирлик билан четлаб ўтди полковник.

— Албатта. Бу борада энг катта жавобгарлик сизнинг зиммангизда!

— Шундай экан, фаолияти кенгайиб бораётган айрим тадбиркорларни назорат қилиб туриш фойдадан холи бўлмайди. Улар ҳар қандай текширувлардан норози бўлиб, дарров ҳокимиятга мурожаат қилишлари мумкин.

— Ҳокимиятдагилар эса уларнинг шикоятларига қулоқ тутмай, сизларни қўллаб-қувватлаши керак. Шундайми? Гап бу ёқда денг, ўртоқ полковник! Миллий хавфсизлик хизмати қандай фикрда? Бошламоқчи бўлган режангиздан хабардорми?

— Билишимча, хавфсизлик ходимлари ҳам зимдан кузатув олиб боришяпти. Аммо мақсадларини очиқ айтишмагани учун бирор нима дея олмайман.

— Нега зимдан кузатишади? Бунга бирор сабаб борми? — деди ҳоким қошларини туташтириб.

— Хабарингиз бўлса керак, тадбиркорлар ҳаракатининг етакчиларидан бири Баҳром Ҳота-

мов аввалига «Хизбут-таҳрир» деган диний оқимга аъзо бўлиб, бироз муддат қамалиб чиққанидан сўнг тавба қилган шахслардан бири. Бироқ 1999 йил 16 февраль кунги пойтахтдаги терактда иштироки борлиги учун яна узоқ муддатга қамалиб кетган. Унгача Қорасувга тез-тез қатнайди-ган бўлиб қолганди.

— Бу сизнинг маълумотингизми ёки махсус хизматникими? — деб сўради ҳоким ўрнидан туриб, полковникнинг қаршисидан жой оларкан.

— Бизда ҳам бор бу фактлар, — қоғозга тикилиб жавоб қилди полковник.

— Баҳром Хотамов деганингиз айби борлиги учун қамалган бўлса, бордир. Аммо ҳамма тадбиркорлар ҳам унинг ортидан эргашиб кетмаётгандир? Одамларга фойдаси тегаётган, қўшимча иш ўринлари яратиб, ёшларни жалб қилаётган ишбилармонларга кўпам халақит беравермаслик керак. Президентимиз адашиб нотўғри йўлга кирган, аммо ақлини таниб, тавба қилган қанчадан-қанча инсонларни кечириб юборяпти. Агарда улар бундан тўғри хулоса чиқариб, жамиятга нафи тегаётган бўлса, аксинча, униб ўсиши учун кенгроқ имкон яратиб беришимиз лозим. Бироқ, атрофдагиларга хавф-хатар туғдирса, турли оқимларга қўшилиб уларга хизмат қилаётган бўлса, бу бошқа гап. Шошма-шошарлик қилиб иш кўриб бўлмайди. Одамларнинг милиция ҳақидаги тасаввурларини ёмон томонга эмас, балки янада ижобий тарафга ўзгартириш ҳақида ўйлашингиз керак.

— Анжон халқи бизни ҳурмат қилишади.

— Ана шу ҳурматни йўқотманг, деяпман-да, уртоқ полковник.

— Албатта. Ҳа, айтгандай, солиқ бошлиғи Эргашали Ўзанбоевич билан бирга келгандик, у киши қабулхонада кутиб турибдилар. Ижозат берсангиз, чақирардим.

— Уролов билан ҳам яккама-якка гаплашаман, — деди ҳоким суҳбатга якун ясаб.

Полковник «тушунарли» дегандай ноилож ўрнидан турди. Янги ҳоким билан хайрлашар экан, у кишида қандай таассурот қолдирдим экан, деб уйлай кетди. Вилоят солиқ инспекциясининг бошлиғи қабулхонага уйчан ҳолда чиқиб келган полковникка нигоҳи тушиб, хаёлида қайтариб турган гапларини унутди. Назарида, Эсонали Эралиевнинг тарвузи қўлтиғидан тушган эди. «Нима гап бўлдийкин? Каттиқ танбеҳ эшитдимикин-а? Балки ишдан кетгандир? Яхшиям уни биринчи киритиб юборганим. Аччиқ-тирсиқ гап эшитганки, шумшайиб турибди. Демак, энди менинг навбатим. Ишқилиб, ўз оёғимиз билан келиб, ариза ёзиб кетмасак бўлди».

Кўнғироқ жиринглади.

Котиба аёл гўшакни қулоғига тутгач, «Хўп бўлади», деди ва ҳамон ўрнидан қўзғалишга иккиланиб турган Эргашали Уроловни ичкарига таклиф қилди. Полковник ишхонада бўлишини ишора қилиб, қабулхонани тарк этди. Костюмининг этагини пастга бир тортиб қўйган Эргашали Уролов эшик тутқичига қўл узатди.

— Хуш, сизнинг ташвишингиз нимада? — сўради шаҳар ҳокими Сиддиқали Ўктамалиев Солиқ инспекцияси бошлиғини ўтиришга таклиф қилганидан сўнг.

— Тадбиркорлар масаласидами? — деди Эргашали Ўролов масалага ойдинлик киритиш мақсадида.

— Ҳа, айнан шу хусусда.

— Ҳозирча иккитасини текширувдан ўтказган эдик, даромадни яшириш фактлари аниқланди. Биттаси тўлади, аммо иккинчиси, судга берақол, сенлар билан ўша ерда гаплашаман, деяпти.

— Нима сабабдан шунақа деяпти? — ҳоким инспекция бошлиғига куз қирини ташлади.

— Биз нотўғри текширув ўтказибмиз.

— Яъни?

— Яъни... биринчидан, ноқонуний, иккинчидан, хулоса чиқаришга асос бўлган ҳисоб-китобларимиз нотўғримиш, — деди инспекция бошлиғи кўчада тарқалган овозани такрорлаб.

— Эътирози ҳақми?

— Текшириш ўтказиш ҳақида буйруқ бор. Демак, қонуний. Корхонада давлатга тўланмаган солиқлар мавжудлиги аниқланди, демак, хулосамиз тўғри, — дея гапини исботлашга уринди Эргашали Ўролов олдидаги папкани очаркан.

— Ҳалол ўтдимиз текширув?

— Ҳа-а, — дея ғалати тарзда жавоб қилди инспекция бошлиғи.



— Мен сиздан текширув ҳалол ўтдими, деб сўрадим!

— Шундай...

— Аниқ жавобингиз борми-йўқми? — кўрсаткич бармоғи билан столни дуқиллатди ҳоким.

— Текширув ноқонуний бўлмади.

— Қанча пора олдингиз?

— Менми?

— Балки сиз, балки ходимларингиздан бирортаси. Ҳуш, гапиринг!

— Хабарим йўқ.

— Ўзим айтайми?

Эргашали Ўролов боя полковник бекорга шумшайиб чиқмаганини энди тўлиқ тушуниб етди. «Аризангни ёз!» деган. Ҳозир худди шу гапни менга ҳам айтса керак. Ҳоким шаҳарнинг бугунги ҳолатини яхши биледи, деганлари тўғри шекилли. Бекорга сўрамаяпти ҳалол ўтдими деб. Менимча, пора олган ходимимиз ҳақида эшитган. Қайта-қайта сўраяптими, демак, тадбиркорлардан аллақачон шикоят тушган. Вазиятни яхшилаб ўрганиб, битта-битта чақиртираман, деб ўйлаган-у, биз ўзимиз келиб... нотўғри қилдик-ов. Ёки бир ҳисобда яхши бўлдимикин? Кенгаш аъзоларининг олдида шарманда қилгандан кўра, ҳар қанча гапи бўлса, ўзи айтгани маъқул. Демак, келиб тўғри иш қилибман».

— Ҳа, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидай, орамизда нопок ходимлар учраб туради. Ана шундайлардан бири тадбиркорлардан унча-мунча улуш олиб тураркан. Аммо бизга бу тўғрисида маълумот келиб тушгандаёқ уни ишдан бўша-

тиб юборганмиз, — деди Эргашали Үролов гапи ишончли чиқиши учун узини хотиржам тутиб. Шундай қилмаса, ёлғон гапираётгани билиниб қоларди, негаки, уша порахур ходим, умуман ва-зифасидан четлатилмаган, унга нисбатан фақат огоҳлантириш берилган эди, холос.

— Шундайми?

Назарида, мана шу савол ортиқча бўлди. Ҳоким нима гаплигини аниқ биледи ёки атай мулжалга оляпти. Нима қилса экан? «Ҳа, шундай» деса, ҳоким шу заҳотиёқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясига телефон қилдириб, чора қурилган-қурилмаганини билиб олади. «Мен бунга ҳозирок аниқлаштираман» деб айтса, шубҳа туғдириши мумкин. Оббо, жуда қийин аҳволда қолди-ку. Чунтақларини қидириб даструмолчасини топди ва тер боса бошлаган пешанасини артаркан, «Менга ишонмаяпсизми?» дейишдан бошқа гап тополмади. Шу саволига берилган жавоб унинг тақдирини ҳал қилади. Янги ҳоким олдида мавқеини сақлаб қолади ёки ундан айрилади. Нега жим бўлиб қолди? Тезроқ гапирса-чи.

У кута бошлади. Бунга сари ҳоким сукут сақлашда давом этарди. Юраги хижил бўлиб, тоқати тугай бошлади. Нега пичоқсиз сўйяпти? Ундан кўра «Сенам аризангни ёз!» деб кўя қолмайдими? Жим туриши нимаси? Ёки айбини тан олишини кутяптими? Узр, ёлғон гапирдим, мени кечиринг, дейишга мажбур қилмоқчимми? Эргашали Үролов авваллари вилоят ҳокимининг олдидан чиққан туман раҳбарларининг уйига бориб юрагини чангаллаб қолгани, кейин эрталабга бориб-бормай ёки ши-

фохонада жон бергани ҳақидаги кўнгилсиз хабарларни эшитган эди, албатта. Айни шу пайтда ўша марҳумлар туғрисидаги нохуш воқеалар ҳаёлидан ўтса бўладими? Демак, раҳбарнинг уришиши шарт эмас, саволга жавоб бермай чиқариб юборишининг ўзи етарли. Қандай хулосага келганини билолмай, юрагинг сиқилиб адойи тамом бўласан. Ўйлайверганингдан қон босиминг ошиб, уйга ё етиб борасан, ёки йўлдаёқ...

— Ташаббус кимдан чиқди? — деб бирдан сўраб қолди ҳоким.

— Тадбиркорларни текшириш ҳақидами? — дея олди аранг Эргашали Ўролов. Унинг кўнгли сизди ишда қолганини ва шундагина юзларига сал қон югурди. Энди ўзини қўлга олса бўлади. Аллақачон қуруқшаб қолган лабларини дастрўмолига артди, енгил тин олди. Бироздан кейин ҳокимга қарашга ўзида куч топа олди.

— Ҳа, айнан шу хусусида.

— Умуман олганда...

— Чайналмай очиқ айтинг.

— Махсус хизматдагилар сўрагани.

— Нимани?

— ЧПси бор-йўқлигини.

— Балки «топинг» дейишгандир?

— Ҳақиқатни билмоқчи экан.

— Улуш олиб турадиган ходимларингиз ўз айбини беркитиш учун тадбиркорларга тегишли корхоналарни ипидан игнасигача текширишяпти. Шундайми? Хўш, бу ишга вилоят прокуратураси ҳам аралашганми?

- Комплекс текширувда вакили бор.
- Миллий хавфсизлик хизматидан-чи?
- Йўқ. Уларнинг савол-жавоби алоҳида.
- Яхши, сизга яна бир карра имкон бераман.

Ишингизни давом эттираверинг. Аммо ҳар бир ҳодисадан мени хабардор қилиб турасиз. Шахсан ўзингиз, тушунарлими?

— Хўп, бўлади. Сизга садоқат билан хизмат қилишга сўз бераман.

— Тадбиркорлар фойдасига шерик бўлаётган порахўр ходимларингизни эски число билан бўшатиб қўйишни унутмаган бўлсангиз керак?

Энди жойидан қўзғалган Эргашали Уролов на қаддини ростлашни, на қайтиб жойига ўтиришни билмай, букилган ҳолатда туриб қолди. Нимадир демоқчи бўлди, лекин овози чиқмади. Ҳокимнинг «Бўпти, чиқинг хонадан!» деган гапи қулоғига эшитилгандан кейингина, қуллуқ қилиб чиқиб кетди.

## XXI. ТЕРГОВ ВА ҚАМОҚ

Шаҳар прокурори қўлига яна бир «дело» тутқазилди. «Мунаввар тонг» хусусий корхонасида ўтказилган текширув натижаси каттагина хатжилдга жойланган эди. Прокурор охирги хулосага кўз югуртирди: эллик уч миллион тўрт юз йигирма минг сўмлик маҳсулот бухгалтерияда ҳисобга киритилмасдан сотувга чиқарилган. Реализация қилинган товарлардан тушган пул ҳам кирим қилинмаган. Даромад яширилган ва ушбу суммадан давлатга солиқ тўланмаган. Корхона раҳбари Олимжон Тўйчиев

бунда менинг айбим йўқ, бухгалтер ва экспедиторнинг узаро тил бириктириб қилган иши, деб кўрсатма берган. Корхона бош ҳисобчиси Сайидхон Абдумуминов ва экспедитор Собиржон Турахоновлар айбини бўйнига олиб, тушунтириш хати ёзган. Бухгалтерия ҳужжатларида корхона раҳбари Олимжон Тўйчиевнинг имзоси бўлмаса-да, унга нисбатан чора қўриш лозим деб ҳисоблайман.

— Нима учун? — дея шаҳар Солиқ инспекцияси ходими ва прокуратура терговчисига юзланди бошлиқ.

— Улар ўз раҳбарларини жинойӣ жавобгарликдан қутқариб қолиш учун барча айбларни бўйинларига олишяпти, — деб жавоб қайтарди терговчи. — Корхонада миллион-миллион сўмлик товар сотувга чиқиб кетади-ю, директор билмайдими? Масалан, мен бунга асло ишонмайман.

— Сиз менга тушунтирманг, ҳурматли терговчи. Асос келтиринг, асос! Қани ҳужжат? Айбини исботлайдиган бирор асосингиз борми? Шундоқ ҳам ўн иккитасини қамоққа олишга розилик бердим. Сиз эса яна ўша важни кўрсатиб, қўшимча вақт сўрайсиз. Одамларнинг норозилиги кучайиб бораётганидан хабарингиз борми? — шаҳар прокурорининг овози аста кўтарилиб борди. «Дело»ни олдига ташлагач, кўрсаткич бармоғини эшик томонга чўзди. — Эрталабдан қабулимга киришмоқчи бўлиб навбат кутиб турганларга кўзингиз тушдими, йўқми?

— Биз нимаики бўлса, ёзиб беряпмиз, қолганини суд ҳал қилсин, — деди терговчи «бизга ҳам

осон булаётгани йўқ» деган мазмунда. — Агар айб-  
сиз бўлишса, қўйиб юборишсин. Салкам икки ойдан  
бери оворамиз ахир.

— Иқбол ака, — дея сал мулойимлашди шаҳар  
прокурори Кунтемир Жиянқулов, — ишлаётган  
бўлсангиз, ўз вазифангизни бажаряпсиз. Менинг  
уйимга бориб хизмат қилаётганингиз йўқ. Ёшин-  
гизни ҳурмат қилса, ҳаддингиздан ошманг. Тад-  
биркорларни нега текширяпсизлар деб сўраётганим  
йўқ сиздан. Айби бўлса, исботланг деяпман. Шун-  
дай тажрибали ходим, ишни осонгина судга ағдариб  
ўтирганингизни қаранг.

— Бундан ортиқ нима қилайлик, ахир? Бирин-  
гиз у дейсиз, бирингиз, бу дейсиз. Қилган ишимиз  
ёқмаса, алмаштиринг бўлмаса, — негадир асабий-  
лаша бошлади Иқбол Мамажонов. Дарҳақиқат, у  
бошлиғидан ўн ёшларча катта бўлиб, эллик олтини  
уриб қўйганди. Калта сочлари ва мўйлаби деярли  
оқариб кетганиданми, бемалол олтмишдан ошган  
деса ҳам бўлаверарди. Бунга кўникиб кетган тер-  
говчи ҳеч кимга эътироз ҳам билдирмайди.

— Яхши, шу ишни охирига етказинг, кейин  
алмаштириш масаласини ўйлаб кўрамиз, — деди  
шаҳар прокурори бу гал бўшашмай. — «Дело»ни  
қолдиринглар, ўзим яна бир карра кўриб чиқаман.

— Гапингизга тушунмадим, — деб сўради Иқ-  
бол Мамажонов прокурорнинг гапидан ташвишга  
тушиб. — Текширувдан кейин нима кераги бор ал-  
маштиришнинг? Агар ниятингиз бўлса, ҳозир, шу  
бугуноқ буйруқ чиқаринг!

Сухбат кескин тус ола бошлаганини пайқаган шаҳар Солиқ инспекцияси ходими Жумабой Иминов ўзини ўнғайсиз сеза бошлади. Гапга аралашай деса, прокурорнинг «Сиздан ҳеч ким сўрагани йўқ!» деб бақриб қолишидан чўчиди. Индамай ўтираверса, Иқбол аканинг асаби бузилиб, нохуш ҳодиса рўй берадигандай туюлди. «Нима қилай, ёрдамга ўтайми?» деган маънода шеригига куз қирини ташлаб, бошини билинар-билинемас қимирлатиб қўйди. Айна шу пайт прокурор сўраб қолди:

— Яна қанча вақт чўзмоқчисизлар қолган корхоналарнинг текширувини?

— Рўйхатга янги-янги корхоналар қўшилиб турса, аниқ бир муддатни айта олмайман, — деди жим ўтиришдан қутулган Жумабой Иминов дадиллик билан.

— Яна қанақа рўйхат? — ўзини бу нарсадан хабарсиз тутди шаҳар прокурори.

— Миллий хавфсизлик хизматининг кўрсатмаси билан текширишни давом эттиряпмиз-ку, — дея бу гал терговчи жавоб қайтарди. Унинг таажжубланганича ҳам бор: наҳот, шаҳар прокурори бу нарсадан беҳабар бўлса? Ўзини тутишига қараганда шунақага ўхшайди, аммо ҳақиқатда-чи? Ўйин қилаётган бўлмасин тағин. Шу каби гумонларга борган Иқбол Мамажонов ичида тошиб келаётган галаён — тўлқинни босишга қурби етмади. — Гапни ўзингиз очдингизми, энди эшитинг, прокурор жаноблари: сизнинг кабинетингиз олдида навбат кутишса, кечкурун менинг эшигим олдида одамлар келишимни пойлаб туришибди. Деразамнинг ойна-

ларидан бутуни қолгани йўқ. Битта-иккита сурларини милиция чақриб, зўрға ҳайдадим. Иши судга оширилганларнинг таниш-билишлари дўқ-пўписа қилиб кетишяпти. Шу пайтгача индамаган эдим. Аммо энди айтаман, раз алмаштироқчимисиз, ҳозироқ масалага нуқта қўйинг. Кейин-пейини йўқ. Менга ҳам тинчлик керак.

Шаҳар прокурори терговчидан бундай гапни кутмаган шекилли, бир зум нима дейишни билмай қолди. Кейин ўзини қўлга оларкан, «Масъулиятдан қочяпсизми?» деди айбни ўзига ағдариб. Прокуратура терговчиси тутақиб кетди. Шарт ўрnidан турди-да, стол устидаги оқ қоғозни олиб, нималарнидир тез-тез ёза бошлади. Прокурорнинг: «Иқбол ака, ҳозир аччиқ-тирсиқ қиладиган пайтми?» дейишига қулоқ ҳам солмади.

— Мана аризам! Кадрлар бўлимига учрашиб жавобини оларман, — деди ва бошқа гапирмай, хонани тарк этди.

— Нима бало, бугун чап томони билан турганми? — дея терговчининг ортидан сўз қотди шаҳар прокурори. Кейин Солиқ инспекцияси ходимига юзланиб, гапида давом этди. — Ёки бу ерда мен билмаган бирор сир борми?

— Билмадим, кайфияти ёмон эмасди, — деб аниқ жавобдан қочди ўттиз беш ёшлардаги, туладан келган, буғдойранг Жумабой Иминов.

— Ростдан ҳам зуғум қилишдимикин?

— Иқбол ака алдамаса керак.

— Қани, айтинг-чи, мана бу ердаги фактлар ҳаммаси ҳаққонийми? — шаҳар прокурори Жу-



мабой Иминовнинг кузларига тикилди. — Исботдалили билан миҳланганми?

— Бош ҳисобчи билан экспедиторнинг иқрори суд учун етарли. Лекин... корхона раҳбарининг жавобгарликдан қочиши адолатдан эмас. У ҳам судга тортилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

— Ростдан ҳам хабарсиз бўлиши мумкин-ку?

— Бунақа катта суммадаги маҳсулотлар бошлиқнинг рухсатисиз омбордан чиқарилмайди.

— Балки ўғирлангандир?

— Бу ҳақда милицияга ариза тушмаган, шунингдек, талон-торож ҳақида ҳам хабар берилмаган. Демак, мансабдор шахслар ўзаро тил бириктириб иш кўришган, — дея ишонч билан гапирди солиқ идораси ходими.

— Яхши, «дело» билан ўзим яхшилаб танишиб чиқаман, натижасини эса, кейин хабар берман. Майли, бўшашманг. Иқбол ака билан бироздан сўнг ўзим гаплашаман. Ҳозир қизишиб тургани учун ортиқча гап қилгим кемади.

— Бир нарсани сўрасам майлими? — ўрnidан турган жойида савол берди Жумабой Иминов.

— Албатта.

— Биринчи марта иқтисодий жиноятлар содир этган корхона раҳбарлари, агарда яширилган даромад солиғини тўлашса, уларни қамаш шарт бўлмаса керак.

— Жиноятнинг оқибатига қарашса керак.

— Оқибати маълум-ку, кўпроқ фойда олиш.

— Текшириш тугасин-чи, ҳали бу ҳақда гаплашармиз, — деди шахар прокурори қўлидаги соатига куз ташлаб.

Ҳаммаси тушунарли. Вақт масаласига эътибор қилиндими, бас, бошлиқнинг зарур иши бор ёки қаргадир шошяпти. Суҳбат тамом, дейиш шарт эмас, тушунган одамга. Жумабой Иминов ноилож эшик томон юрди. Унинг анчагина саволлари бор эди. Бироқ... майли, кейинги сафар булса, кейинги сафар-да. Шаҳар прокурори билан қанча кўп гаплашса, шунча яхши, яқинроқдан танишиб олади. Балки қалин дўст тутиниб олар.

\* \* \*

— Текширув тугагунча шаҳардан четга чиқмаслик ҳақида огоҳлантирмаганмидим сени? — деб сўроқни бошлади вилоят Миллий хавфсизлик хизмати ходими, капитан Соибжон Жўрамирзаев бирдан топилмай қолган Алижон Исроиловни махсус хонага олиб киришганидан сўнг. — Гапир, нега индамайсан?

— Йўқ.

— Ёлғон гапирма. Умумий кўрсатма олгансан! Хўш, гапир, ўтган ҳафтанинг охириги кунлари қарда эдинг? — деди капитан Соибжон Жўрамирзаев суҳбат ёлғондан бошланганига аччиқланиб. — Бошқа алдашга уринма. Мен буни кечирмайман, тушундингми?

— Тошкентга бориб келдим, — деб бу гал очигини айтди Алижон. Чунки у махсус хизмат вакиллари ҳақида ернинг тагида илон қимирласа билди, деган таърифни кўп бора эшитган, улар билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш ҳақида ҳам огоҳлантирилган эди. Бундан ташқари, кўча-кўйда уни Тошкентга

кетаётганини кўрганлар бўлиши мумкин. Ростдан ҳам ёлгон гапдан нима фойда.

— Тинчликданми, ишқилиб? — анча хотиржам савол берди капитан.

— Бир танишим қизини турмушга узатаётганига ош берди. Шунга бориб, ҳам табриклаб, ҳам ҳолаҳвол сўраб келдим, — деди Алижон ҳам бамайлихотир. Аммо сўзининг охирида негадир нигоҳларини олиб қочди.

— Шу холосми?

— Яна нима? — бирдан хушёр тортган Алижон капитаннинг кўзларига қаради.

— Мен сендан сўраяпман, — деди овозини сал кўтарган капитан.

— Тўғриси айтяпману.

— Унда давом эт. Қулоғим сенда, Исроилов.

Узи тенгқур, яъни ўттиз ёшлардаги Алижон Исроилов шаҳардаги тадбиркорлар ҳаракатининг етакчиларидан бири, соҳага оид ҳақ-ҳуқуқ ва қонун-қоидаларни яхши билгани боис, «юрист» деган лақаб орттирган, аммо бу мурожаатдан унинг жаҳли чиқмас, аксинча, сафига қўшилаётган йигитларга ёрдами тегаётганидан хурсанд эди. Ростини ҳам жуда кўп масалалар у орқали ҳал қилинарди. Баҳром қамалганидан кейин у деярли йўлбошчи эди. Андижон педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган йигит мактабда узоқ йил ишламади. Бир таниши очмоқчи бўлган фирмага кўмаклашди-ю, махсус юридик ҳужжати бўлмасда, ҳуқуқ масалалари бўйича аввалига маслаҳатхона, сўнгра кичик корхона ташкил қилди. Мустақиллик-

дан кейин тадбиркор булгиси келди, шаҳарда энди иш бошлаган Баҳром исмли йигит билан танишиб, бирга ҳаракат қилишадиган бўлди. Икки ой деганда ичишни, чекишни ташлаб, бип-бинойидек одам бўлди-қолди. «Халолликда гап кўп, фақат буни яхшилаб тушуниб олишимиз керак. — деганди иккинчи марта учрашганларида Баҳром уни деярли ўзига яқин олиб. — Биз шунча йил алданиб яшадик ўриснинг қавмида. Худога шукур, энди озод бўлдик, унинг ўткир панжасидан. Улар бизни не кўйларга солишмади, динимиздан, маданиятимиздан, энг асосийси, жонажон тилимиздан жудо қилишига сал қолганди-я. Аллоҳ ота-боболаримизнинг нолаларини эшитди, биз ожиз бандаларига раҳми келди: халқимизга мустақилликни қайтариб берди. Хўш, энди сиз билан менинг асосий вазифамиз нимадан иборат? Бу машъум кунларни бошидан ўтказган, шунга қарамай оқ-қорани танишга улгурган зиёли инсонлар сифатида бир асрдан зиёд зулм ва жафо кўрган одамларга ёрдам қўлини чўзишимиз, букилган қаддини ростлашга кўмаклашишимиз керак. Президент бошлаган илғор ғояларга таяниб, шаҳримиз иқтисодиётини кўтаришга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Қуриб-билиб турибсиз, одамларнинг руҳи чўккан, эртанги кунга ишончи у даражада эмас. Бу мустақиллик вақтинчалик нарса, ўрис ўз ҳолимизча яшашга қўйиб қўярмиди, дегувчилар орамизда тикилиб ётибди. Уларнинг кўзини очишга, онгининг ўсишига, ҳалол-ҳаромнинг фарқига боришига бел боғласак, ўйлайманки, андижонликлар доим олдинги сафда бўлишади. Бу эзгу иш, дўстим. Агарда то-

мирингизда оташнафас шоир Чулпоннинг, шерюрак Бобурнинг, чор Россиясининг зулмига қарши бош кўтарган Дукчи Эшоннинг қонидан заррача оқаётган бўлса, менинг истакларимга қўшиласиз. Балки биз жуда бойиб кетмасмиз, оламшумул ўзгаришлар қила олмасмиз, аммо атрофимиздаги бева-бечоралар, етим-есирларнинг оғирини сал бўлса-да, енгил қилолсак, уларга беминнат ёрдам беролсак, ўйлайманки, халқ бизларни унутмайди. Доим эслаб дуо қилиб туришади. Дуода эса гап кўп, биродар. Элюртнинг дуосига нима етсин. Зора, шунча йиллик гуноҳларимиз кечирилиб, ёруғ юз билан шарафли ўлим топсак».

Алижон бирор марта масжидга чиқмаган, тўймаъракаларда ҳам бу каби даъватларни эшитмаган эди. Шу дамда куйга сеҳланган илондай қаршисидаги инсоннинг гап-сўзларига маҳлиё бўлиб қолган, қалби диний-маърифий таълимотдан йироқ бўлса-да, нечундир эриб, занглаган эшиклар аранг-аранг очилаётганини ҳис эта бошлаганди. Ҳар замонда бошини қимирлатиб кўярди, аммо бу беихтиёр рўй берар, бирор нима дейишга, эшитганларига муносабат билдиришга ақли ожиз эди. У ўзини анча сергап, бир нарсани тушунтиришга кўп вақт ва маълумот сарфлайдиган, каттагина ҳуқуқий билиму салоҳиятга эга киши деб санар, бундан, ҳатто сал-пал фахрланиб ҳам юрарди. Бироқ мана бу янги танишининг олдида анча нарсаларни, айниқса, одамлар тақдири, уларнинг дардига малҳам бўлиш, юрт келажаги учун жон куйдириш, иқтисодини яхшилашга ҳисса қўшиш, охир-оқибат, хайрли ва савоб

ишлари эвазига халқдан дуо олиш, унинг эътиборига сазовор бўлиш борасида ҳали ҳеч вақони билмас экан. Тарихни синчиклаб ўрганаверибди-ю, бу сингари олийжаноб ишларга етакчилик қилиш хусусида ўйлаб ҳам кўрмабди. «Жуда таъсирли гаплар. Ана, ҳақиқий фуқароман, деган одам қандай улуғ ишлар билан шуғулланиши керак. Мана, ватанпарварлик! Мана, шижоат! Мана, Чўлпондек халқ дарди билан яшаш ва курашиш».

Ўша куни Алижон уйига бутунлай бошқача одам бўлиб қайтди...

— Нега хаёл суриб қолдинг? Ёки ҳақиқатни қандай айтиш ҳақида ўйлаяпсанми? — Алижоннинг ортига ўтган капитан унинг елкасига қўлларини ташлади.

Бунақанги суҳбатни шунчаки бўлмаслигини жабр тортган шерикларидан эшитган Алижон бир сесканиб тушди. Хаёлини йиғиб, хавотир билан елкаси оша капитанга нигоҳ ташлади.

— Қанақа ҳақиқатни сўраяпсиз? — деди сўроқ беришга келганини тўлиқ англаб етаркан.

Алижон ўзини қўлга олиши кераклиги, бу ердаги қўрқув ёки тортажак азоби ҳисобига охиратда қийрот-қийрот азму савоблар, юксак мартабалар берилажагини ўйлаб, бирдан чўкиб кетган қаддини ростлаб ўтирди. Саволга савол билан жавоб қайтаришининг боиси, аслида шунда эди.

Капитан Соибжон Жўрамирзаев мийиғида кулиб қўйди. Исроиловни учига чиққан туллак сифатида сўкиб, попугини пасайтирмақчи бўлди. Аммо «юрист»ни негадир аяди.

— Эрталабки ошдан чиққач, қаерга бординг?

Алижон бор гапни энди беркитишнинг фойдаси йўқлигини тушунди. Булар пойтахтга хабар берган, у ердагилар эса ҳар бир қадамини кузатишган. «Баҳром ака билан учрашганимни билишади, қўлида аниқ фактлари борлиги учун ҳам гапни айлантирмай, шартта-шартта савол беряпти. Ҳа, булардан беркитиқча бирор иш қилиб бўлмайди. Лекин... мен айлантириб кўрсам-чи? Балки шунчаки нишонга олаётгандир?»

— Балки ўзингиз айтарсиз, мен унчалик эслай олмаяпман. Тошкент жуда ўзгариб кетибди. Анчадан бери бормаганим учун адашиб ҳам кетдим.

— Аммо Баҳром ётган қамоқхонани янглишмай топиб бординг, бировдан сўраганинг ҳам йўқ, — деди капитан гапни чўзиб утирмай.

Алижон миллий хавфсизлик ходимлари хусусида янглишмаганига амин бўлди: улардан сир беркитиб бўлмайди, ернинг тагида илон қимирласа билишади. Демак, турган гапки, Андижондан чиқиши билан унинг изига тушишган. Балки, Баҳром билан бўлиб ўтган суҳбатдан ҳам хабарлари бордир? «Ҳа, иккиланмасам ҳам бўлади. Суҳбатни эшитишган, албатта».

— Устоз отангдек улуғ, дейишади. Бир пайтлар иш ўргатган ахир, — Алижон борини айтишга мажбур бўлди. Чунки қамоқдаги учрашув хоналарига яширин микрофон қўйилади, деган гапни эшитган эди. Шунинг учун қўйилиши мумкин бўлган айбни оғирлаштирамаслик мақсадида сафар натижаларини борича ошкор қилди. — Бордим, кўрдим, ортга

қайтдим. Тонг саҳарда уйимга бостириб кириб, қўлимга кишан солишди. «Қаерга?» десам, «Борганда биласан» дейишди ва олдийизга олиб келишди.

— Баҳром билан нима ҳақда гаплашдинг? — деб сўради жойига келиб ўтирган Соибжон Жўрамирзаев нимагадир энди ўзини анча бемалол тутаётган Алижон Исроиловнинг кўзларига тик боқиб.

— Ҳол-аҳвол сўрадим, холос, — деди Алижон Дехқонов капитандан нигоҳини олиб қочмасдан.

— Яна?

— Бор гап шу.

— Мен билан ади-бади айтишма, «юрист». Ёлғон гапнинг оқибати ёмон бўлади, деб сени огоҳлантирдим!

— Биламан, сизларнинг қўлингизга тушган одам соғ чиқмайди.

— Нима учунлигини ҳам биласанми? — деди пешанасини Исроиловнинг пешанасига тираган капитан унинг ёқасидан олиб.

— Фарқи йўқ-ку.

— Нега энди, жудаям фарқи бор. Биз бунақа жойда иллоти бор кимсаларнигина сўроқ қиламиз. Бундай кимсалар ташқи кўринишидан одамга ўхшаса-да, аммо разиллиги ва жирканчлиги, туз еб турган тузлиғига тупуриши билан оддий, ҳалол-пок одамлардан ажралиб туради. Уларни бекорга манқуртга ўхшатишмайди. Ўзининг мустақил фикри йўқлиги сабабли, ким нима деса ишонаверади, бўйнидан етакласа, қаршилиқ қилмай кетаверади. Бундайларни сўроқ қилиб, вақтни ўтказишнинг фойдаси йўқ, аслида, аммо ичларингда ҳали бутунлай ақлини



йўқотмагани, адашиб нотўғри йўлга кириб қолганини англаганлар бормикин, деб ўйлаймиз-да, Исроилов. Нариги хонада куни кеча Қирғизистонга бориб келган биродарларингдан яна бири сўроқ беряпти. Эшитишимча, у ёқда сизларнинг маслаҳатгўйларинг бормиш. Майли, аста-секинлик билан бунинг тагига етамиз. Ҳозирча, сен ўзингдан гапир. Аслида, сенинг ҳаракатингни тушунса бўлади, бошқа жойга эмас, тўғри устозингни олдига бординг, унга бўлаётган воқеаларни гапирдинг, энди нима қиламиз, деб маслаҳат солдинг. Бу табиий, шогирдлар ўз устозидан йўл-йўриқ сўрайди, кейинги режаси учун кўрсатма олади. Мен бу ишингни қораламоқчи эмасман. Балки сенинг ўрнингда бўлганимда, менам шунақа йўл тутардим. Ана энди, айт-чи, Баҳром Ҳотамов нима дейди?

Алижон мийиғида кулиб, калласини қимирлатиб қўйди. «Гап олиш йўлини қара, — деди ичида. — Ҳамма нарсани билиб турибди, атай менинг оғзимдан эшитишни хоҳлаяпти. Негаки, бу ердаги гапсўзлар ёзиб олиняпти-да. Ўз гапимни эртага ўзимга қарши ишлатишади. Ҳа, шайтонга дарс беради булар. Туллакликка ҳам ўқитишармикин-а?»

— Агарда қамоқда ётган бир инсонни бориб кўриш айб ёки қонунга хилоф бўлса, майли, қамай қолинг. Мен розиман, — Алижон шундай деб қўларини стол устига қўйди. — Нега қараб турибсиз, солмайсизми кишанни?

— Гапни айлантирингиз, Исроилов. Пихини ёрганлардан эканинг кўзларингдан шундоқ билиниб турибди, аммо бизни, барибир, лақиллатолмайсан.

Нима қонуний, нима қонуний эмас, ўзинг жуда яхши биласан. Агар гапиришни истамасанг, унда эртага давом эттирамин. Уч сутка ушлашга ҳаққим бор.

— Эртага бўлса, эртага-да.

— Яхшилаб ўйлаб кўр. Ҳали солиқчилар олдида ҳам баъзи ноқонуний ҳаракатлар учун жавоб беришингга тўғри келади. Кейин ишинг прокуратурага оширилиши ҳам мумкин.

— Буни айтиб қўрқитиш шарт эмас, ўртоқ капитан, шундоқ ҳам йигирматача тадбиркорларни ҳибсга олиб бўлдинглар. Сизлар бизнинг ривожланиб кетаётганимизни кўриб, бирдан ташвишга тушиб қолдинглар. Эртага одамларни ўз томонига оғдириб, ҳокимиятга интилиши мумкин, деб ўйла-яписизлар. Бизларни эса ҳокимият билан ишимиз йўқ, ҳеч қанақа оқимга ёки гуруҳга аъзо ҳам эмас-миз. Бизга иш керак, ҳа, иш. Илтимос, халақит қилманглар! Агарда давлатга солиқ тўлашда билиб-билмай хатога йўл қўйганлар бўлса, ҳаммасини қайтаришади. Лекин бошқа айб қўйманглар! Илтимос!

— Буни суд ҳал қилади, «юрист», — деди капитан Соибжон Жўрамирзаев.

— Суд нима-ю, сизлар нима? Ахир сизлар суддан ҳам кучли ташкилотсиз-ку.

— Сен нима деб ўйласанг, ўйлайвер. Аммо айбдор ёки айбсиз эканлигингни суд ҳал қилади. Лекин бугун сўроқдан бош тортганингни инобатга олиб қўяман.

Капитан шундай деб соқчини чақирди.

Кечаси билан ўйланиб чиққан Алижон, охиروقибат, капитан Соибжон Жўрамирзаевни қамоқхонадаги гап-сўзлардан хабари йўқ, мени шунчаки «пушка»га оляпти деган қарорга келди ва кеча у тўғрисида шошиб хулоса чиқарганига ўзини айблади. Учрашув жойига камера қўйилган бўлса бордир, аммо микрофон қўйиш мумкин эмас, ахир бу халқаро ҳуқуқ нормаларини бузиш дегани, шунинг учун яширинча ҳам ўрнатишмаган. Миллий хавфсизлик хизмати ходими, нима, ҳаммадан ақлли деганими? Улар ҳам билмайдиган нарсалар бўлади.

Алижон хаёлини йиғиб, капитанни синаб кўришга жазм қилди. Қани, ростдан ҳам Баҳром билан деярли пичирлаб гаплашган суҳбатдан хабардорми ёки ўзини биладигандай тутяптими? Агар фирромлик қилаётганини билиб олса, саволларга жавоб қилмай, «миқ» этмай ўтираверади.

— Кечаги жавобимда қоламан: бордим, кўрдим, ҳол-аҳвол сўраб ортимга қайтдим. Ўртамизда ортиқча савол-жавоб бўлмади.

— Қамоққа олинган шерикларинг ҳақида сўрамадими?

— Қизиқмадиям, — яна бамайлихотир жавоб қилди Алижон Исроилов.

— Нега, ахир шу ҳаракатнинг етакчиси-ку. Наҳот, Андижондаги вазият ҳақида билишни истамаган бўлса?

— Билмадим. Негадир мендан ҳеч нарса сўрамади.

— Алдама, деб огоҳлантирганман-а?

— Гапим рост.

— Сен ўзбекчани тушунасанми ўзи? Ёки бошқа тилда гапирайми? Сўроқ пайтида куч ишлатиляпти, тазйиқ ўтказиляпти, ҳар хил босим қилиняпти, деб сайрашни биласан, тўғрими? Аммо бунга ким мажбур қиляпти бизни, сен ва сенга ўхшаганлар. Саволларга аниқ ва тўғри жавоб қайтарсанг, ким сенларга қўл кўтаради? Ҳеч ким! Демак, устозингга Андижондаги вазият ҳақида ҳисобот бермадинг, Баҳром ҳам сенга ҳеч қандай кўрсатма ёки топшириқ қилмади? Шундайми?

— Ҳа.

Шу пайт сўроқ хонасига Алижон Исроилов танимаган ўрта ёшлардаги киши кириб келди. Сўроқ бераётган шахсга тикилганича, унинг қаршисидан жой олди.

— Эсладингми? — деди Соибжон Жўрамирзаев нотаниш кишига ишора қилиб.

— Қаердадир кўргандайман, аммо эслай олма-япман, дея мужмал жавоб қилди Алижон.

— Қамоқхона ёнидаги дўконда икки пачка сигарет сотган сотувчи шу киши бўлади. Энди эслагандирсан?

— Э-ҳа, ёдимга тушди. Бир блок беринг десам, «икки донага рухсат бор» деганди. Лекин тушунмадим, сотувчи нима қиляпти бу ерда? Ёки... мен билан гаплашгани учун аканиям сўроқ қиляпсиларми?

— Бу киши сен ўйлагандай оддий сотувчи эмас, Тошкентдаги ҳамкасбларимиздан бири, — деди Соибжон Элёр Одиловнинг ёнига келиб. Қирғизистондан қайтаётиб, сени кўриб ўтай деб атай

Андижонда тўхтабдилар. Буни қара, сўроқ пайтига тўғри келиб қолганини.

— Гувоҳнинг кераги йўқ эди, ахир борганимни тан оляпман-у, — дея бир Элёрга, бир Соибжонга ғалати қараш қилди Алижон Исроилов. У нотаниш кишининг ташрифи бежиз эмаслигини англаган эди.

— Баҳром билан ўрталарингда бўлиб ўтган гапни айтмаяпсан-ку, — Соибжон Жўрамирзаев ўткир нигоҳини Алижон Исроиловга тикаркан, кечагидай пешанасини пешанасига тиради.

— Нима, бу киши эшитибдими бизи гапимизни? Лекин ёнимда йўқ эди. Икки томонимга яхшилаб қараганман, мени алдолмайсиз. Агар ёлғон гувоҳлик бериш учун чақиртирган бўлсангиз, унда виждонига ҳавола. Шунини бошидаёқ айтиб қўявермайсизми, — дея бу сафар Соибжон Жўрамирзаевга ёвқараш қилди Алижон Исроилов. — Барибир бўйнингга айб қўяман, деб. Айтдим-ку, сизларни қўлларингга тушган одам осонлик билан чиқиб кетолмайди, деб. Ҳаммаси тушунарли, ҳеч иккиланмай қамоққа олишингиз мумкин. Лекин акани бекор овора қипсиз-да, ўртоқ капитан.

— Менга қара, намуноча кўп гапирасан-а? Бидилламай эшит, мана буни! — деди Элёр чўнтагидан сигарета қутиси чиқариб. Кейин унинг ичидан митти кассета сифадиган магнитофон олди ва керакли тугмани босиб, гумондорнинг олдига қўйди. Магнитофондан учрашув кабинасида бўлиб ўтган суҳбат эшитила бошлади:

« — Тадбиркор шерикларимизни қамоққа олиш бошланди. Нима қилишни билмай, бошимиз қотиб

қолди. Ниятлари ҳаммамизни панжара ортига жўнатиш, шекилли, — деди Алижон деярли пичирлаб.

— Нима айб қўйишяпти? — деб сўради Баҳром Хотамов.

— Доромадни яширганлик, давлатга солиқ тўлашдан бўйин товлаш.

— Бошқа жиноятлар йўқми?

— Диний экстремизм деган гап-сўзлар ҳам юрибди.

— Шундан қўрқиб турувдим.

— Лекин ҳали ҳукм ўқилгани йўқ. Йигитлар ҳам ҳеч қанақа оқимга аъзо эмасмиз деб, бир гапни такрорлаб туришибди.

— Уларнинг кайфияти қалай?

— Суди бўлаётганларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари терговчиларни ноҳақликда айблаб, суд биноси атрофидан кетмай қолишди. Нима дейсиз, уларни қўйиб юборишадими-йўқми?

— Менимча, суд уларни қамаш ҳақида ҳукм ўқийди.

— Шунақа дегин?

— Ҳа.

— Судьядан хабар олинглар. У ҳукм ўқимаслиги керак. Суд тугаб, ҳукм ўқиладиган кун тайинланса, менга аниқ қачонлигини хабар беринглар. Нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб кўраман. Келишдикми?

— Албатта.

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг, биродар. Бизда ҳам Аллоҳ йўлида иймонлар синаладиган пайтлар яқинлашяпти. Руҳингиз тушмасин, бошқалар-

га ҳам тайинланг. Одамлар суддан одиллик талаб қилишдан чарчашмасин. Қанча кўп кўчага чиқса, ашинча яхши. Гапларимни англадингизми, ўртоқ «юрист»!

— Ҳа,

— Бу нима, сигаретми?

— Икки донадан ортиқ беришмади.

— Ҳечқиси йўқ. Буни баъзи бир «буқа»ларга ҳадя қиламан.

— Унда менга рухсат.

— Ҳукм ўқиладиган кунни менга хабар бериш эсдан чиқмасин-а?

— Албатта!»

— Хўш, ёлғон кўрсатма бераётганингга иқроор-мисан? — деди Соибжон Жўрамирзаев лунжи осилиб кетган Исроиловнинг жағини кўтариб. — Тил-ёғламалик қилишни йиғиштир!

— Қизиқ, бу суҳбатимизни қачон ёзиб олишга улгурдиларинг? Лекин мен учрашув хонасида яширин камера ёки диктофон қўйилганини сезмадим-ку, — дея қаттиқ таажжубга тушганини яширмади Алижон Исроилов.

— Ҳамма нарсани билишинг шарт эмас. Фақат жиддий кузатув остида бўлганингни билсанг, етарли, Исроилов. Қани, тўғри ўтириб ол-да, саволларга жавоб бер! Марҳамат, ўртоқ майор.

— Баҳром нима учун судья ҳукм ўқимаслиги керак, деди? — Элёр вақти тифизлиги боис, аниқроқ билишга умид қилган саволларинигина бера бошлади.

— Ноҳақ ҳукм нега ўқилиши керак? Тадбир-корлар озод қилиниб, ҳақиқат рўёбга чиқсин, деган маънода гапирди, шекилли, — деди Алижон Исроилов тўрга илинган ҳашарот каби тақдирга тан берса-да, аниқ гапиришдан қочиб. У ҳамон суҳбат қандай ёзиб олингани ҳақида билолмай гаранг эди.

— Судья нишонга олинади, тўғрими? Аммо бу бизни тўхтатолмайди. Энди иккинчи савол: Баҳром, «Бизда ҳам Аллоҳ йўлида иймонлар синаладиган пайтлар яқинлашяпти», деди. Бу гапи билан нимага ишора қияпти?

— Шерикларимиз камаладиган бўлса, зонадаги қийноқларга чидасин, руҳи синмасин, бу азобларни Аллоҳнинг бир синови деб қабул қилсинлар, деган мазмунда тушундим, — дея уюша бошлаган бармоқларини силашга тушди Алижон.

— Менимча, Ингушетия ва Қирғизистондаги воқеалар назарда тутилган? Баҳром қамоқда ҳам жим ётмаётганга ўхшайди. Кейинги пайтларда тижорат мақсадида хорижий давлатларга чиқиб келаётган шерикларинг ҳам шубҳа уйғотяпти бизда. Қадам олишларинг бежо, — деди Элёр ҳамон ўша жиддий қиёфада. — Гапир, нимани режалаштиряпсизлар?

— Нималар деяпсиз, ўртоқ майор? Биз-а? Журъатимиз етармиди бирор ноҳуя хатти-ҳаракат қилишга? Жуда ошириб юбордингиз-ку. Ҳукуматга қарши чиқиб бўларканми? Мен бундай деб уйламайман. Қамоқда ётган одамнинг ундовига ким ҳам кўнарни. Дамини олсин!



— «Одамлар кўчага қанча кўп чиқса, шунча яхши» деган гапни сенга таъкид билан айтди. Бу нимага даъват? Кўзингни олиб қочмай, жавоб қил! — деди Элёр овозини бироз кўтариб.

— Судьяга таъсир қилиш учун шундай деди. Суд ҳайъати ваҳимага тушса, енгиллик бериб, кечириб юбориши мумкин, деган ўйда айтилди. Масалан, мен шундай тушундим. Бундан бошқа нимаям қўлларида келарди. Ҳеч бўлмаса, норозилик билдириб қўйиши керак-ку, жигарлари. Ахир одам қамалиб кетяпти. Томошабин бўлиб туришмайди, албатта.

— Демак, суди бўлаётганларнинг қариндош-уруғларини норозилик билдириш учун кўчага чиқармоқчисизлар. Шундайми? — Элёрнинг қўллари мушт бўлиб тугилди, бироқ ҳозирча ўзидан чиқиб кетадиган даражада қаҳрланмаган эди.

— Улар шундоқ ҳам суднинг биниси олдидан кетишмаяпти. Лекин кўриб турганингиздай, гинчгина ўтиришибди, уриш-жанжал, туполон йўқ. Андижонликлар сиз ўйлагандай, жуда жангари одамлар эмас. Тўғри, улар қизиққон, мушглашишдан қайтмайдиган, оғзидагини олдириб қараб турадиганлар тоифасидан эмас, анчайин сабр-тоқатли, борига чидам ва бардош қиладиган халқ. Сал нарсага қўлига эрк беришмайди. Лекин...

— Нима лекин?

— Кўлчилик, барибир, кўлчилик-да. Бирови у фикрда, бирови бу фикрда. Тушунчалари ҳам ҳар хил. Уларни бошқариш осонмас. Лекин Президентимизга ишонамиз, улар ноҳақликка йўл қўймайдилар. Халқнинг фикрини инобатга оладилар. Баҳром одамлар кў-

чага чиқиб, дардини Юртбошига айтсинлар, деган фикрда гапирди, холос. Бу ерда бошқа гап йўқ.

— Охирги саволим. Хукм ўқиладиган кунни билиш Баҳромга нима учун керак?

— Худди маши гапни менам билолмадим. Балки, кимлар қамалганини билиш учун айтгандир, — дея ўзини чарчаганга олиб аранг жавоб қилди Алижон Исроилов. — Балки рухсат беришса, судда шахсан қатнашишни ўйлаганми? Баҳром билан анчадан буён энди кўришдик, мақсадини англашда янглишган бўлишим мумкин. Лекин кутилмаган ишлар бўляпти, деб ўкинди. Ўзини ўтирганига-ку, ачингани йўқ, аммо йигитлар қамалаётганига...

— Хуш, нега тўхтаб қолдинг? — орадаги жимликни бузди деворга суяниб турган Соибжон Жўрамирзаев.

— Тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшишса-ю, «рахмат» эшитишнинг ўрнига қамалишса, алам қилади-да, ҳар қандай одамга.

— Тўғри ишлашса, ҳеч ким индамайди. Нафсни тийиш керак, нафсни! «Юрист» деб лақаб ортириб, кўча-кўйда керилиб юргунча, ҳалол ишлаш ҳақида, давлатнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик хусусида тушунтириш ишлари олиб бориш керак эди. Бу ерда сенинг айбинг ҳам йўқ эмас. Бунинг устига, Баҳром билан учрашиб, воситачилик қилиб юрибсан. Майор бекорга Қирғизистонга борганлари йўқ, сенлар алоқа қилиб юрган одамларнинг кимлигини билиб қайтптилар. Бу ҳақда иккимиз алоҳида гаплашамиз.

— Демак, қамокқа оларкансиз-да?

— Шунақа қилмасам, қочиб кетадиганга ўхшаяпсан! Сен сўроқ давомида ишончни йўқотдинг. Агар ёлғон кўрсатма бермай, бор гапни рўй-рост айтганингда эди, очикда юраверишинг мумкин эди. Балки ишингни прокуратурага ўтказмай, шу ернинг ўзида тўхтатиб қўярмидим. Начора, ўзинг истамадинг буни.

— Тушунмадим, менга нима айб қўймоқчисиз? — кўзлари катталашди Алижон Исроиловнинг.

— Ҳозир айтаман, аввал меҳмонни кузатиб қўяй, — Соибжон шундай деб кетишга тараддуд кўраётган Элёрни ташқарига бошлади.

Алижон Исроилов қочиш ҳақида имкон излай бошлади.

\* \* \*

— «Юрист»нинг гаплари ташвишли, — деди Элёр йўлакка чиққанларида.

— У бизни чалғитиш учун атай ваҳимали гапларни қалаштириб ташлади, — дея Алижоннинг гапларини деярли писанд қилмади Соибжон Жўрамирзаев. — Ҳибсга олиниб, суди бўлаётганларнинг ота-оналари ва бола-чақалари ҳукмдан норози бўлиб, бақириб-чақиришлари мумкин, аммо бундан ортиғига ярашмайди. «Юрист» ҳам биледи уларнинг кайфиятини, шунинг учун Қирғизистонни эслатганингизда «йўғ-э» деб юборди. Хавотирга ўрин йўқ, суд тугагач, ҳаммаси писиб қолишади, — дея янада ишонч билан гапирди Соибжон Жўрамирзаев.

— Назоратни буюштирамаслик керак. Бу ерда қандайдир ташвишли сигнал бордай туюляпти.

— Сигарет қутисига магнитофонни жойлаб яхши қилган экансиз. Ўзиям тилидан илинди-да, — дея ҳамкасбини алқади Соибжон. — Текширув хонасида сигарет қутилари яна ҳақиқийсига алмаштириб қўйилгани, Баҳромда ҳам шубҳа уйғотмаган. Чўткий ҳаракат қилгансизлар. Қойил. Энди бу ердаги вазиятни сизга тушунтирсам, суд биноси атрофида тўпланаётганларни милиция назорат қилиб турибди. Одамлар томонидан ҳеч қанақа нохушликлар, кўнгилсиз ҳодисалар, умуман кузатилмаяпти. Улар жимгина келиб, ўтириб-ўтириб қайтиб кетишяпти. Бор гап шу, холос.

— «Юрист»ни қочириб юбориш ҳақидаги режангизга қаршилиқ билдирмадим, аммо раҳбариятга бу ҳақда ахборот беришни унутманг. У шерикларига учрашмай, хорижга чиқиб кетишнинг пайига тушиши ҳам мумкин. Чегара постларига хабар берганингиз билан айланма, йўллар борлигини ҳам эсдан чиқарманг.

— Исроилов чет элга чиқиб кетмайди, у ёқда обрў-эътибор топмаслигини яхши билади. Ота-онасининг юзига оёқ босмаса керак, деб ўйлайман, — деди Соибжон кўз қири билан ертўла эшиги томон назар ташлар экан.

— Қочмаса-чи?

— Қамашга тўғри келади.

— Унда бегона одам киритиб, қочишга ишора қилсин, постдагиларга ҳам тайинлаб қўйинг, ўзаро гаплашган бўлиб туришсин. Бу ишларни ўзингиз ҳам биласиз-ку, ўргатиш шарт эмас, тўғрими?

— Тошкентда ишлаш, барибир, бошқача-да.

— Майли, омадингизни берсин, — Элёр шундай деб, хайрлашиш учун қул узатди.

— Яхши етиб олинг, — Соибжон қучоғини очди.

У меҳмонни кузатиб, хонасига кирганда, Алижонни кўриб хайрон бўлди, аммо буни сездирмаслик учун дарҳол сўроқни давом эттиришга киришди.

## XXII. МУДҲИШ РЕЖА

Шаҳар чеккасидаги уй. Шомдан кейин меҳмонхонада ўтирган саккиз киши ўртасида суҳбат бирдан бошланиб кетди. Аммо улар шунчаки кундалик турмуш ташвишларидан эмас, балки қандайдир мудҳиш бир режа хусусида гаплашаётган эдилар. Латиф уйдагиларни икки кунга Пахтаободга — қайнотасиникига жўнатгани сабабли, бу ерда хавотир оладиган кимса йўқ, бемалол суҳбатлашишга ҳамма шароит муҳайё эди. Бироқ, каттагина хонтахта атрофида йиғилганлар анойилардан эмас, уларнинг овози кўча тугул, ҳовлига ҳам эшитилмаяпти.

— Биродарларимиз қамалиб кетгудек бўлса, индамай қараб ўтираверамизми? — деб зарда билан гап бошлади Файзулла Шарипов уй эгасининг узатган пиёласини дастурхон четига «туқ» этказиб қўяркан.

— Нима қилмоқчисан?

— Ҳа, нима таклифинг бор?

Файзулла ёғилган саволлар қаршисида довдираб қолмади. У бир неча кундан бери ўйлаб юрган режасини ошқор қилишга киришди. Аввал шерикларининг қонини қайнатишни, кейин қаттиқ жаҳлини чиқаришни мақсад қилди. У одамларнинг нафсониятига тегмасдан, ор-номусини топтамасдан туриб, уларни жунбишга келтириш мушкуллигини яхши ўзлаштириб олганди.

— Нима, бизнинг қирғизларчалик ғайратимиз, йигитлик ориятимиз йўқми? Кўчага ўзимизни, қолаверса, ноҳақ жабр кўраётган биродарларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқа олмаймизми? Наҳот гапиришга ҳам қурбимиз келмаса? Нима, шунчалар ожиз инсонлармизми? — деди жўшиб, сўнг атрофдагиларга бир-бир назар солиб чиқди.

— Беш-ўнта кишининг ҳайқиргани нима бўларди. Ҳаммамизни битта машинага босиб, подвалга ташлаб қўяди, тамом-вассалом, — каттагина қандолат цехи бор Муҳиддин Орипов бироз ташвиш билан гапирди. — Озчилик билан иш битмайди.

— Судга тортилганларнинг қариндош-уруғлари билан-чи? — суҳбатга қўшилди Қўчқор Ниёзалиев.

— Барибир, кам.

— Унда, маҳалла-кўйни чақирамиз. Ахир қанча одамларга ёрдам берганмиз. Бошимизга ташвиш тушганда қараб туришмас, — бўш келмади Қўчқор Ниёзалиев.

— Нима қилмоқчимиз ўзи? — деди Муҳиддин Орипов.

— Худди шунинг маслаҳатига йиғилдик-ку, Муҳиддин, — суҳбат авжининг пасайишини иста-

маган Файзулла вазиятни қўлга олишга тиришди. — Намунча довдирайсан? Мен бу курашга ор-номусимизни тикишни таклиф қилсам-у, сен эса ҳамон иккиланиб ўтирибсан! Ўзингни қўлга ол, бўлмаса, кетсанг ҳам майли. Хафа бўлиш йўқ.

— Дарров жирилламай, мақсадингни айтмайсанми аввал, — бўш келмади Муҳиддин кўзларини чақчайтириб.

— Мақсадим, бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилиш, — тушунтиришга ўтди Файзулла тиззалаб ўтириб олганидан сўнг. — Ўтган сафар ёлғиз Аллоҳни ўртага қўйиб устозларимиз ва шерикларимизга ёрдам беришга қасам ичганларинг учун сизлар билан яна бир карра маслаҳатлашиб, қатъий режа тузиб олишни лозим топдим. Бу ерга йиғилишимиздан мурод-мақсад шу, холос.

Файзулла энг асосий гапни айтишга шошилмади. Негаки, Муҳиддин латтачайнарлик қилиб, кўнглида яна гумон пайдо қилганди. Қасам ичгани билан, барибир, ўзини жуда ғалати тутяпти. Ишончни сунистеъмом қилиши мумкин. Ўзи бошиданоқ хатти-ҳаракатлари унчалик ёқмаганди. Мана, охир-оқибат, мижғовлигига боряпти. Одам дегани ҳам шунақа без бўладими? Ҳайдасанг ҳам кетмайди-я? Ёки бир ишга дадил киришмайди, атрофдагиларни қўллаб-қувватлашда ҳам сусткаш. Нима қилса бўларкин, бу одамни? Шу бугун масалага нуқта қўймаса, эртаиндин суд тугаб, ҳукм ўқишга киришилади. Кейин фойдаси йўқ.

— Яна аши гаплар! — деди Муҳиддин қўлларини ёзиб. — Аниқ бирор таклифинг бўлса айт-

майсанми? Бу ишларга «юрист» яхши эди, масалани шартта кундаланг кўярди. Аммо ундан ҳам айрилиб қолдик. Энди сени ақлинг етса, йўл бошла, гапларинг ҳаммага маъқул тушса, ашинга қараб иш тутайлик.

— Аввал сизлардан эшитмоқчиман, — деди Файзулла атрофдагиларга нигоҳ ташлаб.

— Менга қара, Файзулла, саккиз одамдан саккиз хил фикр чиқади, — деди Қўчқор Ниёзалиев ўзини кўрсатиб қўйиш онлари келганини пайқаб. — Келинглар, бундай қиламиз: эртага суд ўз ишини тугатади, тўғрими? Кечаси судьянинг уйига бориб: «Агар қарорни ўқисанг, бола-чақангни ўлдириб кетамиз. Камига уйингга ўт қўйиб, кулини кўкка совурамиз!» деймиз. Ахир Баҳром ака бекорга «судьядан хабар олинглар» деб кўрсатма бермаган. У киши мақсадини очиқ айтмай, атай пардага ўраб баён этган. Яхшиям ўша куни Алижон билан гаплашиб олганим, бўмаса, кўп гапдан беҳабар қоларканмиз. Хўш, таклифим маъқулми?

— Агар Баҳром ака шуни назарда тутиб гапирган бўлса, жуда маъқул-да, — деди худди шу таклифни ўртага ташланишини кутиб турган Файзулла. Аслида, у бундан уч-тўрт кун аввал ҳисобчиси Обиджонга шунга ўхшаш гап қилганди. У Қўчқорни Обиджон билан яқин ошна эканлигини билар, айтганлари иккаласи ўрта-сида муҳокама бўлишига умид қилганди. Негаки, Қўчқор сал шошқалоқ, баъзида ўйламай ҳам гапириб юборадиган, давраларда ўзини кўрсатиш-



га интиладиган йигит. Бу ердагиларнинг энг ёши бўлишига қарамай, шижоатлиси менман деб ўйлар, бегона гапни агар эгаси ёнида йўқ бўлса, бемалол ўзиники қилиб айтаверади. Кетини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Дўппи жуда тор келган пайтлари, буни қара-я, фикримизнинг бир жойдан чиққанини, деб вазиятни ўзи томонга буришга уринарди, гапнинг очиги, савдода юравериб бунақа ишларнинг устаси фаранг бўлиб кетганди. У бу каби танг ҳолларда уддабуронларча иш тутаяпман, деб ўйларди. Мана, Файзулланинг у ҳақида ўйлагани тўғри чиқди, Қўчқор ўтинга олов тутди. У эса пуфлаб юборди, холос.

— Мана бу гапда жон бор! — қўшимча қилди боядан бери жим ўтирган оғирқарвон Султонали. У бу ерга тўпланган тадбиркорларнинг энг бақуввати ва ёши каттаси эди. Қирқ иккини уриб қўйган Султонали дарҳақиқат, полвонсифат киши эди. У, одатда, кам гапирар, суҳбатнинг охирларида бир ёки икки луқма ташлаб қўяр, аммо мана шу қисқа гапи билан ё мавзуга нуқта қўярди, ёки бутунлай жонлантириб, қайтадан баҳс-мунозарани бошлаб юборар эди.

— Демак, келишдик, шу бугун кечаси судьянинг уйига бориб, шарт қўямиз! — Темирни қизигида босди Файзулла. — Ҳамма розими?

Йиғилганлар таклифни маъқуллашди. Файзулла кейинги масалага ўтишдан олдин, иккинчи вариант сифатида нима усулни қўлаймиз, деб шерикларини ўйлантириб қўйди. Аммо Қўчқор кўпам бош қотириб ўтирмади.

— Яна қанақа иккинчи вариант? Агарда шартимизга кўнмаса, шартга отиб кетамиз, тамом-вассалом!

— Иш анча чуқурлашиб кетаркан-да, — деди Муҳиддин энди иккиланаётгандай хомуш тортиб.

— Юрак ютиб ўтираверамизми, унда? — гап ташлади норози оҳангда Файзулла. — Тадбиркорларнинг кимлигини кўрсатадиган пайт келмадимикин, оғайнилар? Менимча, ишлашни билган одам тишлашни ҳам билиши керак. Бизлар онгсиз инсонлар эмасмиз, истаган кўйига солишларига индамай қараб турадиган. Тўғрими гапим!

— Албатта, — ҳаммадан олдин жавоб қилди Қўчқор. — Агар арзимизга қулоқ тутишмаса, Президентга ёзишимиз керак... Нега етиб бормас экан? Мабодо бормаса, халқаро ташкилотлар бор, уларга муурожаат қилишимиз мумкин.

— Тўппа-тўғри. Мана шу жойда Қўчқорга беш кетдим. Жуда ақлли гап чиқди ундан, — деб ўрнидан туриб кетди Файзулла. Мақтовдан Қўчқорнинг ранг-руйи очилди. Файзулла нишонга урганига амин бўлди ва ҳаяжон билан гапини давом эттирди. — Мен ҳар эҳтимолга қарши инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган ташкилотларга хат ёзиб тайёрлаб қўяман, уларнинг юристлари билан маслаҳатлашаман. Ҳойнаҳой, улар бизга ёрдам беришса керак.

— Лекин жуда шов-шув қилиб юбориш ярамайди, — деди аста ваҳимага туша бошлаган Муҳиддин Орипов. — Эртага тинчгина ишлашимизни ҳам ўйлашимиз керак. Сен айтган идораларга

сенсация керак. Аммо амалда бирор фойдаси тегмайди, оловга керосин сепеди, холос. Балоба ўзимиз қоламиз.

— Муҳиддин ака, шу юрак билан қанақиб кўчада юрибсиз? — деди тиззалаб олган Қўчқор атрофдагиларнинг диққатини тортиб. — Файзулла акам тўғри айтди, ишлаган тишлайди, деб.

— Сен маҳмадона бу гапни қандай маънода тушундинг ўзи? — дея ҳовлиқма йигитнинг попугини сал пасайтириб қўймоқчи бўлди Муҳиддин Орипов.

— Тўғри маънода, — бўш келмади Қўчқор.

— Хўш, қани гапир-чи, унда?

— Яъни... яъни, меҳнат қилган одам унинг роҳатини ҳам кўриши керак. Ишига яраша ҳақ олиб...

— Э, калаварам, Файзулла умуман бошқа маънода гапирди. «Коса тагида нимкоса», деган матални эшитмаганмисан? У бекорга айтмади. Сен шошмасдан гапнинг тагидаги гапга эътибор қил.

— Жуда олас-да!

— Сура, ишонмасанг!

Қўчқор бирдан Файзуллага юзланди. Лабини қимтиб турган Файзулла ноилож мақсадга кўчди: қўшни қирғизларнинг «жасорат»ларини бекорга эсламаганини, жуда ночор қолишса, жанжал-тўполон кўтариб, намоёиш қилиш кераклигини, бу ҳақда қамоқдаги Баҳром ҳам алоҳида кўрсатма берганини очик айтди.

У қаердадир ва кимлар биландир (буни ҳозирча сир тутишни лозим топди) режалаштирган ишларини бир ўзи амалга ошира олмаслигини билгани

учун ҳам аста-секин мақсадга яқинлашиб келарди. Бу борада Қўчқор унга жуда қўл келаётган эди. Муҳиддиннинг эҳтиёткорлиги бор, аммо шерикларини сотадиган номардлардан эмас. Шунинг учун бугунги йиғинга қўрқмай таклиф қилди. Бундан ташқари, уртага ташланган фикрларга эътироз ёки қарама-қарши таклиф, асосан, ундан чиқади. Бу эса, кишини яна бир карра уйлаб кўришга ундайди.

— Лекин улар қўлига қурол олишмаган.

— Ким сенга қурол ҳақида гапирди? — деди Султонали дабдурустан.

— Жинни бўлдингми, Қўчқор? Нималар деб валдираяпсан? — шундоқ ҳам ўзини игнанинг устида ўтиргандай сеза бошлаган Муҳиддин Ориповнинг кайфи учиб кетди. — Қанақа қурол? Бу ерда оддий намойиш ҳақида гап кетяпти, холос.

— Бу билан ҳеч нарсага эришолмаймиз, — дея уртага гап ташлади Файзулла тушкун ҳолатда.

— Тушунмадим, бу билан нима демоқчисан? — деб сўз қотди Муҳиддин Орипов. Бу пайтга келиб унинг хавотири росмана кучая бошлаган эди.

— Қўчқорнинг гапида жон бор, керак бўлса, қўлга қурол олиб, ўзимизни ва ноҳақ қамалган ёки қамалиш арафасида турган дўстларимизни ҳимоя қилишимиз лозим, — деди бу сафар анча жонланган Файзулла. У Обиджон томонидан Қўчқорнинг қулоғига етказилган «жанговар» гаплар бирин-кетин чиқиб келаётганидан хурсанд эди. Обиджонни эса билгандай мажлисга чақиртирмади: Қўчқорнинг ташаббус кўрсатиши учун шароит керак. Сухбатнинг бошиданоқ мақтовга бурканган Қўчқор вазият-

дан жуда «унумли» фойдаланаётган эди. Ҳисобчи Обиджонни дўст фаҳмлаб, ундан эшитган ва «орамизда қолсин-а» дея таъкидланган гапларни таклиф сифатида бемалол ўртага ташлаб, Файзулладан бошқа ҳамманинг кўнглига ғулғула солишга улгурган ҳам эди. Улар ҳайрон: Кўчқорга нима бўлди? Бугун чап тарафи билан турганми? Мабодо бошқа бир ашаддий экстремистик гуруҳга аъзо эмасмикин? Балки Қирғизистонга бориб юрганда бирортаси билан танишиб қолгандир? Ҳойнаҳой, ана ўшаларнинг таъсирига тушиб, дўст тутингандир? Бундай гумон хонтахта атрофида ўтирган деярли барчанинг кўнглидан кечган, бироқ гапиришга келганда, ҳеч ким «миқ» этмай, бир-бирларига қараб қўйишдан нарига ўтишмаётган эди.

— Сизларга нима бўлди, ўзи? — деб бир Файзуллага, бир Кўчқорга нигоҳ ташлади Муҳиддин Орипов. — Нима бало, келишиб олганмисизлар? Ҳукуматга қарши чиқиб бўлармикан?

— Нима бўпти?

— Шу беш-ўн киши билан-а?

— Чапаев ҳақидаги кинони кўргансиз-а, — деди Файзулла Муҳиддиннинг олдига ўтиб, ёнидан жой оларкан. — Ана ўша фильмда бир эпизод бор, яъни Чапаев командир сифатида жангчиларининг олдига тушиб, душман томонга биринчи бўлиб от чоптиради. Бундан руҳланган аскарлар олға бошишади. Рақибга яқинлашган сари командир аста жангчилар ичига сингиб кетади, бора-бора охирига ўтиб олади. Бу яхши тактика. Одамларни бирор ишга бошлаш учун ўнлаб бошлиқ керакмас. Иста-

ган биттамиз оломонни бошқаришимиз мумкин. Фақат уларга йўл кўрсатилса, нима қилиш кераклиги айтилса, бўлди. Намойишга чиққан одам ҳеч қачон ақл билан иш кўрмайди, ҳис-ҳаяжони кучайган пайтда жасорат кўрсатиш туйғуси устун келиб, «ур!» дейилса, уриб кетади, «ёқ!» дейилса, йўлида дуч келган нарсани ёқиб юборади. Қирғизистондаги воқеаларни ҳаммамиз кўрдик-ку. Халқни кўчага олиб чиқиш ва жунбишга келтириш керак. Асосий иш шу! Қолганини айтиб турилса бас, оломоннинг ўзи бажараверади. Агарда қўлимизга қурол олган тақдиримизда ҳам, мелиса бизга қарши бирор нима қила олмайди. Негаки, атрофимиз тўла одам бўлади. Ҳукумат эса оддий одамларга ўқ узмайди.

— Бу ёғи жуда қизиқ бўлди-ку! Сен бола, нималарни режалаштираяпсан ўзи? — деб ғалати бир аҳволда савол берди Султонали.

— Гап шу ерда қолишига Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичинглар, мен сирни ошкор қилай, — деб Файзулла унга кўз тикиб турганларга нигоҳ ташлади.

— Ҳадеб қасам ичаверарканмиз-да, — деди келганидан буён жим ўтирган Олчинбек кенг пешанасини тириштириб. Ўшлик ўзбеклардан бўлган бу йигит андижонлик тадбиркорларга Қорасувдаги олди-берди ишларида ёрдам бериб, бутунлай ишончга кирган ва бу каби ўзаро ёки махфий йиғинларга ҳеч иккиланмай таклиф этиларди. Қирғизистондаги даҳшатли воқеа ва ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, оммавий намоёиш ва митинглар нима эканлигини жуда яхши биладиган, бу борада Файзуллага

маслаҳат ва кўмак бериб, сиёсий онгини ошираётган, ақлини чархлаётган устози, аслида, шу йигит эди. Бояги — одамларни кўчага чиқариш, уларни турли бузғунчилик ишларига йўллаш ҳақидаги гаплар ҳам Олчинбекнинг яқин ўртада айтган фикрлари эди. Файзулла бу йигитни ишбилармон деб билар, аммо хорижда ўзи каби ҳамтовоқлари борлигини, улар билан тез-тез алоқага чиқиб туришидан эса мутлоқо беҳабар эди. Бундай давраларда у камдан-кам сўз айтарди. Гапирганда ҳам олдиндан келишиб олишгандай Файзуллага қарши бирор нима дерди. Гоҳида ҳозиргидай эътироз билдириб қўярди. Бошқалар уларнинг тили бирлигини пайқашмас, аксинча, рақибларга ўхшатишар, шунданми, ишқилиб, икки ўртада жанжал чиқиб кетмасин-да, деб баъзида бир-бирларига хавотир ила қараб қўйишарди.

— Бу сизлар ўйлагандан кўра жиддий гап.

Мажлис аҳли бир зум жим бўлиб қолди. Ўйлашга, қизиқтиришга, айтиладиган сирнинг махфийлигини, қадрини оширишга қаратилган ишора бесамар кетмади. «Жиддий гап»ни тезроқ билиш фикри тадбиркорларни шошилишч қарорга келишга ундади ва улар бирин-кетин яна бир бор Яратганининг номи билан қасамёд қилдилар.

— Унда қулоқ солинглар. Кеча бир амаллаб «юрист» билан боғландим. Бизнинг судья жанобларига қиладиган зуғумдан махсус хизмат ходимларининг хабари бор. Уларнинг жавоби ҳам тайёрмиш. Яъни, «Бизда қарорни ўқийдиган судьялар кўп» деган жавоб олинган. Ҳа, улар шундай ҳам

қилишади. Мабодо ишни кўраётган судья кўркиб қочиб кетса ёки касалхонага ётиб олса, ўрнига одам топишади. Аммо бу қонунга хилоф, судни ким олиб борса, ҳукми ҳам ўша одам ўқиши керак. Менимча, ўлимдан бошқа ҳолларда тартибқоида шунақа. Ёки янглишдимми? Хўш, бу билан нима демоқчиман, бизлар бу ишга ниҳоятда жиддий тайёргарлик кўришимиз керак, — деди Файзулла гапининг шу жойига келганда Султоналига нигоҳини тикиб. — Ҳукумат бизнинг гапларимизга қулоқ солиб ўтирмайди. Суд шерикларимизни камида ўн беш йилдан кесади. Орадан бир-икки ой ўтиб, навбат бизга келади. Яна йигирматамизни қамаса бўлди, бошқа бош кўтариб чиқадиган одамнинг ўзи қолмайди. Улуғ орзу-истаклар, эришмоқчи бўлган мақсадлар кунпаякун бўлади.

— Шуми, жиддий гап деганинг? — деб Файзулланинг сўзини бўлди Олчинбек. Унинг жаҳл билан айтган эътирози ҳозир ошкор этиладиган ўта муҳим сирни билишга интиқ бўлиб турганларнинг хаёлини бўлди.

— Ҳа, гапни айлантирмай, шартта-шартта гапирмайсизми? — деди ичи тобора қизиб бораётган Қўчқор. — Агар таклиф ҳаммага маъқул келса, чўзиб ўтирмай, амалга ошириб қўя қолайлик. Ё, устидан, ё остидан!

Файзулла мана шу гапни кутиб тургандай, асосий мақсадга ўтди.

— Бизлар Ингушетия ва Қирғистондаги воқеалардан хулоса чиқарган ҳолда, ақл билан ҳаракат қилмоғимиз керак. Мен ишончли одамларимиз



орқали устозимиз Баҳром акадан оқ фотиҳа олдим. Шунинг учун қуролланишимиз керак! Қўлга қурол олиб узимизни ҳимоя қилмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул.

— Нима?!

— Қанақа қурол?

— Жинни бўлдингми, қуролни қаердан оламиз?

Файзулла бу каби саволлар бўлишини олдиндан биларди, шунданми, ўзини босган ҳолда етакчига хос виқор ва кескин қараш билан гапини давом эттирди.

— Бизнинг тарафдорларимиз жуда кўп. Фарғона ва Наманганда, Ўшда ва Тошкентда. Улар биз ҳозир чиқарадиган ҳар қандай қарорни қўллаб-қувватлашга шай туришибди. Чунки бу биродарларимиз ҳам мамлакатдаги ноҳақлик ва зулмга чидай олмай, бизга маслақдош эканликларини билдиришган. Биринчи ишорамиз билан етиб келишга ваъда беришган. Ўйлайманки, улар берган ваъдаларининг устидан чиқишади.

— Улар ҳам қуролланишимиз тарафдорими? — деди Олчинбек ҳайратланган қиёфада.

— Ҳа! Амалдаги ҳукуматга қарши фақат қурол билан курашиш керак деяпти улар ҳам.

— Ҳеч нимага эриша олмаймиз, — дарҳол қўлини силтаб жавоб қилди Муҳиддин Орипов. — Ундан кейин, бизга қурол бераман деб кимнинг кўзи учиб турибди.

— Тўғри, ҳеч ким бизга қурол бермайди. Чегарадан ҳам олиб ўта олишмайди. Демак, бунинг битта чораси бор. Шу ернинг ўзидан топишимиз керак!

— Қаердан? Анжанданми?

— Ҳа, фақат Анжандан!

— Анжонда қурол сақланадиган омбор борлигини билмас эканман, — деб елкасини қисди Олчинбек.

— Шаҳарда ҳарбий қисм борлигини билмайсизларми? У ерда автомат ва бошқа уқ отиш қуроллари, гранаталар бор. Жанговар машинани ҳам ашетта қўлга киритса бўлади.

— Шу беш-ўн киши-я?

— Асосий ишни биз қиламиз, Муҳиддин! Ҳадеб гапни бўлавермай қулоқ солсанг-чи! Нима, бу ерда ўтирганларнинг қулидан ҳеч нарса келмайди деб ўйлаяпсанми? Фақат қуруқ валақлашга ярайди, холосми? Йўқ, шу ўтирган азаматлар — ҳокимиятнинг эртанги эгалари! Анжаннинг, нафақат Анжаннинг, балки бутун водийнинг эртанги тақдири сен билан бизнинг қўлимизда! Тадбиркорларнинг қамоққа олиниб, судга тортилиши бизга жуда яхши баҳона бўлди. Ана энди буни ноҳақлик, инсон ҳуқуқларини поймол қилиш деб бутун дунёга жар солишимизга шароит туғилди ва асл мақсадимизга яқин турибмиз.

— Бундан чиқди, тадбиркор шерикларимизни махсус хизматга ўзимиз сотдикми?

— Жуда унчалик эмас. Лекин уларни қутқариб олишимиз шарт. Бу бизнинг бурчимиз. Бурчни бажариш учун эса, нимаки лозим бўлса қиламиз.

— Халқ бизни қўллаб-қувватламайди.

— Бизнинг асосий ишимиз қурол-яроқни қўлга киритиш ва одамларни кўчага олиб чиқиш. Боя айтганимдай одамлар оломонга айлангач, уларнинг кў-

зини қонга тўлдириш, ҳукуматга қарши нафратини ошириш ҳеч ишмас, тўғрими, Олчинбек?

— Мен бошимдан кечирган воқеалар асосида гапирадиган бўлсам, — дея ва ниҳоят асл қиёфасини аста намоён қила бошлади Олчинбек. — Қуролланган бир гуруҳ демократия тарафдорларига қарши дарҳол ҳукумат кучлари етиб келади. Улар тинч намоёнчиларни тарқатишга уринади. Бизлар эса халқ орасида туриб суддан одиллик талаб қиламиз, ҳокимиятга қарши норозилик билдирамиз. Судланганларнинг қариндош-уруғлари ўз-ўзидан бизга қўшилади, митинг авж олган сари, аскарлар ваҳимага тушиб, атрофга жар солаётган баъзи бировларимизни ушлаб, қамоққа олишга ҳаракат қилишади. Худди ана шу пайтда милицияга қаршилиқ қилаётган одамлардан уч-тўрттаси калтак еса, ёки нобуд бўлса борми, жазавага тушган одамлар билан истаган ишни амалга ошириш мумкин. Файзулла ҳали айтгандай, «Ур!» дейилса бас, олдидаги ҳар қандай тўсиқни янчиб кетишаверади. Ана ундан кейин бечорасифат кийинган одамларимиз машиналарни ёқиб юборади, ҳукумат идораларига ўт қўяди. Бизлар эса ҳеч кимга сездирмай, майдонга бензин тўла канистр ва шишаларни қўйиб кетамиз.

— Лекин бунча кўп аҳолини кўчага чиқаришнинг ўзимас.

— Бу ёғини ҳам ўйлаб қўйганмиз. Суд ҳукми ўқиладиган кунлари тошкентлик машҳур қўшиқчи стадионда концерт беради. Масалан, анжанликлар кимни яхши кўришади?

— Шер акани!

— Шер акага рухсат йўқ. Яна ким бор? Ҳа, айтгандай, Санаев дегани бормиди? Ўша-чи?

— Санаевми, Фаниевми?

— Нима фарқи бор. Қайси бири буш булса, олиб келамиз. Маданият бўлимидагиларга каттагина пул таклиф қилсак, ниятимиздан беҳабар бир зумда ташкил қилиб беришади. Стадион атрофига йиғилаётган одамларга Бобур майдонида оддий халққа қарши ўқ отиляпти, ҳамма ўша ёққа борсин, концерт бўлмайди, деган гап тарқатилса, етади. Текин томошага ўч халойиқ фонограммани қўйиб, жонли намоёишни кўриш учун аши томонга югуради. Қарабсизки, беш-олти минг одам сафимизга қўшилиб турибди.

— Ростдан ҳам шу ишларни қилмоқчимизми?

— Албатта!

— Вой, наҳот, шунақа ишларни эплосак?

— Нега эплай олмас эканмиз. Султонали наманганликлар билан шуғулланади, Олчинбек Ўшдаги тарафдорларимизни шай ҳолатга келтиради. Биз эса ҳарбий қисмдан барча қурооларни олиб, тўғри турмага ҳужум қиламиз. Шерикларимизга қўшиб, ҳаммани озод қиламиз. Ҳақсизликдан зулм чекиб ётганини, бунақа жамият бизга керакмаслигини айтиб бироз маъруза ўқиб, қулига қурол берсак, бизга қўшилиб, сафимизни кенгайтиришади. Қарабсизки, шаҳар ҳокимиятини ҳаш-паш дегунча қўлга оламиз. Тадбиркорларни қамашга буйруқ берган прокурорни ушлаб, халқнинг олдида отиб ташласак, милициядан беш-олти кишини асфаласофилинга жўнатсак, тамом, одамлар бизни қўллаб-қувват-

лаб, кўксини қалқон қилишади. Боя айтганимдай, тўполонда анча-мунча одам улиши керак. Айниқса, бир-иккита болалар ярадор ёки нобуд бўлса, халқнинг бирдан нафрати ошиб, аскарларга қарши тикка юришни бошлаб юборади. Кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Ҳа-а, анжанликлар бир кўтарилмасин, қаршисидан чиққан ҳар қандай тусиқни чирпирак қилиб юборади.

— Ҳокимият биносига ҳужум қилишимиз шартми?

— Ҳукумат одамлари билан қаердадир музокара олиб боришимиз мумкин-ку, Муҳиддин. У ердигиларни асир олсак, ишимиз анчаосон кечади.

— Ҳаммамизни қириб ташласа-чи?

— Улар асирларни озод қилмасдан туриб, бизга тегиша олмайди. Ундан кейин атрофимизда жуда кўп оломон бўлади. Оддий одамларга ўқ узиша олмайди. Шунинг учун тайёргарлигимиз ҳақида баъзи чет элик мухбирларга олдиндан хабар бериб қўямиз. Бу нарса ўзимизни оқлашимиз учун жуда керак бўлади. Тинч намойиш қонли тўқнашувга айланиб кетса, улар учун сенсация-да! Хорижлик журналистлар эса Ўзбекистон давлатини қоралашга жуда устаси фаранг. Бир зумда олам аҳлининг диққат-эътиборини бизга қаратиб, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиққан оддий аҳоли ҳукумат кучлари томонидан ўққа тугиляпти, деб тўғридан-тўғри репортаж бериб турса борми?

— Демак, бизга билдирмай, ҳаммасини режалаштириб бўлсан-да? — деди Султонали кайфияти тушиб.

— Бироқ уни сизларга ошкор қияпман-ку. Бу ишларни биров келиб амалга оширмайди, уни бизлар, шу ерда ўтирган ватанпарварлар рўёбга чиқаради. Мардлик ва жасорат ҳаммамизга тегишли бўлади. Бугун дунё кўз ўнгида бизлар халқпарварга, дўстларини кулфатда қолдирмайдиган қаҳрамонларга айланамиз!

— Мабодо...

— Мабодо енгилган тақдиримизда ҳам, хорижликлар бизни халқнинг халоскорларидай кутиб олишади ва бағриларига олишади. Лекин биз қочишни ўйламаймиз! Бу нарсани хаёлимиздан чиқариб ташлаймиз. Анжан бизларники! Уни ўзимиз истаганча бошқарамиз!

## XXIII. МУЗОКАРА

Андижон. Эрталабки 7:30.

Ўзбекистон Президенти вилоятга етиб келгунча, Андижонда шунга ўхшаш воқеалар содир бўлган ва жиддий тус олиб, аянчли кўриниш олган эди. Шунча иш бўлиб ўтса-ю, бу ҳақда билмаса? Ниҳоятда газабланди. Айрим вазирликлар раҳбарларини шу ернинг ўзида ишдан олиб ташлаш фикрига ҳам борди. Бироқ бу вазиятни юмшатармиди, юзага келган муаммони ҳал этармикин? «Шошиб бўлмайди, аввал қалтис ҳолатни юмшатиш керак. Музокара қилиб, одамларни уй-уйларига тарқатиш, асирга олинганларни озод қилиш зарур». Ана шуларни хаёлидан ўтказган Президент маҳаллий халқ вакиллари ва ҳукумат раҳбарларидан иборат штаб

аъзолари билан танишиб чиқди ва шаҳар марказида рўй берган мудҳиш воқеани ички ишлар вазиридан яна бир эшитгач, биринчи галда ҳал қилиш керак бўлган вазифалар муҳокамасига ўтди.

— Кимлар асир олинган? Уларнинг сони нечта? — сўради Ўзбекистон Президенти ички ишлар вазиридан.

Вазир ҳозирча аниқлашга муваффақ бўлган шахслар — шаҳар прокурори ва вилоят Солиқ инспекцияси бошлиғи ва ҳокимият биноси ичида бўлган бир қанча амалдорлар, шу жумладан милиция ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг номларини тилга олди.

Ўзбекистон Президенти бу оғриқли сўзларни тингларкан, вилоят ҳокимига бир қараб қўйди. Бундай ғамгин ва, айни пайтда, ўтқир нигоҳни ўзича тушунган ҳоким ичидан зил кетди: фикри бўлинди, жойида ўтиролмаё қолди. Ҳа, у ҳозир Президент қаршисида эмас, ҳокимият биноси ичида асир ўтирганда ўзини эркинроқ сезган бўларди. Афсуски, шу тобда ҳокимнинг хаёлидан шундай машъум фикр ўтган эди.

— Қуролланган гуруҳ ҳозир қаерда? — хавотир ила яна сўради Ўзбекистон Президенти.

— Вилоят ҳокимлиги биносида, — жавоб қилди ички ишлар вазири.

— Нима қилишяпти?

— Ҳозиргина билдим, улар судланганлар ва қамоқдан чиқариб юборилган маҳкумларнинг ота-оналарига, қариндош-уруғларига телефон қилиб, барчасини Бобур майдонига чақиришяпти. Баъзилари

эса уйма-уй юриб, одамларни кўчага чиқишга даъват қилаётганмиш.

— Бундан чиқди, улар атрофига кўпроқ одам йиғишмоқчи. Қурбонлар сони нечта? Улар кимлар? Тинч аҳоли орасида ҳалок бўлганлар борми? — Президентнинг пешонасини тер босди, кейин қовоқлари уйилди. Доим шунақа, бирор ерда ноҳақ ўлим топганлар ҳақида эшитса, қалби зирқираб оғрийди, кейин кенг пешонасида реза-реза тер пайдо бўлади. Кўзлари беихтиёр сиқилиб, бармоқлари қаттиқ тугилади.

Вазир қамоқхонада ва йўлдаги отишмада ўлганларнинг тахминий сонини айтди. Ҳозирча оддий халқ ичида нобуд бўлганлар йўқлигини тушунтирди.

— Улар ўзларини ночорликдан қўлимизга қурол олдик, деб кўрсатиш учун, биз жабрдийдаларни ҳимоя қилинглар, дея атрофга жар солиб одамларни тўплаётган бўлса, сиз бундай найрангга қарши нима чора кўрдингиз?

— Милицияни оёққа турғиздим, ҳарбий кучларни жалб қилиб, теварак-атрофни қуршаб олишга кўрсатма бердим. Улар буйруқни кутиб туришибди.

— Қуролланган гуруҳ, аслида, кимлар? Уларнинг қандай шахслар эканлиги аниқландими? Баҳромийлар дегани ким бўлди, ўзи? Нега бу кимсанинг одамлари шунчадан бери фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-ю, охир-оқибат қўлига қурол олиб, ўз юртига, ундаги тинч ҳаёт кечираётган одамларга ўқ очса-ю, буни ҳеч ким билмаса? Андижондаги мелисанинг кўзи қаерда? Сиз-чи, ўртоқ ҳоким? Вилоятдаги вазиятдан хабарингиз борми, йўқми? Ёки энди ҳоким



булиб олдим деб, креслога маҳкам ёпишиб олдингизми? Халқнинг дарди ва ташвиши билан шуғулланингизми ёки сиз ҳам мансаб касалига дучор бўлингизми? Хойнаҳой, каттагина хонангизга кириб олиб, буйруқ беришдан ортмаётган бўсангиз керак-да. Одамлар эса ҳокимиятга ишонмай қўйишган, шунинг учун ким бошини силаса, оғирини енгил қилса, ўша томонга ён босяпти. Асл нияти атрофига кўпчиликни бирлаштириб, сўнг ҳукуматни ёмон кўрсатиб қўзғолонга тайёрлаган ва бунинг оқибатида ҳокимиятни эгаллаш бўлган, бир гуруҳ газандалар сизларнинг ўз вазифангизга эътиборсиз қараганингиз ва одамларни ўз ҳолига ташлаб қўйганингиз натижасида, мана, яна бош кўтаришгача бориб етишди. Энди уларни тўхтатиш учун қурбингиз етармикин? Юрт обрўсини, ҳукумат обрўсини сақлаб қолиш учун кўксингизни қалқон қила оласизми? Сизлар менинг юрагимни оғритдингиз! Мен сизларга ишонгандим. Оддий бир тадбиркорлик ҳаракати, бутунлай акс олиб, мамлакатга қарши босқинчилик ҳужумига айланиб кетгунча ҳам ҳеч нимадан хабарингиз бўлмади? Лоақал мени бундан огоҳ қилиб қўймайсизларми?..

Демак, фишқ қолипдан кўчибди. Босқинчилар яна бошқа биноларни эгаллаб олмасликлари учун тезлик билан уларни тўхтатиш ва асирга олинганларни қутқариш чорасини кўришимиз керак. Иккинги музокарага киришинг, — Президент шундай деб ички ишлар вазири ва вилоят ҳокимига нигоҳ ташлаб қўйди. — Қани, билинг-чи, мақсадлари нима экан? Ана ўшанга қараб иш тутамиз!

Файзулла ҳукумат одамлари билан музокара олиб боришни яқин сафдоши Хайиталига топширди. Узини мутлақ етакчидай ҳис эта бошлаган Файзулла бу борада ҳам айёрона иш тутди: у бошқа шерикларига «Давлат бошлиқлари билан ўзим гаплашаман!» деб юрди, бироқ зимдан 1999 йил 16 февраль воқеаларига аралашиб қамалиб чиққан Хайитали Икромовни тайёрлаб борди. Қилмишидан пушаймон бўлиб, кечирим сўрайвериб, бир амаллаб озодликка чиққан Хайиталининг қаҳри, аслида, янада қаттиқлашган, унча-мунча нарсага таажжубланмайдиган, бетаъсир одамга айланган эди. Ҳамшаҳарларининг судга тортилишини унга шундай уқтиришган эдики, юраги аламзада Хайитали баттар қутуриб кетди. Ҳарбий қисмдаги «ЗИЛ-130» автомашинасининг рулига ўтирган, кейин ғазаб билан қамоқхонага ҳайдаб, унинг дарвозасини бузиб кирган ҳам шу тепакал йигит эди. Бошқа пайт бўлганда минг безбетлигига қарамай, ички ишлар вазири билан гаплашганда гапини йўқотиб қўйиши мумкин эди, аммо ҳозир вазият тамоман ўзгача: қўлида қурол турибди, оёғининг остида эса, асирга олинганлар ётибди. Қўл-оёғи боғланган, калтак зарбидан юз ва бошидан қон оқаётган тутқинларнинг ҳоли қанчалар хароб бўлмасин, унга заррача таъсир қилмас, аксинча, баттар ваҳшийлашиб, қўлидаги автоматнинг қўндоғи билан ночорларга яна ва яна азоб берар, кейин қаддини фоз тутар, баланд овозда қутқуга даъват қиларди. Файзулланинг марҳаматидан ўзида йўқ хурсанд эди: наҳот вазир билан гаплашса! Унга

ҳукмини ўтказса! Вилоят ҳокимига дағдаға қилса, лавозимингдан бўша, деб кўрсатма берса! Ахир бу... қаҳрамонлик-ку!

Ҳоким хонасидаги телефонлардан бири жиринглади. Файзулла Ҳайиталига имо қилди. Қўллари қичишиб турган йигитнинг афти тундлашди. Ана, энди рингта кўтарилиш вақти етиб келди. Гап билан уни яксон қилса, юрагига ваҳима солса, айтганини қилди-ролса, марра уники. У баъзи бир тарихий китобларни варақлаб, бу каби қалтис пайтларда панада йўл-йўриқ кўрсатган киши эмас, ўзини ўтдан-чўкка урган, ўртага отилиб чиққан шахснинг номи кейинчалик ёдга олиншини ўзича англаган ва шундай хулосага ҳам келган эди. Файзулла ақлли, керак пайтда ўзини панага олувчи айёр етакчи сифатида таърифланиши мумкин, аммо жасорат соҳиби, бошлаган иши учун жонини қурбон қилишга тайёр киши деб эсланмайди. Ҳайитали кейинги бир-икки кун ичида шундай қарорга келди: майли, уни довдир, ҳовлиқма деб ўйлашсин, буни билмаганга, эшитмаганга олади. Зарур пайтда эса ўзини кўрсатади. Файзулла «Музокарага тайёрланиб юр» деб айтдими, демак, шундай кун келади. Мана, ўша фурсат ҳам етиб келди. Орзиқиб кутилган дамлар унинг ихтиёрида!

— Ҳозироқ йигирма уч тадбиркорга диний экстремизм моддаси қўллаб очилган жиноий иш тўхта-тилсин. Қамоқхоналардаги барча сиёсий маҳбуслар озод қилинсин! Бобур майдонига халқ билан гап-лашгани, унинг дардини эшитиш, талаб ва истакларини бажариш учун ҳукумат аъзоларидан бири келсин!

Ички ишлар вазири талабни эшитгач, уйлаб ҳам ўтирмай, кескин равишда ўзининг шартини айтди:

— Қуролларни топширинглар, асирларни қўйиб юборинглар. Ана ундан кейин уйларингга тарқалинглари! Сизларга ҳеч ким тегмайди ва кейинчалик ҳам таъқиб қилмайди.

— Бу чўпчакни бошқаларга айтасан, вазир жаноблари! — деди бирдан «сен»лаб гапиришга ўтган Ҳайитали. Унга вазирнинг оҳанги ёқмаган, ғазабини қўзғатган эди: «Вазияти танг бўлса-да, отдан тушмай гапирганини қара!» — Ҳозир шарт қўядиган аҳволда эмассан, ё бизнинг талабларни бажарасан, ёки... (телефондан ўқ овози эшитилди) қўлга олинганларни бирма-бир отиб ташлайман!

— Кимни отдинг, ярамас! — дея телефонга ёпишди вилоят ҳокими Хайрулла Бекжонов.

— Ким бу бақирган? Сенмисан, ҳокимтўра. Тўхта, ҳозир айтаман, гувоҳномасини қарай-чи... Ҳа, ўринбосаринг... Муродов экан, Хонтўра Муродов.

— Ходимларимни қўйиб юбор, уларнинг ўрнига мен бораман. Мени асир ол!

— Ҳм, сенинг шундоқ ҳам кунинг битиб турган бўлса, бошимга ураманми қуруқ савлатингни. Вилоятдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, қамоққа тикқан ярамас!

— Ҳали сенларми, ўзини ишбилармон қилиб кўрсатган сотқинлар. Асл башарангни кўрсатдинг, охир-оқибат! Босқинчи тўда эканлигинг бутун дунёга маълум бўлди-ку, — бўш келмади ҳоким.

— Сен бизни мажбур қилдинг шундай ишларга. Одамларни шу қўйга солган, аслида, сенсан! Бўлди,

сен билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ. Телефонни вазирга бер! Жаноб вазир, сизга икки соат муҳлат. Ким билан гаплашиб ҳал қиласиз, бу сизнинг ишингиз. Барча маҳбусларни озод қилиб, шу ерга олиб келишингиз керак.

— Шошма! Гапни эшит. Ҳеч ким озод қилинмайди. Агарда қуролларни топшириб, уйлариңга қайтишни истмасанглар, гуруҳиңгдаги одамлариңни олгин-да, мамлакатдан чиқиб кетлариңг. Ҳозир олдиңга автобус юбораман. Қурол топширилмайди! — Майли, қуроллариңни ҳам олиб кетақоллариңг. Ортиңгиздан таъқиб қилмаймиз.

Бу таклифдан ўйланиб қолган Ҳайитали Файзуллага қарашга мажбур бўлди. Худди шу чоғда — қатъий қарорга келишга ночорлигини сезаркан, гуруҳда ҳали-вери етакчи бўлолмаслигини англади. Барча гапларни хотиржам эшитиб турган Файзулла ўз музокарачисиниң ҳолатини тушуниб, мийиғида кулиб қўйди-да, телефоннинг гўшагини кафти билан беркитди. Сўнг Ҳайиталига уқтирди:

— Улар бизнинг одамлардан олти кишини қўлга олишган. Аши шерикларимизни қўйиб юбориңглар, кейин биз автобусга чиқамиз де. Бошқа гап қўшма. Тушундиңг-а?

Ўзини қўлга олишга уринган Ҳайитали талабни оқизмай-томизмай ҳукумат вакилига етказди. Гап орасида бир-икки жиддий сўз қўшмоққа чоғланди, аммо Файзулла хўмрайиб қараб тургани учун фикридан қайтди. Лекин шундай бўлса-да, талабниң охирида «Вақт кетди!» деб ўзидан бир оғиз қўшиб қўйди.

Ўзбекистон Президенти олти кишининг кимлиги билан қизиқди. Рўйхатга бирма-бир кўз ташлаб чиққан Миллий хавфсизлик хизмати раҳбари: «Ахир булар диний экстремистик оқимнинг етакчилари, пойтахтдаги террорнинг ашаддий иштирокчилари-ку», дея эътироз билдирди. Штабнинг маҳаллий халқ вакиллари бегуноҳ одамлар қурбон бўлишининг олдини олиш учун таклифни жиддий ўйлаб кўриш керак, дея ўз фикрини айтишди.

— Босқинчилар шу билан кифояланишармикин? — деди ички ишлар вазири пешанасини қашиб.

— Ҳа, биз қутилмаган вазиятларнинг олдини олиш учун шартга рози бўлишимиз керакка ўхшайди, — дея шаҳардаги ҳолатнинг кескин тус олиб, икки ўртада отишма бўлиб кетишидан хавфсираган ҳоким.

— Айтинг, улар тинч йўл билан мамлакатни тарк этишса, биз розимиз!

Ҳамма Ўзбекистон Президентига қаради.

— Ҳа, биз ҳар қандай шароитда ҳам юртимизнинг вайрона бўлишига, оддий одамларимизнинг ўлимига йўл қўймаслигимиз керак.

Вазир бу гапни қуроолланган гуруҳга етказди. Файзулланинг иштаҳаси очилди, олти кишини эмас, энди барча сиёсий маҳбусларни озод қилишни узилкесил шарт қилиб қўйди. Ўзбекистон Президенти бу сурбетларча айтилган янги талабни қабул қила олмади.

— Бу ярамасларга айтинглар, бир соатнинг ичида, ё қуроолларини топшириб уйларига кетишсин, ёки автобусга ўтириб, мамлакатни тарк этишсин.

Бўлди, охирги гап шу! Бошқа музокара олиб борилмайди!

Вазир Президентнинг қатъий гапидан руҳланиб кетди. Гушакни оларкан, бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини тушунтирди. Қарши томондан «Энди орқага қайтаролмайман. Нима бўлса булар» деган мужмал жавоб олинди.

— Энди нима қиламиз? — Президентга юзланди ички ишлар вазири хавотир билан.

— Ўз ихтиёрлари билан қуролларни топширишни ва тарқалишни ёки республика ҳудудидан чиқиб кетишни хоҳлашмаса, нимаям қилардик, уларни зарарсизлантириш ва асирларни озод қилишни бошлаймиз.

— Оддий одамлар зарар кўрмасмикин?

— Қурол кўтарган бандит билан қуролсиз оддий одамнинг фарқига борарсизлар?

— Албатта.

— Унда, ишга киришинглар!

Ички ишлар вазири дадил ўрnidан турди. Фуражкасини бостириб кияркан, Бош қўмондонга честь берди ва хонани тарк этди.

## XXIV. ТАРИХНИНГ НОМАРДЛАРЧА ЖАНГ УСУЛИ

Албатта, тарихдан яхши хабарингиз бор. Узоқ ва яқин ўтмишда даҳшатли урушлар, босқинчилик ҳаракатлари кўп бўлган. Бирор юртга ёки оддий бир хонадонга бостириб кириб, ногоҳ қамалга тушиб қолган жиноятчилар жонини сақлаб қолишнинг

охирги имкониятини ишга солишган, яъни шу юрт одамларини ёки уй эгасининг бирор вакилини асирга олиб, ортига яширинган ёхуд чаккасига қурол ё булмаса буйнига пичоқ тираб, қочиб кетишнинг пайига тушишган. Маълум бир жойга етгач, асирни осонликча қўйиб юбормаган, шафқатсизларча ўлдириб кетган. Бир вақтлар Гитлернинг аскарлари ҳам шундай йўл тутгани тарихдан маълум: жанг пайтида тутқунга тушмаслик учун оддий аҳолини олдига солиб, ортига ўзлари яширинган.

Ё, алҳазар! Баҳромийлар гуруҳи бундай жирканч усулни қаердан ўрганишди? Тарихни яхши билишадими ёки ростдан ҳам бу қуроли намоёишга ойлар давомида жиддий тайёргарлик кўришганми?

Ярим кечаси ҳарбий қисмга нима мақсадда бос-тириб киришди? Юздан ортиқ қурол ва битта жанговар машина нега олиб қочилди? Шундан сўнг ҳеч иккиланмай, қамоқхонага қилинган ҳужум-чи? Бугун эрталаб йўл-партуль постига, сўнгра Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар бошқармаларига қилинган қуроли босқин-чи? Одамлар тўпланаётган майдондаги дарахтлар тагида турган канистрдаги бензинлар қаердан келиб қолди? Анави ёшлар нега шишаларга ёқилғи қўйиб, оғзига латта тикиб беркитишяпти? Мана бу қурол кўтариб юрган йигитлар нима деб бақришяпти ўзи? Пешонасидан қон оқиб турган анави милиция ходимини қўлтиғидан олиб, нега ҳокимият биносининг ичига олиб кириб кетишяпти?

Ҳайрон бўласан ва таажжубга тушасан. Нима, бу ишлар шунчаки йўл-йўлакай, ўзидан-ўзи



буляптими? Хеч қандай режалаштирилмаган ҳаракатларми?

— Халқ билан гаплашгани ҳукумат раҳбарларидан бири майдонга келсин! Одамларнинг ғамташвишини эшитсин ва муаммоларини ҳал қилиб берсин! Ҳа, ҳал қилишсин!

Қуролни топширишни истамаган тўда етакчиси қўлидаги овоз кучайтиргич мосламаси билан атрофга жар сола бошлади. Ерга ўтириб олган одамларнинг кўпчилиги қўлларини кўтариб, унинг гапини маъқуллашди. Лекин уларнинг ораларида ўткинчилар, бу ерда нима буляпти ўзи дея қизиқиб келганлар, яқин-ўртадаги ишхоналардан югуриб чиққанлар ҳам анчагина эди. Айниқса, стадиондаги концертга деб турли туманлардан келганлар кўпчиликни ташкил қиларди. Улар бўлаётган ҳодисаларни жимгина кузатишиб ўтиришар, бақир-чақирга қўшилишмас, баъзида сотиб олган билетлари эсига тушиб, куйиб қолмасмикин дея, ўзаро баҳслашиб ҳам қолишарди.

— Ана, кўриб қўйинглар, одамлар! Бизнинг оддий талабимизни қондиришмайди, йиғилиб қолган дардимизни эшитишни ҳам исташмайди. Биз бекорга қўлимизга қурол олганимиз йўқ! Аммо хеч кимни ўлдирмоқчи эмасмиз. Фақат ноҳақ қамалган мусулмон биродарларимиз ҳозироқ озод қилинсин деяпмиз, холос. Халқни ўз ҳолига ташлаб қўйган, сал бойиса ёки мусулмончиликдан гапирса, қамашни бошлайдиган раҳбарлар сизларнинг олдингизга келиб, нега бундай қилаётганларини тушунтириб берсин. Йигирма уч тадбиркорда нима гуноҳ бор эдики, уларни суд қилса, қамоққа тикса? Айтинг, улар халққа ёр-

дам беришдими, йўқми? Айтинг, улар сизнинг болаларингизга иш ўргатишдими, йўқми? Гапиринг, қийналганлар ва муҳтожларга кўмакчи бўлдими, йўқми?

Оломон ичидан «Ҳа, барака топишсин!», «Отасига минг раҳмат!» деган ҳайқириқлар янгради. Кимдир, «Биз элнинг корига яраётган фарзандларимизни қамоққа тиқишларига жим қараб тура олмаймиз!» деди бор овозида. «Ҳа, тўғри айтасизлар, бошқа қамоқхоналарда ноҳақ зулм чекаётган ўғилларимизни ҳам қутқаришимиз керак!»

Лекин бу кимларнинг овози эди? Жар солаётганлар нега ўтирган жойидан туришмаяпти? Ўзини одамларга кўрсатмаяпти?

Ғала-ғовур авжига чиқа бошлади. Бақираётган етакчи тобора жунбишга келиб, халқнинг эътиборини тортишга ҳаракат қилар, мазлумлардай оломонни ғазотга ундарди.

— Ана, ҳарбий техника ҳам етиб келди! Аскарлар энди сизларни бу ердан қувиб солади, агар кетмасангиз, отиб тапшашлари ҳам мумкин. Уларга одам ўлдириш ишми? Бошлиғи «От!» деса, ўз халқига қарши тап тортмай ўқ узишаверади. Улар шунақа шафқатсиз, золим кимсалар! Лекин сиз бўш келманг, охиригача чиданг, ўқ овозини эшитиб, тумтарақай қочманг! Биз ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиб чиққан, ноҳақ азоб тортаётган дўсту биродарларимизни қутқармоқчи бўлган, юртда адолат қарор топиши учун курашга бел боғлаган ватанпарварлармиз! Қанча юртдошларимиз чет элларда сарсону саргардон бўлиб юрибди? Нега улар ўз ватанидан жудо бўлишган? Нега уларнинг қайтиб ке-

лишига йўл қўйилмаяпти. Нима, улар аши ёқларда ўлиб кетиши керакми? Туринг, ўрнингиздан туринг, одамлар! Қаршингиздан келаётган ажал машиналарини тўнтариб ташланг, ҳокимият биносига ва анави шайтонлар уйи бўлмиш театрга ўт қўйинг! Йигитлар, мардонавор ҳужумга ўтампиз!

Шундан кейин автоматлардан ўқ овози янгради. Бу пайтга келиб атрофдаги биноларнинг тепасидан жой олган спайперлар қуроли кўтариб, қарши ҳужумга ўтган гуруҳни битта-битта тера бошлади. Ҳарбий техника ва унинг ортига ҳимояланган аскарлар асирларни озод қилиш учун ҳокимият биносига томон илдамлади. Ҳозиргина бино қўриқчиси бўлган икки милиция ходимини аёвсиз калтақдан сўнг шартта отиб ташлаган Қўчқор югуриб ташқарига чиқди-ю, миномёт ўқидан аввал қўлидан, сўнг, оёғидан айрилди. Тана қисмлари зинага сочилди. Беш-ўн дақиқа ичида қуроли гуруҳ аъзоларининг кўпчилиги кўзлари бақрайган ҳолда жон таслим қилдилар. Майдонда ўликлар кўпая борган сари одамлар ваҳимага тушиб, дуч келган томонга қоча бошлади. Энди ҳамма ўз жонини қутқаришга тушди. Намойиш ташкилотчилари вазиятдан фойдаланиб қолишга киришди: йўл четида турган бир неча автомобиль атрофдан отилган шишали ёндиргичлар таъсирида бир зумда олов ичида қолди. Вилоят театрига ўт қўйилди. Дайди ўқ олдиндан келяптими ёки орқаданми, билиб бўлмас ва тўс-тўполонда намоёнишга чиққан оддий одамлар ҳам нобуд бўла бошлаган эди. Кеча курсдоши билан жанжаллашиб қолган йигит ерда ётган автоматни кўриб, ўзини

тутиб тура олмади, уни қўлга олиб, ҳайрат билан томоша қилиб турганди, чаккасига қадалган ўқдан нари бориб тушди. У шу заҳоти жон таслим қилди. Қизиб турган автоматга яхшилаб тикилишга ҳам улгурмади. Анави ўсмирни қаранг, ё ўн тўққизда, ё йигирма бирда. Шишага тиқилган латгани ёқиб қаёққа чопяпти? Ҳа, ҳов анави зирҳли ҳарбий машинага қараб югурыптими? Наҳот, олдига боришига кўзи етган бўлса? Ахир... Ана, етти қадам босар-босмай ерга қулади: пешанасини тешиб ўтган ўқ унинг ҳаётига нуқта қўйди.

— Энди нима қиламиз? — деди ҳокимият биносидан чиқишга юраги бетламай турган Ҳайитали Файзуллага кўз тикиб.

— Ташқарига чиқишимиз керак!

— Шу аҳволда-я? Ахир...

— Одамлар тарқаб кетмасидан туриб, уларни Чўлпон кўчасига бошлашимиз керак, — деди Файзулла кескин оҳангда.

— Нега?

— Бу ерда имконият қўлдан чиқди. Аммо бу мағлубият дегани эмас. Баъзида чекиниш ҳам ғалаба келтиради. Йигитларга айт, Қирғизистон чегарасига қараб юрамиз. У ерда бизни кутиб турганлар бор. Қайта куч йиғиб, яна ортга қайтамиз.

— Йўлни аллақачон ёпиб ташлашган-ку.

— Ҳечқиси йўқ, одамларнинг ортидан беркиниб борамиз. Судланганларнинг оила аъзолари, уларга қўшилган авом халқ бизга қалқон бўлади. Улар кўчадаги ўликларни кўриб, нафратланиб туришибди. Худди шу ғазабдан фойдаланиб қолишимиз керак.

Ҳа, уларни олдимизда боришга кундиришимиз лозим. Қани, кетдик!

— Бинонинг олдидан сираям чиққим йўқ. Балки, орқа томондан ўтармиз, — деди оёғи қалтираган Ҳайтали.

— Бошла!

Ҳайтали «чегарада бизни кутиб турганлар ким экан?» деган уйда илдам йул бошлади. Бироқ деразадан ташқарига қараркан, хаёли бошидан учди. Юраги орқасига тортиб кетди. Файзулла бундан кўриб, жаҳл отига минди. «Кўрқоқлик қилма!» деди Ҳайталанинг елкасидан ушлаб. Далда ўз кучини кўрсатди, йигит биринчи қаватнинг деразасидан пастга сақради. Лекин энди қаддини кўтарган чоғда, бўйинини нимадир «жиз» этказиб ўтди. Ҳайтали бўш турган қўлини кўтариб, қаттиқ ачишган жойга босмоқчи бўлди, аммо сираям қимирлата олмади. Иккинчи ўқ уни мувозанатдан чиқарди, қалқиб кетган йигит ерга чалқанчасига йиқилди. Файзулла бундай пайтда снайпер бошқа ўқ узмай нишонни мўлжалда ушлаб туришини билгани учун вақтни бой бергиси келмади, шартга сақради ва ўзини одамлар ичига урди. Хиёл ўтмай гуруҳнинг анча аъзоси тупланди. Улар икки гуруҳга бўлинишиб, одамларни Чулпон кўчаси бўйлаб юришга даъват қилишди. Ўзлари эса оломон ичида гоҳ бўй кўрсатиб, гоҳ кўрсатмай, аскарларни ўққа тутишар, тинмай «Оддий халқда нима гуноҳ, қайси айби учун уларга қараб ўқ отишасан!» деб бақиршар, одамларни бир зум ўйлашга қўйишмас, тезроқ шаҳарни тарк этишни исташар эди.

## XXV. ОШКОР БЎЛМАГАН ҚАҲРАМОНЛИК

Она уруғи ўшлик ўзбеклардан бўлган Султона Хонобод шаҳрининг ҳокимият биносидан чиқиб, редакцияга қайтмади, вақтни қизғанди, тезроқ чега-рага етиб олишни ўйлади. Қариндошларидан бири ер олиш масаласида ундан ёрдам сўраган эди, бормаса хафа бўлади. Ўшдаги ўзбеклар ҳаёти, турмуш-тарзи, қўшничилик алоқалари, амалга ошираётган ишлари ҳақида мақолалар ёзиб тургани боис, шаҳар ҳокимиятидаги раҳбарлар уни яхши танишар, айрим очеркларини ўз газеталарида ҳам босиб чиқаришарди. Шунданми, тоғаси болаларига уй-жой қуриш учун ёзган аризасини ижобий ҳал қилишда Султонадан мадад сўраганди. Бунинг устига, онаси ҳам илтимос қилди. Шундан кейин «йўқ» дея олмай йўлга тушган пайти эди.

Лекин эрталаб Андижон шаҳрида юз берган кўнгилсиз воқеаларни ҳокимиятдагилардан эшитиб, зудлик билан ўша томонга бормоқчи бўлди. Журналист сифатида буларнинг барчасини ўз кўзи билан кўришни истади. Нима бу? Бир тўдага уюшган жиноий гуруҳнинг билиб-билмай қилган тўполони-ми, ёки ҳақиқий босқинчилик ҳаракати-ми? Оддий халқнинг норозилик намойишими ёки яна қандайдир кучларнинг сиёсий майдонда ўзларини кўрсатишга бўлган режали уринишими? Нега бу сафар Андижон танланди? Саволлари кўп эди? Вазиятни кўрса, одамлар билан гаплашса, муаммо нимада эканлигидан бохабар бўларди, аниқ факт ва

маълумотларни қўлга киритарди. «Фожиа юз берди», деган гаплар тарқалибдики, аҳвол яхши эмас, юзага келган ҳолат жиддий. Қурол омборига, сўнг қамоқхонага ҳужум қилинибдики, вазият ўта хатарли. Буларнинг барчасини ўз кўзи билан кўриши керак эмасми? Эртага бирор таҳлилий мақола битса, кўрган-кечирганларидан фойдаланади-ку. Бироқ кечқурун онаси: «Ўшга бордингми? Тоғанг тинчмикин, ишига ёрдам бера олдингми?» деб сўраб қолса, нима дейди? «Йўқ» деган биргина сўзни эшитиб, қалби ўксимайдими? Шундоқ ҳам хаста юраги тез-тез хуруж қилиб турибди, бир кун соғ бўлса, уч кунлаб касал. Икки ўй ўртасида қолди: Андижонга отланса, онаизорнинг кўнгли оғриши мумкин; бормай деса, шундай даҳшатли воқеа содир бўлади-ю, бориб кўрмайдими? Биринчидан, касби тақозоси, иккинчидан, фуқаролик бурчи-чи? Ҳамшаҳарлари тақдирига, қўйингки, шу киндик қони тўкилган юртининг эртанги кунига бепарқлик қилса, менга нима дегандай лоқайд қараса, кейинроқ виждони қийналмайдими? Аммо онасининг илтимоси... ахир у беморнинг сўнгги истаги бўлса-чи? Уни адо этолмадим-а, деб бир умр фиғон чекмак осонми? Бу армонни кўтариб юришга тоқати етадими? Онасининг гапини икки қилишни ўрганмаган Султона ноилож чегарага яқинлашди. Биргина умиди пост ёпиқ бўлиши эди. Шунда онаси хафа бўлмасди, чегара берк бўлса, қандай ҳам ўтади. Ахир Ўш энди бошқа бир давлатнинг шаҳари ҳисобланса? Султона шу ўй билан белгиланган манзилга етиб келганини сезмай қолди. Постдагилар Андижон-

даги тартибсизликдан хабарлари бор, шекилли, уни обдан суроққа тутишди. Кейин мухбирлик гувоҳномасининг ҳурматиданми, кўпам қийнамай ўтказиб юборишди.

Султона аввал тоғасига учрашиш мақсадида тўғри автокорхонага йўл олди. Мақсади тезроқ ишни битказиш эди. Агар масала шундоқ ҳам ҳал этилган бўлса, нур устига нур: шу ернинг ўзидан қайтиб кетаверади.

Механик бўлиб ишлайдиган Араббой ака деярли шу ерда бўларди. Бирор юмуш билан ташқарига чиқиши жуда қийин. Бошлиқлар уни автобазага «михлаб» қўйган. Унча-мунча бозор-ўчарини бошқа бир ишчига буюриб қилдириб беришади. Керак пайтида топилмай қолса, раҳбарнинг қаттиқ жаҳли чиқади.

Султона қоровулдан тоғасини сўрагани, «бошлиқ хонасида» деган жавобини эшитди. «Қабулхонада кутиб турақоламан», деб маъмурий бинога қараб юрди. Иккинчи қаватнинг кенг фойёсида уч-тўрт қирғиз йигит ўзаро гаплашиб ўтиришарди. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган, кўзлари бироз қисик, калта сочларини келиштириб тараган аёлни ўзларидан деб билди, шекилли, суҳбатни бемалол давом эттиришди. Қирғизчани яхши тушунадиган, бир қарашда ўзи ҳам шу миллат вакилига ўхшаб кетадиган Султона сир бой бермай, қўлидаги қирғизча газетага тикилди. Бир пайт ён томондаги хоналарнинг биридан ўрта ёшлардаги озгин, чўққисоқол киши чиқиб келди-да, ўтирган йигитларга нималарнидир уқтира бошлади. Бегона аёлдан тап тортмади ҳам.



Балки кўз қири билан нигоҳ ташлаганда уни бошқа миллат вакили деб ўйламагандир. Шундай бўлса керак, акс ҳолда махфий гапдан сўз очмаган бўларди.

Султона жойида ўтира олмай қолди. Тўрт йигит чиқиб кетиши билан ўрнидан турди, котибада шубҳа уйғотмаслик мақсадида аввалига хона бўйлаб бироз юрди, сўнг ҳаво етишмаётгандай газета билан елпинди, кейин аста қабулхонани тарк этди.

Ярим соат ичида шаҳар милицияси бошлиғининг хонасига етиб борди. Султона билан икки марта учрашган ва анча таниш бўлиб қолган Мисирали Турдиматов хабардан қулоқларига ишонмади.

— Нималар деярсиз, наҳот чегара яқинида юзга яқин жангарилар ишора бўлишини кутиб турган бўлса? Ишқилиб, аниқ эшитдингизми? — қайта-қайта сўради бошлиқ.

— Ҳа, ўз қулоқларим билан эшитдим, улар автобазадан олинган автобустга ўтириб, қайсидир овулга кетишди, у ерда яна алақанча шериклари ва яширган қуроллари бор экан. Ҳойнаҳой, ўшаларни олишга кетишди. Кейин чегара ёнида кутиб турганларни олиб, Андижонга йўл олишса керак, — ўзини қўлга олишга уринган Султона кўрган ва эшитганларини қисқача тушунтирган бўлди.

— Қаердалигини аниқ эшитдингизми? Ҳозир борсак, топа оламизми? — ўрнидан туриб кетди подполковник Мисирали Турдиматов. — Агар гапларингиз рост бўлиб, жангариларни қўлга олсак, катта талафотнинг олдини олган бўламиз. Ҳа, яширин гуруҳ Андижондаги босқинни кучайтиришга хориждаги ҳомийлар томонидан юборилган қўшимча

куч бўлса керак. Қизиқ, улар қаердан ўтиб келишди экан?

— Балки шу ерлик ўзбеклардир?

— Бўлиши мумкин эмас? Ўшлик ўзбеклар ўз миллатига қарши ҳеч қачон қуроли кўтаришмайди.

— Сотилганлари бўлиши мумкин.

— «Гуручининг ичида курмаги ҳам бўлади» деганларидай, бир-иккита топилар, аммо юзлаб эмас. Менимча, улар «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг Афғонистондаги вакилларида иборат гуруҳ деб тахмин қиляпман. Балки бошқа миллат вакиллари ҳам бордир ичларида. Яна ким билади дейсиз. Ҳа, майли, вақтни ўтказмайлик, борганда биламиз уларнинг кимлигини.

Подполковник шундай деди-да, қуролини жанговар ҳолатга келтириб, навбатчига Ўзбекистон чегараси томон кетаётган барча автобусларни қаттиқ текширишни, агар қуролланган шахслар аниқланган тақдирда, уларни қўлга олишга кўрсатма берди. Ўзи эса махсус гуруҳ билан йўлга тушди.

— Андижонда бош кўтарган баҳромийлар кимлар ўзи? — йўл давомида гап очди подполковник Мисирали Турдиматов.

— Эшитмаган эканман, — деди Султона елкаларини қисиб.

— Журналистлар ҳамма гапдан хабардор бўлиши керак, дейишади-ку, — деди бошлиқ Султонага кўз қирини ташлаб.

— Яширин фаолият олиб борган бўлса керак.

— Қуроли омборига ҳужум қилганига қараганда, жиддий тайёргарлик кўришганга ўхшайди.

— Чегарага ёрдамчи кучларни келтириб қўйишибдики, катта мақсадни кўзлашган, — деди Султона ховотирга тушиб.

— Нима деб ўйлайсиз, ишқилиб, биздаги воқеа такрорланмасмикин? — дея, — йўқ, у даражага бормайди, — деб бирдан ишонч билан гапира бошлади мухбир аёл. — Бир тўда шахслар ҳеч нимани ўзгартира олишмайди. Менимча, уларни кимлардир йўлдан урган. — Ҳа, ишқилиб, яхшилик билан тугасин. Булмаса, оқибати ёмонлашиб кетади. Ана, сиз айтган жойга етиб келдик. Аваз, машинани тўхтат! Энди сиз шу ерда тушиб қоласиз. У ёғига ўзимиз борамиз... Ўжарлик қилманг. Ҳаётингизни хавф остига қўя олмайман. Натижаси ҳақида ўзим сизга қўнғироқ қиламан. Келишдикми?

— Андижондаги воқеаларни кўз билан кўролмадим, балки бу ердаги операцияда иштирок этишга рухсат берарсиз, — дея машинадан тушишга шошилмади Султона.

— Ҳаётингизни хавфга қўйишга ҳаққим йўқ. Бунинг устига, чет эллик журналист ҳисобланасиз. Узр.

— Сизни сотмасам-чи, ўзбошимчалик билан борган деб айбни менга қўйсангиз бўлади-ку!

— Йўқ, тўғри келмайди. Лекин биз тез орада кўришамиз. Ўшанда ҳаммасини тўлиқ гапириб берман. Келишдикми?

— Келишдик, — ниҳоят, рози бўлди Султона.

Султона машинадан тушиб қолди. Бир соатлардан кейин подполковник Мисирали Турдиматов мухбирга телефон қилиб, хабар тўғри эканлигини, юзга яқин шахсларни қўлга олганини маълум қилди.

Чегара томон ёриб ўтишга ҳаракат қилган автобус ҳам, ниҳоят, тузоққа тушибди.

— Сизга катта раҳмат, аёл киши бўлишингизга қарамай, мардларча иш тутдингиз. Юртингизга фидойи инсон экансиз, Султона. Менимча, бу жасоратингизни юксак қадрлашади, албатта.

— Ўртоқ подполковник, сиздан битта илтимосим бор, — деди Султона хушхабардан хурсанд бўлиб.

— Эшитаман.

— Шу ишлар ўртамизда қолишини истайман. Мен бунга мақтаниш, бирор каттароқ мансабга кўтарилиш ёки алоҳида тақдирлашлари учун қилмадим. Оддий фуқаролик бурчимни бажардим, холос. Ўзбекистон мен туғилиб ўсган юрт. Уни жаннатмакон боғ деб тасаввур қиламан. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, шу гўзал ва бебаҳо боғни кимдир пайҳон қилмоқчи бўлса, нега индамай қараб туришим керак. Унга кўз олайтирмоқчи бўлган кимсаларни тўхтатиш фақат эркакларнинг зиммасидаги вазифа эмас, бу менинг ҳам фарзандлик бурчим.

— Ҳа, тўғри айтасиз. Шундай йўл тутиш ҳар бир виждонли фуқаронинг иши. Лекин айрим эркакларни кўряпманки, улар пул, мансаб, ёлғон ваъдалар учун ўз ватанини сотишга тайёр. Ана ўшаларнинг қилмишларини назарда тутадиган бўлсам, сизнинг ҳаракатингиз ҳар қандай мақтовга сазовор. Аёл киши бўла туриб, ҳеч нимадан чўчимаяпсиз. Наҳот, муносиб тақдирлашларини хоҳламайсиз?

— Худо мени суйгани учун бу ҳодисага рўпара қилди. Энг катта мукофот, аслида шу эмасми?

— Албатта.

— Сиз ёрдам бермаганингизда вазият бутунлай бошқача бўлиши мумкин эди. Ҳар қандай мақтов ва мукофотга, аслида, сиз лойиқсиз, уртоқ подполковник.

— Унда мен ҳам сиздан бир нарсани илтимос қиламан, — деди подполковник Мисирали Турдиматов гушакни маҳкамроқ тутиб.

— Қулоғим сизда.

— Бу қаҳрамонлик ҳақида газетага мақола ёзиб юрманг, — деди самимий бўлишга ҳаракат қилган подполковник.

— Демак, ҳозирча, иккимиз ҳам сир сақлаймиз. Келишдикми?

— Келишдик! — дея Султона ҳам ишонч билан жавоб қилди.

## XXVI. «АЁЛЛАР, ОРТИНГИЗГА ҚАЙТИНГ!»

Андижон.

Шаҳарда воқеалар шиддатли тус олганди. Аёллар ва ёш болаларнинг ортига яширинган намоёнчиликлар «Чулпон» кинотеатри олдида ҳам тўсиққа дуч келишди. Ана шунда улар жаҳл отига миниб, тартибсиз ўқ ота бошлашди, оқибатда асирдагилардан ўнлаб, тинч аҳолидан эса, элликка яқини жон таслим қилишди. Ўлган кишига қарашга, устини ёпиб қўйишга ҳеч кимнинг юраги бетламас,

бунга вақтлари ҳам йўқ эди. Одамлар кўча бўйи-даги уйларнинг очиқ дарвозаларига ўзларини уришар, ёпиқларини жон ҳолатда тақиллатиб, ёрдам сўрашарди. Асосий оқим Байналмилал кўчаси томон юрди. Каттиқ отишмадан сўнг тўсиқни ёриб ўтган кўзғолончилар энди Қирғизистон чегарасига қараб йўл олишди.

Туни билан элик километрлик масофани босиб ўтган қуроли гуруҳ мингга яқин одамлар билан Тешиктош шаҳрига етиб келишди. Махсус машинадагилар уларни озиқ-овқат билан «сийлаб» борди. Бироқ Файзулла ҳар қачонгидан ҳам дарғазаб эди. Ахир уларни чегарада катта бир отряд кутиб олиши керак эди-ку. Қани улар? Қайтишга тайёрлаб қўйилган автобуслар-чи? Бир неча одамлари билан атрофни кўздан кечирмоқчи эди, рўпарасидан чиқиб келган ҳарбий машина ва ўнга яқин аскарларни кўриб баттар тутоқиб кетди.

— Сотқинлар! — ўшқирди Файзулла автоматдан ўқ узаркан.

Қисқа отишувда яна ўнга яқин киши қурбон бўлди. Негаки, ўқ овозини эшитиб, одамлар шу тарафга югуриб келишган эди. Аскарлар каттагина гуруҳ ичида қуролланган эркакларни кўриб, уларни мўлжалга олишда янглишган ҳам эдилар. Файзулла одамларни чегара томон бошлади. Орадан кўп ўтмай, Қирғизистон давлатининг вакиллари етиб келди ва одамларга «Аёллар, уйга қайтинглар!» деб мурожаат қилишди. Бироқ уларнинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади. Файзулла эса бу томонда туриб: «Қайтиб борсангиз, қўлга тушасиз, узоқ муддат-

га қамалиб кетасиз!» деб атрофдагиларнинг юра-  
гига қурқув солар, ҳаммани тезроқ чегарадан ўтиб  
олишга ундарди. Яна ўша ҳолатда: бу ғала-ғовурда,  
қоч-қочда ким ҳам вазиятни таҳлил қилиб ўтирар-  
ди. Бирдан-бир нияти — жони омон қолса бўлди.  
Бунинг учун тезроқ қўшни мамлакат ҳудудига ўтиб  
олиши керак. Шу ергача келган қочқинларда бошқа  
фикр йўқ эди. Сур-сур бошланди. Файзулланинг  
илтимоси билан Олчинбек ўртага тушди. Ташкилий  
ишларда муомалани қийиб юборадиган «тадбиркор»  
ишонч билан нимадир ваъда қилди, шекилли, чега-  
рачилар қуроолларини топширган намоёнчиларни  
ўз ҳудудларига ўтказишга бошлади. Кейин қайсидир  
бошлиқнинг буйруғи билан Қорасув шаҳри ёнида  
зудликда қочоқлар учун лагерь барпо этишга ки-  
ришилди. Бу орада Бирлашган Миллатлар Ташки-  
лоти Олий комиссариятининг қарори эълон қили-  
ниб, дарҳол беш юзга яқин кишига сиёсий қочоқ  
мақоми берилди. Бу ишлар шу даражада тез ва  
аъло даражада бажарилдики, Ўзбекистон томони  
таажжубга ҳам тушди. Қизиқ-да, Андижондаги на-  
моёнчилар орасида хорижлик мухбирлар, ҳар хил  
ташкилот вакиллари, ҳатто кузатувчилар ҳам юри-  
шибди. Гуё улар бундай фожиани олдиндан билиш-  
ган-у, дунёга жар солишга тайёр туришган. Бу ерда  
эса БМТнинг махсус аъзолари ҳозир у нозир. Ру-  
миния эса қочоқларга бошпана беришга рози. Ажа-  
бо! Шунга қарамай, Ўзбекистон ҳукумати баёнот  
берди: «Аёллар, ўз фарзандларингиз билан уйла-  
рингизга қайтинглар. Сизларга ҳеч ким тегмайди ва  
айбламайди! Биз фақат бузғунчи гуруҳ аъзоларини-

гина таъқиб қиялпмиз, холос. Сиз, кетишга мажбур эмассизлар. Террорчиларнинг гапларига учманг. Ўзбекистон сизнинг юртингиз, болаларингизни бошқа давлатларда сарсон-саргардон бўлишига йўл қўйманг, ўйлаб иш тутинг!»

Бироқ бу гаплар ҳавода қолиб кетди.

## XXVII. «ҚИЗГАЛДОҚ ИНҚИЛОБИ» НЕГА ТАКРОРЛАНМАДИ?

Руминияга кетаётган Файзулла бу саволга жавоб топа олмай, хуноб бўлаётган бир пайтда, Ўзбекистон Президенти 14 май куни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжуманида бир гапни алоҳида таъкидлади: «Улар ҳаракатларимизни оддий одамлар қўллаб-қувватлайдилар деб ўйлашган эди. Афсуски, бундай бўлиб чиқмади».

«Наҳот, шу жавоб тўғри бўлса?» — ўзига-ўзи савол берди матбуот анжуманини автобусга ўрнатилган махсус экрандан томоша қилиб бораётган Файзулла. У ўйлар, мулоҳаза қилар, бироқ тайинли жавоб топа олмас эди.

Анжуман эса давом этарди.

— Айрим давлатларнинг Марказий Осиё минтақасида демократияни мажбуран ўрнатишга уринишдан учинчи куч фойдаланиб қолиши мумкин, — деб сузида давом этарди Ўзбекистон Президенти. — Бу куч — ислом динини ниқоб қилиб олган ёвуз ниятли радикал оқимдир. Аҳолисининг қарийб саксон фоизи мусулмонлардан иборат минтақамизда



юқоридаги каби вазият турли диний ақидапарастлар ва экстремистик кучлар учун қўл келиши мумкин. Радикал диний оқимлар, жумладан «Хизбуттаҳрир» ёки ўзини баҳромийлар деб атайдиган гуруҳлар ҳам фурсати келганда воқеалар оқимини ўз манфаатлари йўлига буриб юбориш учун пайт пойлаб тургани сир эмас.

Андижонда содир бўлган воқеаларга камида учолти ой давомида тайёргарлик кўрилган. Бундай дейишимиз учун бизда барча асослар бор. Воқеалар режасини тузиш ва уни амалга оширишда минтақамизда, айниқса, Қирғизистон жанубида илдиз отган турли диний-экстремистик марказларнинг бевосита иштироки бор. Бу ишларда чет элнинг моддий кўмаги борлиги ҳам кўриниб турибди. Улар Қирғизистондаги каби Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимият заифлик қилади, деган хомхаёлга борган. Жангарилар онги заҳарланган ёшларни ўзларига эргаштириб, маъмурий биноларни эгаллаш йўли билан ўз қабиҳ мақсадига эришишни хаёл қилган эди. Андижонда халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ағдаришни, бу ерда мусулмон халифалиги тузишни мўлжаллаган эди. Лекин уларни ҳеч ким қўллаб-қувватламади. Халқ майдонга чиқмади. 2005 йилнинг 24 мартада Қирғизистонда рўй берган «қизғалдоқ инқилоби» деб аталган воқеалар атрофидаги гап-сўзлар, аслида, уларни Тбилиси ва Киевда рўй берган маълум сиёсий воқеаларга тенглаштириш учун чиранишдан бошқа нарса эмас.

«Ана холос! Бобур майдонига тўпланган мингларча одамлар халқ бўлмай кимлар? — бирдан хи-

тоб қилди Файзулла тиззасига муштлар экан. — Уларнинг дардини ким тинглади? Мавжуд тузумдан норозилиги маълум бўлиб турувди-ку! Ким уларни тарқатишга уринди? Ким майдондан кетишни истамаган халққа қарата ўк узди? Ахир намойишда оддий одамлар ҳам ўлди-ку!»

Матбуот анжумани қизиқ паллага кирди.

— Нима учун воқеа жойига хорижий журналистларнинг боришига тўсқинлик қилинди?

«Ҳа, мана шу савол кўнглимдан ўтиб турувдида. Хўш, жавоб беринг, жаноби олийлари? — деди Файзулла экранга тикилганича. — Мана шунақа ҳақли саволлар қаршисида лол қолсангиз керак. Ёки бунақа сўров бўлишини кутмаганмидилар?»

— Журналистларнинг Андижонга боришига монелик қилганига сабаб шуки, — дея саволга жавоб беришга киришди Ўзбекистон Президенти, — шаҳарда отишмалар бўлаётган, босқинчилар хуружи авж олган бир вазиятда, ҳеч ким журналистларнинг ҳаётини хавф остига қўйишга жазм этолмасди. Ахир биз сизни хавфсизлигингиз учун жавобгармиз. Ана шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳатто Ўзбекистонга дўст деб аташ қийин бўлган ўнлаб таниқли сиёсатдонлар ҳам бу борада ўз фикрини билдираётганда воқеаларни ҳолис баҳолашга интилмоқдалар. Шундай экан, ҳар бир журналист ўзининг асосий бурчи ва вазифаси — доимо фактларга таяниб ишлаш эканини унутмагани маъқул.

— Одамлар ўлимига сабаб бўлган воқеани халқаро комиссия текширувига йўл қўйиладими? — савол берди хорижлик мухбир.

— Ҳа, юз берган воқеадан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолувчилар ҳамон тинчигани йўқ. Кимдир турли миш-мишлар билан оламга жар солмоқчи бўлса, яна кимдир ўзича ҳар хил даъволар билан чиқишга уринмоқда. Уларнинг фикрича, Андижон воқеаларини халқаро комиссия текшириши керак эмиш. Ана энди саволингизга жавоб бераман: республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан Андижонда амалга оширилган фожиали воқеалар юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда, Олий Мажлиснинг мустақил комиссияси тузилди. Халқаро текширув ўтказиш масаласига келсам, Ўзбекистон — мустақил давлат. Унинг ўз давлат тузуми, ҳукумати, халқ сайлаган парламенти ва Президенти бор. Демакки, нега энди четдан кимдир келиб текшириш ўтказиши керак. Халқимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ танлаб олган ўз йўлидан ҳеч қачон оғишмаган ва бундан кейин ҳам оғишмайди. Шундай экан, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!

«Мухбир тўғри савол берди. Андижон воқеасига холис баҳони фақат халқаро комиссия бериши мумкин, — деди бўғилган Файзулла яна тиззасига муштлаб. — Хориждагилар эса, бизнинг ҳаракатимизни мавжуд тузумга қарши халқ намоёнлиги деб хулоса чиқаришмоқда. Бу эса айни биз истаган нарса эди. Бироқ сиримиз фош бўлиб қолди: Қирғизистондагидек «қизғалдоқ инқилоби»ни амалга ошира олмадик. Бунинг устига, чегарадаги махсус отряддан дарак бўлмади. Ахир улар яхшигина қуролланиб, чегарада бизни кутиши ёки ишорамиз билан Андижонга етиб ке-

лиши керак эди-ку. Нима бўлди уларга? Қирғизистон ҳарбийлари томонидан қўлга олиндимиз ёки умуман тузилмадимиз? Россияда қуроли сотиш билан шуғулланадиган махфий гуруҳ панд бердимиз ёки у ишонган қирғизистонлик «шаҳзода» хатога йўл қўйдимиз? Аблах, пулини бермаган бўлса керак-да! Агарда чегарадаги махсус отряд бизга қўшилганда борми? Ўша кунди Андижон қўли остимизда бўларди. Фарғона ва Наманганда эса унчалар қийналмасдик...

Файзулла ўйланар, амалга ошмаган режасини мулоҳаза қилар, аммо аниқ бир тўхтамга келолмай ёғинар эди. У кимнидир айбор деб топиб, кўнглига таскин бераркан, жони омон қолганидан хурсанд эди. Бироқ гап келажакда ҳақиқат борганда лол бўлиб, тилини тишлаб қолди. Бу пайтда қочқинлар ўтирган автобус Руминия чегарасига етиб келганди. Бегона юртга қадам босаётган Файзулланинг оёғи тойиб кетди. Шунда кўнглига дарҳол ёмон ўй келди. Энди бу нохуш кайфиятдан бир умр қутулолмаслигини ўйларкан, юраги баттар увишди. Оғриқ билан, дард билан бегона юртларда тинч ва хотиржам яшаб бўлармикин?

## XXVIII. РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАСДИГИ

2005 йил 28—29 июнь.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифи билан Москва шаҳрига ташриф буюрган Ўзбекистон раҳбарининг бу галги учрашуви Ново-Огарёво қароргоҳида бўлиб ўтди. Бўлиб ўтган

музокаралар савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар масалаларига бағишланди. Айниқса, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Шундан сўнг 2005 йилнинг 13 май куни Андижонда рўй берган воқеалар хусусида гап борди.

— Наҳот, бу фожиани олдиндан сезиш имконияти бўлмади, ахир Ўзбекистоннинг Миллий хавфсизлик хизмати ҳақида ижобий фикрлар юрадику? — деб сўради Россия Президенти.

Икки давлат бошлиқлари ўзаро учрашувда очиқ-ойдин гаплашишга аҳд қилишди чоғи, суҳбат бошиданоқ жиддий тус олди.

— Бунинг ўзига яраша сабаби бор. Мамлакатимизнинг чекка бир вилоятида бундай хунрезликка тайёргарлик хориждаги экстремистик марказлар томонидан амалга оширилган. Унга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, шу жумладан Марказий Осиё мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлардан айри ҳодиса сифатида қараш мумкин эмас. Андижон воқеалари Ҳамдўстликка кирувчи давлатларда уюштирилаётган турли «рангли инқилоблар»дан фарқли ўлароқ, мутлақо янги шакл ва қиёфада амалга оширилган мудҳиш фитнадир. Бу гал «сценарий муаллифлари» ва «режиссёрлар» «демократ-параст оломон»ни намойишга олиб чиқмади. Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини кўра олмайдиган, Марказий Осиёдаги барқарор вазиятни издан чиқариш ниятида бўлган бу «раҳнамо»лар оломон ўрнига, қўпоровчилик бўйича яхши тайёргарлик кўрган террорчи ва экстремистларни ишга солди. Улар хо-

риждан қурол-яроғ олиб киришнинг иложини қилиша олмаганларидан кейин, шаҳардаги ҳарбий қисмга ҳужум уюштиришни ва қамоқхонадаги ўз шерикларини озод қилиб, сафларига қўшишни амалга оширдилар.

— Ҳа, террорчилик ҳаракатининг режаси хорижда тайёрланган, деган фикрингизга қўшиламан. Ўша кунлари Афғонистондаги жангариларнинг бирдан ҳаракатга тушиб қолгани ва айрим мамлакатлар чегаралари яқинида қўпоровчи гуруҳлар тупланаётгани ҳақидаги маълумотлар Россия махсус хизмати ходимлари томонидан қайд этилган, — дея таъкидлади мезбон.

— Бироқ бундай гуруҳларнинг Қирғизистон ва Афғонистон билан туташ чегараларимизни ноқонуний бузиб юртимизга ўтиш ҳоллари кузатилмади, — деди Ўзбекистон Президенти.

— Менимча, бунинг олди олинган бўлиши керак, — дарҳол жавоб қайтарди Россия Президенти.

— Балки.

— Намойишни тинч йўл билан бостиришнинг имкони йўқмиди? Бунинг учун ҳарбий аскарлар сони ва қудрати ҳам етарли эди-ку.

— Олиб борилган музокара самара бермади. Улар умуман амалга ошириб бўлмайдиган талаб билан чиқишгани бизни ташвишга солиб қўйди. Қандай қилиб, бошқа вилоятлар қамоқхоналарида сақланаётган юзлаб экстремистларни озодликка чиқариб бўлади? Улар эртага нима ишлар қилиши мумкин Ўзбекистонда? Йўқ, биз бунга рози бўлдик. Улар эса асирга олинганларни ва қўлидаги қу-

ролларни топширишдан бош тортишди. Қирғизистон худудига чиқиб кетиш олдидан отишма бошланди.

— Фарб давлатлари раҳбарларининг фикри ўзгариши табиий.

— Мен уларнинг фикр-мулоҳазаларига қараб иш тутмайман. Ўзбекистон ўзи белгилаб олган тараққиёт йўлидан давом этаверади, — деди қатъий тарзда Ўзбекистон Президенти.

— Албатта. Мен фурсатдан фойдаланиб, Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистон халқига, туполон ва тартибсизликлар оқибатида ҳалок бўлган оддий одамларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдираман. Айни пайтда, Андижонда ҳаёт изга тушгани, вазият барқарорлашгани ва назорат остига олинганидан хурсандман. Ўйлайманки, бундан кейин ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорлигимиз янги босқичда давом этади.

— Ҳа, албатта. Биз тинчликни сақлаш ва юрт фаровонлигини таъминлаш учун бу борадаги алоқаларни янада ривожлантиришга тайёرمىз.

— Мудофаа вазири Сергей Иванов билан бўладиган учрашувингиз ҳам самарали бўлишига ишонман.

— «Узоқдаги қариндошдан ёнингдаги қўшнинг яхшироқ» деган ажойиб мақол бежиэ айтилмаган. Ўзини қариндошдай яқин тутишга, бироқ кези келганда панд берган ёки синовдан ўтмаган кишиларга нисбатан айтилган пурҳикмат сўзлар бу.

— Ташрифингиздан хурсандман, жаноб Президент!

— Самимий ва дўстона қабулингиз, ошкора суҳбатингиз ва ҳамдардлик билдирганингиз учун миннатдорман, жаноб Президент.

\* \* \*

2005 йил 1 август.

Ўзбекистон Президенти эрталабдан имзолашга олиб кирилган муҳим ҳужжатларнинг энг тепасида турган фармонни қўлига оларкан, уни яна бир кўздан кечирди. Сўнгра «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонни тасдиқлади. Сал кейинроқ эса «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

— Мустақилигимизнинг ўн тўрт йиллиги нишонланадиган кун арафасида пойтахтда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишмоқчиман, — деди Ўзбекистон Президенти шу ойнинг охири кунларининг бирида.

— Танишишни қаердан бошламоқчисиз? — деб сўради Бош вазир Музаффар Мироқилов.

— Кун кеча қисқа муддатларда кенгайтирилган Шароф Рашидов, Юсуф хос-Ҳожиб ва Миробод кўчаларини, Тошкент халқа йўлида — Сирғали туманидаги катта чорраҳада барпо этилган йўл ўтказгич билан танишган эдик. Бугун пойтахтимизнинг Эски Жўва қисмида қуриб битказилган янги иншоотларни бориб кўришдан бошласак.

— Албатта, — деди мамнуният билан Бош вазир. — Уч-тўрт ой муқаддам Эски Жўванинг Сағ-



бон, Зарқайнар ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойда икки бинони — Болалар бадий ижодиёти уйи ва Ўзбек либослари галереяси барпо этиш ҳақида кўрсатма берган эдингиз. Айни шу дамда бир-биридан гузал бу икки бино ҳам фойдаланишга тайёр. Абдулла Қодирий номи билан аталувчи боғ ҳам пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг севимли гушаларидан бирига айлантирилди. Таклиф қилганингиздай, иккита амфитеатр барпо этилди, замонавий аттракционлар урнатилди. Замонавий, шу билан бирга, анъанавий услубда бунёд этилган Ўзбек либослари галереяси сизда катта таассурот қолдиради, деган умиддаман.

— Тошкент марказий темир йўл вокзалини кўриш ҳам режамизда бор.

— Вокзал тубдан қайта таъмирланиб, бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Асосий бино миллий меъморчилик анъаналари асосида таъмирланди. Йўловчилар ва транспорт воситалари учун қулай бекатлар, чиптахоналар, кутиш майдончалари, фавворалар қуриб битказилди. Хабарингиз бор, Тошкент ва Бухоро ўртасида «Шарқ» тезюрар поезда қатновини йўлга қўйган эдик. У йўловчилар узоғини яқин қилишда, Самарқанд ва Бухорога борувчи сайёҳларнинг кўпайишида муҳим роль ўйнамоқда.

— Бош вазирнинг ташкилотчилик ишларига баҳо берадиган бўлибмиз-да, — деди кулимсираган Ўзбекистон Президенти.

— Бундан ташқари, Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси ҳам тайёр.

— Шундайми? Унда, қани, йўл бошланг!

## ИККИНЧИ ҚИСМ

---

### XXIX. ЯНГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Махсус машина шаҳардан чиқиб, кенг ва равон йўлга тушгач, тезликни оширди. Генерал Бўронов Бухорода бўлиб ўтган халқаро туризмга оид илмий конференциядан қайтаркан, молия вазирини гапга солди. Мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда рўй бераётган воқеалардан яхшигина хабардор вазирнинг хулосаларини тинглаш, дарҳақиқат, мароқли эди.

— 2006 йил Республикамизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига расман аъзо бўлиши билан бошланди. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг саммитида бу ҳақда қарор қабул қилганидан хабарингиз бор. Халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида катта имкониятга эга бўлган Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши унинг ҳар бир аъзоси учун манфаатли, албатта. Бундан биров аввал Ўзбекистон — Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартнома имзоланган эди. Бу борада Фарбнинг ўткир ва доно сиёсатдонларининг гапларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Уларнинг бири: «Нафақат икки мустақил давлатнинг мудофаа соҳасидаги стратегик мақсадларига хизмат

қилади, балки ўзаро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш имкониятларини ҳам очиб беради». деса, иккинчиси: «АҚШ ҳукумати Ўзбекистон Президентини «Халқаро миқёсдаги лидер» деб аташга атадилар-у, аммо бундан ўзлари панд еб қолдилар, шекилли. Негаки, яхши шахматчидай сиёсат майдонида эгаллаган позициясини қаранглар. Американинг «тўра»ларига «кишт!» дейишнинг ўзимас!» дебди.

Лекин Президентимиз бу каби гап-сўзларга парво қилмай, эътиборни катта мақсадга қаратмоқда. Санкт-Петербургдаёқ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россиянинг «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти ўртасида Устюрт минтақасидаги Урга, Қувонч ва Ақчалик конларини ўзлаштириш борасида, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ОАЖ ўртасида Ўзбекистоннинг Устюрт минтақасидаги сармоявий блоklar ҳудудларида тадқиқотлар ўтказишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги битимлар имзоланди. Устюртдаги нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни кўзда тутувчи бу ҳужжатларнинг умумий қиймати 660 миллион АҚШ долларига тенг. Шу тариқа «Газпром»нинг Ўзбекистонга киритадиган лойиҳаси умумий ҳисобда 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошади. Саммит охирида жуда қизиқарли савол-жавоб бўлиб ўтди.

— Қани, эшитайлик-чи.

«Мен Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини ошириш, юртда тинчлик ва фаровонликни таъминлаш учун бор ақл-идрокимни ишга солишга қасамёд

қилганман, — деди саммит якунида Юртбошимиз интервью олишга эришган баъзи журналистларнинг илмоқли саволларига дангал жавоб қайтариб. — Ҳар хил бекорчи гапларни тинглаш, муҳокама қилиш ва уларга жавоб қайтаришга вақтим йўқ. Қайси соҳада бўлмасин, ҳамкорлик икки давлатга ҳам манфаат келтирса, дўстона муносабатга тайёрман, агарда фирром аралашадиган бўлса, ҳар қандай шерикчиликдан воз кечаман.

— Кейинги сафарингиз Жанубий Корея Республикасига бўлади, деб эшитдик. Агарда сир бўлмаса, ташрифингиздан кузланган мақсад ҳақида икки оғиз гапириб ўтсангиз, — бу журналистларнинг галдаги саволи эди.

— Агарда насиб этса, бу менинг Жанубий Кореяга тўртинчи сафарим бўлади. Мамлакат раҳбари Но Му Хён билан кўп масалаларда ҳамфикрмиз. Тошкентда илгари сурилган таклифимни, яъни икки томонлама муносабатларни стратегик шерикчилик даражасига кўтариш вақти етиб келди, деб уйлайман.

— Биргина «Газпром»нинг республикангизга киритадиган лойиҳасининг умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошиши ҳақида эшитдик, айтинг-чи, Жанубий Корея билан имзоланадиган ҳужжатларда кузда тutilган маблағ бундан ошади-ми? — деди қитмир журналистлардан бири.

— Ҳа, албатта. Ўзбекистон Жанубий Корея билан молия, савдо ва сармоя, саноат, нефть-газ, энергетика, минерал ресурслар, геология, олий таълим, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни

сақлаш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантирмоқчи.

— Бугунги қалтис бир паллада Ўзбекистоннинг Россия билан муносабатлари яхшиланди. Икки давлат уртасида тузилган Интеграциялик муносабатлари тўғрисидаги шартнома расман қачон кучга кириши режалаштирилган?

— Шу йилнинг май ойида Россиянинг Сочи шаҳрида бўладиган учрашувимизда. Бу ҳақда Россия Президенти Владимир Путин билан келишиб олганмиз.

— Таъкидлаш жоизки, — дея дарҳол савол берди журналист. — Мазкур шартнома ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини таъминловчи асосий ҳужжатдир. Унда ташқи хавф юзага келганда ўзаро ёрдам кўрсатиш билан бирга, халқаро майдонда ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари кўзда тутилган. Лекин асосий мақсад ташқи томондан рўй берувчи хуружни бартараф қилишда Россиянинг ёрдамига таяниш. Бу муҳим шартнома, аслида, Ўзбекистон учун фойдалироқ, шундай эмасми, жаноб Президент?

— Бу масалага қандай ёндашувга боғлиқ, — деб жавоб қайтарди мухбирнинг мақсадини англаган Президент. — Айни пайтда, мазкур шартнома Россия учун ҳам ғоят муҳим ҳужжатдир. У икки томонлама ҳамкорлик негизида Россиянинг жанубий сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Мухтасар айтганда, глобаллашув шароити-

да бундай шартнома тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланишини, турли таҳдидларнинг олди олиншини, шу билан бирга, ҳамкорликни ҳар тарафлама ривожлантиришни таъминлайди. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг расман кучга кириши муҳим тарихий воқеадир.

— Албатта, бу келишувнинг ташаббускори Ўзбекистон?

— Бу сизнинг фикрингизми?

— Шундай деса ҳам бўлади, — дея аранг жавоб қайтарди россиялик журналист. Матбуот анжуманида энг кўп савол бергани учунми, уни бироз ҳаяжон босган, пешонасида тер ҳам пайдо бўлганди.

— Ўтган йилнинг ноябрь ойида имзоланган бу ҳужжат қисқа муддатда икки томонда ҳам ратификация қилингани Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатларни кенг кўламда ривожлантириш борасидаги азму шижоатидан далолатдир. Россия Президенти Владимир Путин таъкидлаганидай, мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни энг ишончли ва энг олий даражага кўтарди.

Шундан кейин бошқа савол берилмади.

Ўзбекистон Президенти учрашувдан кўнгли тўлган ҳолда ватанимизга қайтди.

\* \* \*

Сухбатда тилга олинган россиялик журналист Радион Палтовский эди. Ўттиз ёшлар чамасидаги, ўрта бўйли, бироз озғиндан келган бу журналист жингалак сочи ва қирра бурни билан беихтиёр жўшқин ва довюрак шоир Пушкинни ёдга соларди.

У Ўзбекистон Президенти айтган сўзларини таҳлил қиларкан, кейинги ойда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитини ҳам диққат билан кузатди. Айниқса, Ўзбекистон раҳбарининг чиқиши ва нутқига алоҳида аҳамият берди.

— Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, бугунги кунда дунёда ҳамон «оловли нуқталар», ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий таҳдидлар сақланиб турибди. Афғонистондаги беқарорлик, наркотик ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортаётгани, мамлакатлардаги халқаро коалиция кучларининг бу иллатларга қарши ҳаракатлари натижа бермаётгани жиддий ташвиш туғдиради. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти қамраган минтақа улкан салоҳиятга эга. Айниқса, транспорт, энергетика, қурилиш каби соҳаларда имкониятлари жуда катта. Ўйлайманки, бу салоҳиятни тула ишга солиш вақти етиб келди. Энди амалий натижа учун курашмоғимиз керак.

Эътибор билан тинглашга арзигулик масала кўтарилди. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришнинг бош ташаббускори бўлган Ўзбекистоннинг олиб бораётган сиёсати обрўли газетада иш бошлаган журналистни, дарҳақиқат, қизиқтириб қўйган эди. Кейинги ҳафтада Беларуссиянинг Минск шаҳрида Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг саммитини ёритиш учун қатнашди. Асосий нияти Ўзбекистон Президентининг маърузасини тинглаш эди. Яна ўша дангал гаплар, эътироз ва аниқ таклифлар. Саммит якунлангач,

Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистон раҳбарлари иштирокида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон ушбу ташкилот ишида қатнашиш тўғрисидаги мораторийни бекор қилганини эълон қилди. Журналист ён дафтарига нималарнидир қайд этиб қўяркан, бу боладаги тарихий маълумотларни эслади: Коллектив хавфсизлик шартномаси 1992 йили Тошкентда имзоланган эди. 1998 йили Ўзбекистон ҳамкорликни тўхтатади. Бугун эса мазкур ташкилот фаолиятида яна иштирок этмоқчи. Бунинг сабабларини билишга қизиққан журналистга Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши билан боғлиқлигини айтишди.

— Ўзбекистон Президентининг бундай қарорга келишини қандай баҳолайсиз? — дея сўради бошқа бир қатнашчидан. Негаки, у Ўзбекистон раҳбари билан бу гал учраша олмаётган эди.

— Ўзбекистоннинг ташкилот ишида яна қатнашиши минтақада коллектив хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади, албатта.

Учрашув якунлангач, меҳмонлар билан хайрлашиш онлари етиб келди. Ташқарида журналистни нотаниш киши четга олиб чиқиб, узини таништиришни сўради. Мухбир бўйнига осилган бейджигини кўрсатди.

— Мен бунга ишонмайман.

— Аввал ўзингизни таништиринг. Сиз кимсиз ўзи мендан ҳужжат талаб қилгани?



— Подполковник Элёр Одилов. Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан.

— Мен ҳам шундай бўлса керак деб ўйлагандим. Марҳамат.

— Радион Палтовский, — деб овоз чиқариб ўқиди журналистнинг ҳақиқий гувоҳномасига кўз югуртирган Элёр Одилов.

— Хуш, яна саволлар борми? Нима учун фақат бизнинг Президентимизни кузатиб юрибсиз?

— У киши ҳақида автобиографик мақола ёзмоқчиман, — деди журналист мақсадини очиқчасига баён қилиб.

— Маълумотларингизни компьютер базасидан текшириб кўраман.

— Бемалол. Менда Ўзбекистон ва унинг раҳбарига нисбатан ҳеч қандай шум ният йўқ. Аммо менинг табиий ҳаракатларим сизда шубҳа туғдирган бўлиши мумкин. Касбингиз тақозоси билан савол-жавоб ўтказяпсиз, бундан хафа эмасман. Мен ҳаммасини тушунаман. Айни пайтда, бир нарсага амин ҳам бўлдим. Ўзбекистон Президентини жуда қаттиқ қўриқлашади, деган гапни кўп эшитгандим. Ростдан ҳам шундай экан.

— Юртбошимиз шунга арзийди, ўртоқ журналист.

— Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим. Марказий Осиёдаги мамлакат раҳбарларининг ичида алоҳида сиёсий қиёфага эга экан. Нутқи аниқ ва тиниқ, мақсад яққол баён қилинади. Ортиқча гап-сўз, юзхотирчилик йўқ. Бир неча ой муқаддам мен 1996

йили Москвадаги «Палея» нашриётида чоп этилган «Ислам Каримов» деган рус тилидаги китобни ўқиб чиққандим. Тўпламнинг сўзбошиси «Москванинг нигоҳи» рубрикаси остида берилган. Унда Ўзбекистон Президенти ҳақида жуда илиқ гаплар ёзилган эди. Ўқиб «эх-ҳе, жуда ошириб юборибди», деб ўйлагандим. Кейин шахсий журналистик кузатув олиб боришга қарор қилдим ва шу бугун ноҳақ эканимни англаб турибман. Мамлакат раҳбари Ўзбекистоннинг тараққиёти учун катта ишларни бажарган ва бажараётган етук сиёсий арбоб экан. Россия Президенти Владимир Путин нима учун Юртбошингизни қаттиқ ҳурмат қилишларини энди билдим. Негаки, ҳамма давлат бошлиқлари ҳам сиёсий арбоб бўла олмайди. Номзодлик ишим мана шу мавзуда бўлгани учун «моҳир сиёсатчи», «етук давлат раҳбари», «сиёсий арбоб» деган нисбатларнинг моҳиятига яхши тушунаман. Бутун бир йиғилишда етакчиликни қўлга олиш, ўз қараш ва фикрларини ўртага ташлаш, сўнгра сўзларни қатъий туриб ҳимоя қилиш Ўзбекистон Президентига хос характер экан. Масалан, менга шундай сиёсий етакчилар ёқади.

- Самимий гапларингиз учун раҳмат.
- «Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат!».
- Бу сўзга асло шубҳа йўқ!

\* \* \*

2006 йил 31 август.

Ўзбекистон Президенти Қатагон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтнинг

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига йўл олди. Қуръон тиловатидан сўнг, йиғилганларга ош тортилди. Сўнг жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашди.

— Бундай ёдгорликни барпо этиб, аввало, бугунги ёруғ кунларга етиш учун курашларда шаҳид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этдик, деб ўйлайман. «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳам шунчаки зиёратгоҳ бўлиб қолмасдан, кишиларни, айниқса, ёшларимизни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги дориломон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи севимли масканлардан бирига айланмоғи лозим...

Кейинги манзил аниқ, албатта. Ўзбекистон Президенти Мустақиллик ва эзгулик монументини кўздан кечириб, истиқлол ва эзгулик тушунчаларининг рамзий ифодаси бўлмиш Бахтиёр она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Шундан сўнг Алишер Навоий номидаги Миллий боғ томон қадам ташлади. Ахир ҳадемай, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн беш йиллигига бағишланган тантанали маросим бошланади.

Ўн беш йил. Бу шонли тарих олдида жуда оз фурсат. Агарда бирор муҳим воқеа юз бермаса, эсга олишга арзимаydi ҳам. Бироқ ана шу оламшумул воқеа содир бўлган бўлса-чи? Унда эсланади, қайта-қайта ёдга олинади ва нишонланади. Ҳа, бундан роппа-роса ўн беш йил муқаддам, Ўзбек юртида асло хотирадан ўчмайдиган тарихий инқилоб рўй берди. Бунинг буюк аҳамияти шунда эдики, урушсиз, тинч ва осойишта, аммо жуда пух-

та ўйланган тактика билан амалга оширилди. Тарих қон тўкишларсиз, жанжал-тўполонларсиз қўлга киритилган яна бир инқилоб — истиқлолга гувоҳ бўлди. Ўзбекистон бир юз ўттиз йил аввал йўқотган эркини қайтариб олди. Хур замон бошланди: ўзбек тили яна баралла янграй бошлади, она тилида шеър дostonлар ўқилди, хатлар, буйруқ ва фармонлар ёзилди; Наврўз байрами қайта тикланди, миллий анъана ва қадриятлар кўкка бўй чўзиб, олам аҳлини яна ҳайратга солди; отасининг вафоти куни қабристонга боришга қўрқиб, хизмат сафарига кетиб қолган ўғил падари бузрукворининг тобутини ҳеч иккиланмай елкасига қўйди, қабр бошида Қуръон тиловат қилди, «жойи жаннатда бўлсин!» деб ошкора дуо қилди; ўғит ёки дон омборига, отхона ва молхоналарга айлантирилган масжиду мадрасалар, вайрона қилинган улуғ зотларнинг мақбаралари қайта тикланди, буюк алломаларнинг чинқирган руҳлари ором топди, жаҳонгир Амир Темир яна от устида «пайдо бўлди»; миллатнинг асл фарзандлари қони тўкилган, бироқ ташландиқ, хавф-хатар ва қадам босиб боришга юрак бетламайдиган жой, «Шаҳидлар хиёбони»га — гўзал масканга айлантирилди, бу ерда уларнинг руҳи покларига Оллоҳнинг каломидан оятлар ўқилди; хиёбон ёнида тарих сирларидан ҳикоя қилувчи музей қад ростлади; «Пахта иши» деб қамоққа ташланган минглаб ўзбек халқининг ишбилармон, зиёли, шижоатли вакилларининг номи оқланди, азиз ўйларига қайтарилди, шу юртга йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида бошчилик қилган, бошидан не-не азобу уқубатларни ўтказган,

имкони борича «тепа»нинг тазйиқини, босимини пасайтиришга уринган марҳум Шароф Рашидовга эҳтиром кўрсатилди; ҳеч иккиланмасдан, катта шижоат билан Жанубий Кореянинг «DAEWOO» корпорациясини ҳамкорликка чорлади, натижада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ташкил этилди ва Асакадаги автомобиль заводида бир-биридан қолишмайдиган, замонавий енгил автомашиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди; ўзбек фарзандлари билим ва тажриба олиш учун дунё олимлари тан олган олий ўқув юртларига парвоз қилишди, бу илм даргоҳларининг филиллари Ўзбекистонда фаолият кўрсата бошлади; қўйингки, Ўзбекистоннинг мустақил давлат эканлигини бутун жаҳон тан олди, дунёнинг сиёсий харитасида «Ўзбекистон» деган сўз ва мамлакат ҳудудини ифодаловчи чизги пайдо бўлди; эҳ-ҳе, яна қанчадан-қанча эсда қоларли воқеа ва ҳодисалар бўлиб ўтмади, дейсиз, айни ҳаяжонли дамларда уларнинг ҳаммасини эсга олишнинг имкони ҳам йўқ-да.

Лекин Каъбани тавоф қилгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қирқ саккизинчи сессиясида нутқ сўзлагани, унда олам аҳлини террор балосидан огоҳ этгани, Наманганда ҳокимият биносини эгаллаб олиб, мамлакатда сиёсий тузумни ўзгартиришга уринган оломон билан юзма-юз келиши, Сурхон тоғлари орқали юрт ичкарасига киришга ҳаракат қилган босқинчи тўдаларнинг ҳужуми, юрагига оғриқ солган Андижон воқеаси, Қирғизистондаги уруш ва тўполонлар... бу муҳим саналарнинг барча-барчасини кундалик дафтарига ёзиб қўйган.

Насиб этса, бирма-бир ёдга олади, хотирлайди, балки эсдаликлар битар...

Ҳозир сабр-тоқати осмонўпар тоғлар каби чидамли, меҳр-муҳаббати уммон сингари бисёр, тошқин дарёдек жушқин халқи олдида туриб, байрамга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар қаршиси-га чиқиб, уларни энг азиз, энг қутлуғ шодиёна — мустақилликнинг ун беш йиллиги билан муборақбод этиши керак. Ҳозиргина дилдан ўтган воқеаларини сўзлаб берса-чи? Ахир бундай хурсандчилик онларида ўтмишга бир назар солиш хайрли иш эмасми?

### XXX. ТОШКЕНТ — ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ

Пойтахтдаги Ҳазрати Имом мажмуасида бошланган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари 2007 йил ёз ойининг бошида ниҳоясига етказилди. Хушxabарни мамнунлик билан эшитган Ўзбекистон Президенти бу табаррук масканни кўришга ошиқди. Машинадан тушар экан, баҳорнинг ўрталарида худди шу ерга келиб янги лойиҳа бўйича берган тавсияси бўйича амалга оширилган бунёдкорликдан кўнгли тўлди.

Шундоқ рўпарада қўш гумбазли, икки минорали муаззам масжид кўзга ташланиб турибди. Қарийб тўққиз ярим гектар майдонни эгаллаган Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси олдидан ўтадиган Кайковус ариғи тубдан таъмирланган, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг янги

биноси замонавий кўриниши билан қалбларга қувонч ва ифтихор бахш этарди. Қадимий ва ноёб қўлёзмалар сақланадиган кутубхонага қандай кириб келганингизни деярли сезмай қоласиз. Мажмуада сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаларидан бўлган Мусҳафи Усмон олдида сукут сақлаб, анчагача туриб қолишингиз табиий. Бу бебаҳо нусхани юртига олиб келишда жонбозлик қилган буюк Амир Темур ҳазратлари ҳақиқага беихтиёр дуо қиласиз.

Бугун бу масканда нафақат Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси, балки унинг таркибидаги Қафтол Шоший мақбараси, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар ҳам салобат ва маҳобат тўкиб турибди.

— Бундай улуғвор обидалар Оллоҳ таоло назари тушган муқаддас заминдагина бунёд этилади, бу эса бизнинг маънавий илдиэларимиз нақадар теран ва бақувват эканининг тасдиғидир, — деди қалби гурур ва ифтихорга тўлган Ўзбекистон Президенти. — Бизнинг кўнглимиз ҳам, юзимиз ҳам ёруғ, иншооллоҳ, келажагимиз ҳам ёруғ бўлади. Чунки халқимиз бу каби эзгу ва савобли ишларни амалга ошираётган азиз фарзандларининг ҳақларига доимо дуои хайрларда бўлади. Дуо билан эл кўқарар деган доно ўғитга қулоқ тутадиган бўлсак, юртимиз дунё халқлари ҳавас қиладиган, бир келиб кўришга орзуманд бўладиган диёрга айланади ва биз бунга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан беҳад хурсандмиз. Оллоҳ бошлаган қутлуғ ишларимизни бардавом

қилсин, ўз нурини заминимиз узра таратишдан асло тўхтамасин. Бизлардан озод ва обод юрт қолсин!

\* \* \*

Ёзнинг жазирама кунлари Тошкент шаҳрида ўтадиган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияга Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғли ташриф буюрди.

Ўзбекистон Президенти Оқсаройда меҳмонни кутиб оларкан, у келтирган хушxabардан боши осмонга етди. Чунки ташкилот таркибидаги тузилма — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб қарор қабул қилган эди.

— Сиз нафақат мени, балки бутун халқимизни хушнуд этдингиз, — дея самимий лутф қилди Ўзбекистон Президенти.

— Сизнинг раҳнамолигингиз билан юртингизда маданий ва миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларни юксак баҳолаймиз. Тошкентда ўтаётган анжуман жаҳон ҳамжамиятига ўзбек халқининг бой мероси билан яқиндан танишиш имконини беради. Албатта, ислом маданияти ва фанини ривожлантиришда Ўзбекистон муҳим ўрин тутди. Бундай юксак эътироф натижасида Тошкент шундай шарафли номга эга бўлиб турибди.



Эртаси куни Ўзбекистон Президенти анжумандаги маърузаси олдидан Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан, Кувайт Давлати маориф ва олий таълим вазири Нурия ас-Сабах хоним ва Қозоғистон Республикаси муслмонлари идораси раиси, муфтий Абсаттор Дербесали билан учрашди. Меҳмонлар ISESCOнинг Тошкентни Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилган қарори фақат ўтмиш билан боғлиқ эмаслигини, ўзбек халқининг бугунги бунёдкорлик фаолиятига ҳам берилган юксак баҳо эканлигини таъкидладилар. Шундан сўнг Мусо бин Жаъфар Ҳассан Ўзбекистон Президентига ЮНЕСКОнинг «Аристотель» ва «Буюк ипак йўли» олтин медалларини топширди.

Айни дамда, Ўзбекистон Президенти ислом оламида довуғ таратган буюк бобокалонлари — Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Соҳибқирон Амир Темурнинг қабрлари ва мақбараларини тиклаш, таъмирлаш, обод қилишга бош-қош бўлгани, бу хайрли ишларни бажаришни Худонинг ўзи кўнглига солганини, улуғ сиймолар кўним топган масканлар бугун азиз қадамжоларга айланганини эслади. Ушанда одамлар дуо қилган эди: «Оллоҳ суйган бандаларининг руҳини шод қиляпсиз, Яратган сизни ҳам азизлардан қилсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Халқимизнинг обрў-эътибори бунданда зиёда бўлсин. Диёримиздан машҳур алломалар чиқиши давом этаверсин. Оллоҳу акбар!»

Демак, юракдан айтилган тилаклар ижобат бўл-  
япти. Дунё аҳли ўзбек халқининг тарихи ва бугун-  
ги кунини тан оляпти, эътироф этяпти. Бугунги ил-  
мий конференция, Тошкентнинг шарафли номга эга  
бўлганлигини маълум қилган қарор, ўзбек халқига  
билдирилган илиқ фикрлар буларнинг биргина исбо-  
ти, холос.

Ўзбекистон Президенти яқинда Ҳазрати Имом  
масжидида билдирган сўзларини эслади: «Бизнинг  
кўнглимиз ҳам, юзимиз ҳам ёруғ, иншооллоҳ, кела-  
жагимиз ҳам ёруғ бўлади».

## XXXI. УШАЛМАГАН ОРЗУ

Бокс. Кейинги пайтларда танишлари даврасида  
бу мавзудан гап очилса, Элёр ғалати аҳволга тушиб  
қоларди. Баданида худди оғриққа ўхшаш нимадир  
пайдо бўлгандай, пешанасидаги чизиқлар қуюқла-  
шар, гўё берган ваъдасини бажара олмаган кишидай  
жуда хижолат тортарди. Ҳа, у ўзи сезмаган ҳолда  
боксдан узоқлашиб борарди. Ҳар замонда шуғул-  
ланиш умуман бошқа нарса экан. Ўзингни бахши-  
да қилмасанг, ҳаммаси бекор деган гап тўғри чиқди.  
Энди истаган пайтида ҳам қайта олмайди. Шунчаки  
машқлар юракнинг тафтини босиш учун, холос.

У халқаро миқёсдаги мусобақаларни иложи бо-  
рича томоша қиларди, лекин бунга ҳар доим ҳам  
вақти бўлмайди. Яхшики, Интернет бор. Имкон  
топиб кўриб олади. Лекин Руслан Чагаевнинг ўта  
оғир вазнда жаҳон чемпионлиги учун (2007 йил  
баҳор ойининг ўрталарида) ўтказган жанги олам-

шумул воқеа бўлди-да! Элёр ўзини худди рингда тасаввур қилгани-чи. Балки ўшанда боксни ташла-маганида Руслан каби жаҳон чемпиони бўлармиди? Чидаб туролмади, атай табриклагани борди. Руслан бир пайтлар Ўзбекистон чемпиони бўлган йигитни эслади.

— Эрталаб газетада Президент Фармонига кўзим тушиб қолди. «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланибсиз. Табриклайман, — деди Элёр Русланнинг қўлини самимий сиқиб.

— Раҳмат, чемпион, — деди Руслан миннатдорчилик билдираркан. — Қани, бир пиёла чойга марҳамат.

Элёр хонтахта четига келиб ўтирди. Унинг чемпионлиги Русланнинг олдида жуда арзимасдай туюлди. Юраги ўртанди. Буни сезган мезбон йигитга чой қуйиб узатаркан, Ўзбекистон чемпионлиги ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, деди. Кейин Элёрдан нега боксни ташлаб кетгани сабабини сўради. Ахир унинг нияти жаҳон чемпиони бўлиш эди-да. Ўша куни чемпионлик камарини белига таққан онларда бу ҳақда гапирган эмасмиди? Интервьюда айтган ваъдаси эсига тушган Элёр яна мулзам тортди, сўнг бутунлай бошқа соҳага ишга ўтиб кетганини айтди.

— Ачинишнинг ҳожати йўқ, ҳамкасбларингиз тўғри айтишибди, сизлар ҳар куни қаҳрамонлик кўрсатишингиз мумкин. Бу эса ҳар қандай чемпионликдан юқори туради, — деди жаҳон чемпиони Элёрнинг ушалмаган орзусидан қийналаётганини юракдан ҳис қилиб.

— Кўнглимни кўтаришга ҳаракат қиляпсиз.

— Фақат бeфoйдa дeб эътирoз билдирманг. Биламан, боксга бир ишқи тушган одам ундан айри яшолмайди, ташлаб кетганда ҳам унутолмайди. Бундай кишиларни бокснинг ашаддий ишқибозлари дейиш мумкин. Лекин биласизми, устозларим мени қандай юпатишарди, омадим келмаган пайтларда? Улар менга Махмуд Замахшарийнинг «Хамма одамлар ҳам буюк ишлар қилиб доврўғ солишлари шарт эмас, оддий сабр-қаноат ва шукр қилишнинг узи — дунёдаги энг буюк ишдир» деган доно гапни эслатишарди. Кимга қанақа-ю, мен шартта ўрнимдан ирғиб туриб, қум тўлдирилган қопни жон ҳолатда уриб кетардим.

— Қатъий ирода. Балки шунинг учун ҳам рус паҳлавони устидан ғалаба қозонган бўлсангиз керак, — деди Элёр бу гапни қаердадир ўқиганини эслашга уриниб. Бироқ мезбонга ҳаваси келиб тургани учун фикрини жамлай олмади.

— Балки. Лекин сизга очигини айтсам, мен ўзбек характерини кўрсатмоқчи ҳам бўлдим, — деди Руслан қатъий тарзда.

— «Оқ Тайсон» деган лақабни оқладингиз...

— Ошириб юбордингиз-ов.

— Бу менинг эътирофим эмас, бокс оламида донг таратган мутахассисларнинг фикри.

Бу суҳбатта анча бўлди, аммо ҳаммаси ёдида. Бугун яна бир ўзбек йигити Аббос Атоев боксдаги ўз вазнида жаҳонда тенги йўқ дeб тан олинди. Руслан билан бўлиб ўтган суҳбат яна Элёрнинг эсига тушди. Бу чемпионни ҳам бориб кўришни кўнглига тутиб қўйди. Уйга қайтиб ошхонага кираркан:

— Қандай яхши! — деди Аббос Атоевни «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотлангани тўғрисидаги фармон чиққан газетани стол устига қўйган Элёр. — Юртимизда жаҳон чемпионлари сафи тобора кўпаймоқда.

Зулфия эрини «Сиз улардан асло кам эмассиз» деб мақтагиси, кўнглини кўтаргиси келди. Бироқ бир пайтлар боксни ёмон кўриб қолгани сабаб ҳар қанча истаса-да, гапира олмади. Газетага тезгина нигоҳ ташлади-да, «Хозир овқатингизни олиб келаман», деб ошхона томон юрди.

— Биламан, бокс ҳақида гаплашишни ёқтирмайсиз. Аммо... бу бокс! Уни бир умр унутолмасам керак, — дея жаҳон чемпионининг суратига тикилди Элёр. — Энди уларни бутун дунё танийди. Аббос Атоев! Булар энди миллатимизнинг фахри саналишади. Балки мен ҳам бошлаган ишимни ташламаганимда... уларнинг сафида бўлармидим.

— Боя мактабда биринчи иш бошлаган куним кундалигимга ёзиб қўйган бир ҳикматни ўқиб қолдим, — деди косада қайноқ шўрва олиб келган Зулфия. Кейин эрининг олдига ўтиришдан аввал болалар ётган хона томон нигоҳ ташлаб қўйди. — Истасангиз, нима гаплигини айтиб бераман.

— Қани, эшитайлик-чи?

— «Ҳамма одамлар ҳам буюк ишлар қилиб доврўғ солишлари шарт эмас, оддий сабр-қаноат ва шукр қилишнинг ўзи — дунёдаги энг буюк ишдир». Билмадим, нега ёзган эканман. Ёққаниданми, балки мен тўғримда айтилгани учундир.

Ха, Элёр энди эслади Махмуд Замах-шарийнинг бу доно гапине. «Кўп китоб ўқиган ёки кўп ривоят тинглаган одам, барибир, ажралиб туради-да». Шу тобда у ҳам бирор ақли фикр билдиргиси келди, аммо... нахот эслолмаса? Шунда Зулфиянинг «Жудаям кам китоб ўқийсиз!» деган ҳақли эътирози яна ёдига тушди. «Тўғри, ишингиз кўп машаққатли, аммо ойда-йилда бир марта бўлсаям, бадий асар ўқиб туришингиз керак. Вақт йўқлигини баҳона қилманг, буюк алломаларимиз маърифатсиз ҳаёт — жаҳолат, деганлар». Элёр бу танбеҳни тўғри қабул қилган, бироқ барибир мутолаага бўш вақт топа олмаётган эди. Тўхта, яқинда, қайсидир институтда олимлар ва ёзувчиларнинг қандайдир йиғинида қатнашди-ку. У ерда жуда кўп ажойиб ва фойдали фикрлар билдирилди. Ахир эшитганларидан бирини эслаб қолиш учун уч-тўрт марта ичида такрорлади ҳам. Нимаиди? Бировни юпатиш ҳақида эдими-ей? Ха, бўлди-бўлди: «Ҳар қандай одам ўзини ўзгалардан кўра осонроқ кечиради ва, аксинча, бошқаларни ўзидан кўра осонроқ овутади». Агар хотираси панд бермаган бўлса, худди шундай эди. Бироқ буни ким айтганди-я? Пешонаси тиришди, қани, эслай олса.

— Нимадир демоқчимисиз? — сўради Зулфия овқатланишга шошмаётган эридан. — Йўқ, деманг, кўзингиздан билиб турибман.

— Дунёда ақли иборалар, ҳаётда асқатадиган мақоллар жуда кўп. Уларнинг ҳаммасини ҳам ёдда сақламоқнинг иложи йўқ. Лекин менинг ҳам ёдимда нимадир қолган, — деб Элёр ҳозиргина хаёлига

келган фикрни баён қилди. — Бироқ бу оқил гапнинг ким айтганини...

— Франческо Петрарка.

— Ҳа, менимчаям, шу одам айтган. Унинг фикри ёққани муҳим иш, масъулиятли вазифани бажараяпман-ку деб ўзимни овутаман, кўнглимга таскин бераман. Шу маънода ўзимни кечиритим ҳам осон кечади. Аммо юрагимнинг бир четида ушалмаган орзуимнинг миттигина қалъаси бор. Бокс мусобақаларини томоша қилсам, қалъадаги «асир» занжирланган темир эшикларни бирдан тақиллата бошлайди. Агарда унинг ноласига қулоқ солсам, юрагим увишиб, бутун баданларимда оғриқ сезгандай бўламан. Шунинг учун қарагим келмайди, бироқ рингдан кўз узолмайман. Ундан кўра аламли нолаларга чидашни маъқул кўраман. Мусобақаларни охиригача кузатиш мен учун ҳам завқ, ҳам азоб. Шунақасини кўрганмисиз, ҳис қилганмисиз? Ҳам завқ, ҳам изтироб.

— Ота-онамдан эшитганман. Масалан, фарзанд ширин, тўғрими? Бироқ у бирор ножўя иш қилса, хафа бўласиз, азобланасиз, балки танбеҳ берарсиз, жаҳлингиз чиқиб, ҳатто қўл ҳам кўтарарсиз, аммо ундан воз кечолмайсиз. Бизни деб онамнинг руҳан қийналганларини кўп кўрганман. «Ширин азоб» деб кўярдилар онагинам. Бироқ биз ўйинқароқ қизлар бу гапнинг маъносини тушунмасдик. Балки сиздаги туйғулар ҳам шунга ўхшашдир?

— Бу ҳақда гапирмайман деб кўнглимга тутиб қўйгандим, лекин кейинги пайтларда нимадир қийнаяпти, — деди Элёр овқатланишга шошилмай. Шу дамда у қўлларини мушт қилиб тугар, хаёлини

йиғиб яна бўш қўяр, пастки лабларини тишлаб, бир зум туриб қоларди.

— Ҳар гал халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб, юртимизга қайтган боксчилар билан учрашиб қайтганингизда шу кўйга тушасиз. Уларнинг ўрнида мен бўлишим мумкин, деган ўй бутун фикру зикрингизни қамраб олади. Кейин ундан анча вақтгача қутулмай юрасиз. Қисқаси, тақдирга тан бергингиз келмаяпти. Ҳалиям бўлса, қайтсаммикин, деган фикр сизни чалғитяпти. Лекин яна беш-олти йилда нафақага чиқаман-ку, деб ҳайрон ҳам бўлиб қўясиз.

— Ҳа, йигирма беш йил бўлгач, жавоб беришса керак.

— Унгача полковник унвонини оласизми?

— Худо насиб қилса...

— Мана кўрасиз, албатта, шу унвонда нафақага кузатишади. Ана шундан кейин бирорта бокс клуби очиб, ёшларга мураббийлик қилсангиз ҳам бўлади. Балки шогирдларингиз ичидан жаҳон чемпионлари чиқиб қолар.

— Баъзида шу ҳақда ўйлаб кетаман.

— Овқатингиз совияпти.

— Мундоқ хаёл суришга ҳам қўймайсиз-а?

— Тўқ қоринга яхши фикрлар келади.

— Бу гапингизга қўшиламан.

— Ҳа, айтгандай, анави Нормат ака телефон қилувдилар. Нима деб жавоб қилишни билмадим.

— Э, ҳа, Азиз ҳақида аниқ маълумот тўплаб, у кишига хабар қилишим керак эди. Буни қара, иш билан бўлиб яна ёдимдан кўтарилибди. Роса хафа бўлиб гапиргандир?



— Билдирмадилар.

— Лекин ростини айтсам, ҳақиқатни қандай етказишни билмай бошим қотиб турибди. Азиз Наманганда, ўша ййғиннинг эртаси куни ўлдирилган. Президентга ҳеч қандай тажовуз амалга оширилмагандан кейин ундан шубҳаланишиб, баҳридан ўтишган, деган хулосадаман.

— Аммо буни дадаси биладилар-ку.

— Бозор Намангонийнинг ёрдамчилари «ҳукумат одамлари отиб ташлаган» деган гап тарқатишган эмасми? Шунгами, юрагида гумон бор эди. Балки шу аламли шубҳадан ҳамон воз кечолмаётган бўлсалар керак. Гумон иймондан айиради, дейдилар. Нормат аканинг қалбидаги шу гумонни тарқатиб юборишим лозим. Акс ҳолда, бу одам гўрида ҳам тинч ётмайди.

— Унда бор ҳақиқатни айтишингиз керак. Иложи борича тезроқ қилинг бу ишни. Қанча орқага тортсангиз, отанинг қалбига шунча кўп азоб берган бўласиз.

— Ҳа, эртагаёқ учрашаман. Қўлимдаги ҳужжатларни кўрсатсам, ишонсалар керак.

Элёр шундай деб кечки овқатни тунги ўн икки яримларда тановул қилишга киришди. Фарзандлари билан дилдан гаплашиш яна қачон насиб этади.

## XXXII. СОЯДАГИ УЛФАТЛАР

Эндиликда Жарариқдаги чойхонани ўзларига макон қилиб олган ўша эски улфатларнинг бугун ййғиладиган куни. Кексалик ўз ҳукмини ўтказиб,

оёқдан мадор, белдан қувватни олаётган бўлса-да, бу соядаги одамларнинг тилига ҳали-вери таъсир кўрсатолмай доғда эди. Уларнинг суҳбатига қулоқ тутсангиз, сиз ҳам «тавба» дейишингиз аниқ. Одатда, бу ёшдаги қариялар камгап, эринчоқ, ҳар нарсага бошини қотиравермайдиган бўлиб қолишади. Бу ерда ушбу табиий ҳолатнинг акси: сиз, йўғ-э, деманг-да, чолларнинг гап-сўзларини эшитиб кўринг, ҳақиқатан ҳам, ўзгача манзарага гувоҳ бўласиз.

— Хўп оламшумул воқеалар бўляпти-да, — дея гап бошлади Профессор чойхонага келибоқ биринкетин ёнбошлаб олган улфатларига қарата.

— Яна нима бўпти? — деб энсаси қотди Қопқоннинг.

— Мен ҳамма воқеаларни кузатиб боряпман. Лекин қойилмақом қилиб сиёсат олиб боряптилар, — деди Профессор оғзини тўлдириб. — Икки минг тўққизинчи йилнинг бошидан бери беш-олти марта келиб кетди-я, Американинг катталари. Мен бўлсам, Хонободдан чиқиб кетишганидан кейин тўнини бутунлай тескари кийиб олишса керак, деб ўйлагандим. Қаёқда, хафаям бўлишмаган, шекилли, бордикелдини тўхтатишмаяпти.

— Балки тан беришгандир, — дея орага гап қўшди Қулқоп.

— Кимга? Президентгами? — юмила бошлаган кўзларини бирдан очиб, собиқ тренерга тикилди Қопқон.

— Бўлмаса, кимга? — Алишер ака ҳам киприк қоқмай, улфатига термилди.

— Сенлар сиёсатни тушунасанларми ўзи? Бизга Америкадан кўра Россия яхши-ку. Президент йўл қўйган хатосини тўғрилаб олди, холос. Мана яна ҳаммаси изга тушди, — Қопқон биқинига ёстиқни тортаркан, атрофдагиларга бирма-бир қараб қўйди.

— Жа, сен айтганчалик оми эмасмиз, — деди Қопқонга назар ташлаган Профессор жаҳли чиққанини билдириб. У кейинги пайтларда жамиятдаги ўзгаришларни ростдан ҳам жиддий кузатиб бораётган ва улфатларининг орасида бу борда анча илгарилаб кетганди. Шунданми, тиллари бурро, унча-мунча одамга бемалол гап қайтаришга журъат қиларди. Ҳозир ҳам шундай вазият эди. Унинг назарида, Қопқон баланд келгани билан ундан-бундан эшитган нарсасини гапиради, деярли газета ўқимайди, телевизорни ҳам онда-сонда кўради. Профессор гапига далил келтиришни яхшигина ўзлаштириб олди, лекин қайсар Қопқон, барибир, тан бермайди — ўз билганидан қолмайди. Орага бошқалар тушиб, Профессорнинг тарафини олишгандан кейингина «Э-э, борларинг-э!» деб қўл силтайди-да, кўтаролмай қолса ҳам ароққа ёпишади. — Кўриб, билиб, ана ундан кейин фикр қиламиз. Сиёсат борасидаги гапларни осмондан олиб сўзлаб бўлмайди. Агар менинг ақлим етмаса, бошқаларнинг айтганига қулоқ солиб, жимгина ўтирардим. Шунинг учун...

— Ҳов, калбош Профессор! Сен ҳали мени ақлсизга чиқариб қўйяпсанми-а? Иккита гапни билиб олдим, деб вайсайверасанми? — бирдан қад-

дини кутарган Қопқон қўлини бигиз қилиб, сал нарида ўтирган Профессорга хезланди. — Чаламулла эдинг, ҳозир ҳам шундайсан. Билдингми?

— Сени қўлингдан бировни камситиш, ҳақорат қилиш келади, холос. Маънили суз чиқмаганидан кейин, бу калла сасийди-да, — Профессор бу сафар бўш келгиси келмади чоғи Қопқон билан бемалол баҳсга киришди.

Атрофдагилар Профессорнинг бу шаштидан ҳайрон бўлишди. Бошларини маънили силкитиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

— Нима?! Ҳозир тилингни суғуриб оламан сен чаламуллани! — Қопқон шундай деб ўрнидан тура бошлади. Бироқ вазиятни ҳушёрлик билан кузатиб турган Алишер ака бесўнақай қариган шеригини елкасидан босиб, ўрнидан туришига йўл қўймади. — Қўлингни ол, Қўлқоп! Тренер бўлсанг, ўзингга. Мени ҳеч нарсага ярамайди, деб ўйлаяпти, шекилли, бу хомкалла. Ёки «Профессор» деганимизга ҳаддингдан ошиб кетяпсанми-а? Шернинг қарисиям шер эканлигини билмайсанми, қари така?!

— Бўлди қилсаларинг-чи! — деб бақириб берди Завмаг бу ҳангомаларга чидай олмай. — Кап-катта одамларнинг ёш болалардай тортишганига ўлайми? Бундай юриш-туришингга қарамайсанларми-а: бир оёғинг ерда бўлса, бириси гўрда. Нима жин урди сенларни ўзи? Одамга ўхшаб гаплашиб ўтирамизми ёки оч бўридай бир-биримизни тўхтамай ғажий-вераимизми? Сенам бас қил сиёсатдан ваъз ўқишни, — қовоғи уйилган Завмаг олдин Профессорга

нигоҳ ташлади, сўнг Қопқонга юзланди. — Улиб боряпсанки, сира тан олгинг келмайди-я. Ахир шу ерда туғилиб ўсгансан-ку, мундоқ бағри дилингни очмайсанми энди. Нима қилсаям, тинчликни сақлаш учун уриняпти. Майли, бир гал Америка, кейинги сафар Россия, Худо биледи, ундан кейин Хитойдан фойдаланармиз. Эплаб йўриғига соляптими, қандини урсин. Бизга нима керак, ўзи, юртимиз тинч бўлиб, фарзандларимиз камол топса, бўлди эмасми? Қўлимиздан бошқа нарса келадими? Келмайди. Демак, ҳеч йўқ, дуо қилишни ўрганиб олсак бўлармиди? Шунча тортишиб тўймадингларми-а?

— Ҳа, баракалла сенга, — деди собиқ тренер ўртани ислоҳ қилган Завмагга миннатдор нигоҳ ташлаб. — Нима қилсаям, шу давлат ҳаммамизники, бошида бунчалик бўлиб кетишига ишонмагандик. Нима, тан олайлик, тўртгаламиз ҳам деярли гумонда эдик. Ростиям, Россия яна қўшиб олади, деб хомтама бўлгандик. Бироқ чучварани хом санаган эканмиз. Ўзбекистон орқага қайтмади, қайтага ривож топиб, бутун жаҳонни лол қолдириб келяпти. Масалан, менам тан бердим.

Завмаг гапининг сўнггида қўлини мардларча кўксига қўйди ва бошини бироз қўйи эгди:

— Буни тан олишдан уялмайман.

— Бўлмасам-чи? — деди Профессор қаддини ростлаб.

— Ҳаммангнинг тилинг бир. Сенлар билан гап-лашгандан кўра, бир пиёла ароқ ичган яхши.

Қопқон «Э-э, борларинг-э!» дея қўл силтади-да, кўрпача тагидаги шишани қўлига олди. Собиқ

тренер Завмагнинг елкасига қоқиб қўйди. Баҳсда ғолиб чиққанига амин бўлган Профессор ўчоқ бошига кетди.

Салдан кейин оч қоринга ичилган ароқ таъсир кўрсатди, шекилли, Қопқоннинг бироз қисилган кўзлари Профессорни қидира бошлади.

— Ҳов, муллавачча! Қани, бери кел-чи!

Алишер ака қозон атрофида куймаланиб юрган Профессорга «аҳамият берма» деб шивирлади. Кейин бунга қониқмай, қўли билан ҳам ишора қилди. Ҳали ақли-ҳушидан айрилмаган, овқатга уннаётганларнинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб турган собиқ ички ишлар органи ходими тренернинг худди шу қилиғини илғаб қолса бўладими. Жаҳл отига миниб: «Сен унга ақл ўргатма!» — дея бақриб берди.

— Мен билан баҳслашгинг келаётган бўлса, қани, қаршимга ўтир-чи! Сенам кел, ҳов, тренер. Президентнинг олиб бораётган ишларига «менам тан бердим» дедингми боя? Қани, тан берсанг, айтчи, нега вилоятларда бир кунда 2—3 соатгина чироқ ёняпти?.. Газ таъминоти нега ҳамон йўлга қўйилмаган? Кеча водийдан келган курсдошимдан эшитдим, одамлар жуда қийин аҳволда эмиш. Ичимлик сувини бир амаллашяпти экан, аммо газ билан токнинг иложини қилолмай сарсонмиш. Хўш, давлатнинг ишига тан берганлар, қани, айтинглар-чи, одамларни қийнаётган бу муаммоларни ким ҳал қилиб беради? Бу ишларга ким жавобгар? Нега индамай қолдиларинг-а? Дамларинг ичларингга тушиб кетдими ҳақиқатни эшитиб? Ана шунақа, тўғри гап тўққанингга ҳам ёқмайди, дейишади.

— Ке, баҳс-мунозарани бас қилайлик, Қопқон. Ундан кўра, менгаям юз грамм қуй, — деди Завмаг улфатларнинг орасини ислоҳ қилиш мақсадида.

— Тўхтасанг-чи, олдин масалага ойдинлик кiritиб олишим керак. Агар сен билан ичсам, мени мастликда айбашлари мумкин. Уларнинг кимлигини биласанми ўзи? — дея қўлини бигиз қилиб Профессор билан тренерни кўрсатди Қопқон.

— Бўлмасам-чи, ахир улар билан эски қадрдонлармиз, — деди Завмаг оғзини тўлдириб.

— Балки... қадрдон бўлгандирмиз бир вақтлар. Аммо ҳозир улар менинг ашаддий рақибимга айланишган. Ҳа, шундай. Билмасанг, билиб қуй: бири-си, профессор унвонини ололмаган аламзада номзод бўлса, иккинчиси, шунча ишлаб шогирдларидан ақалли республика чемпиони чиқара олмаган бебурд тренер. Ана энди билдингми кимлигини уларнинг?

Қопқон баралла айтган гапидан кейин Завмагнинг елкасига қўл ташлади. Яна нимадир деб гудранди.

— Бориб тумшуғига бир туширайми? — деди Қопқоннинг ҳақоратларига чидай олмаган Профессор қўлидаги капкирни силкитиб.

— Аҳамият бермасанг-чи, — шеригини ҳовуридан туширишга уринди Алишер ака. — Оғиз уники, нима деса, деяверади-да. Биласан-ку, хуриётган кўппакка тош отсанг, қўрқиб нари кетмайди, аксинча, баттар вовиллаб, ҳужумга ташланади. Бироқ бирор ерингни тишлаб олмайди, фақат асабингга тегади, холос. Эътибор қилмасанг-чи, акиллаб-акиллаб тўхтайди.

— Нима деб пичир-пичир қилишяпсан? — деди Қопқон ёнбошлаган кўйи. — Эркакмисанлар ўзи? Хотинларга ўхшаб висир-висир қилмай, ҳамма эшитадиган қилиб гапирсанглар-чи? Сен эса Профессор, бировни сиёсий жиҳатдан қоқоқ деб айблашдан олдин ўзингни кимлигингни билиб олгин. Нега олдимга келмаяпсан? Келолмайсан ҳам. Хўш, қани, айтчи, Ўзбекистон Конституциясини яхши биласанми?

— Нимайди?

— Биласанми, деб сўраяпман. «Ха» ёки «Йўқ» деб жавоб бер!

— Ўқиганман, — деди Профессор дадилроқ жавоб беришга ҳаракат қилиб. Бироқ унинг овози, барибир, анча заиф эшитилди.

— Ўқиганмиш, — буни пайқаган Қопқон афтини бужмайтириб муносабат билдирди. Кейин бирдан жиддий тортиб, гапида давом этди. — Унда айт-чи, нечта боб, нечта қисмдан иборат?

— Атай сўраяпсанми? — деб шерикларига бир-бир қараб кўйди Профессор.

— Сен гапни бурмай жавоб бер! — деди Қопқон жаҳл билан.

— Офарин, ёдингда қолибди. Қани энди айтчи, Конституцияда Президент импичменти ҳақида нима дейилган?

— Нима у? — деб сўради тренер Профессорга юзланиб.

Қопқон қаҳ-қаҳ отиб кулмоқчи эди, аммо ўзини босди, асосий рақиб у эмас, Профессор-ку. Балки у билар деган гумонда диққатини бўлмади.



— Ҳеч нима.

— Ҳа, баракалла. Ҳуш, нега? Ахир Россия, Молдова, Қозоғистон, Арманистон, Туркменистон, Озарбойжон, ҳатто Қирғизистон Конституциясида ҳам бу ҳақда модда бор. Нега бизда йўқ?

— Билмадим.

— Билмасанг, оғзингни кўпиртириб мақтама!

Алишер ака «Нима ҳақида гап кетяпти?» дегандай, Профессорни туртди. Буни назардан қочирмаган Қопқон «Дўстингга тушунтириб қўй» дея, киноя қилди. Профессор «импичмент» деган сўзининг маъносини изоҳлади.

— Ҳм, ўзингни ақлли кўрсатиш учун шуни излаб топдингми? — деди Алишер ака бошини сараксарак қилиб. — Бунга ҳожат йўқ бизда.

— Ақлинг етмаган масалаларга аралашма. Сиёсат билан фақат қулларгина шуғулланмайди. Мен эса қул эмасман. Озод ва эркин одамман. Гапингни қара, бошқа давлатларда ҳожат бор-у, бизда йўқми? Бу Конституциянинг янада мукамаллигини таъминларди, билдингми? Сиёсат мавзусида фикр юритишга уқувинг бўлса, ҳамма нарсадан хабаринг бўлсин ва кўркмай баҳсга кириш. Бўлмаса, жимгина ошингни еб кетавер. Ўзингни ақлли кўрсатма.

— Тирноқ остидан кир қидирадиганлардан эмасман. Қомусимиз Фарбда юқори баҳоланган, — деди Профессор ишига машғул бўларкан.

— Бошқа нимаям дердинг? Сиёсат борасида, барибир, менга тенг келолмайсан.

Профессор бошқа индамади. Қопқон яна ароққа қул узатди. Алишер ака негадир ўй суриб қолди.

## XXXIII. ЯНА ҚИРҒИЗИСТОН ВОҚЕАСИ

2010 йил 6 апрель.

Қирғизистоннинг Талас вилояти марказида мухолиф кучларнинг уюштирган митинги тугаши билан бирдан тартибсизлик бошланди. Оломон вилоят маъмурият биносини эгаллаш учун ҳужумга ўтди. Яна бир гуруҳ айни дамда вилоят Ички ишлар бошқармаси биноси томон одимлади. Махсус отряд намойишчиларнинг йўлини тўсишга уринди, бироқ ҳаракатлари самара бермади. Бақир-чақир қилаётган одамлар тобора кучайиб бораётган тўлқин сингари уларни бир четга суриб ташлади.

Мудҳиш воқеа бир зумда бутун оламга тарқалди. Ўзбекистон Президенти қўшни республикада бошланган яна бир кўнгилсизликдан хабар топаркан, «таниш манзара» деб қўйди ичида. Кейин юрагини ушлаб, анчагача ўйланиб қолди. «Нималар бўляпти Қирғизистонда? Ақаевдан қониқишмади, энди Бакиевнинг ҳам истеъфо беришини талаб қилишмоқдами? Бу қирғиз халқининг талаб-хоҳишими ёки четдан туриб сценарий ёзиб бераётган учинчи кучларнинг сиёсий найрангими? Наҳот, шундай бўлса? Ҳа-да, «Учинчи куч»ларнинг наздида тайёр мухолиф кучлар бор, уларни сафарбар этадиган, қонини жунбишга келтирадиган, ақлидан айирадиган сценарий ёзилса ва моддий манфаатдорлик йўсинида тақдим этилса бўлди, алдовга учган оломон шаҳар ва қишлоқларни яна вайрон қилишни бошлайди. Шундайми? Ҳа, айнан тахминим тўғри чиқди, Ба-

киев Америка ҳарбий базасини чиқариб юборишни ортга сурди, оқибатда... Ишқилиб, бу тўполонда ўзбек миллатининг вакиллари ҳам жабр кўрмаса эди».

Воқеалар тобора кўрқинчли тус ола бошлади. Кечга яқин саксондан ортиқ одам ўлгани, бир ярим мингга яқин намоёйишчиларнинг ярадор бўлгани ҳақидаги хабар тарқалди. Еттинчи апрелга ўтар кечаси ички ишлар вазири муҳолиф кучлар томонидан қўлга олинади. Эртаси куни кўча яна оломонга тўлади. Қаҳр-ғазабга тўлган одамлар парламент биносини ва Ҳукумат уйини босиб олишга жазм қилишади. Бироқ бино тепасига жойлашиб олган снайперлар қўлига қурол кўтарган шахсларга қарата ўқ уза бошлайди. Бундай буйруқни ким бергани дарҳол аниқланади. Қирғизистон давлат қўриқлаш хизмати бошлиғи, Президентнинг иниси Жонибек Бакиев қуролланган кимсаларни зарарсизлантириш бўйича буйруқ берганини тан олади: «Ахир улар ҳукумат одамларига қарши ўқ ота бошлашди. Бунинг устига, Президент хонасининг деразасини ҳам нишонга олишди». Шунга қарамай, парламент биноси тор-мор қилинди, Бош прокуратура идораси ёқиб юборилди. Телемарказ босиб олинди. Собиқ парламент раиси Омурбек Текебаев эфир орқали «ҳокимият бутунлай халқ қўлига ўтганлигини» эълон қилди. Қирғизистон ҳукумати истеъфога чиқарилгач, мамлакат Президенти Бишкекдан Ўшга кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Муҳолифат келгуси сайловгача, яъни олти ойлик муддатга собиқ ташқи ишлар ва-

зири Роза Отунбоева етакчилигида вақтинча «халқ шпончидаги ҳукумат» тузди.

Ўзбекистон Президентининг хаёлидан яна Андижон воқеалари ўтади. Сабаби, бу сценарийлар жуда таниш эди-да. Турмушдан норозилик руҳида бошланган митинг сал ўтмай вилоят ҳокимияти биносини эгаллаш, босиб олишдек исёнкор кўриниш олади ва панадаги номаълум шахснинг «Ур!» ёки «Ўт кўй!», «Ўлдир!» деган ундови остида босқинчилик ҳаракатига айланиб кетади. Алдовга учган оддий халқ азобланыпти. Шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган муҳташам бинолар вайрон бўляпти. Йирик савдо дўконлари, маданият ва истироҳат боғлари ёниб култепаларга айланыпти. Наҳот, ҳокимият тепасига келиш учун азим шаҳарларни яксон қилиш керак? Одамларни алдаб кўчага чиқариш ва уларни жиноятга бошлаш лозим? Ахир буларни тинч йўл билан, уруш-жанжалсиз, тўполонларсиз ҳам ҳал қилиш мумкин-ку? Ҳа, ҳўп, шу усуллар билан бошқарувни қўлга олдинг ҳам дейлик, лекин чет элнинг маҳобатли савдо дўконини нима қилдинг? Ёниб битди-ку. Марказий бозордан асар ҳам қолмади-ку? Бир нечта супермаркетлар талон-торож қилинди-ку? Энди бу объектларни миллиард-миллиард маблағ сарфлаб яна тиклайсанми? Кимнинг ва ниманинг ҳисобига? Халқни ёмонотлиқ қилиб, эришган мансабда қанча муддат ҳокимиятни бошқариш мумкин? Алдаганигни, айтилган ваъдалар бажарилмаганини сезиб қолган халқ яна жунбишга келмайди деб ким кафолат бера олади? Куни келиб улар сени ҳам тахтдан ағдариши, ўрнингга бошқа

бировни сайлаши ҳам мумкин-ку! Шундай экан, вайронагарчиликдан нима наф, қандай манфаат бор? Ёки чет эллик ҳомийларнинг ваъда қилинган пулларидан умид қиляптимикин? Лекин бу умид пучга чиқса нима бўлади? Даҳшат!

Мамлакат жанубида оммалашган «Дийдор» газетасининг редакциясига отилган ўқ. Ўзбекистон Президентининг кўксини яралагандай бўлди. Ўзбек тилида нашр этиладиган бу газетага номаълум шахс ҳужум уюштирган эди. «Манфаатдор учинчи томон миллатлараро уруш ўчоғини ҳам ёқмоқчига ўхшайди. Зудлик билан бу кўнгилсизликнинг олди олинмаса, икки халқ уртасида низо чиқаришга уринаётган кучлар ўз мақсадларига эришиши мумкин!»

Ўзбекистон Президенти Бош вазирни чақириб, тегишли кўрсатма берди. Бундай хунрезликни ўз кўзи билан кўрган Бош вазир нима қилиш кераклигини режалаштирди, махсус тайёргарликдан ўтган одамларни ўзбек халқини оғир бўлишга, мақога учмасликка чақириб, учун йўлга отлантирди.

Қирғизистон Президенти гоҳ Россиянинг «Эхо Москва» радиостанциясига интервью бериб, ўзининг мағлубиятини тан олганини билдирар, гоҳ Қозоғистонда пайдо бўлар, гоҳ эса Беларуссиянинг Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ижроия қўмитаси биносига келиб, матбуот анжумани ўтказар эди. Мамлакат Президенти чет элларда юрган шундай кунларнинг бирида рус ва месхети турклари яшайдиган уйларга ҳужум уюштирилди. Ундан ортиқ тинч аҳоли жабр кўрди. Июнь ойига келиб Ўш шаҳрида жуда катта тўқна-

шув бўлди. Олинган тезкор маълумотларга кўра, икки мингдан ортиқ одам жароҳат олган, яна мингга яқини шифохоналарга ётқизилган. Шаҳарда комендантлик соати жорий қилинди. Бишкеклик қирғиз ёшлари кўчадаги кичик автобус ва машиналарни эгаллаб, Ўшга — ўзбеклар билан тўқнашувга шошилдилар. Юзага келган тартибсизлик оқибатида тўрт юзга яқин аҳоли Ўзбекистон ҳудудига ўтиб жон сақлади.

Ўзбекистон Президенти худди мана шундан хавотир олган эди. Чегара ёпилганига қарамай, қочоқлар ёрдам сўраса, нима қилиш керак? Ахир улар бегона эмас-ку?

Ўзбекистон Президенти яна Бош вазирга жиддий вазифа юклади:

— Юртимизга ўтган қочқинларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш, барча эҳтиёжмандларга тиббий ёрдам кўрсатиш, улар учун зарур маиший шароитлар яратиш, озиқ-овқат билан таъминлаш масалалари зудлик билан ҳал қилинсин. Шунингдек, лагерлардагиларни муҳофаза қилиш чоралари ҳам кўрилсин. Вазият барқарорлашгач, одамларни ўз уйларига қайтишларида амалий кўмак берилсин.

Топшириқни ён дафтарига ёзиб олган Бош вазир кетишга рухсат сўради.

— Зиммага юклатилган вазифалар нечоғлик муҳим эканлигига эътибор қаратинг, бундай хунрезлик вақтида ҳис-ҳаяжонга берилмай, ақл билан иш кўришимиз лозим, — дея Ўзбекистон Президенти Бош вазирга нигоҳ ташлади. — Бизнинг қандай йўл тутишимизни пойлаб турган кимсалар олдида

ўзбек миллатига хос бағрикенглик, сабр-тоқат ва кечиримлилик каби олий фазилатлар ила ўзимизни кўрсатишимиз керак.

— Ҳар бир тошпирикқа ақл ва виждон билан ёндашсанг, қаловини топасан, деган маслаҳатингиз ҳар доимгидай ёдимда, — деди Бош вазир камтарлик билан.

— Етти йил кам муддатга ўхшайди, аммо хулоса чиқаришга етарли деб ўйлайман. Давлатимиз равнақи учун елиб-югуриб астойдил ишлаётганингизни кузатиб турибман. Бу катта мансабга сизни танлаб адашмаганга ўхшайман.

— Бундан кейин ҳам ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

\* \* \*

«Ҳа, ана, энди мақсадлар ойдинлаша бошлади», дея хаёлидан ўтказди Ўзбекистон Президенти Роза Отунбоева билан АҚШнинг Қирғизистондаги элчиси Татьяна Гфэллэр хоним учрашувидан сўнг. Элчи Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдами беришга тайёр эканлигини, яқинда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг ёрдамчиси Роберт Блейкнинг келиши режалаштирилганини баён қилганди. Орадан сал ўтмай АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтоннинг вақтинчалик Ҳукумат бошлиғи билан телефон орқали суҳбатлашгани ҳақидаги маълумотлар матбуот ва Интернет орқали бугун оламга тарқалди. «Манас» яна бир йил давомида Америка ҳарбийларининг ихтиёрида қолиши тўғрисида ҳам овоза бўлди.

Халқаро кузатувчилар Қирғизистондаги жараёнларни Россия қўллаб-қувватлади деб тахмин қилишди. Сабаби мамлакат Президенти берилган ваъдани бажармаган: «Манас»дан АҚШ ҳарбий базасини чиқариш ҳақида ўйламаган. Бу тахминий хулосалар қанчалар ҳақиқат эканлиги Ўзбекистон Президентига аён эди, албатта. «Муҳолиф кучлар бир амаллаб давлат тепасига келиши мумкин, — ўйлади Ўзбекистон Президенти. — Аммо уни бошқариш ҳазилакам иш эмас. Халқаро миқёсда обрў-эътиборга эга бўлиш учун мамлакатни шундай бошқариш керакки, юрт, аввало, тинч бўлсин, халқнинг фаровонлиги йилдан-йилга яхшилансин, давлатнинг мавқеи ошсин ва сиёсий етакчининг роли сезилсин. Унинг ўз айтар сўзи, қатъий позицияси, келажак учун аниқ ва равшан режаси бўлмас экан, узоққа бора олмайди. Атрофдаги сиёсий найрангларни тушунмаса, уларга муносиб жавоб қайтара олмаса, ўз халқининг мададига эмас, четдаги раҳнамоларнинг гапига, ёрдамига, қўллаб-қувватлашига ишонса, улардан умид қилса, бундай раҳбардан ватанга наф йўқ. Давлат раҳбарини бир тўда кишилар эмас, бутун халқ сайлаши керак! Унинг истеъфосини ҳам бир гуруҳ оломон эмас, мамлакат аҳолисининг тегишли қисми талаб қилиши лозим. Бу жараён шундай амалга ошиши керакки, юртга умуман зиён-заҳмат етмасин. Одамлар жабр кўрмасин. Мамлакатни харобага айлантириш ҳисобига давлат тепасига келадиган кучларнинг ҳаракатини асло оқламайман!»



Ўзбекистон Президенти Бухорога сафари чоғида Қирғизистон жанубида содир этилган даҳшатли воқеаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Бу мудҳиш фожиалар ҳақида гапиришнинг ўзи оғир. Бегуноҳ одамларни, болаларни, ҳомиладор аёлларни ўлдириш — бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Бундай қонли жиноятларнинг тагига етишга, уларга қонуний баҳо берилишига ишонаман. Мен илгари ҳам айтган эдим — бугунги кунда ўзининг кадр-қиммати, гурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир давлат ва жамиятнинггина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўз кучига ишонган, келажаги буюк халқнинг бағри кенг бўлади. Халқимиз доимо бошқаларга бағрини очиб, ҳамдард бўлиб келган.

Бугунги мураккаб даврда огоҳлик, сезgirлик, ҳушёрлик ҳар қачонгидан кўра муҳим. Чунки узоқ ва яқин мамлакатларда ўзини бизга дўст сифатида кўрсатадиганлар ҳам йўқ эмас. Қирғизистондаги воқеаларга муносабат масаласида ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Уларнинг фикрича, бу воқеаларнинг туб сабабларини қидириш шарт эмас. Гуё бу ўзбек ва қирғиз этник гуруҳлари ўртасидаги қарама-қаршилик эмиш. Мен бундай фикрларга мутлақо қаршиман. Ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бунга айбдор эмас. Бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган қўпоровчилик ҳаракатидир. Бундай қўпоровчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистон-

ни ҳам бу қарама-қаршиликка тортишдан иборат бўлган. Биз буюк халқмиз, асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган қирғиз халқи билан тил топишишга, муаммоларни ўзимиз ечишга қодирмиз.

## XXXIV. ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАКЛИФИ

2010 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилиш Ўзбекистонга ўтди. ШХТнинг ўнинчи мажлисини июнь ойида ўтказишни режалаштирган Ўзбекистон Президенти ташкилотга аъзоликка қўшилиш истагини билдирган Ҳиндистон ва Покистоннинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлади ва Тошкентда бўладиган саммитда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклиф қиди. Халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш Муғулистон давлати учун ҳам муҳим эди, албатта. Ўзбекистон Президенти Муғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдоржнинг илтимосини рад этмади. Шундай қилиб, 10–11 июнь кунлари Ўзбекистон Президенти ШХТга аъзо давлатлар қаторида учала мамлакатнинг раҳбарларини ҳам бирин-кетин кутиб олди. Покистон Ислом Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий таклиф учун миннатдорчилик билдираркан, Ўзбекистон Президентидан умиди катта эканлигини баён қилди.

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўртасида эгаллаган мавқеингиз жуда баланд, бу бизни беҳад қувонтиради, улар таклифингизни инобатга олишларига ишонамиз, — деди Осиф Али Зардо-

рий қабул чоғида хурсандлигини яшира олмай. — Биз ШХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишни истаймиз.

Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришна ҳам саммитга таклиф этилганидан миннатдор эканлигини баён қиларкан, Ўзбекистонга меҳр-муҳаббати бошқача эканлигини эътироф этди.

— Сизнинг ташаббусингиз таҳсинга лойиқ, — деди вазир ШХТга аъзоликка кириш умиди пайдо бўлганидан.

— Кузатувчи сифатида иштирок этишингиз, бу ҳали ташкилотга аъзоликка қабул қилинишингизни билдирмайди. Жиддий қаршилик бўлиши ҳам мумкин. Аммо аминманки, яқин йилларда масала ижобий ҳал қилинади.

— Сизнинг қатъий талабингиз билан, албатта.

Кўксаройда бўлиб ўтган саммитда кўплаб қарорлар сингари ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор ҳам қабул қилинди. «Биз кучли ташкилотга айланишимиз учун ўз сафимизни кенгайтириб боришимиз керак! Ҳиндистон ва Покистоннинг қўшилиши ташкилотнинг нуфузини ва қудратини оширади. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга

эмас», деди саммит якунида Ўзбекистон Президенти.

ШХТнинг навбатдаги мажлисини Қозоғистоннинг Остона шаҳрида утказишга келишиб олинди.

## XXXV. ТАН ОЛИНГАН ҲАҚИҚАТ

2010 йил 15 июль. Оқсарой.

Германия Федератив Республикаси вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Гидо Вестервелле Ўзбекистон Президенти билан учрашув чоғида деди:

— Мамлакатингиз Афғонистондаги таҳликали вазиятни ноҳарбий воситалар билан барқарорлаштиришга изчил ёндашиб, минтақада тинчликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бундан ҳеч ким куз юма олмайди. Шу ишларнинг давоми сифатида яқинда Қирғизистон жанубида содир этилган воқеаларга муносабат борасида Ўзбекистоннинг вазмин ва оқилона позициясини юқори баҳолайман. Жаҳлни жиловлай олганлар голиб, дейишади шарқлик буюк алломалар. Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Мен бунга яна бир карра амин бўлдим.

— Биз бу жанжалнинг асл мақсадини билганимиз учун ҳам шундай йул тутдик.

— Менга яна бир мақол жуда ёқиб қолди, — деди Гидо Вестервелле мамнуният билан. — Ижозат берсангиз, уни баён қилсам:

Яхшиликка яхшилик, ҳар кишининг ишидир,  
Ёмонликка яхшилик мард кишининг ишидир.

Бу топиб айтилган доно гапга қўшимча қилишнинг асло ҳожати йўқ.

— Жуда мазмундор мақол.

— Ҳа, бу нақлни кейинроқ ёзадиган эсдаликларимнинг бирига эпиграф қилиб олмоқчиман.

— Агар уни каминага ҳам тортиқ қилсангиз, жон деб ўқиб чиққан булардим.

— Албатта. Мен сиз билан учрашишга яна умид қиламан, жаноб Президент.

\* \* \*

2010 йил 17 июль. Оқсарой.

Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Жеймс Станнберг қабул вақтида мамнуният билан сўз бошлади:

— Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ўртасида ўз ўрнига эга. Халқаро ҳамжамият Ўрта Осиё минтақасида ҳукм сураётган тинчлик ва уни сақлаш борасида Ўзбекистоннинг жонбозлигини алоҳида таъкидлайди. Афғонистондаги халқаро террорчилар ҳаракати, уларнинг минтақага солаётган хавфи ҳамон камаймаган бир даврда республикангиз нафақат ўз ҳудудини, балки бутун Осиёда тинчликни мустаҳкамлашдаги конструктив сиёсати, айниқса, Қирғизистонда юз берган воқеалардан сунг унинг жанубидан Ўзбекистонга ўтган жабрланган ва қочқинларга тезкор тарзда кенг қўламли ёрдам кўрсатилгани диққатга сазовор ишлардир. Ўйлайманки бу Ўзбекистон раҳбариятининг оқилона ва чуқур

уйланган ёндашуви бўлди. Жуда катта қирғиннинг олди олинди. Миллатлар ўртасида қон тукилишига йўл қўйилмади.

— Масалага холис баҳо бергани учун АҚШ ҳукуматига ва шахсан сизга ўз миннатдорчилигимни билдираман, — деди Ўзбекистон Президенти самимий билдирилаётган фикрларга жавоб қайтариб.

— «Ўзбек модели» ҳақида Фарбда ҳам кўп гапиришади, — дея суҳбатни давом эттиришни истади Жеймс Станнберг. — Ҳақиқатдан хабарингиз бордир, Мустақилликнинг дастлабки йиллари бу каби ривожланишнинг ўзига хос йўли — одамларни чалғитиш учун уйлаб топилган баландпарвоз гаплар деб, кўпчилик сиёсатчиларнинг мунозарасига ҳам сабаб бўлган эди. Бироқ ўтган давр бу истехзоли тортишувнинг хулосасини пучга чиқарди. Ўзбекистон минтақада лидер давлат сифатида обрў қозонди ва эндиликда дунё мамлакатлари икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболини кўзлаб иш тутаётганлари сир эмас. Асакадаги автомобиль заводи Ўзбекистоннинг довуғини оширган бўлса, АҚШнинг «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликда янги завод қурилаётгани, 2011—2013 йиллар давомида юртингизга яна тўртта «Boing-767-300 ER» самолёти сотиб олиниши режалаштирилгани, Устюртда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги салоҳиятини, иқтисодий қудратини намён қилмоқда.

— Ўзбекистон тинчлик ва фаровонликни истайди. Тараққиёт учун астойдил меҳнат қилишни

хоҳлайди. Келажак учун курашар эканмиз, фарзандларимизга биздан озод ва обод юрт қолсин, деймиз. Бу йўлда бизга хайрихоҳ давлатлар билан ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёрмиз. Ун тўққиз йил тарихан қисқа давр. Аммо амалга оширган ва ошираётган бунёдкорлик ишларимиз дунё ҳамжамиятида тан олинаётган экан, демак, тўғри йўлдан кетяпмиз, — деди ишонч билан Ўзбекистон Президенти.

— Ўйлайманки, икки томонлама манфаатли шерикчилигимиз ўзининг янги босқичига кўтарилади.

— Албатта.

## XXXVI. «СИЗДАН РАНЖИГАНИМ ЙЎҚ»

2011 йилнинг қиши қаттиқ келди. Элёр уйга кеч қайтганига қарамай, эрталаб сотиб олган газетасига кўз югуртира бошлади. Ишхонада вақти бўлмаганидан кейин озгина уйқудан кечиб ўқишни одат қилганди. Айниқса, инглиз тилида равон сўзлаш учун анча-мунча китоблар олиб келган, бироқ уларни ҳам қўлга олишга вақт тополмаётган эди. Жиддий шуғулланмаса, баъзи сўзларнинг таржимасини тополмай қийналиб қоляпти. Бирор ижобий натижага эришмоқ учун нимадандир воз кечиш талаб қилиниши сир эмас. Масалан, ўқиб-ўрганиш ҳам ҳузур-ҳаловатнинг баҳридан ўтиш ҳисобига бўлса, нима ҳам қила оларди. Ўзи танлади инглиз тилини ўрганишни. Энди ҳеч йўқ, шу истагининг урдасидан чиқиши керак-ку. Ёки

бу мақсади ҳам бокс сингари... Э йўқ, кундалик воқеа-ҳодисалар билан танишиб боради, тилни ўрганишни асло ташламайди.

Ишни газетадан бошлади. Кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунлари ва 2011 йилдаги вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг сўзлаган нутқи «Халқ сўзи» газетасида «Барча режа ва дастурларимиз Ваганимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» сарлавҳаси билан босилиб чиққан эди.

— Сиёсий онгингизни оширишга жуда катта аҳамият беряпсиз, бу ишингиз таҳсинга сазовор, албатта.

Хонага аста кириб келган Зулфиянинг бу сўзларини тушуниш қийин бўлди. Самимийми ёки киноями? Ҳа, у эрини хизматга, кечалари эса ўз устида ишлашга вақт топишини, аммо оиласи учун қайғуришга имкони йўқлигини ёдига солиб қўйяпти. Тунов кун оқшомги суҳбат чоғида ҳам «Одамзод нима учун дунёга келади? Не мақсадда уйланади ва бола-чақа орттиради?» деб гап ташлаган эди. Маънилироқ жавоб топгунча кўзлари юмилиб-юмилиб ухлаб қолганини сезмай ҳам қолди. Тонг саҳар нимадир демоқчи бўлди, бироқ Зулфия гапиртиришга қўймади: ишга борақолинг, кеч қолсангиз, ҳайфсан беришлари мумкин.

Ичидан зил кетди, хотинини бағрига тортиб, узр сўрамоқчи, яқинда таътил олиб, шу бир ой муддатни оиласи даврасида ўтказишини ваъда бергиси келди. Бироқ айтилган вақтда таътил ололмаса-чи?



Ахир бунақаси жуда кўп марта бўлган-ку. Индолмади. Зулфиянинг хайрлашиш учун бармоқларини қимирлатиши, юзини бўсага истамайгина тутиши оилани сақлаш йўлидаги мажбуриятдай туюлди. Авваллар бунақа эмасди. Зулфия эркаланиб, бир зум бўйнига осилар, юзини тутиб утирмай, ўзи ўпиб оларди. Ҳаракатлари табиий эди, гап-сузлари юракдан эди. Энди-чи? Энди бутунлай бошқача. Балки Зулфия иш учун туғилган одамга турмушга чиққани учун афсуслана бошлагандир?

Элёр ишга етиб олгунча шулар ҳақида ўйлар, чуқур хаёлга толарди. Лекин идорага киргач, вазият барчасига барҳам берарди. Элёр топширилган вазифани бажаришга жон-жаҳди билан киришиб кетарди.

Бугун анча жиддий гап бўлди: сиёсий онг, катта аҳамият, таҳсинга лойиқ иш...

Наҳот, у Элёрдан бутунлай бошқа нарса кутган бўлса? Ахир қаерда ишлашини биларди-ку. Касби хавfli эканлигидан хабардор ҳам эди. Муҳаббат бу ёруғ оламни нима учун эрта тарк этди? Элёрни деб эмасми? Бу воқеалар эса бутун тафсилоти билан Зулфияга аён эди. Негаки, Муҳаббатнинг ўзи қандай дардга чалинганини, бу йўлиққан бедаво касаллик унинг ўлимига сабабчи бўлишидан огоҳ этган экан. «Элёр акам эрта-индин Тошкентга қайтади... Мен қолсам керак...» Шуларни билиб туриб турмушга чиқишга рози бўлди. Энди эса...

Йўқ, нафсиламрини айтганда, Зулфиянинг гиналари ўринли, деб ўйлаб қолди Элёр. Аёл кишига яхши ҳаёт кечирриш учун шароит яратиб бериш мумкин, бироқ бу туқинликда у ўзини ёлғиз сезса,

демак, турмуши тўқис эмас. Инсон фақат еб-ичиш, кўнгли тусаган ишларни қилгани келадими, дунёга? Ҳаётнинг мазмуни шуми? Тўғри, эрим катта-катта топиб келса, мени таъминлаб қўйса бўлди, қаерда ишлайди, қандай пул топади, бу унинг иши, дейдиган хотинлар ҳам кўп. Бироқ Зулфия ундайлардан эмас. Тоифаси бошқа: у ўқиган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, инсон қадр-қиммати, шаъни, орзу-умидлари, яшашдан мурод, эр-хотинлик, унинг масъулияти, нозик муносабатлар, фарзанд тарбияси, келажаги борасида қайғуриш, истиқболидан умид қилиш, кексалик гаштини суриш ҳақида маълум тушунчаларга эга аёл. У сув келса симириши, тош келса кемириши мумкин, лекин бу — уйнинг барча юмушларидан тортиб, боланинг таълим-тарбияси онанинг зиммасида дегани эмас-да. «Наҳот, иш деб, зиммамдаги бурчларни унутиб қўяётган бўлсам? Ҳа, шунақага ўхшайди, болаларимни, айниқса, қизалоғимни охирги марта қачон қўлимга олиб эркаладим? Одамларнинг меҳрибон отасига ўхшаб қачон ҳайвонот боғига ёки болалар оромгоҳига олиб бордим? Зулфияни-чи? Ундан нима каминг бор, деб сўнгги марта қачон сўрадим? Ёки индамай бирор дўконга етаклаб кириб, ўзи ёқтирган буюмини харид қилдимми?»

Қачонлардир шунга ўхшаш ҳаракатлар бўлганини эслади, лекин яқин йиллар ичида... Йўқ, ёдига айтарли ҳеч нарса тушмади. Ҳа, у гина қилади-да.

Элёр аччиқ ҳақиқатни тан олди: сўнгги йилларда Зулфияга кам эътибор қиляпти. Шунинг учун оқила аёли оилага эмас, айнан ишга бўлган эътибо-

рини «тахсинга сазовор» деди. Тушунган одамга шу бир оғиз гап етарли.

— Айбдорман олдингизда.

— Сиздан ранжиганим йўқ. Болаларга салгина эътибор қаратсангиз бўлди. Улар ота меҳрини туйиб яшашларини истайман.

— Мен оиланинг моддий томонини уйлабман-у...

— Биламан, ишингиз шунақа, — деди эрининг ортиқ эзилишини хоҳламаган Зулфия. Аммо энди унинг оддий гаплари Элёрнинг кўксини гўё тиглаётгандай туюларди.

— Бўлди, кесатманг!

— Сираям кесатганим йўқ. Уларга тушунтиришга ҳаракат қиляпман.

— Зулфия, гапларингиз баттар оғир ботяпти.

— Унда нима қил дейсиз?

— Мен оилам ҳақида ҳам қайғуришим кераклигини тушуниб етдим.

— Бўлди, бу мавзуда бошқа гапирмайман, — Зулфия шундай деб тескари ўтирилиб олди. — Лекин ташвишим икки ҳисса ортди. Жалолиддин ҳам сизнинг касбингизни танлади.

— Ҳис этиб турибман, сиз мендан қаттиқ хафасиз. Аммо билдирмасликка уриняпсиз, холос. Ҳа, ранжишга ҳақлисиз. Бироқ сиз болаларни яхши кўришимни уларга тез-тез айтиб турунг, уйкуга ётишидан олдин, албатта, такрорланг, дадангиз шу азиз юртни ҳимоя қилиш билан банд денг. Бизлар тинчгина ухлашимиз учун жон куйдираётганларнинг бири дадаси эканлигини тушунтиринг. Ватан мустақиллигини сақлаш йўлида қурбон бўлаётган

посбонлар ҳақида гапиринг. Шу ҳикоянгиз ичида мени ҳам эсга олинг. Буни ҳаммага айтолмайман, аммо сиз билишингиз керак. Ота-онага қилган меҳнатимизни пеш қилмаганимиз каби, Ватанга бахшида этган умримизни ҳам писанда этмаймиз. Тўғри, оилага етарлича аҳамият бера олмаяпмиз. Айниқса, болалар тарбиясига вақтим йўқ. Бу айб, камчилик, албатта. Бироқ сиздан кўнглим тўқ, нуқсонимни фарзандларимизга билдирмайсиз, дадангиз ундай, дадангиз бундай деб дашном бериб, юрагига нафрат уруғини сочмайсиз. Муҳаббат қандай оқила ва вафодор аёл бўлган бўлса, сиз ҳам ундан асло кам эмассиз. У ўлими олдидан, мени деб шу кўйга тушганини юзимга солмади. Аминманки, агарда менга бирор кор-ҳол бўлса, болаларим менадан фахрланишади. Узоқ йиллар кимнинг фарзанди эканлигини хотирлаб яшашади, кейин ўз зурриётларига гапириб беришади. Жалолиддинга келсак, у ишимни давом эттиришини истайман.

Зулфия бу гапларни «миқ» этмай эшитди. Бошида масъулиятини эслатиб қўйсам ёмонми, деб ўйлаганди. Аммо энди... Қандай жавоб қайтарса экан? Ўксик кўнглига не дея таскин беради? Юрагининг тубидаги ҳис-туйғуларини ўртаб юборди чоғи, ўкинч ва ўтинч билан гапирди. Демак, бепарво эмас, оиласини жондан ортиқ яхши кўради. Демак, уни биринчи Муҳаббатидан кам севмайди. фарзандларини ҳам астойдил яхши кўради. Фақат... фақат бу туйғуларини кўпам ошкор қилавермайди.

— Сиздан асло ранжиган эмасман.

## XXXVII. ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

2011 йил 24 январь.

Ўзбекистон Президенти Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозонинг таклифи билан Брюсселда бўлди. Еврокомиссия раҳбари суҳбат чоғида Қирғизистонда бўлиб ўтган фожиалар ҳақида атрофлича тўхтади. Бироқ ўз сўзини Ўзбекистон ҳақидаги фикрларидан бошлади.

— Ўзбекистон нафақат тинчликсевар мамлакат, балки миллатпарвар юрт десам адашмаган бўламан. Минтақадаги давлатлар Ўзбекистон билан қўшни эканлигидан фахрланса арзийди. Қирғизистон жанубида содир бўлган даҳшатли воқеалар ўзбек халқини жунбишга келтиргани аён. Аммо сизнинг бу фожиалар чоғидаги вазмин ва конструктив позициянгиз чуқур ҳурмат ва эҳтиромга сазовор. Ўтган йили декабрнинг охирларида Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари хонимни Оқсаройда қабул қилганингизда шу мазмундаги гаплар бўлганидан хабарим бор. Мен уларни такрорламоқчи эмасман. Еврокомиссиянинг фикри билан ўртоқлашяпман, холос. Ўзбекистон тутган пухта ўйланган йўл можаронинг авж олиши ва давлатлараро қарама-қаршиликка айланиб кетишининг олдини олиш имконини берди. Биз Ўзбекистонга алоҳида ҳурмат билан қараймиз, сизнинг БМТ шафелигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ҳамда АҚШ, НАТО ва Россия вакиллари билан иборат «6+3» мулоқот гуруҳи тузиш борасидаги таклифингизни

ўринли деб ҳисоблаймиз. Дарҳақиқат, Афғонистондаги ўта мураккаб шароитда ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари топиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон БМТга аъзо бўлгандаёқ, қўшни афғон халқининг тинчлиги ҳақида қайғуриб келади. Жафокаш Афғонистоннинг иқтисодиёти ва инфратузилмасини тиклашга қаратилган жуда кўплаб лойиҳаларни амалга оширяпсиз ва бунинг учун Еврокомиссия номидан миннатдорлик билдираман. Ўтган давр мобайнида Тожикистонга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами, у ердаги элатлараро урушни тўхтатишга қилган саъй-ҳаракатингиз, 1990 ва 1995 йилларда Қирғизистондаги воқеаларда сизнинг оқилона қарорларингиз алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Яъни икки халқнинг тинч-тотув яшашида, илиқ қўшничилик муносабатларини сақлаб қолиш ва давом эттиришда муҳим роль ўйнаган.

Ҳа, Ўзбекистон муҳим ривожланиш йўлини босиб ўтди ва тараққиётга юз тутди. Бугун энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланиши истиқболда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун, жумладан ёнилғи-энергетика мажмуи тармоқларини модернизация қилиш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда минтақалар ўртасида транспорт-коммуникация ва транзит йўлакларини ривожлантириш борасида улкан имкониятлар очиши шубҳасиз.

— Ўзбекистоннинг шиори Ер юзида тинчлик ва фаровонлик ҳукм суришига эришиш, — Ўзбекистон Президенти қатъий фикр билдирди.

— Буни ҳамма давлатлар ҳам бирдай хоҳлаганда эди.

— Демак, биз ҳали етарлича ҳаракат қилмаяпмиз. Кучларимизни бирлаштира олмаяпмиз. Қабул қилаётган қарорларимизнинг кўпи бажарилмай қоғозда қолиб кетяпти. БМТдай нуфузли ташкилотнинг таъсири деярли сезилмаяпти. Бу ачинарли ҳол.

— Ўзбекистоннинг ўринли, жаноб Президент. Камчиликлардан кўз юммасак-да, хатти-ҳаракатларимиз суст. Биз жаҳонда тинчлик ва тараққиёт бўлишини истасак, кескин чоралар кўришга ўзимизда куч ва ирода топа олишимиз шарт. Акс ҳолда, келажак авлод олдида юзимиз шувут бўлиши ҳеч гап эмас.

— Гапингизга қўшиламан.

\* \* \*

Ўзбекистон Президентининг НАТО Бош қотиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашуви ҳам қизгин мулоҳазалар билан ўтди. Ўзбекистон билан Альянс ўртасидаги фойдали ҳамкорлик муштарак манфаатларга эга. Буни ҳар икки томон ҳам қайд этар экан, муносабатларни давом эттиришга ва ривожлантириш истиқболлари юзасидан келишиб олдилар.

## XXXVIII. ЯХШИ ҚЎШНИЛАРДАН БИРИ

Май ойининг бошларида Ўзбекистоннинг энг яхши қўшниларидан бири Туркменистон давлатининг раҳбари Гурбангули Бердимухамедов ўзбек

юртига ташриф буюрди. Ўзбекистон Президенти юксак мартабали меҳмонни ҳар доимгидай илиқ кутиб олди. Тарихдан маълум, очиқ чеҳра, табассум ва самимият билан қадам босиб келинса, бу яхшиликдан далолат. Меҳмонни қарши олган мезбоннинг ҳам юзида севинч аломатлари пайдо бўлади. Айниқса, қучоқ очиб бир-бирларини бағрига босиб, қадрдонлардай кўришишлар истиқболдан нишона.

— Сизнинг бу ташрифингиз ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, яхши қўшничилик тамойиллари асосидаги икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилишига туртки бўлади, — деди Ўзбекистон Президенти меҳмонга пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини мамнуният билан таништирар экан. — Ўзбекистон билан Туркменистон БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келаётган, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ёндашувлари, муносабат ва қарашлари ўхшаш ва яқиндир. Ўзбек халқи туркман дўстларини энг яхши қўшниларидан бири сифатида эътироф этади.

— Самимий сузларингиз учун миннатдорман.

Мустақиллик майдонига етиб келган Президентларнинг ўзаро суҳбати давом этди. Улар Мустақиллик ва эзгулик монументи томон юрдилар. Атрофни кўздан кечирган Гурбангули Бердимухамедов мамлакатнинг бу жозибали ва кўркем бош майдони одамларнинг, айниқса, ёш авлоднинг миллий ғурури ва ифтихорини оширишдаги роли муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сузлади ва монумент пойига гулдаста қўйди. Шундан сўнг давлат бошлиқлари «Ўзбекис-



тон» халқаро анжуманлар саройини бориб кўрдилар. Туркменистон Президенти бу муаззам бино йирик халқаро конференциялар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келишини, миллий меъморчилик ва замонавий архитектура усулларини ўзида мужассам этганини алоҳида таъкидлаб ўтди, меъморий ечим ва дизайнига юксак баҳо берди.

Эртаси куни икки давлат раҳбари Бухоро шаҳрига ташриф буюрдилар. Кун аста қизиб келарди, лекин суҳбатга берилиб кетган Президентлар бунга аҳамият бериб ўтиришмади. Бухоронинг шарифлик мақомига кўтарилишига улкан ҳисса қўшган буюк алломалардан бири Баҳроуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини зиёрат қилдилар. Таомилга биноан ҳазрат руҳи поки ҳақиқа Қуръон тиловат қилинди.

— Ўзбекистон бахти бор диёр, — деди тиловатдан сўнг Сомонийлар мақбараси томон йўл олган Туркменистон раҳбари. — Бу улуғ ва қутлуғ заминдан қандай буюк аллома ва мутафаккирлар ўтган. Уларнинг биттаси яшаб ўтганда ҳам бу юрт муқаддас қадамжо бўлиб қолаверарди. Мана бу обидани қаранг, — дея сўзини давом эттирди Сомонийлар мақбарасини ҳайрат ила кузатаётган Гурбангули Бердимухамедов. — Бу ёдгорлик ўз меъморий ечимига кўра мутлақо бетакрор экан. Нафис меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган бу иншоот ўта аниқ симметрик ўлчамлар, ғоят мураккаб геометрик ҳисоб-китоблар асосида бунёд этилгани билан мени лол қолдирди. Тасанно демоқдан ўзга сўз йўқ.

Шундан сунг Президентлар Пойи Калон мажмуасида булдилар. Масжиди Калон, Минораи Калон ва Мир Араб мадрасасидан иборат бу ансамбль Туркменистон рахбариди катта таассурот қолдирди. Кўнглида ўзгача бир шукуҳ билан Лаби Ҳовузга етиб келган меҳмоннинг таассуроти бир олам эди.

— Энди Ўзбекистон — Туркменистон олий даражадаги учрашувларининг ўзига хос гузал анъанасини давом эттиришга рухсат берсангиз, — деди Ўзбекистон Президенти мамнуният билан. — Ўтган йили мамлакатингизга сафарим чоғида менга ҳурмат ва иззат кўрсатиб, зотдор от совға қилган эдингиз. Бундан бағоят хурсанд булган эдим. Мана бугун мен ҳам кўнглимга тугиб қўйган ҳадямни сизга топшироқчиман. Марҳамат, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида улаштирган ўта мураккаб ишлаб чиқариш саноати маҳсулоти — «Captive» русумли автомобилни қабул қилишингизни сўрайман.

— Меҳмондўст, қалби ўзи каби беғубор, самимий ўзбек халқи ва унинг йўлбошчисидан миннатдорман Боя тўғри изоҳ бердингиз, туркманлар ҳам ўзбекларни энг яқин ва ишончли қўшилари-дан бири деб биледи. Ўйлайманки, ўзаро дўстлик, ҳурмат ва муҳаббат асосига қурилган самимий муносабатларимиз бундан кейин ҳам изчил суръатларда давом этади.

— Албатта!

— Янги машина дам олиш кунларида доимий ҳамроҳим булади, — деди Туркменистон Президенти мамнуният билан совғани қабул қилиб олар экан, қўлини кўксига қўйиб.

## XXXIX. АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ РИВОЖИДАГИ ЯНГИ ҚАДАМ

Август ойининг охирги кунлари Ўзбекистон Президенти пойтахтдаги автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ва аэровокзалда амалга оширилган ишлар билан танишишни ихтиёр этди. Генерал Бўронов дарҳол полковник Жалил Очиллов билан боғланди. Қисқа суҳбат чоғида яқинда подполковник унвонига эга бўлган Элёр Одилов эса олинди.

\* \* \*

Қирқ гектарга яқин майдонни эгаллаган қўшма корхонани кўздан кечиришнинг ўзи бўлмайди. Йигитлари билан бу ерга етиб келган Элёр ишни нимадан бошлаш режасини йўл-йўлакай тузиб олди. Бошлиқнинг кўрсатмасидан сўнг МХХ ходимлари дарҳол ҳудудни назорат қилишга киришди. Элёр эса корхона раҳбарини суҳбатга тортди.

— Хабарингиз бўлса керак, бу қўшма корхонага мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасини ташкил қилишга оид қарори асосида пойдевор қўйилган эди. Биласизми, унинг умумий қиймати қанча эканлигини? 521,8 миллион АҚШ долларига тенг. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида ўтган қисқа вақт ичида юртимизда ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилди. Фахр билан

айтишим мумкин, бундай корхоналар дунёнинг са-  
ноқли мамлакатларидагина мавжуд.

— Демак, йиллик натижа ҳам шунга яраша  
экан-да? — қизиқиш билан сўради Элёр Одилов.

— Албатта. Корхонада ишлаб чиқариш жа-  
раёнлари ҳозир тула компьютер технологиялари ёр-  
дамида бошқарилади. Шу сабабли ягона электрон  
ахборот тизими хавфсизлигини таъминлаш масала-  
сига жиддий эътибор қаратганмиз. Режамизга кўра,  
йилига 1,5 литр (115 от кучига эга) ва 1,2 литр  
(82 от кучига эга) сифимдаги 225 минг дона  
BDONC янги авлод двигателлари ишлаб чиқари-  
лади. Бу кичик ҳажмдаги двигателлардан нафақат  
юртимизда, балки «СМ»нинг глобал тармоғига ки-  
рувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик заводлари  
ҳам фойдаланади.

— Бу ерда хорижлик мутахассислар ҳам ишлай-  
дими? — сўради Элёр.

— Булмасам-чи! Улар ёшларимизга иш урга-  
тишяпти.

— Жуда яхши. Энди, марҳамат қилиб, менга  
уларнинг рўйхати ва ҳужжатларини берсангиз. Ҳа,  
айтгандай, корхонага ишга қабул қилинган маҳаллий  
кадрларнинг ҳам рўйхати билан танишмоқчиман.  
Нега ҳайрон бўляпсиз, кўчадаги гап-сўзлардан ха-  
барингиз бордир?

— Тушунмадим. Қанақа гап-сўзлардан?

— Ишга таниш-билиш ёки яхшигина пора эва-  
зига кириш мумкинлиги ҳақидаги, — деди ажаб-  
ланган раҳбарга очиқроқ гапирган Элёр Одилов.

— Турган-битгани миш-миш. Ишга жойлаша олмаганларнинг аламзадалик билан тўқиган чўпчаги, — дея баттар жаҳл қилди директор.

— Шундай денг. Ҳа яхши, бу ҳақда кейинроқ суҳбатлашамиз. Ҳозирги асосий вазифамиз Президентимизни кутиб олиш ва хавфсизлигини таъминлаш. Менга тезроқ ҳужжатларни тақдим қилинг.

Кўнгли бироз хижил тортган корхона раҳбари подполковникнинг истагини бажариш учун хонасига кадрлар бўлими бошлигини чақиртирди.

\* \* \*

— Ушбу йирик лойиҳа истиқлол йилларида асос солинган мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқариш саноати ривожига янги қадамдир, — деди қўшма корхонага ташриф буюрган Ўзбекистон Президенти бу ердаги амалга оширилган кенг қамровли ишлардан қониқиш ҳосил қилар экан. — Замонавий стандартлар асосида, энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган мана шундай мураккаб ишлаб чиқариш объектларида ёшларимизнинг дидлик билан меҳнат қилаётгани ҳаммамизга катта қувонч бағишлайди. Биламан, бу ерда жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрлаш керак. Шунинг учун, азиз фарзандларим, двигателларга ишлов бериш жараёнида ўта аниқликка, юқори сифатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратишингиз лозим. Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нафақат сизнинг, балки бутун Ўзбекистоннинг обрусидир. Ана шундай масъулиятни ҳис этиб ишласангиз, уйлайманки, юксак марраларга, албатта,

эришасизлар. Бунинг учун эса сизларга барча шароитлар яратиб берилган. Демак, галдаги вазифа — деталларнинг сифат назоратини юқори масъулият билан ташкил этиш, энг замонавий синов-рентген аппаратларидан унумли фойдаланиш. Энг илғор фан ютуқлари, замонавий технологиялар, ёшларимизнинг юксак интеллектуал салоҳияти мамлакатимизнинг буюк келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларимиз замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллаша олишлари лозим. Чунки бизнинг ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам.

Бу мураккаб технологик жараёнларни маҳорат билан бошқаришда ҳаммангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин. Ватанимиз қудратини оширишда жонбозлик кўрсатишдан чарчаманглар. Оилавий тинчлик-хотиржамлик ва бахт-саодат тилайман.

Ёшлар билан дилдан суҳбатлашган Ўзбекистон Президенти улар билан хайрлашгач, мустақилликнинг йигирма йиллик байрами арафасида қурилиши ниҳоясига етган маҳаллий авиалинияларнинг янги аэровокзали томон йўл олди.

## XL. «БОЛАЛАРГА ҒАМҲЎРЛИК ҚИЛИШДАН ЧАРЧАМАЙМАН!»

2012 йилнинг дастлабки ойларидаёқ Президент Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказишни режалаштирди. Ёшларнинг қу-

вончини кўриш, улар эришаётган натижалардан завқланиш ҳамиша ҳузур бахш этарди. Юртни дунёга танитишда спорт етакчи соҳа ҳисобланади, деб ҳисоблайдиган Президент деярли барча вилоятларда болалар спортини ривожлантиришга жиддий аҳамият бераётган ва уни шахсан ўзи назорат қилаётган эди. «Бу эзгу ишимизнинг ҳосилини икки-уч йилда кўрмаслигимиз мумкин, аммо беш-ўн йилда ижобий натижаси бўлади, албатта. Шунинг учун эътибор, эътибор ва эътибор зарур!»

Оқсаройга барча ҳукумат раҳбарлари, корхона ва ташкилотларнинг бошлиқлари, масъул кишилар таклиф этилди. Йиғилиш бошланиши олдидан яна спортми, яна пул ўтказамизми, деган одамлар ҳам бўлди. Уларнинг тиришган пешанаси, қисилган кўзлари бундан дарак берарди. Балки Президентнинг мана бу: «Барака топкурлар, оғринманглар, ҳар қанча эътибор берсак, арзийди. Эртанги обрў-эътиборимиз, шон-шуҳратимиз мана шу сарфлаётган маблағларимизга, бегараз ёрдамларимизга боғлиқ. Наҳот, ҳар қандай мусобақадаги фарзандларимиз эгаллаган биринчи ўрин сизни ҳаяжонга солмаса, фахр, ифтихор уйғотмаса? Шунинг учун мен болажонларимизга ғамхўрлик қилишдан чарчмайман! Сизларни ҳам бунга даъват этаман, деган гаплари айнан шундай шахсларга қарата айтилган бўлса керак. Аммо нигоҳ учрашганда ўша кишиларнинг ташқи кўриниши ўзгаради — жилмаишга ҳаракат қилишади, бироқ қалби қилт этмайди, демаски, фикри ўзгармайди: олтин медаль олса менга нима, байроқ кутарилди нимаю кутарилмади нима?»

Бусиз ҳам қиладиган ишларимиз бошимиздан ошиб ётибди.

Ўзбекистон Президенти бундай раҳбарларнинг фикрини уққандай тушунтиришда давом этади.

— Спорт — соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларни қилишга қодир бўлади, — деди мажлисни бошлаган мамлакат раҳбари. — Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, хурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган шиор негизида ҳам спорт, жумладан болалар спорти тушунчаси мужассам.

Албатта, табиий бойликлар, иқтисодий салоҳият, давлат ва жамият қурилиши йўлидаги ютуқлар муҳим саналади. Лекин шу билан бирга, буюк келажакнинг бир омили борки, бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир. Республикамизнинг барча ҳудудларида, айниқса, қишлоқларда спорт иншоотлари барпо этиш, мактабларда замонавий спорт заллари қуриш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган ишларни изчил амалга ошириш лозим. Қани, айтинглар-чи, юнон-рум кураши бўйича дунёда бизнинг Артур Таймазовга тенг келадиган полвон борми? Жорий йилнинг август ойида Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўта-



диган ўттизинчи ёзги Олимпия ўйинларида ҳам бу баҳодирдан умидимиз катта. Унинг темир билаклари бошқа курашчиларнинг курагини осонлик билан ерга теккизишига ишонаман. Ёки боксчиларимизнинг ютуқлари-чи? Тўғри, улар кам сонли. Лекин шундай кунлар келадики, боксда ўзбек ўғлонларининг олдига тушадигани бўлмайди. Мен ёшларнинг орасида рақибига йўлбарсдек ҳамла қиладиганлари борлигини кўрдим. Яқин йилларда улар юртимиз шарафини юксакликка кўтаришади, иншооллоҳ.

Президент нутқидан бироз тўхтади-да, ўтирганларга боқди. Кимдир жон қулоғи билан эшитяпти, кимдир дафтарчасига нималарнидир қайд этяпти. Баъзиларнинг нигоҳи соатида, айримлар эсноғини яшириш учун кафтини оғзига тираган. Шоли курмаксиз бўлмайди, раҳбарлар нафақат ишда, балки мана бундай мажлисларда ҳам ўзининг асл қиёфаларини билдириб қўядилар. Лекин, начора, уларга қайта-қайта уқтириш, тўғри йўлга бошлаш бизнинг вазифамиз, дея ўйлаган Юртбоши фикрини таъкидлаб, давом эттирди.

— Биз мазкур жамғарма орқали, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз. Чунки бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришининг ўзи энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади. 2011 йилда «Болаларни

асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига кирганлиги юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир халқаро эътирофидир. Бундан қувонишимиз керак!

Суз Бош вазирга берилганда ўтирганлар ўзларини биров эркин ҳис қилишди.

— Мамлакатимиздаги қарийб ўттиз замонавий корхонада спорт товарлари ишлаб чиқарилмоқда, — деди Бош вазир ўз маърузасида. — Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида болалар спорти иншоотларини жиҳозлашда ишлатиладиган бир юз йигирма турдаги ускуна ва анжомларнинг бир юз ўн учтасини юртимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Бу, албатта, яхши кўрсаткич, бироқ уларнинг сифат даражаси борасида нима дейсиз? — савол ташлади Ўзбекистон Президенти.

— Хорижникидан қолишмайди, муҳтарам Президент.

— Мураббийлардан эътирозлар йўқми?

— Талаб ва таклифлар ўрганиб бориляпти. Иш жараёнида мукаммаллаштириш устида янги лойиҳалар жорий қилинмоқда.

— Доимий назорат энди сизга юкланади.

— Хўп, бўлади.

— Мен яна бир бор таъкидлашдан чарчамайман, болалар таълим-тарбияси ва спортга бор ғайратимни аямайман, давлат бюджетининг энг кўп

қисми ҳам айнан шу йўналишларга сарфланади. Фарзандларимиз биздан кўра бахтли яшашлари шарт!

## ХЛІ. НАҲОТ, ФАРИШТАЛАР «ОМИН» ДЕГАН БЎЛСА?

Дарҳақиқат, августнинг охириги кунларининг бирида Лондондаги ўттизинчи ёзги Олимпия ўйинларида медалларни қўлга киритган спортчилар Оқсаройга таклиф қилинди. Уларнинг орасида Олимпиада чемпиони Артур Таймазов ҳам бор эди. Президент Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшгани ва мусобақада юксак натижани қўлга киритгани учун Артурни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлади. Баҳодирнинг қўлларини маҳкам сиқиб қўяркан, севинчини яшира олмади — юзларига табассум югурди. Сўнг унга машҳур курашчининг Ўзбекистон байроғини баланд тутиб турган олтин суви юритилган ҳайкалчасини совға қилди. Буни кутмаган полвон ҳаяжонланиб кетди. Бирдан тўлқинланган кишининг гапириши қийин кечади, забардаст Артур дил сўзларини айтишга тараддуд кўрган бўлса-да, бу кутилмаган совға уни бироз шошириб қўйганди. Олимпиаданинг уч карра чемпиони, ниҳоят, ҳаяжонини босиб, микрофон олдига келди.

— Мен... Мен Ўзбекистонни яхши кўраман. Бу менинг Ватаним!

Ортиқ гапира олмади. Аслида, бошқа суз ай-тишнинг кераги ҳам йўқ, барчаси тушунарли. Икки оғиз гап билан юракдаги меҳр-муҳаббат, севинч, фахр-ифтихор туйғулари аниқ ва тиниқ ифода этилган эди.

Олимпия ўйинларининг бронза медаллари соҳиби Ришод Собиров «Ўзбекистон ифтихори», Аббос Атоев эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонларини Президент қўлидан қабул қилиб олишди. Ришодни бағрига босган, Аббосни белидан қучиб шарт кўтариб қўйган Юртбошининг қувончи чексиз эди.

— Мен сизлар билан фахрланаман, — деди Ўзбекистон Президенти мамнун ҳолда. — Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги арафасида сизларга мукофот топширганимдан хурсандман. Энди сизларнинг сафингиз янада кўпаяди. Юртимиз байроғи халқаро мусобақаларда бирин-кетин ҳилпираб, барчамизнинг дилимизни хушнуд этади, кўзларимизни севинчга тўлдиради. Эрта-индин янги қурилган «Бунёдкор» стадионининг очилиш маросими бўлади. Ҳа, истиқлолимиз шарофати билан бундай мухташам иншоотларни бунёд этиш имкониятига эга бўлдик. Бу барчамизни қувонтиради, албатта. Энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган, илгари тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган, ўттиз тўрт минг томошабинга мўлжалланган бу ўйингоҳ нафақат футбол мухлислари, балки бутун халқимиз учун ажойиб байрам совғаси бўлди.

2012 йил 31 август.

Ўзбекистон Президенти тонг саҳарда «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси томон йўл олди. Бу ерда қатагон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида азиз жонларидан айрилган аждодларни хотирлаш маросими бўлади. Қуръон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилади. Анъанага кўра элга ош тортилади.

Элёр барча тадбирлар кўнгилдагидай ўтаётганини сергаклик билан кузатиб турарди. Халқнинг ажойиб ва эзгу амаллари, анъаналари ва маросимлари бор. Бу тадбирлар уни бефарқ қолдирмас, доимо ўз юртига, миллатига бўлган ҳурмат ва эътибори ошишига туртки бўларди. Мана шундай барҳаёт эзгу ишларда халқ намоён бўлади, унинг куч-қудрати, аҳиллиги, меҳр-оқибати барқ уради.

— Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган нохуш воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади, — деди Ўзбекистон Президенти уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашар экан. — Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршиликлар, қон тўкишлар жаҳоннинг қайси мамлакатада рўй бермасин, бундан кўнгилimiz ғаш тортади. Улуғ неъмат — юртимиздаги тинчлик ва осойишталикдан хотиржамликка берилиш, огоҳлик ва сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Тинчлик ва осойишталикни асраб-

авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ходимларининг вазифаси деганлар қаттиқ янглишади. Бу йўлда барчамиз, бутун халқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз керак. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапда ҳикмат кўп, унинг маъноси кенг. Чунки тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Шундан кейин Ўзбекистон Президенти Мустақиллик майдонига ташриф буюрди: Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди; сўнгра Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган тантанали маросимда иштирок этди ва мамлакат фуқароларини улуғ байрам билан табриклади.

Шу кунни Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари халқ хизматида бўлиб, шодиёнада қатнашганликлари учун беҳад хурсанд эдилар.

«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

## XLII. «ЭНДИ ҲЕЧ НИМА ҚИЛА ОЛМАЙМИЗМИ?»

Афғонистон.

Қандаҳор шаҳридаги диққат-эътибордан биров холи меҳмонхоналардан бири. Тунги бирларда бу кўримсиз бино олдида эски машина келиб тўхтади. Шовқин-суронсиз тушган тўрт киши тевааратрофга алангламай, худди шу ердаги мижозлардай тўғри ичкарига қадам босишди. Эшик олдидаги кекса қоровул аранг кўзини очиб ўрнидан қўзғалмоқ-

чи эди, олдинда кетаётган киши йўл-йўлакай унинг елкасидан босиб, «қимирлама» дегандай ўтиб кетди. Тунги меҳмонлар иккинчи қаватга кўтарилишди. Бозор Намангоний жойлашган хонанинг эшиги очиқ эди.

— Сизларни омон кўрганимдан ғоят бахтиёрман, — дея сўз бошлади Бозор Намангоний. — Аллоҳга шукрлар бўлсинким, яна дийдор кўришиш бахти насиб этди. Вақт қадрини ва вазиятни ҳис этган ҳолда мажлисимизни узоқ чўзмоқчи эмасман. Биз Туркия ёки Покистонда ҳам учрашиб, бугун ўртага ташланадиган масалаларни кенгашиб олишимиз мумкин эди. Аммо айнан шу ерни маъқул топдик, агарда йўл давомида бироз машаққат тортган бўлсангиз, бунинг ажрини Аллоҳдан сўрайман. Биродарларимизнинг умрлари ва ризқларига барокот бергин, олиб бораётган олий мақсадларига эриштиргин. Аллоҳу акбар!

Нафасларини ростлаб улгурган меҳмонлар қўлларини кўксиларига қўйиб, миннатдорчилик билдирган бўлишди. Бозор Намангоний сўзида давом этди:

— Мажлисимиз аввалида олий мақсадимиз йўлида ўз азиз жонларини қурбон қилган шаҳид биродарларимизнинг руҳи покларига атаб Қуръон тиловат қилсак.

Бу вазифани Бозор Намангонийнинг ўзи адо этди. Кейин ғамгин ҳолда гап бошлади.

— Қанчадан-қанча биродарларимиздан айрилдик. Аммо йигирма бир йилда ҳам Ўзбекистонда бирор-бир эзгу ҳаракат қила олмаганимиздан қал-

бимни қаттиқ афсус-надомат чулғаган. Халифалик дедик, эпллмадик, Президентнинг жонига қасд қилдик, аммо буниям уддасидан чиқолмадик. Сурхондарёни қўлга олмоқчи бўлдик, аммо ниятимиз амалга ошмади. Водийни ажратиб олишни режа қилгандик, бу мақсадимиз ҳам пучга чиқди. Андижонни ололмадик. Хўш, келгусида нима қиламиз? Наҳот, энди ҳеч нима қила олмасак?

Йиғилганлар эскидан таниш биродарлар эди. Улар тез-тез кўришмасалар ҳам телефон орқали бир-бирларининг ҳолидан хабар олиб, баъзи режаларини ўртоқлашиб туришарди. Бироқ бу муносабат шунчаки бўлиб, бировнинг фикри бошқаси томонидан инобатга олинмас, ҳар ким ўз биллаганича иш тутарди. Буни ҳаммалари билишар, кимгадир ён босиш кераклигини тушунишарди-ю, аммо амалий ишга келганда... яна ўз сўзларини ўтказишга, ватандан айро юрган мухолифат орасида ўзининг мавқеи баланд эканлигини исботлашга ўтиб кетишарди.

— Ҳақиқат нақадар аччиқ бўлса-да, ошкора баён қиламан. Биз бирлаша олмадик, мақсадимиз битта бўлса-да, ҳар биримиз ўз истагимиз бўйича иш тутдик, оқибатда ҳамон нотавонларча кун кечириб, сарсон-саргардонмиз. Балки ўтган йиллардаги самарасиз ҳаракатлардан сабоқ чиқарган бўлсангиз, деб сизлар билан юзма-юз ўтириб фикрлашмоқ ниятида бу ерга чорладик. Келинлар, аниқ мақсадимиз бўлса, уни барчага аён қилиб, гапни бир жойга қўяйлик. Агарда ҳеч қанақа ниятимиз бўлмаса, уни ҳам ошкор айтиб, эришиб бўлмайдиган орзуимизга нуқта қўяйлик.



Масаланинг бу тарзда қўйилишини кутмаган, узининг сиёсий мавқеини бошқалардан юқори санаб юрувчи Салоҳиддин Туронзоданинг пешанаси тиринди.

— Масалан, мен курашни асло тухтатмоқчи эмасман. Ўзбек халқининг кўзини очиш учун бўлган ҳаракатим то юрагим уриб турар экан, асл мақсадим бўлиб қолаверади.

— Етакчимиз Голиб Қўлдош бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилганларидан сўнг «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг фаолияти ҳам сусайиб кетди, — дея оғир тин олди Бозор Намангоний Салоҳиддин Туронзоданинг гапига эътибор қилмай. — Юрт ичида қолган ва сафимизга қўшилаётган биродарларимизнинг ҳам бошлари қотган. Ўзларича бирор иш қилолмаяпти. Баъзилари ўсмирларга яширинча диний таълимот бериш билан чекланиб, кичик-кичик гуруҳлар ташкил этишган. Уларга ўзини раҳнамо кўрсатиб, арзимаган ишлар билан шуғулланиб юришибди.

— Бундай паст назар билан қараманг уларнинг ишларига, — деди Салоҳиддин Туронзода бироз жаҳл билан. Унинг гаши келганича бор: Бозор Намангоний гапига муносабат билдирмади, худди эшитмагандай тутди ўзини. Бундан эса мулзам бўлди, албатта. — Халифалик, жиҳоддан сабоқ олаётган йигитларнинг ҳар бири эртага асқатиб қолиши мумкин. Ўша соф дин йўлини танлаётган ўсмирларни, аслида, биз тайёрлашимиз керак эди. Араб давлатлари ёки Афғонистон ва Покистондаги жиҳодчилар ўзлари учун куч тўплашяпти ва

бизнинг биродарларимизни ҳам ўз сафларига тортишяпти. Россия ва Қозоғистонга ишлашга кетган болаларни ҳам бирин-кетин Сурияга боришга кўндириб, зимдан иш олиб боришмоқда. Қайсарларини эса катта пул эвазига жиҳод қилишга рози қилаётганлари таҳсинга сазовор. Хўш, бизлар нима қиляпмиз? Гапнинг индаллоси, қуруқ сафсата сотиб ўтирибмиз, холос.

— Бу кўйга тушиб қолишимизга фақат ўзимиз сабабчимиз. Ўзбекистондаги биродарларимизни етарли маблағ ва қурол-яроғ билан вақтида таъминлаб бера олмадик. Улар қўлидан келганича ҳаракат қилишди, аммо бизлар ақл ўргатишдан нарига ўтмадик. Албатта, мағлубият устига мағлубият бўлди, — деди ўзини Покистондаги ўзбек муҳожирларининг етакчиси, марҳум Ғолиб Қўлдошнинг шогирди деб ҳисобловчи Абдумажид Аббос. Бу унинг махфий давраларда қўлланадиган лақаби бўлиб, ҳақиқий исми Санжар Алиев эди. — Ҳаммангиз ўзингизни жабрдийда ҳисоблайсиз, айти пайтда, «аллома» ёхуд «донишманд» ҳам деб биласиз. Бироқ ҳақиқатнинг кўзига тик боқиб айтайлик-чи, юртимиздаги сиёсатни ўзгартириш ёки амалдаги ҳокимиятни ағдариш учун нима қилдик? Тилга оладиган, мақтанса арзийдиган ҳеч нима йўқ. Шундай экан, келгуси режаларингиз билан кенгашинг деб илтимос қилапман.

— Ҳокимият тепасида ҳозирги Президент турар экан, бундан кейинги уринишларимиз ҳам бекор, — дея калта оқ аралаш соқолини силаб қўй-

ди Салоҳиддин Туронзода. — Аммо атрофимдаги биродарларим Ўзбекистондаги мавжуд тузумдан норози бўлиб, муҳолиф кучлар сафида қолаверадди.

— Аввало, гапни юртимиздан ташриф буюрган Дурбек Усмоноҳжи ўғлидан эшитсак бўлармиди? — деди Бозор Намангоний мажлисга ўзга бир номда ва махфий йўллар билан етиб келган ҳамшаҳрига юзланиб.

Йиғилганларнинг томоғи қақрай бошлади. Аммо уларнинг бирортаси на иссиқдан, на йўл азобидан нолишмади. Сабаби аён — ҳаммалари рўза тутган эдилар.

— Муқаддас ойда дийдорлашиб турганимдан Яратганга беҳисоб шукрона айтурман. Энди мақсадга ўтадиган бўлсам, биздаги вазиятни жуда яхши билиб турибсизлар, деб ўйлайман. Ҳа, бундан кейин жиддийроқ бирор иш қилишингиз қийин. Миллий хавфсизлик хизмати бутун мамлакат бўйлаб қовоғаридай изғиб юрибди. Қаердадир шубҳали шахс кўринса бўлди, дарров изига тушади. Тўғри, ҳужраларда яшириниб дину диёнатдан сабоқ олаётганлар бор. Бироқ улар жуда камчилик. Президент халқ тинчлиги учун ҳаммани огоҳлик ва ҳушёрликка чақирган. Мелиса ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, улар шундай кўпайиб кетганки, бемалол юришнинг имкони йўқ, кечасию кундузи текширгани текширган.

— Унда нимани таклиф қилмоқчисиз? — бу гаплардан асабийлаша бошлаган Салоҳиддин Туронзода меҳмоннинг гапини бўлди.

— Жаҳлингиз чиқяптими?

— Гапни чузиб юбордингиз, туғриси, амалдаги тузум ва юргизилаётган сиёсат хусусида оғзингиздан бол томяпти деган шубҳага бориб қолдим, — хаёлига келган гумонни айтишдан тортиниб ўтирмади Салоҳиддин Туронзода.

— Сизларнинг бир камчилигингиз, йўқ, бу жуда оддий таъриф бўлади, агарда ожизлигингиз десам, балки ҳақиқатга яқинроқ булар. Ҳа, узини мухолифат деб сановчи сиз каби ватандошларнинг ожизлиги ҳақиқатнинг кўзига тик қарай олмаганингизда. Бизларнинг бошимизни қотириб, ундай қилмоқ даркор, бироз муддат ўтгач, йўқ, йўқ, мана бундай қилмоқ зарур деб кўрсатма беришга устасизлар, лекин барчасининг таги пуч. Асоси, замини йўқ. Одамларни лақиллатиб келяпсизлар, холос, мухолиф кучлармиз деб, аслида, қўлингиздан ҳеч вақо келмаган ва бундан кейин ҳам келмайди. Сизлар энди биргина нарсани — Президентнинг афв этишини ёки унинг улимини кутишдан бошқа чорангиз йўқлигини жуда яхши биласиз.

— Жуда ошириб юбормадингизми, мавлоно Дурбек, — дея жим ўтиришни ўзига эп кўрмаган Абдумажид Аббос, ниҳоят, луқма ташлади.

— Ҳеч нарсани ошириб юборганим йўқ, биродар! Аввалида аҳдимиз қандай бўлганди? Сиздан таклиф ва моддий рағбат, биздан ишончли ҳаракат. Шундайми? Бироқ, айтинг-чи, қайси режангиз иш берди? Қани, одамларимизга берган дунё-дунё олтинларингиз? Улар азиз жонларини қурбон қилишди, сизлар эса ҳамон омондасиз.

— Мабодо давлат томонидан элчи бўлиб келмадингизми? — деди бу гапдан баттар жазавага тушган Салоҳиддин Туронзода.

— Мен бор гапни айтгани келдим. Уни қандай қабул қиласиз, ўзингиз биласиз.

— Лекин сиз бунчалар кўнглингизни чуқтирманг, — деди Абдумажид Аббос вазиятни юмшатиш ва келгуси режасидан огоҳ қилиш мақсадида. — Яқинда араб мамлакатларидаги низолар кучайиши эҳтимоли бор. Балки асосий эътибор Сурияга қаратилиши мумкин. Шунда бизга ўз йигитларимиз керак бўлади. Уларни ҳақиқий уруш майдонларида синовдан ўтказамиз ва жанговар аскар қилиб тарбиялаймиз.

— Хуш, кейин-чи? — деди Дурбек Усмонхожи ўғли бепарво оҳангда.

— Кейин уларни жамлаб, катта бир отряд тузамиз ва қайтиб Ўзбекистонга жўнатамиз. Энди бор умидимиз ана ўша жангчилардан, улар дин озодлиги йўлида кураш олиб борадилар.

— Сизлар ҳар доимгидай панада қолаверасизлар.

— Бу сиёсий кураш майдонида ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Улуғ алломалар, дин пешволари, мухолифатнинг етакчилари ўлиб кетаверса, халқни ким бошқаради? Уларга ким раҳнамолик қилади?

— Фидойилик кўрсатмас экансиз, халқ сизларни тан олмайди, эсламайди. Гапни очиқчасига айтишдан бошладингизми, энди қолганини ҳам эшитинг. Балки Фарбдаги баъзи бир гуруҳлар орасида ҳали ҳамон милтираган обрў-эътиборингиз бордир,

чунки уларга қайсидир ғоясини илгари суришда керак бўлиб қолишингиз мумкин, ammo Ўзбекистонда аввалги мавқеингиз қолмаган. Сизлар тўғрингизда ҳозир гапирмай ҳам қўйишди. Интернетда чиқиб турибмиз-ку деб ўзингизга далда беришингиз мумкин. Бироқ таги пуч гапларингиз, маърузаларингизга қўл силташган.

— Нима, ростдан ҳам энди ҳеч нима қила олмаймизми? — ва ниҳоят суҳбатга қўшилди Бозор Намангоний.

— Бу гапларингиз билан бизларни бутунлай таслим бўлишга ундаяпсизми? Йўқ, чучварани хом санабсиз, биродарим Дурбек. Биз ҳеч қачон мағлуб бўлмаймиз. Агарда Суриядаги Ислоом давлати авж оладиган бўлса, албатта, бундан фойдаланиб қоламиз. Янги давлат жангчилари бизларни қўллаб-қувватлашади ва камина ўз она юртига музаффарлар қаторида кириб боради. Ҳа, биз Ўзбекистонга қайтиб борамиз!

— Қурол биланми?

— Ҳа, қурол билан!

— Оддий одамларни ишонтириш учун туқилган сафсата. Энди пуч ёнғоқлар билан қўйинни тўлдириш даври ўтди, муҳтарам Туронзода афандим.

Бу кесатиқ Бозор Намангонийгагина таъсир этмади, лекин бошқаларнинг жонидан ўтиб кетди. Агарда Бозор Намангоний уларни олдиндан огоҳлантириб қўймаганда, икки томон бир-бирларини аяб ўтирмаган бўларди. Аллақачон ўртада можаро келиб чиққан ва бунинг оқибати нима билан тугаши маълум ҳам эди.

— Менимча, хайрлашиш вақти ҳам етиб келди, — деди Салоҳиддин Туронзода бетоқатланиб. — Бу йиғилишимиздан наф чиқмайдиган кўринади. Яхшиси, бирор ерда тамадди қилиб олишни ўйлайлик, ҳадемай, саҳарлик вақти бўлиб қолади.

— Саҳарликдан ташвиш тортмасинлар. Ҳаммаси инобатга олинган, — дея гердайиб қўйди Бозор Намангоний.

— Шундайми? — дейишди ўтирганлар бирдан жонланиб.

Салоҳиддин Туронзода мажлисга яқун яшагга шошилди.

— Унда ортиқ бир-биримизнинг дилимизни хуфтон қилмай, муборак Рамазон ойининг шарофатидан баҳра олишнинг тадоригини кўрайлик.

— Хулоса қилинмади-ку? — деб сўз қотди Дурбек Усмонхожи ўғли ўрнидан қимирламай.

— Бу охирги кенгашимиз эмас. Сиз кетгунингизча яна суҳбатлашамиз, албатта, — деди Абдумажид Аббос қўлини кўксига қўяркан.

— Мабодо...

— Мабодо кўришиш насиб этмаса, режамиз ҳақинда яқин кунларда маълум қилурмиз.

— Биринчи мажлисдан кўнглинг тўлмаса... қолганидан наф бормикин?

— Умидсизликка тушманг, биродари азиз, — лутф қилди Абдумажид Аббос меҳмоннинг ранжиганига эътибор қилмай.

— Лекин сиз ҳар ҳолда бизларни жим ўтирганликда айбламай, ўзбек йигитларини Сурия ва Афғонистонга чорлаб, у ерга борганларини жанговар

тайёргарликдан ўтказиб, янги ҳужум режасини тузишмоқда экан, деган хулосага келишингиз мумкин. Россия ва Туркияга ишлагани келаётган кўплаб ишчиларга тузоқ ташланмоқда. Уларнинг ичларида иш тополмай қийналиб юрганлари, диний билимлари йўқларини танлаб олиб, махсус ташвиқотлар асосида аста-секин ўз тарафимизга оғдириб олаяпмиз.

— Бундан бошқа йўл йўқ дейсиз-да? — деди Дурбек Усмонхожи ўғли бу гапларга пинагини бузмай.

— Янги режалар ўйлаб топгунимизча шундай йўл тутишга мажбурмиз. Бизнинг кўнглимизни кўтарадиган тарафи Ўзбекистонда диний экстремизм оқимига кириб қамалганларнинг ака-укалари, қариндош-уруғлари Россияга ишлаш учун келишмоқда. Одамларимиз худди ана шулар билан алоқага киришиб, уларнинг онгида баттар нафрат уйғотишмоқда. Бу ишимизни анча осонлаштиряпти. Аламзадаларнинг баъзилари эса таклифимизни қабул қилиб, Сурияга боришга розилик ҳам беришяпти. Энди ишимиздан кўнглингиз тўлгандир.

— Битта-иккита гуруҳ билан бирор натижага эришаман, деб ўйлайсизми? — таажжубланди Дурбек Усмонхожи ўғли.

— Сиз айтган шу битта-иккита гуруҳнинг ортида Афғонистон ва Покистонда яхшигина жанговар тайёргарликдан ўтган махсус отрядлар турибди. Турли миллат вакилларидан иборат бу ислом жангчилари Ўзбекистонни Ислом давлатига айлантиришга бажонидил ҳисса қўшмоқчи. Жиход уларнинг



асосий мақсади. Биз ана шуларнинг ҳаракати ва кучига умид қиляпмиз.

— Нимаям дердим. Бундан бирор иш чиқишига кўзим етмаса-да, охириги имконият сифатида қабул қиламиз.

— Жўжани кузда санаймиз.

— Лекин бунақа кузлардан жуда кўпи ўтиб кетяпти.

— Яхши от кейин чопишини ҳам унутманг!

— Бироқ қаерда? Бу отларнинг оёғи Ўзбекистонга етиб борармикин? Етиб борган тақдирда ҳам чопа олармикин?

— Гумонга борманг, азиз меҳмон. Сизга ҳали баъзи маълумотларни айтганимиз йўқ.

— Гапиринг! Мен юртимиздаги тарафдорларимизга бу ерда эшитган яхши хабарларни етказиш учун келдим. Аммо ҳозирча бирор илиқ гап ёки муҳим маълумот эшитмадим.

— Саҳарликдан кейин баъзи бир видеокассеталарни тақдим этаман. Зора кўнглингиз таскин топса.

— Интернетда пайдо бўлган видеолар бўлса, овора бўлмасинлар. Мақтанчоқ йигитларнинг қўлига қурол олиб ҳайқиргани акс этган лавҳалар миллатнинг юрагига қўрқув солаётгани йўқ, аксинча, баттар нафратини кўзитиб, ҳар қачондагидан ҳам ҳушёр ва сергак туришга ундамоқда. Бундай ошқора намойиш билан ўзингизни фош этияпсиз ва халқнинг ғазабига мубтало бўляпсиз. Бундан кўра зимдан иш олиб борганингиз афзал эди.

— Интернетдаги маълумотлар ҳаммаси ҳам эмас.

— Шунақами? — дея Дурбек Усмонхожи ўгли бу гапга мийиғида кулиб қўйди. Бозор Намангоний унинг елкасига аста қўл ташлади.

\* \* \*

Дурбек Усмонхожи ўглини кузатишга чиққан Бозор Намангоний хайрлашмоққа бағрини очаркан, ноумид бўлманглар, деди ўзини ғамгин кўрсатиб.

— Илинж топмадим, — деди оғир хўрсинган Дурбек Усмонхожи ўгли.

— Юртдаги маслакдошларга бу гапни асло айта кўрманг. Биздан ҳафсаласи совиб, бошлаган ишларини ташлаб қўйишлари мумкин.

— Уларни яна алдаш осон деб ўйлайсизми?

— Бу дунёнинг ўзи ёлғон-ку, муҳтарам Дурбек жаноблари.

— Лекин бу таскин эмас.

— Албатта. Бироқ қўл қовуштириб ўтира олмаймиз. Очлик ва хорликда ўлим топмаслик учун, минг афсуски, қандайдир ёмонлик қилиб туришимиз керак.

— Надоматдамисиз?

— Сиз ўз иним бўлганингиз учун ёрилдим. Худо шоҳид, буни омонат деб билинг.

— Ёлғон сўзлаш, омонат... зиммамга оғир юк оляпман, кўтаришга қурбим етармикин?

— Шу гал ҳам амаллаб туринг-чи... Мабодо кўришиш бахти насиб этмаса, биз адашган бандаларнинг ҳақиға дуода бўларсизлар. Юртга қайтмак олий тилак эди, бироқ... билмадим, амалга ошмайдиган орзуга ўхшаб қолди.

Дурбек Усмонхожи ўгли бу хотимага нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди. Фақат елкасига аста уриб қўйишга ўзида куч топа олди, холос. У кетди. Бозор Намангоний мана шу пайтда бағри бутунлай ҳувиллаб қолганини ҳис этди. Бир-икки қадам олдинга талпинди, бироқ...

### XLIII. «БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН»

Дунё сиёсий харитасига нигоҳ ташлаб ўтирган Президентнинг кўп нарсалардан кўнгли тўлди: эришилган ютуқлар мамлакат тақдири учун астойдил тер тўкилганидан далолат эди. Тўғри, кимнидир ишдан олишга, кимнидир жавобгарликка тортишга мажбур бўлди, бироқ буларнинг ҳамма-ҳаммаси халқ ва юртининг эртанги истиқболи учун қилинди. Қатъий позиция, танланган йўлнинг тўғрилиги боис ҳам Ўзбекистоннинг нуфузи ортди, дунё ҳамжамияти тинчлик ва фаровонлик учун курашишга бел боғлаган диёрга ҳурмат билан қарайдиган, ўз сиёсий ўрнига эга мамлакат билан ҳисоблашадиган бўлди.

Нега?

«Негаки бу ҳаракатларимизнинг негизида биздан озод ва обод ватан қолсин, деган эзгу ният мужассам. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун барча имкониятлар ишга солинди. Янгидан-янги истиқболли режалар тузилди ва амалга оширилди. Натижа ёмон эмас. Барча қўлга киритилган ютуқлар замирида мардонавор меҳнат ётибди. Лекин олдинда қилинадиган ишлар жуда кўп. Ривож-

ланган давлатларнинг пойтахт шаҳарларини кўриб ҳавас қилган жойим бор. Вақти келди, азим Тошкентни ҳам одамлар кўрса, кўнгли равшан тортадиган шаҳарга айлантирмоғимиз керак. Кўчаларни кенгайтириш, йўл бўйидаги эски иморатларнинг ўрнига кўп қаватли тураржойлар, савдо комплекслари, маиший объектлар, дам олиш хиёбонлари барпо этишимиз лозим. Тўғри, бу ишлар бошланган, бироқ жадал олиб борилмаяпти. Энди бутун диққат-эътиборни ана шу савобли ишларга қаратмасам бўлмайди. Бора-бора барча вилоят марказлари ҳам пойтахтдан қолишмайдиган бўлади. Орзум бутун мамлакатни гузал масканга айлантириш. Ахир юртимизга нисбатан «Шарқ гавҳари» деб бежиз таъриф берилмаган».

Бироз хаёлга толган Президент энди Ўзбекистоннинг автомобиль ва темир йўллари акс этган харитага назар ташлар экан, Фарғона водийсига поезд қатновини йўлга қўйиш режасини тезроқ амалга ошириши кераклигини ўйлади. Тошкентнинг шаҳар ичидаги кичик ҳалқа йўлини ҳам оз фурсатларда тугаллашни назаридан ўтказди. Эҳ-ҳе, ҳали рўёбга чиқарадиган қанча-қанча ишлар турибди. Аммо бу ниятларни амалга ошироқ учун... умр етармикан?

«Лекин бир нарсадан кўнглим тўқ, — дея ўзига таскин берди Президент режадаги юмушларнинг кўплигига қарамай, — бу эзгу ишларимни халқ давом эттиради, албатта. Фақат ғайратли, қийинчиликлардан чўчимайдиган, ақл билан иш кўрадиган жасур раҳбар бўлса бас. Ҳукумат раҳбарлари орасида шундай инсон борми? Мам-

лакатни оғишмай бошқара оладиган етакчи ким? Менимча, одамлар ишонса бўладиган шахс етилиб келяпти. Яна уч-тўрт йилда давлат ишларини унга топширсам бўлади. Буни ўзига айтсаммикан? Балки сабр қилиб турарман. Ҳа, вақти келса, эслатаман, албатта. Бироқ... инсон қачон ва қаерда ўлим топишини билмайди. Шунинг учун қабрим қаерда бўлишини олдиндан айтиб қўйганим маъқул. Буни васият деб қабул қилишини сўрайман».

Инсон табиати қизиқ. Бир пайтнинг ўзида шу муқаддас Ватан учун келгусида бир дунё ишлар қилишни ўйлайди ва яна Яратгандан умрим поёнига етмаганмикан, бу хайрли вазифаларни бажармоққа улгура оламанми, мабодо ҳаётдан кўз юмсам, бошлаган ҳаракатларим зое кетмасмикан, деб ўйлаб ҳам қўяди. Лекин ана шу мушоҳада, худди мана шу ўйда улуғ бир ҳикмат жо, яъниким, Оллоҳга мурожаат бор, Унга илтижо мужассам: умр бер, шу азиз диёр учун яна куплаб фойдали ишларни уддалашга улгурай. Биздан озод ва обод ватан қолишини истайман. Тилагим сенга маъқул бўлса, менга кучгайрат, шижоат бер.

\* \* \*

— Деярли барча вазифаларни сизга топширяман. Қийналиб қолмаяпсизми? — деб сўради кейинги куни пойтахтнинг янги лойиҳаси билан танишгаётган Ўзбекистон Президенти Бош вазирдан.

— Ёниб яшаш керак деган сўзингизга амал қиляпмиз.

— Бу яхши. Раҳбар масъулиятни ҳис этса, демак, ўйлапти, меҳнат қиляпти. Ҳа, айтгандай, Муқимий ва Шота Руставели кўчаси кесишган жойда бироз айлана кўприк қуриш таклифи менга ёқди. Йўловчиларнинг узоғини яқин қиладиган йўл ва кўприкларни кўпайтиришимиз керак. Янги Нурафшон кўчаси бўйида қурилаётган уйларни тезлаштириш ва одамларга топширишимиз лозим.

— Бутун имкониятлар ана шу ишларга қаратилган, — деди Бош вазир мамнунлик билан.

— Бу яхши.

— Сиздан бир нарсани сўрашга ботинолмай турибман, — дея Президентга бироз яқинроқ келди Бош вазир.

— Бемалол сўранг. Ахир бизларнинг мақсадимиз, тилагимиз бир-ку. Нега кўнглингиздагини пинҳон тутишингиз керак?

— Мамлакатнинг халқаро майдондаги ишлари ўзи бир дунё. Қайсидир давлатга расмий ташриф буюришингиз керак, бошқа бир юртнинг раҳбарини эса кутиб олишингиз лозим. Турли халқаро учрашув ва тадбирларда қатнашиш бир қанча вақтингизни олади. Бироқ кейинги пайтларда она диёримизни ободончилиги ҳақида жуда кўп ўйлаяпсизки, таклиф ва режаларингизни бажаришга улгурмай қолаяпсиз. Сир бўлмаса, айтинг-чи, бунча куч-ғайрат ва илҳомни қаердан оляпсиз?

Ўзбекистон Президенти мийиғида кулди. Бироз ўйланиб турди-да, жавоб қилди:

— Бунинг асло сир жойи йўқ. Халқимизнинг орзу-умидлари менга илҳом бераётган бўлса, юртимиз-

дан етишиб чикқан азиз-авлиёлар, буюк алломалар ва жаҳонгирларнинг ётган ерларини обод қилаётганимиз боисидан Аллоҳ менга куч-қувват бахшида этипти. Бунинг учун Яратганга шукроналар бўлсин. Бироқ бу катта масъулият. Уни ҳис этиш ва кўтариб юришнинг ўзимас. Лекин халқ олдига чиқдикми, энди унинг ишончини оқлаш бизнинг асосий вазифамиз. Халқимизнинг асрий орзусини рўёбга чиқардик, юртимиз мустабид тузумдан озод бўлди, миллат ўз эркини қўлга киритди. Мустақилликни асраш учун қанчалар ҳаракат қилаётганимизни эса кўриб турибсиз. Бунинг учун тинимсиз курашмоқ керак экан. Ҳа, мамлакат тақдири ҳақида кечаю кундуз ўйлашимиз ва курашмоғимиз лозим. Ғафлатда қолишга ҳаққимиз йўқ. Озод мамлакатни обод қилиш, унинг тинчлигини сақлаш, гузал ва фаровон бир маскан сифатида келгуси авлодга қолдиришга етакчилик қилиш бизнинг зиммамизга тушган экан, уни сидқидилдан бажармоғимиз даркор. Сусткашликни Ватанга бўлган хиёнат деб тушунсақкина барча хатти-ҳаракатларимиз мазмун-моҳияти ойдинлашади. Ўзбекистон ҳар жиҳатдан улкан салоҳиятга эга мамлакат. Меҳнатсевар халқимиз эса, бу диёрнинг энг улуғ ва энг катта бойлигидир. Бундай олийжаноб халққа нима керак? Тинчлик ва фаровонлик, эркинлик ва мадад. Мана шу омиллар яратилган жойда халқ ўзининг орзу-мақсадлари рўёбга чиқаётганини кўради, келажакка янада ишонч билан интилади, фарзандлар камоли учун астойдил меҳнат қилади, курашади. Энг муҳими, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмайди.

Президент бир зум тин олди. Сўнг Бош вазирнинг кўзларига нигоҳ ташлаган кўйи деди:

— Халқ ишончи — олий бахт.

\* \* \*

2013 йилнинг 11 октябрида Ўзбекистон Президенти Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг амалдаги раиси, Украина ташқи ишлар вазири Леонид Кожарани қабул қилди.

## XLIV. ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ ЁХУД ПРЕЗИДЕНТНИ ҚУВОНТИРГАН ВОҚЕА

— Сафар олдидан кайфиятлар яхшими? Тайёргарлик қандай бўлди? — деб сўради Ўзбекистон Президенти Олимпиадага кетиш тараддудини кураётган терма команда сардоридан.

— Кайфиятимиз аъло даражада, мухтарам Президент, — дея дадил жавоб қайтарди сардор. — Ҳар бир ўйинга пухта ҳозирлик кўрдик. Натижалар ҳам шунга яраша бўлади, албатта.

— Спортнинг қайси туридан кўпроқ ижобий натижаларга эришамиз?

— Тўғриси айтсам, боксдан, мухтарам Президент! — деб дадил жавоб қилди сардор.

— Боксдан денг? Ундай бўлса, қувончли хабарларни кутиб қоламиз. Лекин спортнинг бошқа



турларини ҳам сусайтирмаслик керак. Эътибор бир хилда бўлиши лозим.

— Албатта.

— Олимпиадада иштирок этадиган ҳар бир спортчига ғалаба тилайман. Ўзбекистон байроғи юксакликка кўтарилганда, айниқса, жонажон мадҳиямиз жаҳон узра янграганда, билинги, халқимизни, шу жумладан мени ҳам беҳад қувонтирган бўласиз. Унутманг, ўшандай пайтларда юрагим ҳис-ҳаяжонга, севинчу шодликка, фахр ва ифтихорга тўлган бўлади. Голиб спортчиларимиз шоҳсупада турган чоғларида менинг табригимни, қувончимни ҳис қилишсин. Илоҳим, бу гал нафақат боксда, балки бошқа мусобақаларда ҳам энг юксак марраларга эришинглар. Сизларнинг бу ғалабаларингиз барчанинг юракларини тўлқинлантириб юборсин. Оламшумул ғалаба билан юртимизга қайтиб келинглар.

— Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз!

— Сизларга омад ёр бўлсин!

\* \* \*

Ҳасанбой Дустматовнинг рингдаги хатти-ҳаракати, абжирлиги Ўзбекистон Президентини қизиқтириб қўйди. Иккинчи ўйинда мексикалик Веласкесни учун хисобда, ундан кейин қозоғистонлик Жакиповни ҳам худди шундай хисобда мағлуб этиб, ярим финалга чиққанида «Худо хоҳласа, олтин медаль, шу ўғлимники!» деган ўй кўнглидан ўтди. Фаришталар «омин» деди чоғи, Ҳасанбой ярим финалда америкалик Эрнандесга бирорта ҳам очко бермади. Йирик хисобда мағлубиятга учраган АҚШ боксчиси «ўз-

бек йўлбарси»га тан берди. Ана энди мусобақанинг энг қизиқарли, ҳаяжонга тула охирги — финал қисми қолган эди. Колумбиялик Мартинес ҳам қирқ тўққиз килограммлик вазнда барча рақибларини доғда қолдириб, финалга етиб келган, ғайратию шижоатидан ғалабага бўлган ишончи юқори бўлган боксчи эди. Урингта кўтарилганда кичик жуссали боксчини менсимагандай кўринди, шунданми, ўйинни шиддат билан бошлади. Бироқ разм солган мутахассис унинг бироз чўчиб турганини пайқай оларди. Ўйиннинг ўрталарида буни Ҳасанбойнинг ўзи ҳам пайқади, шекилли, бор кучини, имкониятини ишга солиб ҳужумга ўтди. Биринчи раундни ўз фойдасига ҳал қилиш ҳар бир спортчининг мақсади бўлади. Дастлабки очко унинг руҳини кўтаради, ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

«Бардам бўл, ўғлим, ютуқ сеники!» дейди бу ёқда ўйиннинг боришини диққат билан кузатиб бо- раётган Ўзбекистон Президенти.

«Оллоҳим, юзимни ёруғ қил. Олимпиада олтин медалини юртимга, Президентимга, ота-онамга совға қилиш бахтини менга насиб эт!» дея юракдан илтижо қилади бунга ҳамоҳанг Ҳасанбой Дустматов.

Дуолар ижобат бўлди: биринчи раунд ўзбекистонлик боксчининг соф ғалабаси билан якунланди.

— Баракалла! Бушашма энди! — деди тренер унинг терга ботган юзига муздай сув сепаркан. — Ишончим комил, иккинчи раундда ҳам уни бемалол енгасан. Мартинес сенинг зарбаларингга дош беролмаяпти. Қочганини қара. Қани, чуқур-чуқур нафас

ол-да, олдимизга қўйган олий мақсадни эсла: бу вазн олтин медали кимники?

— Бизники!

— Ҳа, шундай. Бизники! Ваъдага вафо...

— Марднинг иши!

— Яша, ўғлон! Қани, олға! Биринчи олтин медали қўлга кирит!

Тренер унинг елкасига қоқиб, ғалаба сари ундади, ортидан яна бир бор омад тилади.

Реферининг буйруғи билан иккинчи раунд бошланди. Дастлабки жангни бой берган Мартинес бу раундда имкониятни қўлдан беришни асло истамади. «Ҳали сенга кўрсатиб қўяман» дегандай олға ташланди. Ҳаракатлари ҳам шунга яраша эди. Бу сафар очколар сонини тенглаштириб олса, учинчи раундни ўз фойдасига ҳал қилади, албатта. Иккинчи раунддаги мағлубият ўйинчига ёмон таъсир қилишини у яхши биларди. «Наҳот, учинчи раундни ҳам ютқазиб қўйсам?» деган ўй боксчига тинчлик бермайди, ўзини қўлга олишга халақит қилади, кайфиятини тушириб юборади. Агарда фикрини бир жойга жамлай олмаса, мағлубият аниқ.

Бироқ иккинчи раунднинг ёмон томони шундаки, аввалги ўйинни бой берган ўйинчи учун ҳаммаси шу уч дақиқада ҳал бўлиши мумкин. Рақибини яна енголмаса, тамом бўлди: ўйиннинг охири қандай натижа билан тугашидан қатъи назар, омад ёр бўлмайди.

Бу тушунчалар Ҳасанбойга ҳам яхши таниш. Негаки машқ давомида кўп бора уқтирилган. Биринчи раунд омад келтирса, кейингисида қандай ҳаракат

қилишни яхши билади. «Ҳа, имкониятни қўлдан бермаслигим керак. Мен чемпионман! Мен бунга муносибман!» Шуларни хаёлидан ўтказган Ҳасанбой ўйин тактикасини тез-тез ўзгартириб, гоҳ чекиниб, гоҳ йўлбарсдек олдинга ташланаркан, зарбалари аниқ нишонга тегаётганини ҳис эта бошлади, бундан руҳланиб, рақибига кетма-кет мушт туширди.

Бонг чалинди. Наҳот иккинчи раунд ҳам яқунланган бўлса? Тезда тугаб қолмадими, ишқилиб? Ҳамма бутун вужуди билан натижани кутарди. Ва ниҳоят... Бу галги раунд ҳам Ҳасанбойнинг ғалабаси билан яқунланган эди. Ана энди ўйинни ўзи истагандай олиб борса бўлади. Шундай ҳам бўлди. Охирги раунд ҳам Ҳасанбойнинг тўлиқ устунлиги билан ниҳоясига етди.

— Яшавор, ўғлон, ишончимизни оқладинг! Баракалла! — дея қарсак чалиб юборди Ўзбекистон Президенти севинганидан.

Айниқса, ғолибларни тақдирлаш маросимида нафақат залдаги томошабинлар, балки, жамики ўзбекистонликлар Ҳасанбой Дўстматовни олқишлади. Ватан байроғи энг тепада, энг баландга кутарила бошлаганда, юрт мадҳияси Бразилия осмони узра бутун жаҳон бўйлаб янграганда эса, кўзлар севинч ёшларига тўлди.

\* \* \*

Ёш боксчи Шаҳобиддиннинг чиқишлари ҳам барчани қизиқтириб қўйди. Мухлислар экран қаршисидан узоқлаша олмагандай, Элёр ҳам ҳаловатини йўқотган эди, у барчасини ўз кўзи билан кўришни истарди. Ҳар қандай топшириққа

рози, фақат ўзбек боксчиларининг уч раундлик жангини кўrsa, бас. Такрор томоша қилиш мумкин, бироқ биринчисига — жонли эфирга нима етсин. Элик икки килограмм вазн бўйича биринчи ўйинни ирландиялик Ирвинга қарши ўтказиб, учу ноль ҳисобида ғалаба қозонган Шаҳобиддин ҳам нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўйди. Биринчи жангдаги кайфият, ўзига бўлган ишонч америкалик Варгас устидан тулиқ устунликка эришишига омил бўлди. Элёр, айниқса, Бектемир Мелиқузиев жангини мароқ билан кузатди. Ҳар бир раундига диққат қиларкан, негадир ўзини рингда кўргандай бўларди. Финалгача етиб келган йигитнинг хатти-ҳаракатлари: рақибидан чўчимай олдинга бориши, мустаҳкам ишонч, кучли зарба жуда-жуда танишдай эди. У ўзини худди рингда деб тасаввур қиларкан, ўтирган жойида бокс тушарди. Ҳамкасблари унинг фикрини бўлишмас, собиқ Ўзбекистон чемпионининг ҳолатини ҳис қилишар, ҳаяжон ва қичқириқларига жўр бўлишарди. Туғри, Бектемирга олтин медаль насиб қилмади, аммо дунё бокс мухлислари келажаги бор янги жангчини кашф этишгани аниқ.

\* \* \*

Фазлиддин Ғойибназаровнинг олимпиада чемпиони бўлиши бутун Ўзбекистон диёрини, айниқса, Ўзбекистон Президентини шодлик ва хуррамликка ошино этди. Учта олтин медаль ўзбек ўғлонларининг қулида эди. Уларга яна иккита кумуш ва икки бронза медалларининг насиб этиши олимпиада

иштирокчиларини, дарҳақиқат, ҳайратга солди, ўзбек бокс мактабига тан беришди.

Ҳайқириқлар янгради:

— Бу олимпиада ўзбек боксчилариники бўлди!

— Ғалаба уларда кетди!

— Яшасин, Ўзбекистон!

\* \* \*

Оғир атлетика мусобақасидаги Русланнинг ғалабаси Ўзбекистонга тўртинчи олтин медални ҳада этди. Ўзбек спортчиларининг қўлга киритган ўн учта медалнинг тўрттаси олтин, иккитаси кумуш, қолган еттитаси бронза эди. Ўзбек йигитлари дзюдо ва кураш мусобақаларида ҳам ғолиблар сафида бўлишди.

Бунақаси ҳали бўлмаган эди. Дунёнинг икки юздан ортиқ мамлакати иштирок этган ўттиз биринчи ёзги Олимпиада ўйинларида йигирма биринчи ўрин! Бу дарҳақиқат, кутилганидан ҳам аъло эди.

Халқ ишончини оқлаган фарзандларини муносиб кутиб олиш учун аэропортга шошилди.

\* \* \*

Элёр боксчилар билан худди мухлислардек кўришаркан, қалби алланечук ўртаниб кетди. Ҳамманинг нигоҳи аэропорт биносидан бирин-кетин чиқиб келаётган қаҳрамонларда эди. Уни ҳеч ким танимас, эътибор ҳам бермас эди. Кимдир туртиб кетади, кимдир нари турсанг-чи, дея ўқрайиб ҳам қўяди. Нима ҳам дерди, индамай орқага сурилади.

Бир четда тураркан, шу тобда боксни давом эттирмаганига афсусланиб кетди. У фикрида қатъий

турганда чемпион бўларди, албатта. Ушанда одамлар уни ҳам худди ҳозиргидай шод-хуррамлик билан кутиб олишга чиқишган бўларди. Биров гулдаста тутган, бошқаси «Қойил қилдинг!» деган, яна кимдир ғолиб билан суратга тушиб қолишга шошиларди. Карнай-сурнай ҳам айти пайтдагидай, чемпионни олқишлаб, оҳанг таратарди...

Уйга алламаҳалда, нохуш кайфиятда кириб келди. Зулфия нима гаплигини унинг қадам олишидан сизди. Нима ҳам қила оларди: эзилган руҳини кўтариб бўлармиди, бунақа пайтда? Яхшиси, ўз ҳолига қўяди. Кўзларини юмиб ўзини уйқуга соларкан, нафақага чиқишга ҳужжатларини тўплаётган эрининг барчасини тарозига солиб кўришига ишонарди, шунда қандай йўл тутганига ўзи иқрор бўлади. Зулфия амин эдики, Элёр босиб ўтган ҳаётдан асло норози бўлмайди. Ҳозир уни ушалмаган орзуларнинг аламли ҳис-туйғулари чулғаб олган, холос. Бу ўйлар қандай шиддат билан ёпирилиб келган бўлса, бироздан кейин шундай ҳолатда уни тарк этади...

Эрталаб мактаб биноти ёнидан ўтиб кетаётган Элёр ғалати бир суҳбатнинг гувоҳи бўлди. Беш-олтита ўспирин тўпланишиб, ниманидир қизгин муҳокама қилишарди. Кеча ўз юртига ташриф буюрган боксчиларнинг катта тантаналар билан кутиб олинишини, улар эришган ютуқларини гапиришаётган бўлса керак-да, деб эътиборсиз ўтиб кетмоқчи бўлди. Бироқ Наманган, ҳокимият биноти, Президент деган сўзлар ногоҳ қулоғига чалинди-ю, қадамлари секинлашганини ўзи ҳам сезмай қолди. Касбий сезгирлик ва ҳушёрлик уни бирдан сергаклантирган эди.

— Тунов куни бобом сўзлаб бердилар, 1991 йили декабрда тузумни кўролмаган кучлар Наманганда ҳокимият биносини эгаллаб олиб, бошқача диний давлат қурамиз, деб Президентимизга шарт қўйишган экан. Ҳатто ўша бинога чорлаб, дарҳол фармон чиқарасиз, деб талаб қилишган ҳам экан.

— Менам эшитганман, ўша баджаҳл одамлар орасига бир ўзи кирган экан.

— Ростданми?

— Ёнида бир қуриқчиси ҳам бўлган.

— Ким, хавфсизликданми?

— Шунақа.

— Президент ҳаётини сақлаб қолган-да.

— Бўлмасам-чи!

— Сизларга ростини айтайми, болалар, мактабни тамомлаб менам ўшанақа ўқишга кираман. Кейин Президентни қуриқлайдиган махсус агент бўламан.

— Ол-а!

— Мана кўрасан!

— Одамлардан кимлигингни сир тутиб яшайсанми?

— Нега энди?

— Махсус агентлигингни ҳеч ким билмаслиги керак-ку.

— Майли.

— Ундан кўра спортчи бўлмайсанми? Чемпион бўлсанг, ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Биласанми, ҳозир улар қанча мукофот пули олишяпти?

— Гап пулдами? Ўша спортчининг тинчлигини сақлайдиган ким? Махсус агент! Шундай экан,



унинг ғалабасида менинг ҳам хиссам бўлади! Билдингми?..

Элёр суҳбатнинг мана шу еригача тинглади, холос. Болаларга зимдан нигоҳ ташлаб қўяркан, бирдан узини бошқача ҳис қилди. Қалби ғурур ва ифтихорга тулиб, қади тиклангандай, қадамлари тетиклашгандай бўлди. Ҳар замонда ичини эзаётган уйлар, афсус ва надомат, ушалмаган уйлар исканжасида қўзғалиб қоладиган оғриқ вужудини тарк этганини сизди. Танаши енгиллашгани ва тозаланганини ҳис этаркан, қарашлари ўткирлашди, фикрлари тиниқлашиб, ўз ҳаёт йўли ҳақида қайтадан хаёл сура бошлади. У ана шу миннатдорлик туйғуси оғушида ишхонасига қандай етиб келганини сезмай ҳам қолди. Мақсудга эшитганларини фахр билан сўзлаб бермоқчи бўлиб, энди оғиз очганди... бирдан эшик очилиб бошлиқнинг тунд қиёфаси кўринди.

— Президент оғир бетоб...

Элёрнинг сўзлари бўғзида қолди. Нималар деяпти Жалил Очиллов? Нега бетоб бўлади? Ахир кечаги куни ҳам хурсанд эди-ку? Боксчиларнинг ғалабасидан шодланиб, кўтаринки кайфиятда юрганди-ку.

Қулоқларига ишонгиси келмади. Қайтиб сўрамоқчи бўлди, лекин бошлиқнинг кўзларида милтирангача пайдо бўлган митти юлдуздек аранг акс этган ёшни пайқаб, турган жойида ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Наҳот?!

— Ортиқча савол берилмасин! Вазиятдан эсанкираш йўқ, биз ҳар доимгидан ҳам ҳушёр ва дадил бўлишимиз шарт! Буйруғимни кутинглар!

Бошлиқ шу сўзларни айтишга ўзида журъат топган эди. Элёр билан Мақсуд бир-бирларига унсиз тикилди. Уларнинг иккиси ҳам Ўзбекистон Президентига нима бўлганини билгиси келар, аммо гапира олишмас, саволларига жавоб берувчи бошлиқ эса алақачон хонани тарк этган эди.

## XLV. ЖУДОЛИК

Мустақилликнинг йигирма беш йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилган, эрта-индин шодиёна ўтказиш учун ҳамма нарса тахт эди. Аммо нохуш хабар бутун ўзбек халқининг қалбини ўртаб, дилини маҳзун қилди. Тантана ҳаракатлари тўхтаб, мамлакатни бир зумда нохуш кайфият чулғаб олди. Мусаффо осмонни бирдан қора булутлар исканжасига олган-у, ҳадемай ўтакаларни ёргудек чақмоқ чақади, момақалдироқ гумбурлайди, сўнг шиддатли жала қуяди.

2016 йилнинг 28 августида бошланган кузги хазонрезгилик одатдагидан бироз эртароқ келган эди. Одамлар сентябрнинг илиқ келишига, биринчи куниданоқ кўнгилларга шодлик ва бахтиёрлик улашишига кўникиб қолган эканлар. Президентнинг беҳосдан юрак хуружига учраб махсус шифохонага ётқизилиши, дарҳақиқат, мамлакат аҳолисини бирдан қайғуга солиб қўйди. Негаки шу чоққача одамлар давлат бошлиғининг касал бўлиб, даволанишга ётқизилганини эшитмаган эдилар-да. Каттаю кичик давлат бошлиғига соғлиқ тиларди.

«Майли, бу йил мустақилликни нишонламайлик, аммо тузалиб кетсинлар, келгуси йил эса қўшалоқ байрам қилайлик!»

«Умрлари узоқ бўлсин. Мана, эккан дарахтлари мевага кира бошлади. Хирмоннинг бошида ўзлари турсинлар!»

«Мустақиллик меъморига соғлик ва омонлик тилаймиз!»

«Жуда кўп хайрли ишларга бош-қош бўдилар, Оллоҳ шифо берсин!»...

Бироқ эртаси куни «Фергана» агентлиги тарқатган совуқ хабар халқни саросимага солиб қўйди. Бироқ ишонмадилар ва тинимсиз телевидение ва Вазирлар Маҳкамасига қўнғироқ қилиб, ҳақиқатни сўрай бошлашди.

— Президентнинг аҳволи яхшими?

— Нима бўлди, нега мудҳиш хабарлар тарқатилляпти?

— Наҳот... Айтинглар, ростини!

Ўзбекистон Президенти аппаратининг масъул ходимлари бу шумхабар нотўғри эканлигини маълум қилганидан сўнггина одамларнинг кўнгли тинчиди. Ишонмай тўғри қилганларига қувонишди. Бунга яна бир сабаб ҳам бор эди, Президентни даволаш учун Россия, Германия, Финляндия ва Монако давлатларидан етакчи мутахассислар кела бошлаган эди. Машҳур шифокорлар жалб этилган экан, демак, ҳаммаси яхши бўлади. Бу кўрилаётган тadbирлар одамларнинг қайғусини аритди, Президентнинг тез орада соғайиб кетишига бўлган ишончини оширди.

Бироқ иккинчи сентябрь куни телевидение орқали расмий хабар эълон қилинди: мамлакат Президентининг саломатлиги оғирлашди!

Кимдир ваҳимага тушди, кимдир кеча пайдо бўлган ишончини йўқотишни истамади. Лекин ҳар иккиси ҳам дуодан тўхтамасди: ўзинг шифо бер, эй, Яратган Эгам!

Ҳаммининг тинчи бузилган эди. Улар мамлакатни узоқ йиллардан бери бошқариб келаётган Юртбошининг соғлиғидан росмана хавотирга тушиб қолдилар. Кечга бориб Вазирлар Маҳкамасининг расмий хабари ўзбек миллатини чуқур қайғуга ботирди: Ўзбекистон Президенти вафот этди!

Бу хабаргача ҳам одамларнинг кўзларига ёш келмаган эди. Улар умид қилишарди, улар Оллоҳга ёлборишдан тўхтамаганди, улар Юртбоши билан яна кўришиш иштиёқида эди ва бу ишончини йўқотмаганди.

Бироқ иккинчи сентябрдаги хабар уларнинг дилларини хуфтон қилди, эзилган юракларини вайрон этди. Энди улар Худодан марҳумга марҳамат сўрай бошладилар, жойини жаннатда қилгин, деб илтижо қила бошладилар.

Учинчи сентябрь тонг саҳарда марҳум Президент билан видолашиш учун деярли бутун пойтахт аҳолиси йўл бўйига чиқди. Элёр бундай тумонат одамни умрида кўрмаган эди. У рафиқаси ва фарзандларининг қўлини маҳкам сиқар экан, ёшли кўзларини ҳар замонда артиб қўяр, шундоқ олдида турган ўғлига нимадир демоқчи бўлар, бироқ лаблари титраб гапира олмас эди.

— Дада, сиз касбингиздан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди, — деди кап-катта йигит бўлиб қолган Жалолиддин қўлидаги гулдасталарнинг бирини аввал онасига, сўнгра дадасига тутқазаркан. — Қаранг, қандай инсон билан ёнма-ён ишлагансиз. Бу ҳурмат, бу қадр, бу меҳро-оқибат бўлса керак, дада. Одамларнинг куз ёшларига қаранг. Бу бағрикенг халқнинг меҳро-муҳаббати, ногоҳ бошга тушган мусибатга, айрилиққа бардоши. Қандай таъсирли манзара. Сиз шу юртнинг озодлиги учун курашган, эришган мустақиллигини ҳимоя қилган, тинчлиги, равнақ топиши ва келажаги учун астойдил тер тўккан, мард ва жасорат соҳиби бўлган Президентни кўргансиз, суҳбатида бўлгансиз. Қалтис пайтларда ҳимоясига отлангансиз. Дадажон, мен сиз билан фахрланаман. Сизнинг касбингизни танлаганимдан хурсандман. Мен ҳам шу азиз Ватанинг содиқ ўғлони бўлиб қолишга, уни куз қорачиғимдай асрашга сўз бераман. Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, дадажон.

Бу сўзларни эшитиб, Элёрнинг кўнгли бўшашиб кетди. Меҳро билан елкасидан қучиб қўяркан, пешонасидан ўпди: мен сенга ишонаман, ўғлим, дея пичирлади.

— Мен ҳам сизни яхши кўраман, — деди қизи Нигора дадасининг бағрига бош қўйиб. — Яқинда полковник унвонини олганингизни эшитиб, жуда қувониб кетдим.

Элёр Тиббиёт академияси қошидаги коллежда таҳсил олаётган қизининг юзидан ўпиб қўйди. Бир пайт унинг нигоҳи ўзидан анча нарида турган уч

қарияга тушди. Ҳассага таяниб турган чоллар та-  
ниш кўринди. Бироқ улар тўрт киши эди-ку, битта-  
си нечун кўринмаяпти?

Элёр ортиқ хаёлини бўлгиси келмади...

Машиналар яқинлаша бошлаган сари йўл че-  
тидаги одамлар беихтиёр бир қадам олдинга юр-  
дилар. Жалолиддин кўлидаги каттагина гулдас-  
тани ёнларидан аста ўта бошлаган кортежнинг  
ғилдираклари остига ташлади. Элёр Президент  
тобути жойлашган машинадан ёшли нигоҳларини  
узолмай «Алвидо!» деди оҳиста ва гулни унинг  
ойнаси томон отди. Бир даста қизил атиргул  
шундоқ ойнанинг ўртасига бориб тушди ва маши-  
на билан йўлда давом этди.

Одамлар бағриларига босган, кўлларида кўта-  
риб турган ранго-ранг гулларни йўлларга пойан-  
доз айларкан, дил сўзларини ҳам яшира олишмас-  
ди:

- Миллатнинг асл ўғлонларидан бири эди!
- Мустақилликнинг меъмори эди!
- Мард ва жасур Президент эди!
- Ўзбекистонни оёққа турғазиб кетдилар!
- Ўзларидан озод ва обод юрт қолдирдилар!
- Ўзбекистон жаҳонга юз тутди!
- Ўзбек халқига дунё тан бера бошлади!
- Ўзбекистон тинч ва фаровон диёрга айланди!
- Ҳамма-ҳаммаси учун раҳмат!
- Биз сиздан розимиз, сиз ҳам рози бўлинг!
- Жойингиз жаннатда бўлсин!
- Алвидо, юртининг улуғларини улуғлаган тол-  
мас курашчи!

— Алвидо, халқини ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун қайғурган Юртбоши!

— Алвидо, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти!

## XLVI. «АЛВИДО, ОНА ЮРТ!»

Инсоннинг жони танани тарк этгач, руҳи осмонга кўтарилади ва бу руҳ теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисотларни кўриб, билиб, эшитиб туради, дейишади кексалар. Жасад қабрга қўйилгунча, айниқса, шошиб қоларкан, қалбдаги қолиб кетган армон, насиҳат ва ниятларини баён қилишга. Агарда шу гап рост бўлса, Ўзбекистон давлатининг Биринчи Президенти дилдан ўтган нидоларни таҳмин қилиш мумкин:

«Шаккоклик қилмоқчи эмасман,  
Аммо бироз эртамасмиди, Худойим?..  
Лекин муддатимни ўзинг билурсан.  
— Алвидо она юртим, ота маконим!  
Алвидо, жондан азиз Ўзбекистоним!  
Алвидо, пойтахтим, азим Тошкентим!»

Ҳаво лайнери пойтахт Тошкентдан қадимий Самарқанд шаҳрига йўл олди. Аэропорт ҳудудида босгани ер йўқ эди. Самолёт кўринмай қолди, аммо кўз ёшларини ҳануз тўхтата олмаган одамлар тарқалай демасди. Оиласи билан бу ерга етиб келган Элёр ҳам қайғуга чўмган одамлар орасида анчагача қолиб кетди.

Халқ меҳрини сезган марҳум Президентнинг охирги ўйлари шундай бўлгандир:

«Ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўзбегим,  
Охирги дони, тилласи ва толасигача  
Тортиб олинган халқим.  
Биз бундай қуллик ва асоратда асло  
Яшай олмаймиз, дедик  
Ва жасорат камарини белга боғлабон,  
Дадил озодлик йўлини танладик!  
Не-не тазйиқларга қарамай, ортга қайтмадик,  
Тусиқларни енгиб мардона,  
Эришдик ҳурликка! Олий ниятга!  
Шиорга айланди мақсадимиз:  
Биздан озод ва обод юрт қолсин!  
Қўлимиз меҳнатда, дилимиз Аллоҳда эди!  
Бироқ  
Наманганда қузғолон, йўлга отландим...  
Халқаро террорчилар Сурхон воҳасида...  
Андижон фожиаси...  
Ўш воқеалари...  
Бу даҳшатли кунлар юрагимни эзди.

...Боксдаги оламшумул ғалабалар.  
О, қандай қувончли хушxabар!  
Юрагим орзиқиб, шодланиб кетди.  
Эй ўзбегим, Ўзбекистоним,  
Энди сени ҳеч ким енголмас!..»

Пойтахт ортда қолди. Самолёт Самарқанд ос-  
монига кириб кела бошлади.

Буни англаб турган Президент руҳи нидо қилди:  
«Ассалом, эй азиз-авлиёларим,  
Ассалом, эй улуғ зотларим!



Қабул қилинг энди ёнингизга  
Мен бир бечорани ҳам!

Боғ ҳосилга кирганди, бироқ...  
Мевасин татимоқ насиб этмади.  
Лекин утган умримга ачинмайман,  
Ахир мен ҳам миллат учун яшадим сиздек!  
Армон не даркор.

Алвидо, она юртим, жоним Ўзбекистон!  
Мендан рози бўлинг, азиз халқим, Ватаним!  
Эй, раҳмли Оллоҳ, Ўзбекистонни Ўзинг асра,  
Унинг тинчлиги ва фаровонлигини абадий қил!..

Эй, қадрдон миллатим, жонажон ўзбегим,  
Бир-бирингиз билан аҳил бўлинг,  
Юртни кўз қорачиғидай асранг, авайланг!

Сиз учун жонини фидо қилганларни эсланг,  
ёд этинг!»

Тамом.

Муаллифдан: *Яратган Раббим Оллоҳ, ўзбек миллатининг порлоқ кунлари учун яшаган, курашган ва бу йўлда азиз жонларини фидо қилган барча ватандошларимдан ўз марҳаматингни дариғ тутма!*

## Мундарижа

Нашриётдан .....	3
------------------	---

### Биринчи қисм

I. Хавотир .....	5
II. Жиноят ва жазо .....	18
III. Президент «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ...	28
IV. Сурхон осмонида қора булут .....	32
V. 2001 йилнинг баҳори, ёзи ва кузи .....	51
VI. Андижонда нима гаплар? .....	67
VII. Ҳамид Карзай ташрифи .....	83
VIII. Президентнинг АҚШга сафари .....	86
IX. «Халқаро миқёсдаги лидер» .....	99
X. Байрам арафасида .....	105
XI. Буюк зотлар руҳи шод бўлган диёр .....	109
XII. Янги Бош вазир .....	123
XIII. 2004 йилнинг қувонч ва ташвишлари .....	125
XIV. Яна бир хунрезлик .....	136
XV. Қайғуга ботган Осетия .....	142
XVI. Президентни ташвишга солган воқеа .....	155
XVII. «Қўшнинг тинч — сен тинч» .....	163
XVIII. «Андижонда фожиа юз берди» .....	174
XIX. Фожиядан анча йил олдин .....	180
XX. «Нимадан ташвишдасиз?» .....	191
XXI. Тергов ва қамоқ .....	200
XXII. Муҳиш режа .....	225
XXIII. Музокара .....	242
XXIV. Тарихнинг номардларча жанг усули .....	251
XXV. Ошкор бўлмаган қаҳрамонлик .....	258
XXVI. «Аёллар, ортингизга қайтинг!» .....	265
XXVII. «Қизғалдоқ инқилоби» нега такрорланмади? .....	268
XXVIII. Россия Президентининг тасдиғи .....	272

## Иккинчи қисм

XXIX. Янги стратегик ҳамкорлик .....	278
XXX. Тошкент — Ислон маданияти пойтахти .....	290
XXXI. Ушалмаган орзу .....	294
XXXII. Соядаги улфатлар .....	301
XXXIII. Яна Қирғизистон воқеаси .....	310
XXXIV. Ўзбекистон Президентининг таклифи.....	318
XXXV. Тан олинган ҳақиқат .....	320
XXXVI. «Сиздан ранжиганим йўқ» .....	323
XXXVII. Тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори.....	329
XXXVIII. Яхши қушиллардан бири .....	331
XXXIX. Автомобиль саноати ривождаги янги қадам .....	335
XL. «Болаларга гамхурлик қилишдан чарчамайман!» .....	338
XLI. Наҳот, фаришталар «омин» деган бўлса? .....	343
XLII. «Энди ҳеч нима қила олмаймизми?» .....	346
XLIII. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» .....	359
XLIV. Ўзбек боксчиларининг улкан ғалабаси ёхуд Президентни қувонтирган воқеа .....	364
XLV. Жудолик .....	374
XLVI. «Алвидо, она юрт!» .....	379

*Адабий-бадиий нашр*

АКБАР МИРЗО  
(Нурматов Акбарали Мирзо Қосимхожи ўғли)

## СЎНГГИ НИДО

Роман  
Иккинчи нашри

Муҳаррир	<i>Л. Игамова</i>
Рассом-дизайнер	<i>Б. Зуфаров</i>
Техник муҳаррир	<i>Б. Каримов</i>
Мусахҳиҳ	<i>Ш. Шоабдурахимова</i>
Кичик муҳаррир	<i>Г. Ералиева</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>Ф. Ҳасанова</i>

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.  
Босишга 2019 йил 7 январда рухсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Офсет қоғози. «UZ-Academy» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 20,16. Нашр табоғи 15,29.  
Адади 5000. Буюртма № 18-636.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кучаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)





25.000c





**Акбар Мирзо** (Акбарали Мирзакосимович Пурматов) 1961 йилда Андижон вилоятида туғилган. 1988 йилда “Орзуга оқ йул” деб номланган илк китоби нашр этилган. 2001 йилда “Қалб исёни” номли хикоялар туплами, 2010 йилда “Аёзи чузилган баҳор”, 2011 йилда “Нажот кемаси” киссалари, 2013 йилда “Октяналик уғри” ва “Ажал билан юзма-юз”, 2017 йилда “Сункасл” ва “Сунги нидо” романлари, 2018 йилда “Снайпер” деб номланган киссаеи нашр этилган.

«O‘ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-499-2



9 789943 254992